

Зулфия

АСАРЛАР

УЧ ЖИЛДЛИК



Биринчи жилд

Шалола

Шеърлар

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1985

Уз2
3—91

Сўзбоши муаллифи
САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори

Зулфия.

Асарлар: 3 жилдлик [Сўзбоши муаллифи С. Мамажонов) Ж. 1. Шалола.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.—416б.

Ўзбекистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ~~СССР Давлат~~ мукофоти, ~~Ўзбекистон~~ республика Давлат мукофоти лауреати, Неру ва «Нилуфар» мукофотларининг лауреати Зулфиянинг уч жилдлик «Асарлар»и нашр этилмоқда.

Мазкур биринчи жилдга шоиранинг 1931—1974 йилларда ёзилган шеърлари киритилган бўлиб, уларда янги ҳаёт ва озод меҳнат, уруш ва тинчлик, муҳаббат ва ҳижрон, она қувончи ва изтироблари каби долзарб мавзулар комил маҳорат билан ёритилган.

Зульфия. Собрание сочинений: В 3-х т.
Т. 1. Водопад: Стихотворения.

Уз2

3 $\frac{47025702000-147}{M352(04)-85}$ 22—85

© Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1985 йил. (Сўзбоши)

ДАВР БИЛАН ЕЛКАДОШ, ХАЛҚ БИЛАН ТАҚДИРДОШ ШЕЪРИЯТ

Сўз санъаткорлари ўз халқининг элчиси, тимсолидир. Халқнинг миллий характери, нодир фазилатлари, эзгу туйғу ва юксак орзу-армонлари ёзувчилари, шоирлари орқали бошқа юртларга ва келажак авлодларга етиб боради. Ўз халқининг замонлар билан, турли миллат, халқ, эллатлар билан тақдирдош, елкадош эканлигини ифодалаб, илғор инсониятни бир-бирига яқинлашишига катта ҳисса қўшаётган, уларни эзгу ишларга илҳомлантираётганлар ҳам шулар. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг кўрки, кўп миллатли совет адабиётининг йирик намоёндаси бўлган Зулфия ана шундай ижодкордир. Зулфия шеърларининг руҳи ва оҳангини, мазмуни ва йўналишини, мақсади, ғояси ва идеалларни—пардасини белгилаган нарса ҳам худди шу умуминсоний фикр ва туйғулардир. Унинг шеъриятида ҳаёт завқи ҳам, яратиш шавқи ҳам, ғолиблик ғурури ҳам, келажак сурури ҳам, инсонлар бахти ҳам, ошиқлар аҳди ҳам, халқнинг ёвдан, ёмонликдан ғазабига ҳам, қирғин уруш келтирган ҳижрон азоби ҳам, аёлнинг улуғ тоқати ҳам, чин садоқати ҳам, кемтиклик армони ҳам, дўстликнинг дармони ҳам, хуллас хилма-хил ҳаётининг инсоний туйғулар, фикрлар, ғоялар ифодалангани. Зотан Зулфия ижодининг юрагини, ҳароратини, руҳини белгилаган омил ҳам ундаги юксак, жўшқин ва фаол инсонпарварликдир. У бутун борлигини, жони-танини табиат тожи бўлмиш инсонга бағишлади: инсоннинг шодлигига шодлик, бахтига бахт қўшиш, дардига шерик, ярасига малҳам бўлишга интилди, уни оппоқ тонг сари, порлоқ келажак томон етаклашга ошиқди. У инсоният манфаатига зид турган «ҳар нега ўзини қалқон» қилади, тинчлик, адолат, ҳақиқат, гўзалликни, эзгуликни она ўз фарзандини қандай ардоқласа, шундай ҳимоя қилади; инсонлар юрагига яхшилик уруғини сепиб, қалб ҳарорати билан

иситиб, уни кўкартирмоқчи бўлади, агар бунда «қалбидаги ўт қор қилмаса, сочини ёқиб учқун сочмоққа» аҳд қилади. Шоиранинг ҳаммани «юрагига яқин олиши», ҳаммани «кўзи қош сингари» дўст, «абадий елкадош, тақдирдош, биродар» деб билиши, «ҳамма билан иши борлиги» ва «юртим харитаси — менинг юрагим» дейиши шундан. «Борлиғи туйғу» бўлган Зулфиянинг «Ер бахтидан боши айланиши» ҳам, одамлар «қайғусидан юраги сирқираши» ҳам шундан:

Мен Ҳофиздай улашмайман юрт!
Истеъдодим, қалбим сизларга.
Яхши номим, бахт-севинчим бут
Барчасини берай қизларга.

Юрагимдан узайин парча
Ва келтириб шам деб тутайин.
Хоҳиш, қоҳиш, измингиз барча,
Барчасини кўзга суртайин —
Ўғирламанг қаламим бир кун.

Гар пахтадан тўлмаса режа
Сочларимни берайин қўшиб,
Сизга ором бермаса кеча,
Олинг мендан! Мен бедор жўшиб
Бахтингизни олай қаламга.
Очиб берай сизга қалбингиз.
Шухратини ёяй оламга
Меҳнатингиз, севги, кашфингиз.
Ўғирламанг қаламим бир кун!

Бу ердаги сўзлар, фикрлар шунчаки шарқона лутф эмас, балки шоиранинг ижодий программаси, принциpidир. У чиндан ҳам ўз шеърияти орқали ўзбек халқининг, совет кишиларининг бахти, инсонийлиги, дўстлигини, аёлларимиз қалбининг гўзаллиги, беқиёс, жасорати, улуғ муҳаббати ва садоқатини жаҳонга намойиш қилди. Жаҳоннинг кўпгина китобхонлари Зулфия шеъриятида ва унинг гражданлик тақдирида социалистик тузум ярим аср ичида ўтмишда тўрт деворнинг қули — ожизаси бўлган аёлни нақадар баланд бахт ва шухрат тахтига ўтқазганининг гувоҳи бўлди. Зулфия шеърияти прогрессив инсоният руҳи ва интилишлари, дард-ташвишлари, орзу-идеалларига туташиб кетганлиги учун ҳам улар ўзбек шоирасини тан олишиб, ижодига юксак баҳо бермоқдалар. Ахир **Ўзбекис-**

тон Халқ шоираси Зулфиянинг мамлакатимизнинг қатор мукофотлари — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, СССР Давлат мукофоти ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан, шунингдек Неру ва «Нилуфар» номли халқаро мукофотлар, Болгариянинг 1 даражали «Кирилл ва Мефодий» орденлари билан тақдирланиши бежиз эмас-ку!

* * *

Зулфия шеъряти теран фикр ва қайноқ ҳиссиёт уйғунлигидан ҳосил бўлган, демак интеллектуал ва психологик шеърят, у таҳлилий, фалсафий ўйчан — усти тинч, замири нишоб, жиддий, таранг ва конкрет — манзарали. Шоира ҳиссиёт оқимини, кечинма манзарасини, ўткир драматик ҳолатни ҳамда бунинг энг чўққиси бўлган фожиавий коллизияларни чизади. У маънавий бой, руҳий тетик, ҳаётбахш ва мардона шеърят. Унда Вақт ва Макон чегараси, қамрови кенг ва яхлит: воқелик ва инсон тақдири кечаги куни, бугуни ва эртаси билан уйғунликда идрок этилади: шоира ижодида «хотира» — «тақдирдош», «юрагимга яқин кишилар» ва «келажак» мотивларининг муҳим ҳамда барқарорлиги шундан. Шоира ижодида кўтарилиқлик, бахтиёрлик оҳанги билан фожиавийлик йўналишининг ёнма-ён келишининг боиси ҳам унинг воқеликни, замонни, инсонни кенг, яхлит, мураккаблиги билан таҳлил этиш йўлидан боришига боғлиқ. Тарихнинг ҳам шукуҳли хулосаларига, ҳам аччиқ сабоғига суяниши ётади: «Кечмишим ёлғиз бир алифбо — сабоқдай» дейди шоира «Келажак...» шеърисида.

Шоира бир шеърисида шундай деб ёзади:

Не ёзсам туб-тубдан ҳаётга доир,
Инсоний қалбимнинг тебраниши ул.

Бу ерда шоиранинг икки бир-бирига туташ ижодий принцигига ишора бор. Биринчи — шоиранинг илк тўплами бўлмиш «Ҳаёт варақлари» (1932 йил, Зулфия бу вақтда 17 ёшда эди) тўпламидан бошланган ижодий принцип — ҳаётга, инсонлар қалбига яқинлик, яъни мавзунини, фикрларини, туйғунини, орзу-армонини шулардан қидириш ва иккинчиси — шу ҳаёт воқелик ва инсонлар меҳнати, кураши туфайли қалбда туғилган фикр-

кечинмани ифодалашдир. Шоира қалб торларидан чиққан оҳанглар ташқи дунё — ҳаёт зарбларининг акс садосидир. «Мен шеърларимнинг бир мавзу атрофида чеклаиб қолишини истамайман» деган Зулфиянинг лирикаси чиндан ҳам кўп овозли, сероҳанг. Аммо бу оҳангларнинг энг марказийси ва баланд жанрланган, яна алоҳида таъкидлайман, бу — бахтиёрлик, шодлик ва ҳаяжон, ғам-фожиавийликдир. Шоира ўз шеърлари тўғрисида ўйларкан:

Маъноси ҳам, ёрқини ҳам бор,
Тупроқ, ҳаёт, юрак бу ахир!—

дейди. У яна бошқа бир шеърда ҳам ўз созига мурожаат этиб «Сен тоқ эмас — икки торли соз, қўш қанотла қиласан парвоз», дейди. Гарчанд шоира бу ерда дафъатан Ҳамид Олимжонни ҳам назарда тутаётган бўлса-да, аслида ўзининг ижодий принципини назарда тутмоқда (Зулфия Ҳамид Олимжон образига мурожат этиб «Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда», деб унинг созини ҳам қўшиб чалаётганини таъкидлаган эди). Ҳамид Олимжон бахт ва шодлик куйчиси эди, шунинг учун унинг шеърлятида шодлик оҳанги, кўтаринки руҳ етакчи эди. Зулфия ўз ижодида Ҳамид Олимжондаги худди шу йўлни, шу принципни давом эттирмоқда. Бу—унинг лирикасининг бир қаноти бўлса, иккинчиси—воқеликни бутун зиддиятлари, фожиавий томонларини кўрсатиш орқали қаҳрамонликни улўглашидир. Зулфия шеърлятидаги фожиавийликни келтириб чиқарган ва чуқурлаштирган асос эса унинг таржимаи ҳолига, шахсиятига ҳам боғлиқ. Зулфия шеърлятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлмиш шу автобиографизм вазнининг устунлигидир. Автобиографик асоснинг кучлилиги ва фожиавийлик оҳангининг баландлиги Зулфия шеърлярида яна бир ўзга хосликни — воқеавийликни, миниатюр сюжетлиликини келтириб чиқарган.

Сергей Есенин «Ўзим ҳақимда» номли таржимаи ҳолида туғилган жойи, йили, ёшлиги ва ўқиган мактабларини баён қилгач: «қолган автобиографик маълумотларга келганда, улар менинг шеърларимда», деб нуқта қўйиб қўя қолади. Мана шундай фикрни Зулфия ҳам ёзган. «Назаримда,— дейди Зулфия,— шоирлар ўз таржимаи ҳолларини ёзмасликлари жоиз. Негаки, шоирлар ҳақида шеърлари тавсиф беради, улар ҳақида ҳамма нарсани айтиб бермаса ҳам, ижодларида

ҳаётларининг кўпчилик томонларини шарҳ этиб беришга қодир шеърлар бўлади».

Бу қайдларда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бор. Тўғри, баъзи шоирларда шоирнинг «Мен»идан ташқарисидаги олам тургандай туюлади. Масалан, Ғафур Ғулом «Мен ўз халқимнинг тилиман» деб лутф қилган бўлса-да, унинг асарларининг туғилиши, мазмуни, ғояси ва мақсад-идеалларини шоирнинг босиб ўтган йўллари — таржимаи ҳолидан мутлақо ажратиб бўлмайди. Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» ёки «Кузатиш» каби ўнлаб шеърларида унинг таржимаи ҳолининг қатор ёрқин саҳифалари — ижтимоий қимматга эга нуқталари акс этган. Шоирнинг ташқи дунёга муносабатининг ифодаси лириканинг туб фазилати экан ва шу муносабат шоирнинг фикри, ҳис-туйғулари, кечинмалари орқали ифодаланар экан, ҳар бир мисрани юрак қони ва ақл чироғи билан ёзар экан, демак бунга ижодкор қалбининг, тарихи, таржимаи ҳолининг толалари, лавҳалари, хулосалари қўшилмасдан иложи йўқ. Аммо шоирлар «дунё ҳодисалари билан бирикиб кетишда» (Гегель), ўзиники билан ўзганикени ифодалаш усулида, принципада бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, Ғафур Ғулом ташқи олам ҳодисаларини баҳолашда шу оламнинг тажриба ва хулосаларидан келиб чиқади, ўзиникини ўшаларга қўшиб юборади, таржимаи ҳолига доир деталлар, ҳолатлар, фактлар, дард-армонлар, фикр-хулосаларни ўзгаларникига едириб юборади. Зулфия эса ташқи оламдаги ранг-баранг ҳодисаларнинг, фикр, ғоя орзу-идеалларнинг ўз руҳига, ўз дунёқарашига, таржимаи ҳолига, тақдирига, истак ва идеалларига ҳамоҳанглигини кўради, тинглайди, олади ва шу ташқи оламни, ўзгаларникини ўзиникига қўшиб, омукта қилиб беради. Замон, муҳит туғдирган қалбидаги кечинмалар, ижтимоий-сиёсий мазмунга молик туйғулар, ҳолатлар талқини, ифодасида типик, умуминсоний фикр ва ғояларни ифодалайди. Зотан Зулфиянинг ўзига хос овози ва услуги ҳам унинг ҳаётга, воқеликка ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз нуқтаи назари, ўз қалб ўлчови билан баҳо бера бошлаганидан кейин, Гегель ибораси-ла айтсак, ўша «дунёнинг ўз қалбида туриши, ўз индивидуал, ички ҳаётига диққатини тўплаши» қарор топгач, «шахсияти ўз-ўзидаги объектга» айланиб, ўз-ўзини назорат қилишга даъват эта бошлаганидан» (А. Веселовский ибораси) шакллана ва ёрқин кўрина бошлади.

«Уруш йиллари камолат даври бўлди,— дейди Зулфиянинг ўзи,— ақлли гапларни ўйлаб топишга, ясама дард ёки завқ-шавқни куйлашга ўрин қолмади, турмушнинг ўзи қатъият билан ҳақиқий сўз талаб қилди; беихтиёр равишда ёки бировнинг тажрибасига мурожаат қилиш натижасидами, асл сўзлар ўз-ўзидан қўйилиб келаверганидан кейин уларни ўрни-ўрнига жойлаштириш, бир-бири билан боғлаш йўлини топар экансан... 1947 йилда чиққан «Хулқар» китобим янги ишнинг якуни бўлди. Шеърларим воқеабанд бўлиб қолди, десаммикан. Лекин баёнчилик маъносида эмас. Мен бу шеърларга ўз руҳий тарихимнинг бир парчасини жойлаштира бошладим (таъкид бизники — С. М.), бу парчанинг ўз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди. Энди ёзмоқ учун, Лев Толстой айтгандек, дастлаб гапнинг учини учига улаб олишим керак эди. Шеърни бошлаб қўйиб, охирини топмагунимча уни давом эттира олмас эдим. Эндиликда қаёққа қараб кетаётганлигимни билганимдан йўлнинг энг қисқасини излаб топа олардим. Натижада шеърларим мухтасар ва тугал бўла бошлади».

Зулфия шеърларига худди шу «ўз руҳий тарихининг бир парчасини жойлаштира бошланишидан» унинг ижодида кескин кўтарилиш юз берди. Чунки Ибсен сўзи билан айтганда, «бошидан кечирмоқ билан яшамоқни бир-биридан аниқ фарқламоқ керак, фақат биринчисигина ижод манбаи бўлиб хизмат қилади». Шоира ана шу бошидан кечирганини, ҳаётий тажрибаларини, руҳий тарихини, ҳиссий ҳолатларини, қалб зарбларини бериш, таҳлил этиш орқали кенг оламга ва инсонларнинг қалб тубига чуқур кириб борди. Бу унинг Ҳамид Олимжоннинг фожиали тақдири муносабати билан ғоят кенг ва теран ишланаётган ҳижрон мотивидаги шеърларида айниқса яққол кўринди. Бу деган сўз Зулфиянинг аввалги икки тўпламида («Ҳаёт варақлари», «Қизлар қўшиғи») ёки урушнинг дастлабки йилларидаги шеърларида ҳаётийси, мукаммали йўқ демак эмас. Зулфия бахтиёр аёллар ғурурини ифодаловчи шеърлар, уруш бошиданоқ хотин-қизлар иродаси ва мардлигини очувчи асарлар ёзди. Ҳатто Ҳамид Олимжон ҳаёт вақтидаёқ шоира ижодига ҳижрон мотиви кириб келди ва бу мотив «Ҳижрон» шеърларида, «Уни Фарҳод дер эдилар», поэмасида, Ҳамид Олимжон томонидан таҳрир қилиниб босмага туширилган «Ҳижрон кунларида» шеърини тўпламида муҳим ўрин

тутади. Агар Зулфия 30-йилларда ёзган шеърларида «Шу ҳаётда чексиз қувноқман, ҳам шод, шод дилдан шодликни мағрур куйладим», «Жарангли шoirнинг нағмаси энди, унда бор на алам, на қайғули зор» («Октябрь») деб ёзган бўлса, бу туйғу янги ҳаёт қурилаётган ўша қайноқ ва кўтаринки давр руҳига мос келган бўлса, уруш бошланиши билан у «Душман ажал тортиб келди Ватанга, бизнинг севгимизга ташлади ҳижрон» деб халқ ҳаётида содир бўлган воқеани таҳлил этишга киришди, ҳижрон мотиви орқали иродаси, жасоратини ва ғалабага бўлган қаттиқ ишонч туйғусини йфодалади. Ҳатто шоира:

Мен севган дилдорнинг севги юрти бор!
Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.
Бу ҳижрон мангумас, висоли ҳам бор —
Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи,—

деб ёзиб «ҳижрон мангумас» деган фикрни айтади. Кейинча воқеликнинг ўзи ва шоиранинг шахсий ҳаёти билан алоқадор бўлган ҳодисанинг ўзи (Ҳамид Олимжоннинг фожиали тақдири) уруш бошида айтилган бу фикрга жиддий таҳрир киритди — ҳижроннинг мангуси ҳам бўлиши мумкинлигини англатди.

Аммо бизнинг бу ерда айтмоқчи бўлган фикримиз бошқа: шоира халқ руҳини ўзиники тарзида, ўзгаларнинг ҳижрони, гами ва шодлигини ўзиники сифатида чуқур ҳис этиб тасвирлай олди. Шелли айтадики, «ҳақиқий олижаноб бўлиш учун инсон ўзини ўзганинг ва кўпгина бошқа бировларнинг ўрнида тасаввур қила билиши керак; ҳам ва шодлик ҳамда шунга ўхшаган нарсалар унинг ўз-ўзиникига айланиши шарт». Зулфия бу йилларда худди мана шу ижодий принципга суянганди, албатта, кейин ҳам бу йўл доим унга ҳамроҳ бўлди. Масалан, шоира 1942 йилда деган эдики:

Ишончим буюкки, бўлур зўр байрам,
Менинг севганим ҳам қайтади голиб.
Йўлига чиқаман қучоғим тўла
Боғларида ўсган гуллардан олиб.

(«Менинг Ватаним»)

Шоира уруш ғалабамиз билан тугагач ёзган «Ғолиблар қайтганда» шеърда гўё юқоридаги шеър сю-

жетини давом эттиргандай диққатни ўша лирик қаҳрамоннинг ҳолатини чизишга қаратади. Ғалаба кўпларнинг ҳижронига чек қўйди—«ўлдирувчи аччиқ бир ҳижрон зафар алангасида тамом ёнди». Аммо бу қаҳрамоннинг севгилиси қайтмади, оламни шу ғалаба шодиёнаси босган бир пайтда у севгилиснинг суратини олиб, унга «ўксиб-ўксиб боқади, ёноғида томчилар қотади». Бироқ ғалабадан ва бутун эл шодлигидан қувонган аёл «чиқмасам бўлмайди бутун элда тўй» деб гулдаста олиб ғолибларни қутлагани чиқади ва «висолга ошиққан қувноқ тўдага қўшилиб кетади». Ёки «Уғлим, сира бўлмайди уруш!» шеърда жангда эридан ажралган аёл ҳақида ёзиб, унинг гоҳ йиғит бўлиб қолган ўғлидан ғурурланишини, гоҳ «ёнида унинг отаси йўқлигидан ўкнишни»ни тасвирлайди. Она дейдики:

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номлик буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак бахтини,
Жуда мурғак гўдакларимдан.
Яхши ҳам бор шундай Ватаним,
Далда бўлди юракларимга.

Иккала шеърда ҳам Зулфия ўзгаларнинг шодлиги ва ғамини ўзиникидек ҳис этади, ўзиникини эса шу халқниқига қўшиб юборади: ғалаба кунни бу улуғ айёмни орзиқиб кутган Ҳамид Олимжонни ўксиб-ўксиб эсга олар экан, ўзининг шу шахсий ҳаётига доир фикр-туйғуларини урушда ўз жигаридан жудо бўлган минг-мингларниқига қўшиб беради. Шеърда мана шундай типиклаштириш принципини қўллаш, бошқача, яъни соддароқ айтганда таржимаи ҳолдан атайин «узоқлаштириб» ёзиш «Уғлим, сира бўлмайди уруш!» шеърда ҳам мавжуд. Энди Зулфиянинг Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокатидан кейин ёзган шеърларида, улар хоҳ бевосита улкан шоир образини ёритишга бағишланган шеърлар бўлсин, хоҳ ҳижрон—ўлим мотивини фалсафий аснода талқин этувчи шеърлар бўлсин, хоҳ янги уруш хавфи ва тинчлик ёки келажак хусусида баҳс—ўй-мушоҳида бўлсин, ҳамма-ҳаммасида автобиографик факт—«руҳий тарих» таянч нуқта, учиш майдони бўлиб хизмат қилади.

Демак, Зулфиянинг Ҳамид Олимжон ҳақидаги шеърлари бўронли замон ва суронли ҳаёт таъсирида шоира қалбида содир бўлган тўлқинларнинг акс садо-си, шоира ҳаёти ва руҳий тарихининг лирик кундалигидан иборатдир. Агар Ғафур Ғулом ёки Миртемир шеърлари учун кўпроқ қайноқ воқелик ва хилма-хил одамларнинг тақдири прототип бўлиб хизмат қилса, Зулфия учун аксарий вақт ўз ҳаёти, тақдири, кечинмалари билан ўзгаларники прототип ролини ўтайди. Шунинг учун ҳам Зулфиянинг Ҳамид Олимжон ва ҳижрон мавзусидаги асарлари улуғ севги ва чин вафо, инсоннинг катта бахти ва ёрига чексиз садоқати, оғир йўқотиш ва чексиз куюв, уруш ва ҳижрон, мардлик ва жасорат, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги кураш, Ватан ва бурч, ўтмиш бугун ва эрта, хуллас инсон тақдири, унинг руҳий олами билан боғлиқ хилма-хил туйғу, ҳиссиёт, кечинма, фикр-ўйлар, орзу-армонлар тўғрисидаги асарлар тарзида қабул қилинади, ардоқланади. Шунинг учун бу шеърларда яратилган лирик характерлар (Ҳамид Олимжон ва Зулфия сиймолари асосида яратилган характерлар) замондошларимизнинг фазилатларини ўзларида ёрқин ва ҳаққоний мужассамлаштирган «типик характер»лар тарзида қадрли, жозибалидир. Мана, «Ўлим ханжари» севишганларни бир-биридан жудо қилди, ҳижрон ўтида қилдек жизғанаги чиққан ўша аёл «ажал деган бешафқатга ишқини отиб бахтини сақлаб» қолса ва севганининг нигоҳига термилиб «эркаланиб жон берса» («Кечир қолдим ғафлатда») аёл тушида ҳам, ўнгида бир дақиқа уни ёдидан туширмайди, усиз «нафас олмайди» («Баҳор келди сени сўроқлаб»); тириклигида йигит ёрига гул келтирган бўлса, Ҳамид Олимжон «олам-олам гул»ни ҳадя этганини эслайлик, шафқатсиз тақдирни қарангки аёл «энди ҳар чоғ қабрига гул элтади» унинг («Кўрганмидинг кўзларимда ёш»); аёл букилмайди, лекин «сози, қалби, қўшиғи билан ҳаётга қайта бошдан мафтун» бўлади. («Ҳаёт жилоси») ва «изтиробда ёниб» шеър ёзади ва унга «Севги» деб сарлавҳа қўяди («Хаёллар»); чунки унинг руҳи, сиймоси «ҳали ҳаёт, муҳаббат каби ҳамма ерда изи кўринади, товуши жаранглайди, севгисининг кучи яна ортади» («Ўрик гуллаганда»); «фақат иккаласига маълум бир қудрат йиллар ўта» унга тортади («Соғинганда»); шоира куйининг кўрки садоқат, бўлиб қолади («Тингла, булбул»). У ҳалқи, партияси ва Ватанидан чексиз миннатдор, чунки «ҳижрон тифида

бағри тилинганда иродаси-ла мадад» берди, бошини силади, натижада «кўкси тоғ, шодлиги баҳорги дарё» янглиғ тошди («Юртимни куйлайман»), шунинг учун ҳам гарчанд «кемтиклик ҳасрати қалбида қўрғошиндай ётса» ҳам «кўзлари жаҳонга бахтиёр боқади, «бахтли аёл» дейди ўзини («Эмиш...»). Зулфия бундай шеърлари билан адолатсиз уруш, ўлим, ҳижрон-ҳаёт ва инсон камолотига завола келтирувчи барча кучга қарши қўзғолон кўтарар, кураш очар экан, шеърларининг оҳангини, бўёқларини, образларини — ҳамма-ҳаммасини шу оламдан олади. Унинг «Сарғайиш билмасин сулув келинчак» («Келинчак»), «Ҳали ҳижрон билмаган ишқдай юзида табассум ўйнаган» («Сирень»), «Изтиробинг дилимга озор, ишқ ҳижронин билганим учун» («Кимни кутасан»), «Кўк етими — паға булут» («Булут ўйини»), «Барча дарахт бирдан тул қолди» («Яна баҳор келди»), «Етим муҳаббатнинг заҳил суврати» («Уртада саҳифа қолибди бўм-бўш...»), «Нима бўлсин шу етим қатра» («Қатра»), «Тул ғамга банда» («Пушкинга») каби образлар шоиранинг таржимаи ҳоли деталларидан яратилган бўлиб, унинг олға сурмоқчи бўлган ғоясининг конкрет ва таъсирли ифодаланишига фаол кўмаклашган. Зулфия шеърларида инсонпарварлик ғоясининг ғоят чуқур ва ёрқинлигининг боиси ҳам шу юқоридаги ҳолатларнинг мавжудлигидир.

«Улкан талантларда ички, субъектив элементнинг мўллиги инсонпарварлик аломатидир,— деган эди В. Г. Белинский.— Бу йўналишдан қўрқманг! У сизни алдамайди, сизни адаштириб қўймайди. Улуғ шоир ўзи ҳақида, ўзининг Мени ҳақида сўзлаб туриб умумий нарса — инсоният тўғрисида сўзлайди. Чунки инсоният нима билан тирик бўлса, шуларнинг ҳаммаси унинг сиймосида ҳам мавжуддир. Шунинг учун ҳам унинг ғам-ғуссасида ҳар ким ўзининг ғам-ғуссасини англайди, унинг қалбида эса ҳар ким ўзиникини сезади ва унда фақат шоирнигина эмас, балки айни чоқда инсонни башарият оламидаги қардошини кўради». Зулфиянинг ўзбек совет поэзиясига, тўғрироғи умум-совет поэзиясига қўшган катта ҳиссасидан бири ҳам унинг лирикада фожиавий йўлга, яъни воқеани ва инсон қалбини бутун мураккабликлари, зиддиятлари, фожиавий ҳолатлари билан акс эттириб, лирикадаги қаҳрамонона руҳ, йўналишнинг муқим бўлишига изчил амал қилишида, бу реалистик принципнинг янги имкониятларини кашф этишидир. Чиндан ҳам бу энг

мушкул, ammo ҳаётӣй ҳақиқатни, инсоният тарихининг улкан ғовларни енгиб олға томон қадам босишини реалистик ёритиб беришнинг самарали йўлидир. Маълумки, 30-йиллар охиридаги, ҳатто Улуғ Ватан уруши йилларидаги, айниқса 50-йиллардаги айрим шеърларда воқеликни сиртидан, юзаки тасвирлаш, баландпарвозлик иллатлари учрар эди. Конфликtsizлик иллати худди шундан келиб чиққан эди. Улуғ Ватан урушидек энг даҳшатли ва энг фожиавий воқеаниннг ўзи тайёр материал бериб турган вақтда ҳам совет кишисининг улуғ иродаси ва мислсиз қаҳрамонлигини очиб беришга хизмат этувчи фожиавийлик дастлаб адабиётимиз ва санъатимизда керагича ўрин олмади.

«Кўплар трагедияни ва санъатдаги фожиавийликни пессимизм билан адаштириб қўядилар,— деган эди 1944 йилда машҳур совет шоири П. Антокольский.— Зарарли адашиш!.. Трагедия ҳеч вақт дунёни қоракуяга бўямайди... У қалб бўронини дадиллик билан ўз қаноти остига олади! У ҳис-туйғу ғулғуласига акс-садо беради ва бунда ўзининг ҳам шу ғулғула ичига тушиб қолишидан кўрқмайди. У ўз қудратини билади... Трагедия инсонни чаппасига ағдариб ташлаши мумкин, лекин инсон пировардида ҳаётнинг боқий тантанасига хизмат этувчи бу оғир сабоқ учун миннатдор бўлади. Трагедиянинг хизматигина эмас, балки айни чоқда унинг туғма оптимизми ҳам шунда. Унинг айниқса бизнинг кунларимиздагидек вақтда одамларга зарурлиги ҳам шунда». Худди шундай фикрни машҳур санъаткор А. Довженко ҳам айтган эди: «Биз хато фикрга амал қилиб азоб-уқубатни, бахт ва шодлик каби турмушнинг улуғвор ҳақиқати эканлигини унутиб, уни ўзимизнинг ижодий бўёғимиздан чиқариб ташладик. Биз уни қийинчиликларни бартараф қилиш деганга ўхшаган нарсалар билан алмаштирдик. Биз гўзалликни, ёрқин ҳаётни шундай хоҳлаймизки, баъзан юракдан истаган ва кутган нарсамизни амалга ошган деб ўйлаймиз. Лекин токи инсон дунёда яшар экан, токи севар-севилар экан, шод-хуррам бўлар, ижод қилар экан, азоб-уқубатнинг доим биз билан бирга бўлишини эсдан чиқариб қўямиз».

Инсон тирик экан, меҳнат ва кураш, интилиш бор, кураш бор ерда эса тўқнашув, зиддият, фожиа ва у билан боғлиқ инсоний туйғулар, коллизиялар бор. Лирикада тасвирланган ғам, изтироб каби туйғулар, ҳолатлар кимнингдир кўнглини юмшатиш, унинг раҳ-

мини келтириш учун эмас ёки инсоннинг иложсизлигини кўрсатиш учун эмас, балки мураккаб ҳаёт қонуниятини очиш, инсоннинг қандай ғовларни енгибгина ўз ниятига етишини кўрсатиш, юксак мақсад ва идеалларнинг қон ва жон эвазигагина ҳаётда қарор топишини таъкидлаш ва халқнинг доим огоҳ, сезгир бўлишга, фаоликка, курашга даъват этиш учун хизмат этади. Шу ҳаёт сабоқлари кейинги йўлларни равон қилишга хизмат этади. Демак, фожиавийликни кўрсатиш орқали ҳам гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат, келажак ҳимоя этилади.

«Ғам, қўрқув, таҳлика ва ҳатто умидсизлик кўп вақт олий бахт-саодатга яқинлашишдан дарак беради,— дейди Шелли «Поэзия ҳимояси учун» деган мақоласида.— Бизнинг трагедияни идрок этишимизнинг асоси шунда: изтиробда мавжуд бўлган роҳатланиш ҳиссини ҳис эттиргани учун трагедия бизни завқлантиради. Энг гўзал куйдан ажратиб бўлмайдиган ғамгинликнинг манбаи ҳам шундандир. Ғамда мавжуд бўлган лаззат оддий лаззатдан ширинроқдир».

Шунга яқин фикрни Зулфияда ҳам учратамиз. У «Узоқларда бир қуш сайрайди» деган шеърида «Овли ҳис бўлиб ширин дард тутди борлигин», дейди. «Ҳаёт бу!» шеърида эса «Куйми, додми, оромми, азоб— не бўлса ҳам тўлғоғи оғир» деса, «Муҳаббат — бу...» шеърида «Сен ёнмакдан топасан ҳузур» дейди. Инсоният тақдири, юксак идеаллар йўлидаги кураш ва қурбонларнинг ғам-алами, куюви ҳам, таскини, лаззати, сурури ва ғурури ҳам бор.

Ибратли томони шундаки, Зулфиянинг фожиавий йўналишдаги шеърларида ҳаётбахшлик, оптимистик руҳ ҳоким бўлиб, китобхонни дадиллаштиради, қаддини кўтаради, кайфиятини меҳнат, яратиш ва кураш пардасига мослаб созлайди. Машҳур совет шоири В. Луговской 1943 йилда нашр этилган Зулфиянинг «Верность» деган тўпламига ёзган сўзбошисидаёқ шоирадаги шу оптимистик руҳни алоҳида таъкидлаган эди:

«Шоира қаерда юрт ҳақида, уруш ҳақида сўзла-масин, унинг шеърларида оптимизм, ҳаётбахшлик баланд жаранглайди. У ғам-аламни, урушнинг даҳшати ва фожиасини камайтириб кўрсатмайди. Йўқ, у ғалабанинг баҳор каби, худди баҳор каби муқаррар келишига ишонади, чунки баҳор ҳеч нарсага қарамасдан келаверади...»

Зулфиянинг кейинги шеърларида, айниқса: «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар», «Ўй-

лар», «Висол», «Йиллар, йиллар», «Азиз туйгулар», «Тонг билан шом аро» каби туркум шеърларида ҳам замонамиз ва замондошларимиз қалби бутун мураккаблиги билан, аммо ҳаётбахш, оптимистик руҳнинг кучли мавжи билан тасвирланмоқда. Шоира ижодининг бошидан то ҳозиргача ҳамма нарсада унинг икки томонини, яъни бахтда унинг зиди бўлмиш бахтсизликни, қувонч билан бирга ғамни идрок этади. Шу иккилик унинг лирикасининг фожиавий асоси—бош коллизиясини белгилайди. Шоиранинг шеърларидаги «Қўшиқларим билмай ғам, риё ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам» («Уқувчимга»), «ишқ, бахт, ҳижрон доғи жуфт яшар одам борки» («Қўзингда ёш дейсан»), «Мен кўзда ёш билан кулиб қайғуда ҳам қўймам куйларим» («Умид кутаман»), «Ёниқ эди севинч, ишқ ҳам, дард-ҳижрон санда, тоқ мисрали бўлганми ҳеч байт» «Қуёш узиб бер»), «Сезмаганинг на ғам, на қувонч. Иккисининг бағрига ташлаб, саботимга топмайсан ишонч!» («Табиатга исён»), «У ишқдан девона, ҳижрондан ёна-ёна бағри куйиб, оташи тошиб, кўзларин ҳаётга каттароқ очиб нақ жароҳатли жайрон қайтадан турди» («Долғали бир ҳаёт...») каби мисралардан ҳам шу иккилик (бир бутунликда идрок этиш) унинг ижодий принципларидан бирига айланганлиги равшан кўриниб турибди. У ҳатто бир шеърида адабий ижод паррагини айлантирувчи кучини шундай таърифлайди:

Дардсиз тириклик ҳам йўқ,

Фақат бўшлиққина бедард, беозор.

Ташвиш ва шодликсиз ўлар-ку қўшиқ.

Шоир қалби куйсиз — бастакорсиз тор.

Лекин бундан шоира шу иккиликнинг боқий, муқим бўлишини истамайди: бахт боқий бўлсин, бахтсизлик бўлмасин, тинчлик бўлсин, уруш йўқолсин, ҳаёт, тириклик бўлсин, ўлим, ҳижрон бўлмасин. Шоиранинг ҳаётни, воқеликни икки томони билан бир бутунликда кўриши ва бадий талқин қилиши — иккилик принципи худди шу олий тилак учун хизмат этади. Аслида шоира ҳаётда, инсон тақдирида кемтиклик, яккалик бўлишини мутлақо истамайди, бутун борлигини инсон учун тугал, бир бутун ва боқий бахт бўлишига эришишга қаратади. Шоира «Ярим тақдир гўё синиқ кўзгумиш, ҳаёт тақозоси бахт бекамликдир» («Балки») дейди. Яна бошқа шеърида «Қўш қанот-ла қиласан парвоз» («Муҳаббат — бу...»), «Икки қирғоқни қанот қилиб дил ннжитиб, сийлашдан кетади яшнаб» («Юракка амр

йўқ...») дейди. Шоира мана шундай жуфтликни, бутунликни, тўлаликни — Улуғ ва Боқий Бахтни орзу қилади ва шунинг учун курашади.

Зулфиянинг бир бутунликка, тўлаликка интилиши унинг туркум шеърлар ёзишга мойиллигида ҳам кўринадди. Шунини айтиш керакки, Зулфия гоёт ўзига талабчан ижодкор. Ҳар бир шеърини маромига етказибгина, кўнгли тўлгандагина матбуотга беради. Шоиранинг шеър битмаган кунини йўқ, бироқ буларнинг энг сарасини халққа ҳавола қилади. Шеърни матбуотга беришга шонилмаслигининг сабаби шуки, у ҳар бир мавзу, ҳар бир ижтимоий-сиёсий ёки ахлоқий фикр, туйғу, дардини чуқур ва мукамал поэтик таҳлил этиш йўлидан боради. Шеърини туркум шундан келиб чиқади. Бир дона марвариддан маржон ҳосил бўлмайди. Шунингдек шеърлар марваридидан тизилган туркумгина шоиранинг гоёвий ниятини тўлароқ ифодалаши мумкин. Шоира шу шеърини туркум орқали ҳаётни, воқеликни, одамлар қалбини кенгликда, мураккаблиги билан таҳлил этишга эришади. Унинг туркумга киритган шеърларининг ҳар бири мустақил яшаш даражасига кўтарилади, айни чоқда бир-бири билан мазмуни, йўналиши, пафоси билан узвий боғланади. Шоиранинг ўнлаб шеърини туркумлари бор бўлиб, буларнинг ҳар бирида шоира руҳий оламнинг янги қирраси, замон ва замондошлар қалбига янги томондан кириб бориши намойиш бўлади. Агар «Ҳижрон кунларида» туркумида урушнинг шафқатсиз алангасида ўтга тушган қилдек азобланган қалбнинг голиб чиқиши ифодаланса, «Юрагимга яқин кишилар» туркумида шу инсондаги матонат, ҳаётбахшлик, садоқат илдизини одамлар меҳридан, она-Ватан меҳридан қидиради. Шоиранинг «Мушоира» туркумида прогрессив инсониятнинг тақдири, ташвиши, интилишлари, орзу-идеалларининг муштарақлигига урғу беради. Шоиранинг «Ўйлар», «Йиллар, йиллар» туркумлари ҳаёт ва инсон, кеча, бугун, эрта, умр мазмуни, муҳаббат ва садоқат, яшаш ва кураш маъносини тўғрисидаги ўй, мушоҳада, фалсафий баҳсдан иборат. «Қамалак» туркумида инсоният ўзи кашф этган келажакни, орзуни — коммунизмни куйлайди. Аслида шеърини доим юксак умид ва орзулар, келажакка интиқлик ва интилиш билан яшовчи инсонга ўхшаб кетади. Зотан эзгу ниятлар сари етакламаган, келажакни яқинлаштириш учун курашмаган шеърини шунчаки бир эрмакдан бошқа нарса эмас. Зулфия ижодида

ҳаётга ташналик, курашчанлик руҳи, оптимистик руҳ ҳокимлигининг боиси унинг шу келажакка ошиқишидир. Шоира лирик қаҳрамонининг руҳан тетик, мардона бўлиши ва йўлидаги ҳар хил мушкулларни енгиб ўтишига олиб келган куч шу «эртага чорловчи» орзудир. Шу келажак шоиранинг «бир умр кўзида туради». Уни «баридан тутган» шоира халқни ана шу «чорловчи бахт, орзу» томон илҳомлантиради. Зулфиянинг келажакка ошиқиб кетаётган халқ қалбига «ҳамоҳанг, ҳамсалмоқ қўшиқлар битиш»га ва улар — «инсонлар қалбига янги қаҳрамонлик мўъжиза тафтини» бахш этишга интилиши шундан. Шоира келажакни «чорлаб чақирувчи ажиб камалакка» ўхшатар экан, унинг қаттиқ меҳнат ва мардона кураш «улкан матонат» эвазига қўлга киришини таъкидлайди. Бахтни «тинчи йўқ ҳаётда» кўради. Зулфия аввалги «Юрак ҳамма вақт йўлда» туркумида йўл образига диққатни тортиб, инсон умрининг мазмунли бўлиши ва катта орзулар сари ғовларни мардона енгиб бориши керак, деган ғояни тарғиб этган эди. «Камалак» туркумида йўл образи келажак — коммунизм образи билан туташиб кетади. Унда «Йўл — қўшиқ» деган фикр бор. Коммунизм учун кураш йўлида «қўшиққа айланган гўзаллик кезади», «ёлқин; жўшқин туйғулар» қайнайди. Келажакка олиб боровчи шу йўлда «мунис дўстлар», уларнинг «нурли оғуши» ва «кимнингдир бир ўчмас дийдори» кўмак беради ва шоира бу кучларни «биз жон деб авайлаган қўр» деб атайди. «Келажак»даги лирик қаҳрамон «Энг учқур илҳомлар қаноти — хаёлда учсам» дейди, чунки у келажакни шу қадар аниқ тасаввур қиладики ва унга етишишга ишонадики, ҳатто Фарҳод кўзгуси ҳам ип эшолмайди. Зулфия уруш йили ёзган «Уни Фарҳод дер эдилар» поэмасида кўзгу образини ишлатганди. Улим билан олишаётган Қобил Қори Россиянинг мовий осмонига боқиб туриб уни (ўзи ролда ўйнаган Фарҳод) кўзгусига ўхшатади ва унда она юрти Ўзбекистонни кўради. Энди шоира «Камалак» туркумида келажакни — коммунизмни тасвирлаш учун бу «кўп жозиб бир дунё — бундайин акс этган на Фарҳод кўзгуси»да деб ёзади. Келажак хаёлдан ҳам гўзал экан, шоира унинг тўғрисида қўшиқларнинг қўшиғини — «хаёлдан ҳам эзгу қўшиқ яратишга» аҳд қилади. Ҳатто шоира ҳозирги авлод «чиққан чўққидан келажакка биздан ҳам журъатлироқ, суръатлироқ парвоз» этаётган ёш авлоднинг суруридан ғурурланиб қуйидагича

фикрлайдики, бу мисралар ўз шеърлари орқали коммунизмга етиб боришни орзу қилган Маяковский руҳига ҳамоҳангдир:

Мен эсам, шу куйни нақ ўзим битгандай
Келажак минг йиллар ўрқачин ўтгандай.
Қувнарман!
Қайтадан дилмда,
Чеҳрамда ёшликнинг
Замонга эшликнинг
Шодлиги барқ уриб кетажак!

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтиш керак: Зулфия ҳаётдаги ҳамма нарса — шеърят учун материал, илҳом берувчи ҳамма нарса тўғрисида қалам тебратди, аммо буларни аёл қалби билан тинглаб, аёл кўзи билан кўриб, идрок этиб, аёл сўзи — бўёғи билан тасвирлади, унинг оҳангида—овозида куйлади. Шоиранинг қайси шеърига назар ташламанг, ундаги образлар ҳам аёллар дунёсидан топилган. Унинг ташбиҳлари аёллар бисотидан тўқилган, уларнинг туйғу, кечинмаси, психологияси, тақдири, орзу-истагини ифодалашга хизмат этувчи палак-образлардир. Тўғри, бизни ўраб турган борлиқ шоирлар ичун ҳам шоирлар учун ҳам ягона оламдир, аммо бу мураккаб ва сирли оламни ҳамда инсоннинг тубсиз қалбининг дарчасини улар ўз калитлари билан очадилар. Асарнинг ғоявийлик ва бадийлик даражасини ўлчаш мезони ҳамма учун битта, албатта. Бироқ воқеликни кўриш ва бадий тадқиқ этишда уларда ижод қонуниятлари ила туғилган муштараклик билан бирга ўзига хослик ҳам бор. Шоиралар қалби ғоят нозик, дилгир, сезгир, безовта, мусиқий, таҳликали, бардошли. Уларда инсониятга ўз фарзандидай боқиш, она-Ерни ва ундаги барча гўзалликларни кўз қорачиғидек асраш, оламни тинч-осойишта сақлаб туриш учун куйиниш, келажакни гўдакдек йўрғаклаб олишга ва ўзини фидо қилиб уни ҳимоя қилиб қолишга тайёрлик туйғуси жуда жўшқин ифодаланади. Шеърларнинг тархи тозалиги, самимийлиги, ифбатлилиги ва ҳатто ихчамлилигида аёл фазилати шундайгина аён бўлиб туради. Улар нима ҳақида фикр юритмасинлар, унга ўзининг, яъни аёллар қалбидаги йўлак билан кириб борадилар. Аёллар қаламидан тушган ҳар бир сўз, образ, бўёқда улар қалбининг муҳри шундай ярқираб кўриниб туради. Зулфия

энг аввало ўзбек аёли тақдирида юз берган буюк бурилишни — уй бекалигидан қутулиб жамиятимизнинг ҳур, тенг ва фидокор яратувчисига айланишини — «Ватаннинг эркаси бўлиб яшаётган»ини меҳр билан тасвирлади. Сўнгра шоира бутун диққатини «аёл буюклигин куйлашга» қаратди. Шоира юзлаб шеърида аёл, онанинг буюклигини таърифлайди. Шоиранинг «Кўзгу керак бўлса Ойнакўлни ол», «Раққоса Қайин»лар ичра йўқолай, этакдан, киприкдан сочдан торт кейин» («Кўкчатов»), «Кийгизармиш камалакдан камзул, тикиб, беқасам» («Булут ўйини») образлари аёллар оламидан олинган. «Мушоира» номли машҳур асарига Зулфия умуминсоний фикрни — катта Шарқ мамлакатлари қалбининг «бир улкан қалб бўлиб» бирлашиб «ҳақиқат ва нурга интилишини» каштачи палак тиккандек гўзал ва бежирим тасвирлайди.

«Ҳамма ерда бўлгинг, ҳамма нарсани кўргинг, ҳис қилгинг келади,— дейди Зулфия,— Африка бирдамлиги комитетининг ёки ёзувчиларнинг вакилимисан, хотин-қизлар комитетининг вакили бўлиб борасанми, аввало совет кишиси—шоирсан. Дунёга, воқеаларга ва одамларга шоир сифатида ёндашасан. Шунинг учун «Мушоира» ёзилди, бу шеър менга шунинг учун муҳимки, у ҳамма сафарларимдан олган энг қимматли туҳфамдир. Мен, умуман, шоирнинг эмас, совет шоирининг иқболи билан жуда фахрланаман... Биз — совет шоирлари — миллионлаб китобхонларнинг талабчан нигоҳи ва ташна қалбини сезиб туриб ёзадиган бахтиёр шоирлармиз».

Аммо шоира шу миллионлаб китобхонларни қизиқтирган фикрни, ҳақиқатни аёл қалби қонидан ясалган сиёҳда ифодалайди. «Мушоира»да шоира аввал шоирлар йиғилган жойга эътиборни тортади. Уй, хона аёл қалбига энг яқин нарса: шу уйни севади, уни кўз қорачигидек асрайди, унга инсонни она-Ер учун вояга етказиб берувчи муқаддас даргоҳ деб билади. Шоира аввало шу «манго нусха ажойиб чодир»ни кўради, сўнгра табиат тасвирига ўтади. Зулфия гул ва булбул-ни доим ардоқлайди, уларни севги-садоқат, тириклик рамзи сифатида талқин қилади. Бу шеърда ҳам «гуллар бўйини олиб келган шаббода, ҳинд қизи куйи, анвойи қушлар куйини» тинглайди. Сўнгра давра тасвирига ўтганда «ўзбек супасидай саҳнада гилам», «чироқда ёнарди гўё камалак», деган образларни ишлатади. «Кекса-ёш отаю фарзанддай яқин» иборасини ҳам фақат аёллар ишлатади. Зулфия шоирлар бирдам-

лиги туйғусини оддий турмуш деталда — «ўзи бир дунё» бўлган пойафзалларнинг ёнма-ён туришини тас-вирлаш орқали ҳам таъкидлайди. Кейин шоира шеър ўқиётганларнинг қалби, кўзига, сочига назар ташлайди ва «дарёдай оққан кўз ёшида», «ирода ва умидида» Осиё ва Африка халқларининг аянчли аҳволи, мушкул тақдири, озодлик, ҳақиқат йўлидаги қаҳрамонна кураши ва эртанги порлоқ кунига зўр ишончини ўқийди, туяди. Кейин «жасур жаранглаган оналик дили»даги дард-ташвишларга диққатни тортади:

Қўшиқ-чи?

Гоҳ кураш,

гоҳ қиз севгиси,

Гоҳ кўндан нон кутиб кўр бўлган ингоҳ,

Гоҳ гўдак кулгиси, гоҳ банан иси,

Сурмали кўзларнинг нози бўлиб гоҳ;

Гоҳ бўғиқ ҳақиқат дод, ҳайқириғи,

Гоҳи юлдуз каби йироқ, ёрқин бахт.

Қулликка санчилган ғазабнинг тиғи,

Гоҳ эрк тантанаси берган адолат —

Осиё, Африка картаси бўлиб

Ҳаёт аламига, бахтига тўлиб.

Кириб келар эди дилдан дилларга.

«Уни Фарҳод дер эдилар» поэмасида ҳам шу аёл қалбининг сезгир, беором ва бой манзарасини кўрамай. Уруш даврининг шиддати кичик, оператив жанрларнинг фаол бўлишини тақозо қилди, йирик прозаик асарлар, поэмалар кам яратилди. «Уни Фарҳод дер эдилар» поэмаси ғоявий-бадий мукамал чиққан ва ҳозиргача ўз қимматини сақлаб қолган асарлардан биридир. Поэма марказида қаҳрамоннинг ватанпарварлик, мардлик билан тўла руҳий дунёсини таҳлил этиш туради. Асарнинг тағ-замирида ижодкорнинг, санъаткорлик сўзи билан иши бир бўлиши керак, у агар санъаткор бўлса, ўзи ўйнаган роллар орқали олға сурган фикри-ғояси ва идеалларига, ёзувчи, шоира бўлса ўз асарларида олға сурган ахлоқий-ғоявий идеалларга содиқ қолиши, гражданлик фаолияти билан ҳам асарларидаги ҳақиқатни ҳимоя қилиши лозим, деган ажойиб фикр ётади. Қобил Қори ўзбек саҳнасида жуда кўп ролларни ижро этиб, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, вафодорлик, Ватанга жонини фидо қилиш каби туйғуларни тарғиб қилган эди. Унинг талантига қойил қолган томошабин Фарҳод ролни маҳорат билан

ижро этган Қобил Қорини Фарҳоднинг ўзи деб ҳавас билан тилга олар эди. Шоира халқнинг шу меҳрига суяниб туриб, асарини «Уни Фарҳод дер эдилар», деб номлайди. Қобил Қорининг иши билан сўзи бир эди, фронтга бориб «жонини она-Ватанга тикади»—қурбон қилади. Унинг қаҳрамонона ҳаёт йўли ва фожияли тақдири «Ҳаётимизни сақлаб қол, дўстлар учун қасос ол» деган чақириқдай кўринади. Фронт жангчилари Қобил Қори тимсолида ўзларини тасаввур қилдилар, поэмани ўзлари тўғрисида ёзилган асардай қувониб ўқиб, илҳомландилар.

«Ҳар бир жангчидек,— дейлади «Қизил Армия» деган фронт газетасида,— Қобил Қорининг қалби ҳам Ватанга садоқат ва яшашга муҳаббат ўти билан тўлиб туради:

— Йўқ,— деди у,— ўлгим келмайди,
Кўзларимни югим келмайди.
Бу бўстонни сақламоқ керак,
Бу бўстонда яшамоқ керак.

Қўшиқда ўлимдан қўрқмаслик, ғалабамизга ишонч, ёвдан қасос олишга чақириқ шаҳид жангчининг васияти шаклида берилдики, бу китобхонларда зўр таъсир қолдирувчи эмоционал ифодага эгадир».

Дарвоқе Зулфия ихчам лирик шеърлар — бир томчида оламни акс эттирувчи асарлар устасидир. У жуда кам поэма ёзди. Ойбек ҳақидаги «Қуёшли қалам» поэмаси шоиранинг салмоқли, етук йирик асарларидан биридир. Бу поэма ҳам ижодкор тўғрисида бўлганлиги учун унда шоиранинг ижодкорнинг халқ, Ватан, тарих, келажак авлод олдидagi бурчи тўғрисидаги ўй-мушоҳадалари эҳтирос билан берилди. Поэмадаги йўл образининг ҳам фалсафий мазмун ташиши бежиз эмас. Зулфия Ойбекнинг руҳий оламига, образлар оламига, психологик ҳолатига, бадий фикрлаш тарзига— ижодхонасига чуқур кириб боради. Ойбекнинг ҳаётга, халққа, унинг тилак-армонларига туташ қалбини ва халқнинг унга чексиз меҳр-муҳаббатини теран очар экан, китобхонларни, ёш авлодни Ойбекдек улур зотлар етаклаган, куйлаган йўлдан кетишга, ота-боболар анъанасига содиқ қолиш ва улар ишини давом эттиришга даъват қилади:

Йўл демак, ўтилган бир умр демак,
Ҳеч бири муқиммас тупроқ сингарн.

Лекин замон ўта борлиғи ҳикмат
Биз-ла келаётган кимлар йўллари?

Ҳа, шундай йўллар бор тўлиқ изларга,
Замонлар тўфони кўмишдан ожиз.
У тирик! Жаҳонни очар бизларга
Эзгулик меҳроби қаршисида тиз —

Чўққандай киприк-ла суртиб ҳар чаггин,
Даҳолар олдида бош эгамиз лол,
Тирик юрагига кирганинг сайин,
Гўзалроқ, яқинроқ сенга истиқбол.

Зулфия таржимон сифатида ҳам маънавий камолотимизга ўзининг катта улушини қўшиб келмоқда. Бу борада ҳам у «жаҳонни очувчи» даҳолар ижоди билан қизиқади ва шу йўл билан ҳам «истиқболнинг гўзалроқ, яқинроқ» эканлигига ишонтирмоқчи бўлади, унга чорлайди. Таржима учун ҳам Зулфия қалбига, интилишларига, руҳига ҳамоҳанг шоирлар, асарларни танлайди. Зулфиянинг Леся Украинка, Соломея Нерис, Анна Ахматова, Маргарита Алигер, Марварид Дилбозиларнинг аёл қалбининг ойнаси бўлган шеърларини ўзбек тилига таржима қилиши ҳам бежиз эмас. Шоиранинг Н. Ҳикмат, Д. Бедний, Г. Мистрал, С. Рустам, Қ. Қулиев, М. Турсунзода, М. Цветаевалардан қилган таржималари хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Айниқса Зулфия томонидан Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмасининг ўзбек тилига ўгирилиши асосида катта мазмун ётади. Зулфияда аёллар жасорати, садоқати олдида бош эгиш туйғусининг ҳокимлиги уни Некрасовнинг бу асарини таржима қилишга олиб келди. Эҳтимол, Некрасовни ўз устозларидан бири деб билган Зулфия бу асарни таржима қилгач, аёлларнинг инсоният тақдиридаги ролига Некрасов кўзи билан янада теранроқ қарагандир. Шоира «Рус классикасини таржима қилиш борасида олиб борган ишларимиз эса, қўрқмасдан айта оламанки, беистисно ҳар биримиз учун машаққатли, айни замонда олий ва зарур мактаб бўлди», деб таъкидлаган эди.

Мустай Қаримнинг «Ой тутилган тунда» номли трагедиясининг мазмуни, руҳи ва ғояси ҳам Зулфия дилига жуда яқин. Ундаги қаҳрамонона, романтик йўналиш — пафос, қаҳрамонлар тилидан айтилган «Имоним эса — муҳаббатим!» деган туйғу шоира қалби би-

лан ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам Зулфия асарни меҳр билан ўзбек тилига таржима қилиб, уни халқимизнинг мулкига айлантирди.

Зулфия ўзининг теран, чуқур, самимий, ҳаққоний ва сермазmun, сержило шеърляти, садоқатли, фидоий ҳаёти ва халқ, Ватан, коммунистик партиямизнинг улуғвор ишлари, идеалларини амалга ошириш йўлида олиб бораётган ижтимоий фаолияти билан халқимиз қалбига чуқур кириб борди, унинг катта меҳр-муҳаббатини қозонди. Совет шоирларининг Зулфия тўғрисида ёзган шеърларининг ўзи бир тўплам бўлади: унда Ғафур Ғулом, Қайсин Қулиевдан тортиб то Ҳалима Худойбердиеванинг оташин шеърларигача бор. Зулфия ҳақида олимлар, фозиллар айтган фикрларни бир ерга жамласа борми?! Улкан совет шоири Н. Тихонов «Ўзбек поэзиясининг юлдузли осмонида, замонамиздаги шоирлар орасида энг ажойиби, энг жозибали юлдузи Зулфиядир» деган эди. Ч. Айтматов эса «Зулфия ҳозирги замон ўзбек поэзиясининг энг мафтункор зарварағидир» дейди. Р. Ҳамзатов: Зулфияни «ўз халқининг тақдири билан қўшилиб кетган» ижодкор сифатида таърифлайди. С. Капутикян Зулфияни «юксалган Ўзбекистон куйчиси, озодликка чиққан янги Шарқ аёлларининг рамзи», деб баҳолайди. М. Дудин: Зулфиянинг «Шеърляти ёрқин. У муҳаббат ва садоқатдан сабоқ беради. У ҳаёт ва сўзнинг масъулиятлилигидан дарс беради. У мард бўлишга, ҳаётни севишга ва келажакка ишонишга даъват этади», дейди. М. Қарим: «Зулфия, унинг ижоди, шеърляти бизнинг руҳий оламимизнинг бир қисмидир, миллий маданиятимизнинг бир қисмидир. Биз шундай деб ҳисоблаймиз ва бу билан ғурурланамиз», деб таъкидлайди.

Халқимиз ҳам шундай куйчиси, шундай фарзанди борлигидан чин дилидан қувонади ва ғурурланади.

*САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори*



1932

ОЗОД ҚИЗ

Мен жуда озод қизман;
Зулмат нима билмайман,
Фабриканинг қўйнида ..
Меҳнат қилиб яйрайман.

Тонгда бонг урса гудок,
Тураман апил-тапил.
Қўкдаги офтоб мисол
Бошимда дуррам қизил.

Кучли-чаққон билагим,
Чарчаш нима билмайди.
Сал пасайса суръатим,
Планларим тўлмайди.

Аташган мени зарбдор,
Шундан қувончим қат-қат.
Орқада қолмоқлик ор,
Олға босаман фақат.

Чунки ёш дилда тўлқин,
Вулқон каби тошади.
Ҳавасим ҳам кундан-кун
Чўққиларга шошади.

1931

ПАХТА

Кенг далаларда
Юзларин очиб,
Оқ нурлар сочиб,
Пишади пахта! .

Ҳосил айқириб,
Элни чақириб,
Колхоз ерига
Руҳ берар пахта.

Ватанни тездан,
Қутқариб четдан,
Фабрикни бирдан
Таъминлар пахта.

Кенг дала бўйлаб,
Планни кўзлаб,
Толеъдан сўзлаб
Терамиз пахта!

1931

МАҚТАБ ИҶЛИДА

Тонг чоғида кумуш ой
Уфқ томон юраркан.
Порлоқ қуёш ёшлардай
Ётоғидан тураркан.

Шодмон ўқувчи ёшлар
Кириб борар мактабга.
Диллар интилар фанга
Интилгандай офтобга.

Бу соф, покиза қалблар
Ҳасрату ғамдан узоқ.
Гулдай яшнар чеҳралар
Тилак кумушдан ҳам оқ.

Мактаблари қўйнида
Ўқиш ҳам бор, қўшиқ бор,
Янги ҳаёт гулларин
Ҳаёти ҳам гулбаҳор.

1932



1939

БУЮР, ВАТАН

Қандай кўркем ва лаззатбахш дала баҳори,
Кенг сийнаси балқиб ётар эркин меҳнат-ла.
Манглайини танғиб дала чин бахтиёри,
Большевистик кўкламида ишлар қудрат-ла.

Азиз дала, колхозчи-ла мен ҳам жипслашиб,
Пахтакордай тер тўкаман бўлиб мардона,
Ғайратларим меҳнатим-ла, бирга кифтлашиб
Далаларни кулдираман бўлиб парвона.

Бахш этганман шу ишимга мен борлиғимни,
Пок юзимни тоза қайноқ шуълага қориб,
Шу баҳорнинг тантанаси билан завқланиб,
Дала бўйлаб кездираман тракторимни.

Чунки маҳкам ва мустаҳкам партиямизнинг
Буйруғини сингдираман олиб зиммамга.
Бор кучимни ишга солиб шу кенг водийнинг
Бўлиб кўзи, нур тўкаман бригадамга.

Меҳнатларим пайларимга мадад бахш этар,
Юрагимга ўз ишқини солиб қайнатар.
Комсомоллик қудратларим тошиб кетади,
Юракларим орзуларга қараб етади.

Баъзан қийноқ талвасага юзин тутган ёв,
Йўлларимни тўсмоқ бўлиб унаб кўради.

Баъзан ҳужум, баъзан бўҳтон, иғволар қилиб,
Кундай порлоқ йўлларимга ғовлар солади.

Очиқдирким, бу йўлимга бўлолмас ҳеч ғов,
Ўзлигини йўқотган бир гулдай сўлади.

Армон яқин, кунлар яқин, кулар меҳнатим,
Дала кўм-кўк, дала оппоқ ёзар қанотин,
Орзуларим тўлар-тошар, эркалар бахтим,
Севиб, билиб олгандирман дала ҳаётин.

Азиз Ватан, бер команданг ҳар ёнга учсин,
Комсомоллик ишқи билан тепсин қалбимиз,
Бер буйруғинг ҳар бир сўзинг зафарлар қучсин,
Водий бўйлаб меҳнат тўксин маҳкам сафимиз.

1934

БАҲОР КЕЧАСИ

Кеча жимжит, кўп гўзал кеча
Қарайсану суқинг киради.
Ёнади гул, жилмаяр ғунча,
Еллар ғир-ғир эсиб туради.

Баҳор кечин тиниқ ва оппоқ,
Борлиқ тўлган гуллар ҳидига.
Ҳислар уйғоқ, табиат уйғоқ,
Уйғун бўлиб киши дилига.

Ажаб, гўё тиниқ тўлин ой
Ҳоким сезар осмонда ўзин,
Бахтли билар шу дам ҳойнаҳой,
Сайр этган-чун бутун ер юзин.

Тун мусаффо, кеча беозор,
Биздайин соф нафас олади.
Унда йўқдир ўтмишдаги зор,
Янги куйга қулоқ солади.

Ойда кулиш, электрда нур,
Юрагимда севги тўлқини.
Дайди шамол елади ҳур-ҳур,
Олиб кетар кўздан уйқуни.

Ерга баҳор чаман тўшаган,
Олма ҳали гулини тўкмаган.

Қўк бахмалга гуллар бурканган,
Лаб очмаган, булбул ўпмаган.

Кўзим тушди олма гулига,
Дедим, тақсам энг гўзал бирин —
Сўйлаб берса... менинг чаккамда,
Дилбарлигин, гўзаллик сирин.

Шундай гўзал баҳорнинг гули,
Ундан гўзал биз ўсган ҳаёт.
Гул тутадн ҳур инсон қўли,
Гулга тўлган бутун коинот.

Шу манзара, шу ажиб чаман
Қучоғида севинчга ботдим.
Оқшом завқин қониб ичиб мен,
Тоғ ортига ойни узатдим.

1935

БАҲОР

Ҳаво кўм-кўк, унда йўқ ғубор,
Қуёш нурын беҳад сочади.
Ерда ажиб тўлишиб баҳор,
Ҳар кун янги чеҳра очади.

Қишдан чиққан боғчалар, боғлар,
Безанади баҳор гулига.
Майса ўтлар, зилол япроқлар
Илҳом берар киши дилига.

Ариқ лабидаги бинафша,
Кашф этади ўзи бир баҳор.
Кўнгилларга беради нашъа,
Сайраб булбул чиройли наҳор.

Хаёлингни мафтун этади
Гўзал оппоқ фируза тонглар.
Уйқуларни олиб кетади
Аллақандай майин шамоллар.

Баҳор кўриб яшнар даралар,
Қир ҳам иш завқига тўлади,
Меҳнат билан зумрад далалар
Кундан-кунга дилбар бўлади.

Ишга чиқар, севиб, шошилиб,
Қуёш билан тенг турган қизлар,

Ишлар баҳор каби очилиб,
Ёнар бахмал лоладай юзлар.

Баҳор, ёшлик ишга тушар тез,
Тонгда меҳнат завқли бўлади.
Бахти тонгдай кулган ўзбек қиз
Тракторнинг рулин буради.

Қиши билан етилган тупроқ
Қиз қўлида очар кўксини.
Олтин кузда очилган оппоқ
Ҳосил эркалайди кўзини.

Юракларда, кўзларда баҳор,
Ерда, кўкда баҳор юради.
Ҳатто сочи оқарган чоллар,
Баҳор каби яшнаб киради.

Шундай сочиб гулларин ҳар гал,
Еру кўкни безаш одати.
Гул ёзади баҳордан гўзал,
Шод инсоннинг ҳур саодати.

1936

НИШОНДОР ҚИЗ

I

Бугун беҳад хушвақт Марҳамат,
Уйи тўйи тўйга уланди. -
План тўлган, чорлаган Пойтахт
Қиз меҳнати шундай сийланди.

У тўй қилар, йигит-жувонлар,
Йигилишган бугун уйига.
Куйдан-куйга кўчар дуторлар
Бағишланиб унинг тўйига.

— Анча кечикдингиз Тўтихон,
Навбат Сизга, Сизники ўйин.
Уйнанг, кўрай, кўзларим тўлсин
Соғинибман кўрмай анча кун.

Ўйнар чилвир сочли Тўтихон,
Ўйнар унинг чақнаган кўзи.
Ўртоқлари меҳрини тортган
Рақсими ё, Тўтихон ўзи?

Тўтихон ҳам зарбдор бир жувон,
Марҳаматдан қолмай ишлаган.
Пахтасига бериб тану жон
Зафар топиб дили яшнаган.

Ўйин-кулги қизиган бир пайт,
Ботаёзган тўққиз кунли ой.

Ҳамма куйлар, ҳамма ўқир байт
Янги замон мазмунига бой.

Тонг ёришди, қизлар қўзғолди,
Гала булбул кўчди ўрнидан.
Дўстларини қиз қучоқлади,
Сўнгсиз меҳр билан бўйнидан.

Тикдирганман кўк духоба тўн,
Тикдирганман кўйлак бир неча
Қизил атлас, шойи, марказит
Кўйлак. Бахмал ва кимхоб нимча.

Сафаримга ҳамма нарса тахт,
Лекин дилим тортар пахталар.
Чунки, топдим мен ўшандан бахт,
Уша билан юртим мақталар.

Қуёш бир ўт, осмонда чақнар,
Ҳаммаёқни нур тутган қайноқ.
Оқ олтинлар водийси балқар
Пахтакорлар қўшиғи қувноқ.

Қарай-қарай кўзим тўймайди,
Мени қучган шу гўзал ҳаёт.
Урганганман туриб бўлмайдим
Ишга тушдим мен ҳам ниҳоят.

Ҳеч бўлмаса ўша жалб этган
Олтинимни бир терай дердим.
Пахта учун жонини берган
Дўстларимни бир кўрай дердим...

Машин борди хирмон бошига,
Хабар кетди пахтазор бўйлаб.
Дўстлар дейди: биз-чун ҳам кўринг,
Келиб барин берасиз сўйлаб...

II

Хайрлашдим бир неча кунга,
Лекин далам кетмас кўзимдан.
Дил орзиқар, ўйлаб дўстларга
Москвада айтар сўзимдан:

«Бошлаб ерни яхши ишладик,
Утин юлиб, ювдик шўрини.
Еш боладай парваришладик,
Бердик сув деб қуёш нурини.

Ана кўсаклари саноқсиз
Марвариддай бўлиб терилган.
Дала тўлиб эркак, аёл, қиз
Ҳамма бирдан ишга берилган.

Мен ҳам тердим дўстлар билан дур,
Бирга этдик оқ олтиндан тоғ.
Билакда куч, кўзимизда нур,
Озод меҳнат билан кўнгли чоғ.

Яшнаб, яйраб дил қувончимиз,
Ғайрат ошиб, ҳосил мўл бўлди.
Унутмадик бир дам бурчимиз.
Ҳам даламиз, ҳам кўнгили тўлди.

Дедик: қўймай териб олайлик,
Орзу-умид шунга қўйилган.
Қолхозимизга доғ солмайлик,
Бу — одатдир бизда севилган.

Шу тилак-ла ҳамма хуррам, шод,
Ишчи меҳри билан боғланган.
Ҳамма ишчан, меҳнат севган зот,
Дилда катта план жойланган.

Шунинг ишқи ҳардамда жўшиб
Чорлаб турди етакчи сафга.
Муҳаббатни суръатга қўшиб
Олиб келди шону шарафга.

III

Қиз жонида ўн саккиз баҳор,
Мавж уради баҳор юзида.
Қаҳрамонлик, ёшлик барқ урар
Марҳаматнинг шаҳди, сўзида.

Москвадан дoston сўзлайди,
Сўзлаб берар метро кезганин.
Кезар экан мрамар дунёсин
Ўзни бахтли бир қиз сезганин.

«Метро деган жуда ажойиб,
Эртақда ҳам мисли йўқ бир жой.
Бус-бутун юрт гўеки ғойиб,
Афсусланмиш кўролмасдан ой.

Мавзолейда Доҳийни кўрдим,
Бирга кирдик саф-саф кекса-ёш.
Ёшга тўлди очилган кўзим,
Ўша солган кўксимга қуёш.

Бахтиёрман бу саодатга,
Элим билан бирга етишдим.
Пахта экиб, бериб давлатга,
Нишон тақиб, олқиш эшитдим.

Кўпни кўрдик, кўпдан ўргандик,
Билимдонлар берди кўп ўғит,
Не ўргандик, не билим олдик
Барин сенга бағишлаймиз Юрт!»

1936

МУҲАББАТ ТОНГИ КУЛГАНДА

Оқшом эди, ойдин кўприкда
Барно қизу йигит турарди;
Ойни кутган оқшомги кўкда
Бешик-бешик булут юрарди.

Булутларнинг ёриб қучоғин,
Ой кўрсатди олмос юзини.
Мағрур ташлаб ерга нигоҳин,
Тинглаб қолди йигит сўзини.

«Хоҳи инон, хоҳи инонма,
Сенинг севгинг қилмоқда шайдо.
Бундай ёниш бегона жонда
Бир ўчмас ўт бўлибди пайдо!»

Ой сузади, ел эсар майин,
Икки қалбни ёқар бир оташ.
Ёниқ дилнинг бахтиёр найин,
Ютмоқ бўлур сукут жафокаш.

Йигит севги тонгини кутар,
Қиз кўзидай қуюлади тун.
Лекин узун киприклар ўта —
Ярқирайди бахтга тўла кун.

«У бир ўтки, сени кўрмасам
Изтиробга солар жисмимни,

Лол қоламан — ахтариб топсам,
Унутамаман ҳатто исмимни.

Хоҳ инонгин, инонма хоҳи,
Хаёлимда кезасан ёлғиз.
Мени севгин!»
Йигит нигоҳи
Севги тилар — сукут қилар қиз.

Оппоқ паға булут устида
Ҳайрон сузар кекса ойсулув.
Юлдузларни қучиб кўксида,
Анҳор тўлиб жўшиб оқар сув.

Шу чоққача ишқин қиз фақат,
Дилдан сўраб айтганди дилга.
Илк, мусаффо, катта муҳаббат
Қиз дилидан келмасди тилга.

Ҳозир юрак бир нигоҳ бўлиб,
Боққан эди йигит кўзига.
Оқшом оғушига нур тўлиб,
Тонг кулгандай бўлди юзига.

Елда қўшиқ, кўприкда шуъла,
Бахт-ла тепди икки ёш юрак...
Ой сўзлади юлдузни тўплаб,
Севги тонги ҳақида эртак.

1936

ҚУРДОШ ҚИЗГА

Сен-ла бирга жавлон уриб дунёга келган,
Сен-ла ўсиб шон яратиб камолга етган,
Рухсат этгин Октябр-ла қутлайин сени,
У ҳам сендай севинч билан юраги тепган.
Дунё ортиқ ёриганди сен туғилганда,
Юрагингни севинч билан тинглади онанг.
Қизил нурга тўлиб ўлка тонги кулганда,
Янги баҳор нафаси-ла яйради тананг.
Сен бахтлисан, ёрқин кунлар доялик қилди,
Октябрнинг ниҳол қўли силади бошинг.
Жангда енгган отанг қайтиб қўлига олди,
Гўдакликдан бир умрга тўхтади ёшинг.
Янги илм, янги орзу билан бойиди,
Қайғу-алам гарди юқмай покиза онгга.
Уйнаб-кулиб «аъло» баҳо олиб ўқидинг,
Навойни ўқиб кириб келардинг тонгга.
Қуёш нури, ёрқин бахтдан югурган каби,
Ун саккизда гўзал бўлиб дилбар тўлибсан.
«Кадр бўлсам, қонса чанқоқ ўлкам талаби»—
Тилагида дорилфунун томон юрибсан.
Бугун тўйинг, Октябрнинг қувноқ қурдоши,
Табриклайди бахтлар билан дўстларинг, отанг.
Пешқадам қиз, Октябрнинг севган йўлдоши,
Чаман гулга тўлиб-тошар сен туғилган тонг.

1936

ОКТЯБРЬ

Хур Ватан боғида қушдайин озод,
Эркин қанот ёздим, яшнаб гулладим.
Шу ҳаётда чексиз қувноқман ҳам шод,
Шод дилдан шодликни мағрур куйладим.

Толе йўргаклади мен туғилганда,
Мен кўрдим Октябрь тонги отганин.
Халқим ҳур, севинчда, қуёш бошида,
Бир умр ҳурликка, бахтга боққанин.

Зулматлар қилинган элда тор-мор,
Чимматлар ўлимга этилган маҳкум.
Чимматсиз юзларда илм нури бор,
Энди бу ўлкада қолмаган мазлум.

Ватаним чаманзор, ёруғ эди йўл,
Мактаб жонажоним чин уйим бўлди.
Озорни билмаган эрка, ёш кўнгил
Ҳар кун бир янги куй умидга тўлди.

Бахтлиман, юзим ҳеч чачвон кўрмади,
Паранжи на экан билмади умр.
Хушчақчақ кунимга азоб кирмади.
Шунинг-чун кўзимда асло сўнмас нур.

Бу нур Октябрнинг шуъласи эди,
Бу шодлик Ватанда эди барқарор.

Жарангли шоирнинг нағмаси энди,
Унда бор на алам, на қайғули зор.

Октябрь, сен ўзинг бизни сайратган,
Ғалабанг шу гўзал шодликни берди.
Сенинг нурларингдир бизни яйратган.
Сенинг номинг билан эрк қўлга кирди.

Дунёда зулмдан қолмас бир кун из,
Бутун ер куррасин ғалабанг тутар.
Биздай озод бўлар барча хотин-қиз,
Сени биздай ҳар чоқ севинч-ла кутар.

1937

ҲОЖАР

I

Мен кўрганда Ҳожар гул эди,
Навбаҳорга жилмайиб боққан.
Йигитларнинг кўзи шул эди,
У, ўт эди кўп дилни ёққан.

Уни севди, бойланди кўп дил,
Шу ниҳолнинг шайдоси бўлди.
Доим банддир унинг билан тил
Ишқи билан юраклар тўлди.

Шу куйдирар менинг юрагим,
Дилимдадир севги деган дард —
— Камол дерди: шудир тилагим,
Мендан ортиқ ололмас бир мард.

Ҳожар отли ноёб, тоза гул,
Банд этгандир фикру зикримни.
Шу маъсума, осуда кўнгил,
Олиб қўйди менинг эркимни.

Ҳатто ғир-ғир эсган шаббода
Юзин ўпар қўзғолиб суқи.
Рухсорини қилиб томоша
Ою юлдуз билмади уйқу...

Ҳожар ўсар, ой ҳусни тўлар,
Ўсар унда ҳавас ҳам орзу.

Ақли ұсар бүйи чўзилар,
Кундан-кунга ортади обрў.

II

Она дерди: бўйига етса
Бир муносиб куёвга берсам.
Уйли бўлса, яйраб ёлчиса,
Яйраганин ўлмайин кўрсам.

Лекин, бир кун очман, бир кун тўқ.
Ўлчолмайман борлар билан бўй.
Қудрат етмас, мадорим ҳам йўқ,
Донг чиқариб қилолмайман тўй.

Ўлиб кетсам қолмаса қизим,
Сарғаймаса бировга юзи.
Бўлмасмикин хору зор қўзим,
Ешлар тўкиб қоп-қора кўзи...

Она кетди тўлиб паймони,
Кирди Ҳожар кунига аза.
Кўтарилди оҳу фиғони,
Танҳо уни тинглади фазо.

Уйга кирса уй ютар уни,
Тўрт томондан сиқар нафасин.
Босинқирар, уйқусиз туни,
Тўрт девордан сўрар опасин:

— Қани менинг меҳрибон ойим,
Азоб-уқубат-ла берган жон.
Кўкрагига шамол тегмайин
Йиғлаб ўтган қиммат баҳойим.

Тун-кун демай чўрилик қилиб,
Белларида битди дармони.
Шунча кучин, терини тўкиб
Дили тўла кетди армони.

Кунлар ўтди, ҳар ўтган ҳафта,
Ҳожар учун кўринди нақ йил.
Гулдай рухсор сўлди кулфатда,
Она соғинчига тўлди дил.

III

Мана Ҳожар, ўша мунгли қиз,
Мана ўша сўлган гул рухсор.
Энди букмас шум тақдирга тиз,
У озоддир, ҳурдур, бахтга ёр.

Янги ҳаёт, янгича турмуш,
Ярқиратди қизнинг тақдирин.
Борлиқ очган меҳрибон оғуш,
Ҳаёт гўзал, туйғулар ширин.

Чечан бўлиб, чиқарибди от,
Ҳамма куйлар унинг мадҳини.
Гўзал бўпти, топиб камолот
Ва ростлабди ниҳол қаддини.

Қайси боғда етилибди у
Қайси боғбон севиб ўстирди.
Жуфт чаросни кўзга яшириб,
Киприк билан уни тўсдирди.

Энди йўқдир кўзларида нам,
Қонларида алам кезганин.
Гулдай яшноқ чеҳра, дил хуррам,
Унутгандир қайғу эзганин.

«Қўйнин очди меҳнат номли бахт»,—
Дер, суяндим ўз ёш кучимга.
Қишлоғимдан жўнадим Тошкант
Текистильнинг фабзаучига —

Кўрсатдилар дўстлар шундай йўл,
Зеҳним бериб, яйраб ўқидим.
Бир йил бўлди, ўқишим битиб,
Дунё-дунё читлар тўқидим.

Кунда ортар ишга муҳаббат,
Кундан-кунга фаровон турмуш.
Ортар шодлик, ортади сабот,
Завқ шарафли фабрикада иш.

IV

Гўзал ўтди икки ёш тўйи
Бир ишқ билан урар жуфт юрак,
Бир оқимда иккисин ўйи,
Яшнаб кетди икки бир тилак.

Кўкда тўлин ой ярқираган,
Жимирлашар сонсиз юлдузлар.
Кундузидай тунлар ёришган
Ва бахт билан нурланган кўзлар.

Ҳарсиллайди ўтли паровоз,
Сигнал кутар кекса машинист.
Москвага жўнаб кетмоқда
Неча илғор эркак, хотин-қиз.

Кузатади биров хотинини,
Биров эрин, биров қизини
Ҳамма дилда бирдай ҳаяжон,
Айтиб тугатолмас сўзини...

Оқшом қуёшини кузатиб,
Кулиб кўкнинг ҳилоли қолди.
Ҳожарини Москов узатиб,
Муҳаббатли Камоли қолди...

1937

СЕНИНГ МАҚТОВИНГ

Кўр, эркам, гўзалдир вафоли даланг
Ҳуснингдай тўлишиб кирар саҳари.
Атрофи поёнсиз кўринар аранг,
Унда кумушланар меҳнат гавҳари.

Сенинг ёш бахтингдай нур тўлиб яшнар,
Момик пахталаринг далада оппоқ.
Ўргилиб терасан ишда вақтинг чоғ,
Дилиннга муҳаббат сиғмайин тошар.

Уни ниҳолликдан ўстирдинг, қўзим, .
Ўстирдинг ардоқлаб, гул очилтирдинг.
Далангни кўрганда қувнайди кўзим,
Тупроқдан пахтамас, дур сочилтирдинг.

Тонг ели эсади сочингни тараб,
Ғайратинг тунлардан яратар кундуз.
Сен чиққач далага, сени кузатиб
Сўнг кетар уйинга кўкдаги юлдуз.

Меҳнатга нур мисол сингиб кетасан,
Этагинг момикқа тўлади тез-тез.
Қувониб мардлингнинг таъриф этаман,
Шеър бўлиб келасан қаршимга сен, қиз.

Сени мақтайинми ёки далангни,
Далангда кезайми, қўшигинг тинглай.

Кўз нуринг бахш этар паҳтанга рангни,
Паҳтанг юрагингга солмиш ёниқ най.

Йигитлар тилида сенинг мақтовинг,
Фусункор кўзларинг ёқармиш дилни.
Нозик қўлларингдан таралган шонинг
Азизим, шод этар колхозни, элни.

Мен сени мақтайман, сизни мақтайман,
Улкам ифтихори — паҳтакор қизлар.
Достонларга киринг мисоли гулшан,
Эй меҳнат кўкида ёрқин юлдузлар.

1938

ҚИЗЛАР ҚУШИҒИ

(Ўзбекистон хотин-қизларининг I съездига)

Съезд. Минбар. Нутқ сўзлайди,
Сўзлар бахтдан жувонлар, қизлар.
Нутқ эмас гўё куйлайди,
Қўшиқ каби порлайди юзлар.

«Озод яшаб совет юртида,
Меҳнат қилиб завқин сурамиз.
Қуллик куйган ҳурлик ўтида
Кўкрагимиз кериб юрамиз.

Фабриканинг чевар эпчили
Бизмиз, бошда дурралар алвон.
Гўё кўкнинг учқур лочини
Пахтазорда урамиз жавлон.

Оқизамиз бахт дарёсини
Яратамиз чаман чўлларда.
Парчалаймиз боқмай додига
Тўсиқ бўлса кимдир йўлларда...»

Кеча эди, шу чечан қизлар
Инсонликдан маҳрум этилган.
Қуёш кўрмай сарғайиб юзлар
Дилларини таҳқирлик тилган.

Еши тўлмай сотилар эди,
Оҳ-зорига заррача боқмай.

Асирадай кун кўрар эди,
Шодлик дилга шамини ёқмай.

На тингланган илтижо, зори,
На юролган чеҳрасин очиб.
Ҳар ерда бор тошу торозу,
Қайга борсин тақдирдан қочиб?

Бири бойнинг қўлида оқсоч,
Гўдаклари кўчада сарсон.
Кун ўтади очу яланғоч
Топмоқ мушкул ҳатто парча нон.

Бу қисматни Октябрь йиқди,
Тақдир озод, дил топди қанот.
Қуёш бўлиб дилни иситди,
Инсон топди ҳақиқий ҳаёт.

«Тубанларнинг тубани» бирдан
Октябр-ла кўтарди бошин.
Қуллик заҳри йўқолди дилдан,
Елкасидан — асрлик тоши.

Яшнаб кетди дилда тилаклар,
Меҳнат билан гуллади турмуш.
Толиш билмас нозик билаклар,
Бағишлайди ўзи қудрат иш.

Мазмунлидир энди ҳар қадам,
Қулочини кенг очгач ҳаёт.
Ижод этар ўзи бахт одам,
Ҳар кимда бир нурли кашфиёт.

Қириб борар кучимиз қирга,
Тоғ-тошларга киради кўзи.
Ижод қилиб, ҳаёт-ла бирга
Юксалади инсоннинг ўзи.

Парашютдан соябон ясаб
Яқин чиқар қуёшга бири.
Дарёлардан қилар нур талаб,
Тожихонлар яшнатар ерни.

Юртимизга ўзимиз эга,
Қўлларимиз, дилларимиз ҳур.
Қувонмайлик тошиқиб пега,
Бошда чақнаб турган бўлса нур?!

Қутқарганинг қулликдан элни,
Номи, руҳи дилимизга жо.
Енг шимариб боғлашиб белни
Эл истагин этамиз бажо.

Яратганмиз ажиб бир ҳаёт
Ҳайратланар унга одамзот.
Чунки унга қуллик, зулм ёт
Бунда ҳамма инсон, ҳар эл шод.

Биз Коммунизм қасрин қураммиз.
Иўлимизда порлайди қуёш.
Ишлаб, яшнаб олға борамиз,
Партиядир буюк карвонбош.

1938

КУТИШ

Ота-она уйқуга кетди,
Уйда фақат Инобат бедор.
Унинг кутган кунлари етди,
Букун ўзин санар бахтиёр.

Кичик қалбда буюк севинч бор,
Ер юзини тутиб кетгудай.
У бировин кутар беқарор,
Қанот бўлса, ўзи етгудай.

Қиз билади, шошади йнгит,
Самолётда қилади парвоз.
Қиз дейди: «Дил, ёстиқни тарк эт,
Тоза пардай қанотингни ёз!»

Қанотинг ёз! Ишқимни олиб
Юлдузларнинг қаватида уч.
Ой нурига аргимчоқ солиб
Булутларнинг бешингни қуч.

Учувчига бўлдинг ошинфта,
Осмонни ҳам ўз маконинг бил.
Пўлат қушни тутиб сен аста,
Кутганимни сен ҳикоя қил!

Оқ булутдан ошиб унга ет,
Айтки, юрак тўла фахрим бор.

Ватан кўкин сақларкан йигит,
Қиз қилмасин нега ифтихор?..»

Юрак ёрга учиб кетгандай,
Қиз ўлтирар кўкдан узмай кўз.
Минг кўз бўлиб йигит боққандай,
Чақнаб қарар қизга минг юлдуз.

Ёнар юлдуз, кўкда ой кулар,
Бари қарар қизнинг юзига.
Гоҳ суқланар, гоҳи рашк билан
Қарай-қарай оқар йўлига.

Тотли хаёл ғарқ этган, қиз жим,
На қилишин ўзи билмайди.
Эсар майин ел билмай тиним,
Қизнинг тўсдай сочин силайди.

Қиз кўнглидан кечирганларин,
Гўё ел ҳам, ой ҳам билади.
Не қилсинки, кўзи сирларин,
Оқ дил билан сўйлаб беради.

Қиз кутишнинг завқи билан маст,
Яна юрагида ўт ёнди.
Гўё ой-ла сўзлашгач бирпас
Дилидаги армони қонди.

1938

ЧЕВАР ҚИЗ ҚУШИҒИ

Улкам озодлик боғи,
Нурга тўлган ҳар ёғи.
Ҳар тонг мени чорлайди
Фабрикамнинг қучоғи.

Ипагим толим-толим,
Яшнар чамандай боғим.
Атлас тўқиб элимга.
Тонгдай кулган иқболим.

Иқболим бор, бахтим бор,
Москва пойтахтим бор,
Шойи билан дўстларни
Ясантириш аҳдим бор.

Дилимда доҳий — устоз,
Шунинг учун шоҳим соз.
Маргилондан Москвага
Беқасамим пояндоз.

1939



«ҲИЖРОН КУНЛАРИДА» КИТОБИДАН

1944

ҲИЖРОН

Куз оқшоми эди. Булутли оқшом,
Ойдан тўкилмасди кумуш каби нур.
Азамат тераклар сафи хаёлчан
Кўкка чўзган эди бошини мағрур.

Барглари сарғайган гуллар, дарахтлар
Оқшом туманида сокин боққан чоғ,
Ёрим, севар ёрим, жўнади жангга,
Менинг юрагимга тушди ҳижрон-доғ.

Мен севган дилдорнинг севган юрти бор!
Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.
Бу ҳижрон мангумас, висоли ҳам бор —
Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи.

1942

ГУЛЛАР ОЧИЛГАНДА

Сени кузатганда оппоқ қор эди.
Энди баҳор келди, боғлар ям-яшил.
Сени эсга солиб гуллар очилди,
Қайдасан, гул фаслин севган тоза дил?

Субҳидам уйғониб гулга қарайман,
Оқ, пушти гулларнинг бўйи сочилар.
— Ғамхўр боғбонинг қаерда?— дейман,
Жавобга гунчалар лаби очилар:

«Узоқ... узоқларда, эркама, у боғбон,
У ерда на гул бор, на гулгун баҳор.
Унда қаҳратон қиш — ўкирар бўрон.
Ҳали ёғмоқдадир паға-паға қор.

Душман хазон қилган гулсиз у боғлар,
Севганинг қўлида топгуси ҳаёт.
Гулзорда сайролмас бойқушлар, зоғлар,
Баҳор қушлари боз елпигай қанот...»

У дер: «Ёвдан асар қолмасин буткул,
Ғалаба байрами бўлсин гул билан.
Йигит севганига тутсин яна гул —
Ёвни енгиб келган ғолиб қўл билан.

Манман деган шерлар жанг майдонида,
Ушаларнинг бири сен севган киши.

Юрт ишқи ёнаркан йигит қонида,
Унга гул юбормоқ ҳар қизнинг иши.

Гулинг очилибди, ёрингга юбор,
Меҳрингдан сўзласин унга ҳикоя.
Атиргуллар ҳиди маст этсин такрор,
Севгинг балолардан қилсин ҳимоя.

Гуллар бағишласин томирига қон,
Жангларда мардлиги бўлсин зиёда.
Курашда ботирлик келтиради шон,
Марднинг номи мангу қолар дунёда».

Шундай субҳидамда сен деб уйғониб,
Гуллар эртагига қулоғим солдим.
Сен эккан гулларнинг лабидан қониб,
Тўйгунча лаззатли бўсалар олдим.

1942

СЕНИНГ МАФТУНИНГ

Яхшики йигитда эр юраги бор,
У севса ҳеч қачон ёнмас яширин.
Севгинг тўғрисида ўзинг очдинг сўз,
Эй кўзи қоп-қора, сўзлари ширин!
Менинг севганимни ҳали билмасдинг,
Танҳо ўртанишдан мен олдим лаззат.
Дилимни кемирган муҳаббат сирин,
Ўзим ардоқладим, ҳам қилдим иззат.
Қалбимга ёзилган муҳаббат сўзи,
Ўйимни чулғади менинг ҳар минут;
Лекин ишондимки, сен сўз очмасанг,
Шу дардда ўлсам ҳам этаман сукут.
Ҳатто билмас эдим севармидинг сен,
Балки севганингдир бир бахтиёр қиз.
Балки хаёлингдан мен беҳад йироқ,
Аммо сен дилимда кечаю кундуз.
Фақат ўйладимки, уятдир қизга
Йигитга севгисин айласа изҳор.
Бу — доғ солар дедим қизнинг ҳуснига,
Энди иложим йўқ бўлмаини иқроп.
Узоқ мен ахтардим, аммо ўзимда
Бир куч тополмадим севгидан устун!
Мен сени севаман, сеҳргар йигит,
Бутун борлигим-ла мен сенга мафтун.

1942

ОЛТИН КУЗ

Севаман, олтин куз, севаман жондан,
Атлас табиатли гўзал чоғингни.
Дарахтлар либоси ранго-ранг, гулгун,
Кўзни эркалаган чаман боғингни.

Севаман, ерларга рангдор япроқлар,
Юмшоқ ва ранг-баранг гилам тўшаса,
Гул тергандай териб барг қизалоқлар,
Қушлардай гурпанглаб яйраб ўйнаса.

Далада пахталар кумуши порлаб,
Момиқ юзларини қуёшга тутса.
Теримчи чечанлар этаклаб, қоплаб
Тоғдай хирмонларга келтириб тўкса —

Мен беҳад севаман! Енгим шимариб,
Қизлар орқасидан юраман мен ҳам.
Кенг водий қўйнида кўксим қабариб,
Яйрайман, нашъага тўламан бу дам.

Симоб тўлқинлари тутиб осмонни,
Муттасил ёмғирлар зериктирса ҳам,
Кумуш булоқларнинг сувлари сокин,
Қушлар инларига кириб олса ҳам,

Мен гамгин боқмайман, кўнглимда баҳор,
Олтин япроқларга қараб толмайман.

Ясан келинчакдай ҳар бир дарахтни
Севаман! Нигоҳим уза олмайман.

Булут чодирини йиртиб, мўралаб,
Чиқса қуёш, кўкка бўламан мафтун.
Севаман нурларда пати ялтираб,
Оппоқ кабутарлар қилсалар ўйин.

Тўзони ювилган барглар шамолда,
Рангини кўз-кўзлаб қилганда ҳузур,
Ҳозир тинган ёмғир томчиларида,
Олтин япроқларда ёниб тоза нур —

Гавҳар маржон каби ялтираб турса,
Мени ҳам ўрайди шеърӣ ҳаяжон!
Қуёшни қаршилаб чиқиб айвонга,
Нурларга кўмилиб юраман шодон.

Севаман олтин куз, севаман жондан!
Товусдай безанган дарахт, боғларни!
Ёмғирли оқшоминг, қуёшли тонгинг,
Хаёлга чўмганим гўзал онларни!

1943

СОЙ КЕЧАСИ

Тоғ ортидан кўтарилди ой,
Сўлим қирғоқ нур-ла ўпишди.
Кўзгу бўлди жимжит оққан сой,
Ойнинг акси сувларни қучди.

Сойми ёки шаббода олди
Менинг кўзимдаги уйқуни?
Ой ёримни ёдимга солди,
Дилда тошди севги тўлқини.

1943

ҲИЖРОН КУНЛАРИДА

Эй, севгиси азиз, эй севимли ёр,
Кетма, асло кетма кўзимдан йироқ!
Гарчи тушимда ҳам сени бир кўриш —
Ҳижрон кунларидан минг бор яхшироқ.

На гўзал тунларки севгили тунлар,
Узун қиш тунлари ўзинг тушимда.
Қора кўзларингнинг дилбар нигоҳи
Кун бўйи яшайди ақлу ҳушимда.

Келиб деразамдан боқдинг жилмайиб.
Кўрдим-у, севинчдан тилим бўлди лол.
Бир нафасга келдим,— дединг,— кўргали
Қушдай учиб чиқдим олдингга дарҳол.

Атрофда очилди ўлка боғлари,
Биз аста йўл олдик гуллар сайлига.
«Сен учун очилган, сенга деб уздим,
Ол,— дединг,— қўлингга сўлса майлига».

Севги, ҳаяжонда ёнингда юриб,
Берган гулларингни дасталаб олдим.
Ҳаёдан юзингга боқолмай тикка,
Ранго-ранг гулларга нигоҳим солдим.

Гулларда учратдим сенинг кўзингни
Оташин севгингни ўқидим унда;

Уни ўпмак бўлиб юзимни қўйдим...
Қушлар ҳам сайради шу ажиб тунда.

Мен уйғониб қолдим. Қалбим безовта,
Сўнгра бедор ўтдим ол тонг отгунча,
Ҳам тушда, ҳам ўнгда излайман сени,
Сен ёвни йўқотиб омон қайтгунча!

1944



1947

МЕНИНГ ВАТАНИМ

Мен шунда туғилдим, кўрдим дунёни,
Ҳаётга илк қадам қўйганман шунда.
Тилим нутқ топди, кўзим зиёни,
Меҳр ва эрк билан яшадим кунда.

Гўдак тушунчамда Ватан деб билдим
Кўзни қамаштирган кўм-кўк боғингни,
Кўрганда қирғоқдан кетолмай қолдим,
Ойга кўзгу бўлган соф булоғингни.

Кўкси хазинага бой баланд тоғлар,
Пахта водийларинг чексиз, бепоён.
Кунда қизиб ётган қумликларинг ҳам
Ажиб жилва билан боқди меҳрибон.

Ердан бош кўтарган ҳар бир гиёҳга
Боғбон муҳаббати, меҳри-ла боқдим.
Ҳар ғунчанг, ҳар гулинг кўзим эркалаб,
Мен ғамсиз, аламсиз қўшиқ-ла оқдим.

Боғларинг гулларга бурканган баҳор,
Илк севги қалбимга кирди яширин.
Салқин кечаларни ўтказиб бедор,
Тошқин сувларингга айтдим ишқ сирин.

Тонгда булбулларинг хониш қилганда,
Мени мафтун этди ажиб бир ҳаёт.

Ниҳол соз тутқаздинг менинг қўлимга,
Қўшиғим туғилиб чиқарди қанот.

Фақат сени дедим, қалб қўшиғини,
Эй азиз Ватаним, атадим сенга!
Сен ҳур бўлганинг-чун нафасим ҳурдир,
Ҳаётим лаззатли, бахт ёрдир менга.

Мана шунинг учун тупроғинг азиз,
Кўзим қорасидай кўраман яқин.
Сенинг меҳринг, ишқинг кезар қонимда,
Мисоли баҳорги ҳаётбахш оқин.

Сенинг пок парчангга босиб кирди ёв,
Бизнинг саодатга солмоқ бўлди чанг.
Қўзғал, қутқар дединг, қўзғалди эл-халқ,
Ҳар қарич ер учун қилдик қаттиқ жанг.

Қириб келган сари душман ўт сочиб,
Мени қоплаб олди ғазаб, ҳаяжон.
Фашист куйдиргани ҳар хона учун
Қасос истагида оловланди жон.

Қўшиғим, оромим, қалам, кучимни
Сенинг ҳимоянгга келтириб тикдим.
Мен жангдан узоқда — оддий солдатдай,
Сенга қурол ясаб, темирлар букдим.

Ишончим буюкки, бўлур зўр байрам,
Менинг севганим ҳам қайтади ғолиб.
Йўлига чиқаман қучоғим тўла
Боғларингда ўсган гуллардан олиб.

Бутун халқим билан байрамга чиқиб,
Ғалабани қутлаб, оламан созим,
Сенга, азиз Ватан, сенга, она-юрт,
Меҳринг, ишқинг билан тўлиқ овозим.

1942

ФАРЗАНД

Нега севмай, эркалаб ўпмай,
Нечун демай уни ҳаётим?
Нега демай кўзимнинг нури,
Сўзлаганда қандим, новвотим?

Ширин экан фарзанд, у билан
Оилага кирар экан жон.
Кўзи кўзга тушиши билан
Меҳри болқир экан бепоён.

Иқбол бўлиб кўзинг олдида,
Кундан-кунга топаркан камол,
Не бахт, тоза ҳаёт боғингда
Усса тоза, бебаҳо ниҳол.

У бор ерда қайғу ва ҳасрат
Ҳаётингга бегона экан.
Қани айтинг, фарзанддан қиммат
Бу дунёда нима бор экан?

О... фарзандим, кўзим нурисан,
Менга сендай бўла олур ким?
Сен ҳаётим, сени кўраркан,
Дилда беҳад жўшади меҳрим.

Қора кўзларингга қарайман,
Унда борлиқ бўлар намоён.

Менинг бахтим ёрқин, бегумон
Жилваланиб кўринар аён.

Ширин сўзинг, чексиз меҳринг бор,
Қилиғингда бир олам ором.
Сен билан дил чиройли гулзор,
Қўшинғимга туганмас илҳом.

Сен ўс — соғлом, беқайғу, эркам,
Муҳаббатим бошингга соя,
Мен бахтиёр алла айтайин,
Қўшиқларим кўп, бениҳоя.

Қўз ёш нима, сен билма зинҳор,
Сенга порлоқ тилайман иқбол,
Бу дунёда на яхшики бор
Сенга, қўзим, сенга бўлсин, ол!

1943

ПАЛАК

«Сенга мафтун бўлиб севиб қолганим,
Ишқинг оловида ўртанганим рост.
Сенинг ёдинг билан нафас олганим,
Исминг такрорлашга ўрганганим рост».

Дедингу, эй йигит, юзимга боқдинг,
Сендан узолмадим мен нигоҳимни.
Уша гўзал баҳор бағримни ёқдинг,
Энди ўзинг тингла тортган оҳимни!

Қизлар бўйи етса, тикарди палак,
Мен сени севдиму олдим қўлимга.
Саватда товланар ранг-баранг ипак,
Баҳор нусха ташлар чизган гулимга...

Душман ажал тортиб келди Ватанга
Бизнинг севгимизга ташлади ҳижрон.
Сен кетдинг яроғинг олиб елкангга,
Қайтаман, кут,— дединг,— ёв битган замон.

Сен-ла бирга кетди баҳор ҳам юрак,
Ёмон ваҳималар олди ҳушимни.
Келгач дилбар хатинг, хайрли дарак,
Умидим ўсди-ю, тикдим ишимни.

Уни тика бердим кечалар бедор,
Қаршимда суратинг, тортдим қатимни.

Хаёлимда сенсан доим, азиз ёр,
Ишқинг билан чекдим севгим хатини.

Ёвни тамом қилиб сен қайтсанг голиб,
Ишқда бирга тепгай биздаги юрак.
Сени қаршилагай қуёшдай ёниб,
Йўлингга кўз тутиб мен тиккан палак.

Сенинг дилларингга бергай ул ором,
Севгим армуғони бўлур умрбод.
Меҳрибон қўлимнинг санъати мудом
Сенинг рўпарангда турса бас, мен шод!

1943

ҚУЛИМДА ҚУРОЛУ УСТИМДА ШИНЕЛЬ

«Олга кетмоқдамиз ҳужум-ла ҳамон,
Музаффар жангимиз этмоқда давом.
Нега хат ёзмайсан, енгдими ҳижрон,
Бардош қилолмайин унутдинг тамом?»—

Дебсан, баҳодирим, хатни кўп ёздим,
Мендаги муҳаббат сизмас мактубга.
Кутдим, ўйламаки севгидан оздим,
Бардош берар экан севги маҳбубга.

Наҳот мен унутай, унутай сени,
Наҳот ўйладингки шунча бағрим тош.
Юлдузлар кўзингни эслатган чоғда,
Наҳотки, тўлмаса дийдаларга ёш.

Беҳад соғинганман, кўришга зорман,
Хабар бер, қайдасан, эй офатижон.
Бу кун сен томонга қиламан сафар,
Сен ҳам кўрмак бўлсанг бергил тез нишон!

Гўзал Ўзбекистон қолди ортимда,
Қизлар оқ йўл тилаб силкитди рўмол.
Оқ йўл тиладилар яшил далалар,
Ҳовуз бўйидаги жийда, мажнунтол.

Сўроқлаб бораман учган қушлардан,
Мардлингнидан куйлар улар навоси.

Силаб сочларимни мени эркалар
Улуғ Россиянинг қорли самоси.

Бирга жанг қилармиз туриб ёнма-ён,
Таниш бўлиб қолар ўқлар овози.
Мен узган ўқимдан фашист йиқилса,
Сен мамнун бўларсан, Ватан ҳам рози.

Ишқнинг қанотида сени сўроқлаб,
Парвоз қилмоқдаман осмонда енгил,
Тездан етажакман сенинг ёнингга,
Қўлимда қуролу устимда шинель.

1943

ВИДОЛАШУВ

(М. Исаковскийдан)

Жоним, сен йироқда, битмоқда куним,
Қалам олмоқдаман қўлга сўнгги бор.
Кимга бориб тегса, майли, мактубим
Сенга ёзилмишдир зинҳор ва зинҳор.

Алвидо, қадрдон! Энди баҳорда,
Қизлар гулни куйлаб ўйнамас боғда.
Бунда зулмат ҳоким, сўлим қизларни
Қулликка йўллайлар тонготар чоғда.

Азизим! Эркисизга фашист ерида,
Таҳқир ва азобсиз бўлурми ҳаёт?
Балки аллақачон бир дор тагида,
Менга мунтазирдир қўли қон жаллод.

Балки жарликларга отар танамни,
Ётарман пок сийнам бўлиб чок-чок.
Паришон ёзилган ипак сочимни
Топтаб ўтиб кетар қадами нопок.

Жонгинам! У олтин кокилни унут!
Энди у ўсмайди. Топталгани рост.
Гуллар, гул баргига тушган шабнамни
Барини унутгин, фақат ол қасос!

Мени қайлиғим деб атардинг ҳар он,
Хушнуд тўй кунларин кутардим доим.

Энди бир ифлоснинг ҳирсияга қурбон
Бўлиб, ғунчаликда сўлди чиройим.

Ҳалок этмасинлар, ўлдирмасинлар.
Яшмоқ истаيمان байрамга қадар.
Шунда ҳам сен пешвоз чиқма йўлимга,
Таний олмаслигинг, жоним, муқаррар.

Татьянани рухсори сарғайиб сўлган,
Таниб ололмайман ўзимни тамом.
Жондан севганингни унут, азиз ёр,
Аммо ёшлигим-чун олгин интиқом!

Қалин ўрмонлардан овозим эшит,
Ўлдир ул аблаҳни, жаллодни ўлдир!
Ёздим бу мактубни ғурбатда куйиб,
Шунинг-чун ёшимдан қоғоз ҳам ҳўлдир.

Алвидо, қадрдон, жоним, алвидо!

1943

БИЗНИ КҮТ

(М. Исаковскийга жавоб)

Татьяна, овозинг қулоққа етди,
Пора-пора бўлди юрак шу замон.
Фашист қамчисининг қурбони бўлди
Кулгинг жаранглаган, сен яшаган он

Гулшанлар қўйнида орзуга тўла
Ҳаёт кечирардинг инсонликка хос.
Боғдаги булбулга бўлиб ҳамоҳанг,
Сайраб ўсар эдинг ғурбатдан халос.

Энди чарх ураркан ўлим бошингда,
Зорингдан титради еру осмон.
Жаллодлар куларкан сенинг қаршингда.
Жонинг ўртандими ўтда беомон?

Сени балоларга этиб гирифтор,
Асло ташлай олмас қуликка ҳеч ким!
Бизнинг интиқомга бўлади дучор,
Ҳам сўзсиз ўлимга этилар маҳкум.

Ипак сочларингни топтай олур ким?
Бармоғи текканнинг олинур жони!
Сенинг кўз ёшинга сабаб бўлганлар,
Ҳар бир томчисининг бўлури қурбони.

Қалин ўрмонлардан келади додинг,
Сенинг кўз ёшингдир ундаги шабнам.

Бизни кут, қуритар сенинг кўз ёшинг
Шарқдан кўтарилган қуёш субҳидам.

Бизни кут, қаршингда турса ҳам ўлим,
Йиртқич чангалида бўлсанг ҳамки, кут.
Қардошларнинг сенга узатган қўлин,
Буюк ишонч билан бизларга кўз тут.

Бизни кут, бардошинг сенга бўлсин ёр,
Занжирбанд бўлсанг ҳам этамиз халос.
Аждаҳо оғзидан, ўлим чоҳидан
Қутқарар биздаги муқаддас қасос.

Сен ул асоратда бўлмайсан ҳалок,
Байрам кунларига етасан омон.
Товусдай товланиб бошингда гултож
Хиромон юрасан эркин ва шодон.

Бизни кут, жонгинам, бардош билан кут!

1943

ЙИГИТЛАРГА

(Ўзбек жангчилари делегациясига)

- Салом келтирибсиз, хуш кўрдик, дўстлар,
Соғ кўриб, юксалди кўнгил бепоён.
Шод бўлди оталар, оналар, қизлар,
Ҳамма орзу қилди кўрмакни шу он.

Келдингиз баҳодир йигитлар, сиз-ла
Халоскор мардларнинг саломи келди.
Соғиниш, муҳаббат, меҳрга тўла
Хатлари ҳам ширин каломи келди.

Бизнинг дилимизда сиз бор ҳар маҳал.
Музаффар номингиз элнинг ёдида.
Душманнинг бошига ёғдириб ажал —
Жавлон урганингиз қасос отида.

Сиз жангда ботирсиз, сизнинг юракда,
Кекса боболарнинг ўлмас номи бор.
Муқаддас интиқом ёшлик ғурури,
Танда йигитликнинг жўшқин қони бор.

Биз эса сизлар-ла оламиз нафас,
Ҳар бир галабангиз келтирар шодлик.
Сиз қилич солганда, ўлганда душман,
Биламиз қардошлар олар озодлик.

Азиз паҳлавонлар, уринг аблаҳни,
Қанча кўпроқ ўлса, шунча тез зафар,

Қанча кўпроқ ўлса, элнинг бошидан
Тезроқ кўтарилар бу хавфу хатар.

Биз сизни кутамиз, кўзлар интизор,
Дилни пора қилар ҳижрон тунлари.
Лекин тунимизни ёритар ҳар он
Сиздаги зафарнинг ўткир нурлари.

Биз сизни кутамиз, қадрдон мардлар,
Бодомлар оқ гулин очгани дамда,
Далада иш қизиб, эсганда еллар,
Қизлар уйқусини этганда канда.

Ёвни янчиб келинг тезроқ, кутамиз
Бухор беқасамдан ёзиб пояндоз.
Бутун кўчамизда бўлади байрам,
Гулдасталар билан чиқамиз пешвоз.

1943

ЭРИМОҚДА ҚОР

Қуёш ҳовуч-ҳовуч нурини сепиб,
Хур-хур еллар эсиб, эримоқда қор.
Водийга, қирларга майсасин ёйиб,
Дилларни эркалаб келмоқда баҳор.

Осмонда оқ, енгил булутлар сузар,
Сойларда лиммо-лим шишадай сувлар,
Пода қирга чиқиб қилмоқда ҳузур,
Тоғларда ўйнайди гала оҳулар.

Дарахтлар киймоқда ям-яшил либос,
Кўркини очмоқда кечаги куртак.
Дилларда туйғулар уйғониб қийғос,
Этмоқда муҳаббат ҳақида эртак.

Водийда шаббода кезмоқда майин,
Наврўз билан қутлаб колхозчиларни.
Булбул чалиб ўтиб илҳомбахш найин
Далага чорлайди тонгда уларни.

Найда такрорланар сафарбар сўзлар:
«Ёрим келсин десанг голиб, беғубор.
Мана семиз тупроқ, ишла, зулфизар,
Нозик қўлларингда мардлар кучи бор!

Ўғли йўлларига мунтазир она,
Ҳижрон юрагига ўт солган келин,

Сен меҳнат қилмасанг бунда мардона,
Фурсатни бой берсанг, галаба қийин!

Ҳамал — амал дерлар. Ҳар кетмон зарби
Буюк ҳосилларга бўлур далолат.
Сенинг қўлинг билан жангда қаҳрамон
Душманининг бошига солар қиёмат».

Еллар тонгда тинглар мардлар онтини,
Меҳнатга керади кенг кўксини ер.
Колхозчи сураркан тракторини —
Бу ерда кўқарар ёвга офат — дер.

Қуёш ҳовуч-ҳовуч тўкиб нурини,
Ҳур-ҳур еллар эсиб, эримоқда қор.
Майсаларга ўраб водийни, қирни,
Дилларни эркалаб келмоқда баҳор.

1943

СУЛУВ ТОНГ

Эрта баҳор эди бутун табиат
Яшил бахмал билан ёпилган эди;
Ёмғир сувлари-ла етилган ерлар
Кучли қўллар билан чопилган эди.

Тоғлар этагида, қирлар кўксида
Секин чайқаларди лола денгизи.
Экин ерларида эди намоён
Баҳорги меҳнатнинг ҳосилдор изи.

Куйчи ариқларнинг бўйида жийда
Майин таратганда атир бўйини,
Кумушдай баргларда бошланганида
Тонгги шабнамларнинг жилва ўйини;

Мен лола тергали чиқдим далага,
Кетдим майсалардан олмай кўзимни.
Қалбим осойишта, кўнглим беғубор,
Офтоб нурлари силар юзимни.

Енгил борар эдим марзалар бўйлаб,
Қушлар учар эди кўм-кўк ҳавода,
Сувлар ўз куйига борлигим ўраб
Эркин оқар эдик ширин навода;

Қайдан пайдо бўлди, билмайман ҳали,
Қаршимда бир барно йигитни кўрдим.

Шу он кўрагимда бир нарса ёниб
Унинг оташида мен беҳол турдим.

Бутун авзойимда ўша ўт юрди,
Кўзим унга тўнди, тилим бўлди лол,
Ҳамон сочар эди бўйини жийда,
Сувлар оқар эди ариқда зилол...

Аста бурилдиму булоқ лабига,
Шаффоф сувларига ювдим юзимни.
Унинг замзамали ойинасида
Гўзал ва бахтиёр кўрдим ўзимни.

Ҳовуч-ҳовуч олиб муздек сув ичдим,
Лекин ҳароратни этди зиёда.
Юрагим ўртанди беҳад, беомон
Гўё ғарқ бўлгандим ўтли дарёда.

Уша ўтли дарё зўр тўлқинида,
Тотли бир лаззатда пар каби оқдим.
Юрак куйга кирди ишқ ёлқинида,
Шу ишқ китобига илк марта боқдим.

Шундан бери ўтди қанча баҳорлар,
Қанча мрамор тонгинг чиқди қуёши.
Беҳад сулув эди, кўп сулув эди —
Менинг юрагимнинг ишқ тонгин боши.

Ҳар баҳор фаслининг шундай тонгини,
Юлдузлар кетмасдан кутамаи боғда.
Гўзал хотиротга тўлади қалбим,
Еллар сулув тонгини эслатган чоғда.

Гўё келтиради сабо, қуёш, гул
Ёшлик баҳоридан чексиз нашида,
Севги парисидай эркалар мени
Атирдай бўйини сочганда жийда.

1944

КЎЗЛАРИНГДА БОРМИ ЮЛДУЗИНГ

Бунча ҳам беғубор, бунча ҳам тиниқ
Нурда ювилганми, яхши қиз, юзинг?
Бунча боқишларинг оромбахш-илиқ,
Бунча жон олғучи ўтлидир кўзинг?
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?

Сенинг кўзларингга ошиқ бир йигит,
Доим ўтказармиш тунларни бедор.
Лекин айтолмасмиш сенга бетма-бет,
Фақат қалби секин чекар эмиш зор,
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?

Ошиқ чин сўзлади. Ишондим дилбар!
Жамолинг кўрганлар бўлади шайдо.
Қимки кўзларингга ташласа назар,
Нечун унда бўлур зўр оташ пайдо!
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг!

Менга дедиларки, жангда — узоқда
Сенинг муҳаббатинг — кўнгил қўйганинг.
Кўзларинг ёдига тушгани чоқда,
Шердай жанг қилармиш сенинг суйганинг.
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?

Севганинг бор экан. Ўзгага назар
Қилмасанг эй дилбар, бу ишинг яхши.

Вафо-муҳаббатни безайдиган зар,
Боқишинг юракнинг оловли нақши,
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?

Қандай бахтли экан илтифотингга
Сазовор бўлган жангдаги йигит!
Ҳижрон чирой бўпти латофатингга,
Қамол топ, эй гўзал муродингга ет,
Чиндан ҳам бор экан кўзда юлдузинг!

1944

ИККИ МАКТУБ

I

- . Хотирингда борми, байрам кун эди,
Иккинчи май куни бирга бўлдик биз.
Бирга боғ айландик, ширин суҳбатлар,
Кейин сув бўйига келдик иккимиз.

Сув шўх оқар эди, сув қўйнида ой,
Чироқларнинг акси ўйнашар сувда.
Дарахтлар, гулларнинг баргларида нур,
Кўкда тун гўзали сузар осуда.

Оқ кўйлакда эдинг, кифтинг тўла соч,
Беҳад гўзал эдинг — бир паримисол.
Бир сўзлаб ўн кулдинг — сенинг ҳар сўзинг
Мени борган сари қила борди лол.

Сен кулдинг — у кулги гул ёнишида,
Ғунча-лабинг бўлиб қилди табассум.
Сен кулдинг — у кулги ой боқишида,
Сенинг ишқинг билан қаради маъсум.

Сен кулдинг — у кулги чироқ нуридай,
Менинг кўзларимга порлаб қуйилди.
Шўх оққан анҳорнинг тўлқинларидай,
Жаранглаб қирғоққа тордай урилди.

Шул оқшом мен учун борлиқ сен эдинг.
Ёлғиз сени кўрдим, сен-ла олдим тин,

Ўша сувнинг бўйи, ўша оқшомда
Сен-ла бўлган эди жаннат десам, чин.

Лекин шошавердинг, сен қиз, уйингга.
Тонггача қолишга мен эдим рози.
Чунки бахтли эдим, ҳузуримда сен,
Мени маст этганди кулгинг парвози.

Эшигинг олдида хайрлашдик биз,
Сени жаннат ҳовлинг қўйнига олди.
Мен кетдим бир ўзим, кўзда суратинг,
Қалбда хандонингдан лаззатлар қолди.

Ҳозир мен жангдаман — сендан узоқда,
Тўплар гумбурлайди, атроф қор оппоқ.
Қўзларим олдида юртдаги боғлар,
Ва сен чилвир сочим, йўлимга муштоқ.

Мени соғинганда — дўстларинг билан
Ўша соҳилларни сайр эт, э, нигор,
Мен ҳам тез қайтарман жарангли кулгинг
Яна мени этар масту бахтиёр...

II

Гўзал лавҳаларни эслатган хатинг
Сени соғинганда тегди қўлимга,
Ҳар бир нуқтасида бор муҳаббатинг
Муҳаббат тўлқини оқди дилимга.

Тўғри, мен кулардим, сен мамнун эдинг,
Бўлмасди дилларда қайғу, шикоят.
Ҳаёт гулгун эди, ҳижрон бегона,
Ҳамма бахтли эди — шод бениҳоят.

Азизим, ёзибсан — дўстларинг билан,
Биз юрган боғларда этгин, деб сайр!

Ҳар чоқ синглинг билан чиқаман боққа,
Сени кўргим келиб куйганда бағир.

Доим у билан мен. У ўхшар сенга,
Унинг ҳам сенингдай кўзлари хумор,
Сенинг табассуминг, сенинг қиёфанг,
Сенинг суҳбатингдай ширин сўзи бор.

Ҳозир у биз юрган сувнинг бўйида
Райҳонлар кўкарган, сочилар атри,
Гулларнинг қатида бўлмиш намоён,
Сен менга ўқиган шеърларнинг сатри.

Баҳор баҳор экан, қалб ҳам қалб экан.
Қўлларда кетмону юракда севги.
Уша анҳор бўйи — гул тўла чаман,
Ҳамон юрагимда ишқинг чечаги.

Фронт ҳам, зафар ҳам эслатар сени,
Қуёш нафасингни, ой боқишингни,
Иссиқ юзларингни эслатса синглинг,
Юрагим эслатар дил ёқишингни.

Қалб сени танлаган, сенинг дардинг-ла,
Бир нафас билмайди ором, фароғат.
Сенга етишарман, у кунлар яқин,
Висол умидлари бағишлар тоқат.

1944

ТУН

Тоғ ортига ўтиб кетди кун,
Секин чўкди тоза, салқин тун...

Мен дераза очганим чорбоғ,
Сокин ухлар тун кўрпасида.
Майин қўшиқ ёйилар ҳар ён,
Эсиб ўтган ел шарпасида.

Сув оқади аллалаб тунни,
Ҳамма ухлар, уйда мен уйғоқ,
Парча қоғоз, кичик бир қалам,
Бошим узра порлайди чироқ.

Тунда қанча хаёл, қанча куй,
Мен берилиб қулоқ соламан.
Сўз тополмай ифодасига,
Ранг ахтариб шошиб қоламан.

Соф ел эсар... Парвона учар,
Чироқ атрофида ўргилиб,
Ўзин уриб парт бўлади-ю,
Столимга тушади келиб.

Мен ёзаман, юлдузлар ўтар,
Ҳар бириси сўйлар бир эртак.

Мана, Хулкар қаршимда чақнар,
Ёрқин тонгдан келтириб дарак.

Тун ўтади, яна чорбоғдан
Кўтарилар саҳарги туман.
Мен-чи, аста чироқ сўндириб,
Отаётган тонгни кутаман.

Кўзларимда аста эриб тун,
Ёйилмоқда ёрқин жувон кун...

1944

БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ...

Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Урик гулларининг эдинг мафтуни.
Ҳар уйғонган куртак ҳаёт берган каби
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.

Мана қимматлигим, яна баҳор келиб,
Сени излаб юрди, кезди сарсари.
Қишнинг ёқасидан тутиб сўради сени,
Ул ҳам ёш тўкди-ю, чекилди нари.

Сени излар экан, бўлиб шаббода,
Сен юрган боғларни қидириб чиқди.
Ёйиб кўрсатай деб ҳусн-кўркини,
Яшил қирғоқларни қидириб чиқди.

Топмай, сабри тугаб бўрон бўлди-ю,
Жарликларга олиб кетди бошини.
Фарҳод тоғларидан дарагинг излаб,
Сойларга қулатди тоғнинг тошини.

Қирларга илк чиққан қўйчивонлардан
Қайда шоир, дея айлади сўроқ.

Барида сукунат, маъюслик кўриб,
Ҳориб-чарчаб келди, тоқатлари тоқ...

Сўнгра жило бўлиб кирди ётоғимга,
Ҳулкар ва Омоннинг ўпди юзидан.
Сингиб ёш куйдирган заъфар ёноғимга
Секин хабар берди менга ўзидан.

Лекин ётоғимда сени тополмай,
Бир нуқтада қолди узоқ тикилиб.
Яна ел бўлди-ю, кезиб сарсари,
Мендан сўрай кетди қалбимни тилиб.

«Қани мен келганда кулиб қаршилаб,
Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?
«Бахтим борми дея, яккаш сўроқлаб»
Мени шеърга ўраб суқланиб боққан?

Урик гулларига тўнмайди нега,
Елда ҳилпиратиб жингала сочин?
Нега мен келтирган шўх нашидага
Пешвоз чиқмайди у ёзиб қулочин?

Қандай ишққа тўлиб боқарди тонгга,
Камол топтирарди кенг хаёлимни.
Унинг рангдор, жозиб қўшиғида
Мудом кўрар эдим ўз жамолимни.

Қани ўша куйчи, хаёлчан йигит?
Нечун кўзингда ёш, туриб қолдинг лол.
Нечун қора либос, сочларингда оқ,
Нечун бу кўкламда сен паришонҳол?»

Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим,
Баридан тутдим-у, келдим қошинга.

У ҳам ғаминг билан кезди афтода,
Боқиб туролмайин қабринг тошига.

Аламда тутоқиб дарахтга кўчди,
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.
Сенинг ёдинг билан елиб беқарор,
Гуллар ғунчасини этди чок-чок.

Гулу райҳонларнинг таралди атри,
Самони қоплади майин бир қўшиқ.
Бу қўшиқ нақадар ошно, яқин,
Нақадар ҳаётбахш, оташга тўлиқ.

Баҳорга бурканган сен севган элда,
Овозинг янгради жўшқин, забардаст.
Ўлмаган экансан, жоним, сен ҳаёт,
Мен ҳам ҳали сенсиз олмадим нафас.

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам,
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам!

1945

ОНА ЭЛДА ТҮЛИШАР НАҲОР..

I

Бу тушми ё хаёл, бу на турли куй,
Қаердан бу қадар қушлар сайраши?
Урмон шамолимас, жанглар дудимас,
Қайдан райҳон ҳиди, елнинг яйраши?

Йигит апил-тапил очди кўзини,
Кўзига кун тушди, лабига кулгу.
Ҳовлига сув сепар онаизори —
Туғилган элининг тонготари бу.

Йигит қуюқ завқ-ла боқди йироққа,
Ялтираб кўринди тоғ бошида қор.
Уруш хавфи битган она тупроқда
Нурлар қанотида кирмоқда наҳор.

Йигит яйраб кетди, кўкси қабариб,
Уни мафтун этди тонгнинг чиройи.
Сўридан тушди у, боғ томон юрди,
Тинчлик ва бахт куйин қилиб хиргойи.

II

Йигит боққа чиқди — кенг ягринида
Уйнайди дарахтлар ўта тушган нур.
Олдида ёйнилиб, шарбатга тўлиб
Таниш ва жонажон боғи товланур.

У ета олмади нигоҳи билан
Мевали дарахтлар қалин ва юксак.
Наҳот ўзи эккан қирмизак олма.
Мана шу ялтираб ёнган ёқутдек?

Йигит мамнун борар... Нур-ла ўйнайди
Янги кенг ариқда сув карашмаси.
Бир ёқда шафтоли, бир ёқда анжир —
Йигит нигоҳида шарбат чашмаси.

У тўймай қарарди — яқинда бирдан
Қўшиқ жаранглади, тарқалди ўйи.
Йигит қўшни боққа ташлади назар,
Ишкомда кўринди қизларнинг бўйи.

Қизлар... товусларми, оҳуларми ё,
Товланган жамоллар олди кўзини.
Эртақ қучоғида қолгандай гўё
Ажиб ўт ичида сезди ўзини...

III

Тинди-ю, қизларнинг дилрабо куйи,
Акси садо қолди кўкда жаранглаб.
Ва ишкомдан чиқди икки етук қиз,
Саватда узум-ла, йигитга қараб.

Йигит шошиб қолди — лабда табассум,
Гоҳи чиллакига, гоҳ қизга боқди.
Чиллаки товланди шакарга тўлиб,
Қизлар латофати бағрини ёқди.

— Салом,— эгилишди қизлар жилмайиб,
Тутишди узумни мафтун йигитга.
Бир бош узум қўлда, йигит боқар жим,
Сочин майда ўрган сутдай оқ бетга.

«Наҳот ўша Зебо, ўша қўшни қиз,
Шу нозик латофат, шу оҳу қараш.
Қандай баркамол бу! Ё янглишдимми,
Нечун кўкрагимда туташди оташ!

Пигит кўз узмади Зебо юзидан,
Сеҳрланган каби қолди шуурсиз.
Шу жаннат боғ бўлиб кўринди унга,
Пушти кўйлак кийган Зебо номли қиз.

1945

ҒОЛИБЛАР ҚАЙТГАНДА

Тўқ, бўлмас, бормайман,— дедю хотин
Хизматин тамомлаб чиқди кўчага.
Кун тикка, ҳаво дим, у ҳар қадамда,
Дуч келди висолга шошган тўдага.

Безалган машиналар учар тизлиб,
Гулдаста кўтарган қизлар беҳисоб.
Қизил байроқларда, шод чеҳраларда,
Висол айёмига чорлаган хитоб.

Қўл силкиб жилмайдн уларга қараб,
Жонлангандай бўлди қайғули юзи.
Жадал уйга қайтди. Хонага кириб
Эри суратида тўхтади кўзи.

Узоқ туриб қолди, гўё суратни
Биринчи кўргандай ўз ётоғида.
Ўкснб-ўкснб боқди, кўзини узмай,
Икки томчи қотди оқ ёноғида.

«Нечун сенга бўлган пок муҳаббатим,
Шунча тез фироққа бўлди гирифтор?
Жонлар берар эдим бир нафасига,
Мен ҳам сенинг билан кўринсам дийдор.

Мана, ўлдирувчи аччиқ бир ҳижрон
Тамом ёнди зафар алангасида.
Неча йиллар кутган муҳтарам висол
Ярқирар Тошкентнинг бўсағасида.

Бу кун қайтиб келар Ватан мардлари,
Элнинг келажагин сақлаб қолганлар.
Азиз тупрогини, бахтини севиб,
Эркни машғал қилиб, тунни ёрганлар.

Бу кун қайтиб келар қардош элларни
Фашист занжиридан озод этганлар.
Шулар, парчаланган арслон танагини.
Опичиб қирғоқдан олиб ўтганлар.

Шулар, гўринг тўла нур бўлсин дея,
Иссиқ қўллар билан ташлаган тупроқ,
Сўнгра қаттиқ жанглар, зўр бўронларда,
Шу ер, шу қишлоқни ёвдан этган пок.

Бу кун шулар қайтар — Ойгулнинг эри,
Умиднинг дадаси қайтади голиб.
Чикмасам бўлмайди, бутун элда тўй.
Бу кун йиғлаш гуноҳ бу уйда қолиб».

Кўзини чирт юмди-ю, силкди бошини,
Хотин тетик юриб чиқди эшикка.
Самода янграйди ғалаба куйи,
Қуёш чарақлайди тепада тикка.

Қўлда қайчи билан кирди гулзорга,
Ҳали узилмаган гуллар оралаб.
Қош ўртасин ёпди марварид реза,
Гулдан даста қилди танлаб, саралаб.

Хотин шошилади, қучоғида гул,
Ўғлини етаклаб чиқди кўчага.
Чиқди-ю, дам ўтмай қўшилиб кетди,
Висолга ошнққан қувноқ тўдага.

1945

КЕЛИНЧАК

Букун тўйинг куни, севгинг шодлиги
Гўё ёш қалбингга сиғмайин қолди.
Бахтиёр ҳаётнинг илк тантанаси
Сен ўсган қишлоқни қувончга солди.

Сенга тўй совғаси, гуллар кўтариб,
Гуррос-гуррос келар дўстинг, тенгқуринг,
Янги уйда тўлиб кампирлар мамнун
Янги бахт, одатдан қизитар гурунг.

Дарахт орқасидан суқли термилиб
Бошингдан сочаркан ой оппоқ чечак.
Севганинг ёнида, дўстлар ичида
Сени бахтли, гўзал кўрдим, келинчак!

Устингда хушбичим оқ — тўй либоси.
Сочинг ҳалқаси-ла ўйнайди шамол.
Тўйга келганларнинг кўзлари сенда
Гарчанд шу колхозда топгансан камол.

Куёв тикилганда бахтиёр, мафтун,
Ғунча лабларингга чиқар ним кулгу.
Сен ваъда этдигинг бахту саодат,
Унда акс этади мисоли кўзгу.

Электр маржони нури қўйнида,
Чимилдиқ тўсмаган суратинг зариф.

О, ёшлик, порлоқсан, гўзалсан, гулсан,
Сенинг таърифингга қаламим заиф.

Янги давр яратган ёр-ёр авжида,
Қадаҳда жимирлар лола ранг шароб,
Товусдай хиромон сузар раққоса,
Яллага жўр бўлган танбуру рубоб.

Умрда бир бўлур бундай тантана,
Борлигинг кўз бўлиб боқасан унга.
Биламан, истайсан ўтмаса бу дам,
Хотима бўлмаса шу ажиб тунга.

Эрка қиз, бу ажиб тун орқасида,
Заррин саҳифали саҳар кутади.
Ҳаёт китобининг илк варағини
Толеинг кенг очиб сенга тутуди.

Ҳали муҳаббатнинг баҳори олдда,
Олдинда ёш ҳаёт, ранг-баранг фасл.
Умрингиз хушчақчақ, иноқ бўлади,
Бунга ёниб турган кўзларинг кафил.

Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин,
Баҳор йўлларингга тўшасин чечак.
Шу ёшлик, шу чирой, умринг баҳори,
Сарғайиш билмасин, сулув келинчак.

1946

ЧОРЖУИ — ҚУНҒИРОТ

Сахро. Поёнсиз қум, сузар эди ой,
Тепадан силжирди беш нафар одам.
Томоқлар қақраган, тиззалар жонсиз,
Лагерга етмасдан олиб бўлмас дам.

Бошлиқ тепаликдан қарайди узоқ,
Қаршидан қўзғалган қора тоғми у?
Поход лагерни йўқ, фақат ўнг ёқда
Ташналикни қўзғаб жилпанглар Аму.

Бир дамда саҳрони тутди тўполон,
Қум тўла бўроннинг ошди хуружи
Таппа ерга ётди беш нафар одам,
Зўрайди қумларнинг саваб уриши.

Қора қум қанчалар кўчган-у, йўлда
Саксовул ва унгур учратган, холос.
«Одам қайдан келди бизнинг даргоҳга,
Чўл кўксин тилишга кимда бор асос?»

Сахро фиғон-фалак, кўкка урар қум,
Бошлиқ ҳаяжонда, юраги ғашдир.
Қайда қолди экан олдинги гуруҳ,
Лагерга етдими ёки адашди?

Инженер ўйлайди, тўрт ҳамроҳи жим.
Бир чопонга ўраб ётар бошини.
Бўрон ўкиради, келтириб урар
Баҳайбат саҳронинг қуму тошини.

«Кечир, азим саҳро, чўл кўксин тилиш,
Ҳаёт олиб келиш бизнинг расмимиз.
Бу халқ ихтиёри, орзу-умиди,
Шунинг-чун мустаҳкам, кескин азимимиз.

Ёввойи кўчишинг, ўжар хуружинг
Амин бўл, асосин сиидира олмас!
Биз тортган йўллардан оққан инсонин
Сенинг девдай кучинг тиидира олмас.

Чўлларга жон берган халқнинг қўлида
Темир из чўзилар Қўнғирот томон.
Дастлабки паровоз учиб ўтганда
Сен лол қолишингга зўр менда имон».

Йўлчи жасурларнинг толди тинкаси,
Ниҳоят пасайди бўроннинг забти.
Бошлиқ секин турди, сингди юзига
Уфқдан кўринган қуёшнинг тапти.

Бошлиқ ҳамроҳларга мсҳр-ла қараб,
Режа ва газларин қўлига олди.
— Олтибой, Ниёзқул, туринглар!— деди,—
Чоржўйга атиги бир бекат қолди.

Йигитлар бошлиқни қучишди кулиб,
Ёйилди тонгдай соф, завқли қаҳқаҳа.
Йўлбарс терисидай жилвага кириб
Ётарди аслига қайтган кенг воҳа.

Бошланди муқаддас меҳнат эртаси,
Жиддий иш бошлади бешовлон тетик.
Улчаниб, ўрганиб қозик қоқилди,
Трасса чўзилди нурдай тўғри, тик.

Олтибой ўриатган қозиклар бўйлаб
Ҳаёт олиб келар ижодкор насл.
Чўлда чамаи ушар, ҳаёт гуркирар,
Бошланар шу зайл янги бир фасл.

1947

СИРЕНЬ

Тонг елининг ипак қўллари,
Сирень, тегиб ўтгач гулингга,
Нечун майин, нозик тебраниб
Қараб қолдинг унинг йўлига?

Сен тебрандинг — очди лабини
Кўксингдаги нафис гунчалар.
Айт-чи, сенга деди неларни
Яшнаб кетдинг, гўзал, шунчалар?

Мен биламан, у қуёшингдан
Элчи бўлиб келар ҳар саҳар.
Юрагингга солиб ҳаяжон,
Қулоғингга сўйлар хушхабар.

Сен ошиқиб муштоқлик билан
Тебранасан нафис ва маъсум.
Ҳали ҳижрон билмаган ишқдай
Юзларингда ўйнар табассум.

Сен силкиндинг, бўлди муаттар
Атрофимни ўраган ҳаво.
Айт-чи, қачон менинг ёримдан
Ҳабар олиб келаркан сабо?

1947

СЕНИНГ ТОНГИНГ

Ҳулкарнинг шеъри

Эрта сенинг туғилган кунинг
Ун ёш тўлар шу тонготарда.
Йиллар ўтгач онгли ва қодир
Кўрсам дейман миллион қаторда.

Ташқарида қирчиллар январь,
Қор устида ойнинг кумуши.
Сен ухлайсан, кенг пешонангда
Ярқирайди толе кулиши.

Сен ухлайсан, январь аёзи
Ишга солди моҳир қўлини,
Сени қутлаб кенг деразангга
Чизиб кетди нафис гулини.

Сен ухлайсан қизим, уйқунгни
Чегарада ардоқлар посбон.
Қаршилайди қуёш кунингни
Ер узра бахт, тумансиз осмон.

Сўрсанг бизнинг болалигимиз,
Қудуқ эди — қоронғу, чуқур.
Осмонда ҳақиқат, ҳаёт,
Юлдуз каби узоқ эди нур.

Бахт тарихин билмоқ истасанг,
Сўнгроқ сўйлаб бераман ўзим.
Сен учун бахт муаммо эмас,
Эрк, ҳуррият меросинг, қўзим.

Бахтинг шулки, ҳаёт ахтариб,
Толпинмайсан гўзал рўёга.
Бахтинг шулки, элининг баҳори,
Гуллаган пайт келдинг дунёга.

Шуниг-чун ҳам гўдак ёшигдан
Юрагингда тўладир орзинг.
Мурғак қанот слпишларингда,
Етилади баланд парвозинг.

Пўлнинг кўндир ҳавас ранг-баранг,
Қучоғига чорлайди ҳар фан.
Хоҳ инжснер, хоҳ муаллим бўл —
Элинг учун бирдек кераксан.

Денгизларнинг тўлқинини кес,
Қанот кериб кенг осмонда уч.
Юлдузларнинг сирини фош эт,
Хизматингга, ерга олиб туш.

Шу кўк, шу ер сен билан қондош,
Бирга яйра, жонингдай сақла.
Ёт назардан асрай бил уни
Элинг берган инсоний ҳақ-ла.

Эрта сенинг туғилган кунинг,
Ўн ёш тўлар шу тонготарда.

Йиллар ўтгач онгли ва қодир,
Кўрсам дейман миллион қаторда.

Ташқарида қирчиллар январь,
Яноғингда ойнинг кулиши.
Менга ҳаёт, бахтингдан сўйлар
Юрагингнинг текис уриши.

1947

ҚАЙИНЗОРДА

Паға булут ёйилди кўкка,
Ювиб ўтди баргларни ёмғир.
Арчаларнинг яшил кафтида,
Томчиларда ялтиради нур.

Қаршимдаги юксак қайинзор,
Гуркиради жамоли тўлиб.
Унинг хушбўй, салқин қўйнига
Кириб кетдим мен ҳам чарх уриб.

Сой лабидан чўққига қадар,
Лента каби тош пиллапоя,
Кўланканинг рангпар гуллари,
Мени имлаб сўзлар ҳикоя.

Йўлни қўйиб, тармашдим тошга,
Арчаларнинг тутиб баридан.
Қиргоғимга кел, деб шарқирар,
Пастдаги сой бир тош наридан.

Мен юксакка тармашган сари,
Фазилатга тўлар манзара.
Тўлқинланиб кўринар менга,
Ёнбошдаги бахмалтўш дара.

Узоқ кетдим... қайин тагида,
Кўкка қараб ястаниб ётдим.

Жануб осмонига термилиб,
Хотиралар конига ботдим.

Шамол эсар, қайини учлари
Тўлқинланар мисоли деиғиз.
Барг шитирлар, майналар сайрар,
Барн бир хил, барн бир текис.

Шарқирар сой, шитирлар арча,
Майна сайрар, кезар шаббода.
Барн бутун табиат бўлиб,
Қучоқлайди мени кўк тоғда.

Мен атрофга суқ-ла қарайман,
Лабларимга келар табассум.
Юрагимга тўлар хотира,
Табиатдай рангдор ва маъсум.

1947



«МЕН ТОНГНИ КУЙЛАЙМАН» КИТОБИДАН

1950

БИЗ ТОНГНИ СЕВГАН-ЧУН

Тинчгина тонг отар. Чиқади қуёш,
Қўм-кўк майсаларда ялтирар шабнам.
Осмон ҳам тинч-тинич, еллар мусаффо.
Эркин нафас олиб уйғонар эл ҳам.

Биз тонгни севаминз — алвои рангида
Кураш қурбонларини яшайди хуни.
Қон бериб, жон бериб бутун жаҳонда
Дастлаб қаршилаган биз бўлдик уни.

Биз тонгни севган-чун, уни қаршилаб
Ҳар кун зафар билан кўтарилар қад,
Шу тонг тиничлигини сақлар муқаддас
Қудрат, севгимиздан яратилган сад.

Бу чексиз севгида, қудратимизда
Шонли оталарнинг ҳиссаси улкан,
Шунинг-чун тинч меҳнат шiori билан
Балқиб юксалади жонажон ўлкам.

Биз тонгни севган-чун, соф кўкимизга
Уфқдан ўтолмас зулмат дудлари,
Шу эркин тебранган майсалар дамин
Бўғолмас порохнинг заҳар ҳидлари.

Онадай ардоқлаб, боладай севиб
Сақлаймиз тупроқни, шарафни, донгни.
Ўткир кўзимизни уфқдан узмай
Ҳар кун қаршилаймиз сафобахш тонгни.

1947

ДАЛАДА БИР КҮН

Кечагина шошқин кузнинг қақшатувчи тиллари
Ялаб ўтиб қовжиратди ғўзаларнинг баргини.
Ўқтин-ўқтин чиққан булут ҳам елларнинг чанглари
Далаларга олиб чиқди ёш-қарининг барини.

Ҳали қуёш тоғ ортида. Теримчилар далада.
Аллақачон қуйи ерга ўтди раис Турсуной.
Тонг тумани кўтарилар, денгиз мисол пахтазор,
Елкандай оқ кўринади дала шийпон, хирмон жой.

Бўй баравар ғўзаларнинг кўсақлардан боши зил,
Пахталари энгдай оппоқ осилмишдир чаноқда.
Мавсум бўйи тўккан меҳнат ҳосил бўлди эвлоқсиз,
Қани дўстлар, терим сари! Кунлар қолди саноқда.

Бир тўда қиз шўнғиб кетди ёнбошдаги пайкалда,
Шабнамларни силкиб терар чевар қўлли Муруват.
Биладики, шу эгати тўла оппоқ пахтада,
Тонгдай кўҳлик толени бор, ярқираган тоғдай бахт.

Биладики, шу пахтада баҳор чопган кетмони,
Шу кўсақда ёзда оққан дурдай меҳнат терлари.
Шу пахтадан ёш кўксини баланд қилган нишонни,
Шу туфайли уни куйлар шоирларнинг шеърлари.

Дўстларига ваъда берган халқи билан мардона,
Сув деганда тўлқин бўлган, нур деганда ҳарорат,

Тўйини ҳам кузга қўйиб, шуни деган ягона,
Энди олтин тер деганда етмайдими маҳорат?

Биладики, гектар-гектар ерга дурдай сочилиб.
Ялтирайди жондай севган дўстларига берган сўз.
Дўстлик азиз! Сўз муқаддас! Терар чевар шошилиб,
Ғаниматдир, ҳар дақиқа — қор уфураш шошқин куз.

Ана, бошга кўркам гулдай пахтасини кўтариб
Хирмон сари илдам келар Зухра билан Марҳабо.
Пуроний чол оқ булутдай пахталарни шопириб,
Уқир тамтам қизларининг ғайратига тасанно.

Бунда ғайрат ўзи юрар, ёш-қарининг қонида,
Йўлбошчидир бунда унинг иродаси — қарори.
Шу сабабдан шийпонларда кўтарилган хирмондан
Аравалаб оқиб кетар оқ олтинлар қанори.

Шу оқ, ошпоқ олтинларнинг, шу тупроқнинг
дилидан,

Қарвон қилиб, ортиб берар меҳнатсевар қўллари.
Биладики, шу карвонлар оппоқ нурдай изидан
Коммунизм боғларига кириб борар йўллари.

Оқшом. Қуёш алвон бўлиб, бошин қўяр уфққа
Катта срдан ҳорғин, лскин хурсанд қайтар

Турсуной.

Бугун терим яхши, дея тикилади у кўкка,
Осмои тиниқ, эрта терим кўпроқ бўлур ҳойшаҳой.

1948

ДУСТИМГА

Бугун одатимча тонгда уйғониб,
Азизим, ҳақингда яна сурдим ўй.
Яна эрта баҳор ирмоқларидай,
Менинг кўкрагимда тўлқинланди куй.

Нечунким, ўзингни тонгга ўхшатдим,
Бахтинг ярақлади қуёш сингари.
Сенинг йўлларингни эслатди менга
Уфқдап юксакка интилган сари.

Фақат сен кўрган тун юлдузсиз эди,
Қуёш чиқди, ботди сендан узоқда;
Ҳатто қалбингдаги туғма ўтинг ҳам,
Сўнди қора турмуш солган тузоқда.

Сенга Ленин тутган эрк байрогининг,
Қип-қизил шуъласи тушгач кулбангга,
Сен ғамгни бошингни кўтардинг аста,
Ўша сўнган ўтинг олди аланга.

Инсонсан, инсондай кун кечир,— деди,—
Бошингдан кўтариб қоп-қора тунни.
Қамашган кўзинг-ла кўрдинг бир умр
Сенга инсопликни берган қонунни.

Сомон йўлидан ҳам узоқ йўл босдинг.
Келиб етишгунча сен бу ҳуқуққа.

Қанча жон, қанча қон, умид, истъдод,
Қанча Турсунойлар чўкди қудуққа.

Не-не машаққатли йўлларни босиб
Чиқолдинг зулматдан голиб, саломат.
Тунигга нур киргач, дилнигга ҳаёт,
Заҳил юзларнигга чиқди малоҳат.

Очиқ кўзлар билан оламга боқдинг,
Ҳаётни танидинг ранг-баранг ва кенг.
Жаҳон ҳам умрида илк кўрди сени,
Эркину, озоду, ҳамма бобда тенг.

Асир умидларниг қулф уриб кетди,
Уфқдан-уфққа етди қулочинг.
Сен билан яшнади улуг мамлакат,
Бахтига жўр бўлди сенинг қувончинг.

Сен—она! Сен битмас ҳаёт булоғи,
Ҳаётни яратган муҳтарам омил.
Улуг келажакниг ёш ниҳоллари
Сендан тармоқ ёзиб топар такомил.

Сен — куйчи, пахтакор, олим, тўқувчи,
Юлдузлар илмини билган мунажжим;
Табиаат сиридан баҳс этганигга,
Қуръон ҳам, ишжил ҳам бари қолди жим.

Сен бахтиёр эдинг. Бошланди уруш,
Эрингни оқшомда жангга кузатдинг.
Тонгда биринчи бор заводга келиб,
Эгасиз дастгоҳга қўлинг узатдинг.

Қолхозда тўкин, мўл ҳосил ёйилиб,
Қолди аёлларниг қўлига қараб.
Оила ташвиши, уруш ваҳмаси —
Барчаси, барчаси қилди иш талаб.

Ҳар ерда улғурди эпчил қўлларинг,
Ҳафталаб билмадинг уйқу ва ҳордиқ.
Вафо одат бўлди... ҳатто тул қолган
Чоғда ҳам севгингга қололдинг содиқ.

Ғарбдан келган зулмат сўкилди чок-чок,
Сенинг ўғилларинг очган ўт билан;
Ундаги жасорат, муҳаббат, нафрат
Сенинг соф кўксингдан ўтган сут билан.

- Елкангга юкини ортган бу йиллар
Бутун борлигингни кўрсатди яққол.
Гарчанд сочга қўнди бемаҳал қиров,
Чиройинг, ироданг тополди камол.

Баҳодир халқимиз ғалаба қилди,
Яна изга тушди фаровон ҳаёт.
Паҳлавон элингда бошланди тинч иш,
Яна гуркиради меҳнат ва ижод.

Яна бағринг бутун, кўнгил беташвиш,
Яна орзу-ҳавас, умидлар қат-қат.
Ҳосилдор ерларда, олтин қўлларда,
Яралур ҳар куни янги саодат.

Ҳаётнинг борлиғи, бари сеники,
Ҳар қайга узатсанг етади қўлинг.
Сенга кеча-кундуз нур ўзи ҳамдам,
Тўғридир, ёрқиндир ва кенгдир йўлинг.

Дўстим, сен ҳақингда сурарканман ўй,
Сени хотирлатди ўлканинг тонги.
Қушларнинг кумушдай қанотларида
Гўё учиб юрди кулгинг жаранги.

Ўзингга берилган буюк ҳақ билан,
Сен кулгин, қаҳқаҳанг оламга кетсин.

Чамандан тарқалган баҳор елидай
Хориж Шарқ қизининг қалбига етсин.

Балки чапқаб-чанқаб кутар шу елни,
Бир чоқлар худди сен кутган мисоли.
Суқ билан қараса ҳеч ажаб эмас,
Чунки, сен ҳурликнинг ёрқин тимсоли.

Дўстим, илгари бос, фақат илгари!
Сени етаклайди ленинча ғоя.
Октябрь бахш этган муқаддас қонун
Буюк ҳуқуқингни қилар ҳимоя.

1949

ЖАНУБ ОҚШОМИ

Қуёш ботди, курорт шаҳарнинг
Ёқимли кун сурони тинди.
Ва жанубнинг паст осмонининг
Юлдузлари кўринди энди.

Қоя, тоғлар, дара ва дарё
Кўм-кўк туман билан қоришди.
Дам ўтмайин арчазор гумбаз
Орқаси оқ нурдан ёришди.

Ёришди тун, эриди туман,
Гумбаз кўркин қилди намойиш.
Ёниқ шамдай кўкка нитилган
Арчаларда уйқу — осойиш.

Тун ухлайди, лекин уйқуда
Тотли ҳаёт, ором бор, жон бор.
Майин елда, рақс этган баргда
Қанча ҳаёт, қанча замон бор.

Нурга қўлин чўзган қайинлар
Игналари мудроқмас, сергак.
Ва қушларнинг кўрган тушида
Эрта учун етилар эртак.

Кенг балкондан кузатаман мен,
Гумбаз узра маъсум қўнар ой.

Арчаларнинг жомаси кумуш,
Симобланар ҳозир қора сой.

Ой юксакка сузиб жилади,
Ёйилади зар этаги кенг.
Ой нурида жўшган ҳаётнинг
Латофати кундузига тенг.

1950

ОНА

Қирда бўлди раис узун кун,
Мана, отда қайтди жадал,
Беланчакда булутдай гўдак
Тамшанади кўкракка маҳтал.

Бахт чечагин устига она,
Худди оппоқ тонгдай эгилди.
Сут ҳид анқиб турган нафасдан
Ҳаёт тўла бир баҳор елди.

Нурга қўлин чўзган ниҳолдай,
Қабутардай толпинди гўдак,
Бахтдай олиб босди бағрига,
Кундан иссиқ эди бу кўкрак.

Кўзда ёниб оналик меҳри,
Ёш кўксида тирсиллади сут,
Зўр рўзғорда кечган кундузнинг
Шу он бўлди ҳорғини унут.

Бола эмар мириқиб, шошиб,
Оқ момикдай қўллар-ла қучар.
Бирпас севиб тўйғизади-ю,
Она қайта далага учар.

Ҳозир тонгдай гўзал, бахтиёр
Ўлтиради баланд сўрида.

Оқшом чўккан улкан пахтазор
Шу гўдакдек кўзи нурида.

Чавандозлар қилчларидай
Жўякдаги сувда ётар ой,
Нурга, сувга, меҳнатга қонди
Чексиз ҳосил бўлар ҳойнаҳой.

Она ўйлар колхозни, элни,
Юрти ишқи дарёдай жўшиб.
Билармикан она сут билан
Шу ҳисларни эмизар қўшиб?

Билади! Шу меҳри наҳридан
Шу парча ўт топар балоғат.
Фарзанд кўрар кунлар, юмишлар...
Толендек гўзалдир ғоят.

Ҳали туғилмаган кунларни,
Қалб кўзи-ла илғайди аранг;
Колхознинг ҳам ўша кўркини
Тасвирлашга тополмайди ранг.

Ухлаб кетди дала ва гўдак,
Она бедор салқини сўрида.
Орзуларин этар тарбият
Ленин ёққан машғал нурида.

1950

ЮРТИМИ КУЙЛАЙМАН

Севикли Ватаним! Эй ҳаёт қадар
Азиз, совет юрти аталган юртим,
Қачон мен дилимга солмайин назар,
Фақат сенинг буюк ишқингни кўрдим.

Нечунким, инсоннинг илк ва сўнг юрти,
Таянчи, ташвиши, қувончи тупроқ.
Менинг тупроғимнинг ҳурликдир кўрки,
Тоғдай иқболнинг тожлари порлоқ.

Онам сути билан ишқингда ўсдим,
Ниҳол офтобдан топгандай жило,
Зулмат чачвонига бегона кўзим —
Олдида сен очдинг ёш, ёруғ дунё.

Гўдак тушунчамда Ватан деб билдим
Атрофни ўраган чаман боғингни,
Туганмас меҳрингга ўхшатиб севдим
Ойга кўзгу бўлган соф булоғингни.

Кўкси хазинага бой тоғларингга
Қараркан, ҳавасим тоғлардан ошди.
Қўйнидан отилган шўх ирмоқларга
Куй айтиб ҳур, эркин қўшиғим тошди.

Пахта водийларинг севдим мен жондан,
Баҳорни латофат, кузни хирмонни.

Хаёлдай кенгликлар, қалбимдай тиниқ,
Бахтимдай кенг кўкнинг кумуш ҳилолин.

Тупроғингда ўсган ҳар бир гнёҳга,
Боғбон муҳаббати меҳри-ла боқдим.
Қуёшда нурланиб оққан дарёдай,
Сендаги эрк нури қўйнида оқдим.

Ёп-ёруғ адолат ҳақнинг тонгини,
Жаҳондай толени кўрсатдинг менга.
Бахтиёр фарзанднинг қалб жарангини,
Бутун умидини боғладим сенга.

Нурингдан ёриган ирмоқдай гўё,
Элим-ла иштилдим қўшиғим жўшиб,
Рус халқи аталган азим бир дарё
Олди ирмоқларни мавжига қўшиб.

Кониот қуёшга бош чўзган мисол,
Барча ирмоқ кирди буюк пойтахтга.
Барча фарзандингдай бўлдим сазовор,
Сенга бир ватандош аталмоқ бахтга.

Мардликда, меҳнатда, ғазаб, севгида
Доно бир онадай бўлдинг сен ибрат.
Бағрим тилинганда ҳижрон тигида,
Дардимга ироданг беролди мадад.

Шундай бўлган эди — кўксингга душман
Йиртқич тирноғининг ботганда изи.
Сени ва халқимни енгилмас қўрғон
Қилганда саркарда партиям сўзи.

Қайга назар солмай, кучингни кўрдим,
Тингладим меҳнатнинг симфониясин,
Раиго-ранг куйларнинг оҳангларида
Элинг ҳаётининг ҳар сониясин.

Мен кимга боқмайин, ишқинг-ла улуг
Бахтини қўлида топтирар камол.
Халқлар дилидаги интилиш умид.
Сенинг номинг билан очади жамол.

Шу сабаб эркпарвар башар тонгида,
Қуёшдай порлайди шуҳратинг сенинг.
Тинчлик-чун курашнинг зўр карвонида,
Яловдор сарбондир қудратинг сенинг,

- Сенда ўтган умр билмас сарғайиш,
Сен ёлғиз баҳорни этасан талқин.
Шунинг-чун шеъримда ҳамон гул ва ишқ,
Дилларни юксалтган ҳисдаги ёлқин.

Қўксим тоғ, шодлигим баҳорги дарё,
Мен сени куйлайман сўзим, созимда.
Бахтимга сен борсан, эй нурли дунё,
Шодлик баҳор яшар ҳур овозимда.

Гулла эй бахт, илҳом манбаи ўлкам,
Октябрь ёритган эй порлоқ саҳар.
Саҳар пештоқида кўринган кўркем,
Бизнинг коммунизм аталган зафар!

1951

САОДАТНИНГ ЧЕТ ЭЛЛИК БИР ХОНИМГА ЖАВОБИ

Менга келиб тегди, бойвучча хоним,
Флор вилласидан ёзган хатингиз.
Ажаб зукколик-ла сурибсиз қалам,
Ҳасад ёндирганда қора дилингиз.

Мактуб дилнинг рамзи, деганларидай,
Мен ҳам қиёфангиз кўрдим шу хатда.
Ёзибсиз бойликлар... уруш ва яша
Ўзингиз ва менинг унвоним ҳақда.

Билсангиз сиз бошқа, мен бошқа олам,
Сўзларим албатта қилади ҳайрон.
Майли, Совет Шарқи эркин қизининг
Жавобини эшитсин халқлар ва жаҳон!

Сиз ҳам геологсиз, сизнинг увонни,
Отангизнинг беҳад бойлиги берган.
Эрингиз доллари хазинада тахт,
Саройингиз кўкка кўкрагин керган.

Фарзандни вужудан ёмон кўрасиз,
Қаритади, дейсиз туғиш аёлни.
Сиздаги билимни берган долларнинг
Жаранги банд этган бутун хаёлни.

Қийим-кечакларнинг йўқдир ҳисоби,
Миллиондан ошади олтин ва безак.

Гулларга ўралган виллангиз тўлиқ,
Хизматингиз қилар қора қул беҳад.

Ишлаш нега керак, умр роҳатда,
Қуллар меҳнатидан оқиб келар пул.
Мана, америкалик калтабин хоним,
Сизнинг уввонингиз, қиёфангиз шул!

Сиз ўша тақинчоқ, долларга банда,
Вилладан дунёга ташлайсиз назар.
Кўзингиз ўйнатар менинг ёш ўлкам,
Ҳусни тўлиб гўё баҳорги саҳар.

Сиз англай олмайсиз бизнинг дилларни
Тўлдирган зўр кучнинг берган бахтини!
Мана мен геолог, неча йилларки
Тинмай ўрганаман тупроқ қатини.

Бу озод тупроқда қуллик сўзини
Инсон учратмайди ҳатто луғатда...
Қулликни туғдирган ваҳший бир қопун
Ижод этилади сизнинг тарафда!

Мен қулмас, қулим ҳам бўлмас ҳеч қачон,
Бу зўр онлада бир ҳаёт мавжуд.
Терси қорамн, оқми, сариқми,
Совет кишисининг поми-ла машҳур.

Мен ҳам фан доктори, бойвучча хоним,
Мен ҳам бойлигимнинг билмайман чекни.
Менинг парвозимда фан чўққисига
Сиз деган долларнинг қўли йўқ лекин.

Мен оддий бир ўзбек чўпоннинг қизи.
Мени фан доктори қилган Ватаним!
Менинг хазирамнинг бойлигин санаб
Бугун Уолл-Стрит уйқудан маҳрум!

Ҳасад-ла сиз тинмай санайсиз лекин,
Ҳисобига етмай куясиз доғда.
Чунки бу қурилиш, ижодий ишлар
Кундан-кун ўсади азиз тупроқда!

Жаҳон назарида кун сайин ошган
Дуру гавҳарларнинг асили манда!
Буюк коммунизм бўлиб кўринар,
Жаҳон назарини унга тикканда.

Бу — сўнгсиз қирларни гардишдай ўраб
Ўсган ўрмонларнинг куйдор шовқини.
Янги капалларда қуёш нурини
Қамраб оққан сувнинг кўм-кўк тўлқини.

Чўлда барпо бўлган янги боғ кўрки,
Бу — олтин буғдойлар, зар каби ипак.
Бизнинг оппоқ олтин хирмони ҳар куз
Ҳар колхозда бўлар кўкка етгудек.

Барчаси бир қуёш нурини эмиб,
Кундан-кун ортади қудрати, кўрки.
Бу — меннинг Ватаним, тақдирим, бахтим,
Хазинам аталур Советлар юрти!

Сизда геологга йўқмиш эҳтиёж,
Бу ҳақ! Сизга қиммат бу кунги ўлжа.
Бизнинг Тошкентдаги университетлар
Ҳар йил мамлакатга берар юзларча!

Лекин, буюк ишлар учун бу ҳам кам!
Ҳеч бири ўлтирмас сиз каби бенш!
Дилида жўш урган муқаддас тилак:
Ҳаёт гўзаллигин кўпроқ яратиш.

Кўксимда хазинам бир қуёш қадар,
«Олиб халқингга бер!» деб чорлар ҳар тоғ.

Ернинг қатлаמידан тутқун нефть дер:
«Кўзим оч, айқирай мисоли булоқ!»

Тоғларга биз берган ҳаёт изидан,
Кирар коммунизм ёрқин чироғи.
Мана менинг режам, ҳаёт харитам,
Менинг Ватанимнинг порлоқ иқболи!

Менимча, жаҳонда сиздан йўқ қашшоқ,
Эй дуру гавҳарга кўмилган хоним!
Пардоз қутисида билим ҳам, дил ҳам,
Сизнинг тушунчага ёлғиз пул ҳоким.

Чақалоқ оғзидан келган сут ҳидин
Менга берган кайфи албат сизга ёт,
Умригиз боғини урган куз ели,
Боши берк кўчада сиз кирган ҳаёт.

Сизда келажак йўқ, сизнинг кўзингиз
Бу кунги олтину доллар асирн.
Сиздай бенстикбол, сиздай беҳаёт
Уолл-Стритнинг қора тақдири,

1951



«ДУГОНАЛАР БИЛАН СУҲБАТ» КИТОБИДАН

1953

ҲАММА САФАРБАР!

Куз келди ҳосилдор, тўкин ва гўзал,
Қадрдон далада ярқирар пахта.
Худди шу ҳосилни қилгандик мўлжал,
Қурултойда тузган коллектив аҳдда.

Худди шу ҳосилни қилгандик мўлжал
Эрта баҳор ерга чигит экканда.
Буткул йиғиб-териб оламиз жадал!—
Дедик биз тинчликка имзо чекканда.

Бизнинг сўзларимиз дилимиз демак,
Мусаффо дилимиз севгига тўлиқ.
Биламиз не бахтдир севилмак, севмак,
Элимизнинг бизга севгиси улуғ.

Лобар қизларим, деб таянаркан эл,
Букилмас таянчдир мағрур қаддимиз.
Сочни чамбар қилиб, маҳкам боғлаб бел
Элга хизмат қилмоқ қатъий аҳдимиз!

Мана, далаларни қоплаган пахта.
Мўл неъматин ёйган тупроқ ва меҳнат.
Шону шуҳратимиз чорлар ғайратга,
Куз лозини енгади прода фақат.

Билак қудратимиз, юрак ўтини,
Қурашга бермасак, келурми зафар!

Ватан бизга берган фазилат, кўркнинг,
Барини теримга қилиб сафарбар —

Бўй тенги ғўзамиз ораларига,
Саҳар ёйиламиз мисоли юлдуз.
Азиз республика далаларига
Бизнинг илк хирмондан ёйилар кундуз!

Гарчанд гектар-гектар кенг майдонларни
Терим машиналар кезади тинмай.
Гарчанд машҳур, номдор там-там чеварлар
Рекордлар қўяди чегара билмай —

Ҳамон сахий ерда беҳисоб пахта.
Майдон кенг, ҳосил мўл, айниқса бу йил,
Севимли Ватанга берганмиз ваъда,
Ваъдани бажармай тўларми кўнгил!

Ҳар қиз ўйламасми, мен шод, дўстим шод,
Дўстликда яшнади Ўзбекистоним!
Аҳдни бажармасак не дер дугонам,
Боқулик қаҳрамон Сурайёхоним.

Ҳамқадам бўлса соз мусобақадош,
Совет кишисига тенглик фазилат.
Гўзал қиз кипригисимон зич, ёндош,
Бир шон-ла, шараф-ла боришдир ният.

Тинчликнинг байроғи ҳилпирар экан,
Писанд эмас кузнинг бевақт ёмғири!
Ҳатто томчисидан илгари келиб
Териб олажакмиз ҳар кўсак дурни!

Терамиз, суръатни бўшатмай бир дам,
Ишонч зўр, чиқамиз сўзнинг устидан.

Шундан сўнг ярашур Олтин Юлдузлар
Жой олса қизларнинг сўлим кўксидан.

Пахтакор қизим деб таянаркан эл,
Фарзандмиз, бўламиз жонига малҳам!
Сўнгги қоп пахтани хирмондан олиб,
Тишчлик карвонига ортиб, хотиржам —

Чамбар сочимизни орқага ташлаб,
Яшнашиб чиқамиз улуғ байрамга.
Ваъда шу! Барча қиз ёппа сафарбар
Шараф-ла етмакка шу бахтли дамга!

1952

ПАРАНЖИСИНИ ТАШЛАМАГАН АЕЛГА

Кундай ошпоқ йўл ўртасида,
Кутмаганда учратдим сени.
Очиқ, бахтли қизлар сафида,
Бу юришинг ранжитди мени.
Узоқ ўтмиш бўлиб кўриндинг,
Савол билан келдим қошингга:
Мен ташлаган паранжини сен
Нечун олиб солдинг бошингга?
Қайда экан бу қора сарқит,
Сақлаб қолмиш қайси ифлос қўл?
Тушунчангни туманга ўраб,
Сени қилмиш паранжига қул!
Сенинг эркинг, ҳаққинг ўгирлаб,
Иродангга занжир солган ким?
Эрк макони бўлган ўлкада,
Нечун қолдинг тутқунликда жим?
Нечун, нечун азиз бошингни,
Ўз юртингда эгиб юрасан?
Хўрлигингни қўлингдан бериб,
Паранжига кириб юрасан?
Биласан-ку бизнинг ўлкада,
Аллақачон тутқунлик битган!
Озод, эркин қизлар таърифиди,
Шон-шухрати оламга кетган.
Қара, шунча озод хотин-қиз,
Сендан камми ҳусн бобида?
Ҳар бириси бир ёрқин юлдуз,
Ярқирайдиган эрк осмонда.
Кремлда кенгаш қуради,
Прагада тушади рақсга.

Измига тоғ кириб юради,
Табнат-ла кирганда баҳсга.
Очиқ кўзин кўкка тикканда,
Кўринади куппа-кундуз ой,
Идрокини сувга тикканда,
Электрга айланади сой.
Тақир чўлни қилади бўстон,
Унинг исми уста пахтакор.
Биласанми, ҳар тонг-ла элга
Рапорт бериш билан бахтиёр.
Қара, унинг кўксига Юлдуз,
Меҳнатидан бўлмиш Қаҳрамон.
Сен-чи, нечун чодир ичида
Қолиб кетдинг азизим, ҳамон?
Айт-чи, дўстим, юзинг яшириб,
Паранжигга ўраб қўйган ким?
Юлдуз каби ёнган кўзингни,
Эрк нуридан маҳрум қилган ким?
Жоним, ўтмиш чодирин ирғит,
Тонгдай яшна эрклиларга хос!
Танҳоликни абадий тарк эт,
Ҳур дўстларинг билан қадам бос!
Бу пардани ташласанг агар,
Ойни уялтирар юзинг бор!
Тунга бөқсанг тунни ёритар
Юлдуз каби ўтли кўзинг бор!
Бу пардани ташласанг агар,
Кўкрагингга тегади офтоб!
Сеннинг ўзинг таратган нурга
Душманларинг бермай қолар тоб!
Ташла ғафлат чодирин, дўстим,
Биз билан юр, оппоқ — оқ тонгга!
Ўзинг гулдай яшнаб, ишла-ю,
Юртингни ҳам ўрагин шонга!

1952

ЗООТЕХНИК ҚИЗ

Куйга тўлди гўёки ҳар ён,
Кенг яйловнинг кўринмас чети.
Терисига сиғмайди чўпон:
Келган колхоз зоотехниги...

Бу — Ойжамол, бир чўпон қизи,
Уқиб келди шаҳарда шу қиш.
Зоотехник «Гигант» колхозининг
Фермасида олиб борар иш.

Қорабайир, наслдор қўйлар
Отарларин севар Ойжамол.
Беш йилликлар, хаёллар, ўйлар
Келажагин кўрсатар яққол.

Чўпон дейди: «Ҳар юз совлиқдан
Юз ўттиз беш оламинг қўзи...»
Қиз кўзлари берган шодликдан
Ёнар эди чўпоннинг кўзи.

Қизнинг бунга ишончи комил,
Чўпон машҳур, атоқли чўпон.
Мен билмадим, қиз кўрганмикин
Бундай қора кўзларни ҳеч он...

Қиз сўзлайди: «Она қўйларга
Мумкин эмас узоққа юриш!

Кундан-кунга юклари огир,
Боқув даркор! Даркор парвариш!»

Эркаланар қўйлар, уларни —
Силаб, сўзлаб борар Ойжамол,
«Ўт ўсиғи, сувнинг тиниғи
Ажратилсин буларга дарҳол!»

— Жон билан,— дер чўпон дилида,
Ўзи хурсанд, тинглаб борар жим.
Қизнинг ҳар ишида, тилида
Мичуринча, янгича илм.

Зоотехник жўнади, чўпон
Ишққа тўлиб боқди изига.
Деди:
— Кунда кўрмак-чун сени
Тўлдираман қирни қўзига...

1952



«ЮРАГИМГА ЯҚИН ҚИШИЛАР» КИТОБИДАН

1958

ЮЛДУЗ

Уйда бўғилдимۇ чиқдим эшикка,
Ер устига чўккан оқшомги туман.
Гўё кўзларимга боққандай тикка
Яшнарди бир юлдуз худди сенсимон.

Худди сендай узоқ ва сендай ёрқин,
Авжи чақнаганда сўнади у ҳам,
Бир юпанч: севгимнинг осмонидан
Учмасдан ёнасан, эй гўзал ҳамдам!

1944

* * *

Бахтиёр севгини куйларди созим,
Улим ханжарига тегди-ю синди.
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим,
Наҳот, лириканинг ёлқини тинди?

1944

* * *

Дейдиларки, сени кўрганда
Кўзларимда ёнар жонли ўт,
Уша ўтнинг ёлқинларида.
Сендан ўзга бор нарса унут.

Мудом дилга содиқ кўзларим
Ҳақиқатни кўмиши қийин.
Кўзларимда, қонимда кезган
Уша севинч, ўша олов сен.

Майли, ўзинг мендан узоқда,
Лекин дилнинг ўти бўлиб қол.
Менинг куйим эмас тузоқда,
Шеър керакми, жон керакми, ол!

1944

КЕЧИР, ҚОЛДИМ ҒАФЛАТДА

Сени бирдан жонсиз кўрдим,
Жоним чиқди менинг-да.
Эс-қушимдан ажраб турдим,
Туйгум кетди сенинг-ла.

Қошки эди, мен бошингда
Турган бўлсам ўша дам.
Қирмасмидим мен қонингга,
Бермасмидим жонни ҳам.

Ажал деган бешафқатга
Қошки отсам ишқимни,
Тўлдирсам ҳам кўкни додга,
Сақласам мен бахтимни.

Қошки эди, сўнг қўлингда
Эркаланиб берсам жоп.
Сўнгги нигоҳ сенда қолса,
Мен кўз юрсам беармон...

Яшаш сенинг ҳаққинг дедим,
Кечир, қолдим ғафлатда.
Йўқ эди-ку бўлмоқ маҳрум
Бизнинг илк мунис аҳдда?

1944

СЕН ҚАЙДАСАН, ЮРАГИМ

Қалб бўлганда йироқда
Ирода экан ожиз.
Дўстлар ҳам кўп атрофда,
Аммо мен якка-ёлғиз...
Бирдан қалбим кексариб,
Қон ҳам қочди юзимдан.
Сен, сирдошни ахтариб,
Хаёл кетар изингдан.
Қайга кетдинг, «юрагим»,
Битди бардош ва тоқат.
Суҳбатингдир тилагим,
Дилда ҳасратим қат-қат.
Кўпдир айтажак сўзим,
Ўгитларингга зормен,
Йиғлайсан деб дўстларим
Таъна қилар. Нетай мен?
Совуш бермайди менга,
Ёқиб кетганинг олов.
Нетай, етмайман сенга,
Уртага ташланган гов.
Ишққа маскан юрагим,
Топиб бер, деб қистайди.
Нима қилай, бераҳм —
Руҳим сени истайди.

1945

НЕ БАЛОГА ЭТДИНГ МУБТАЛО

Утди ойлар ғам билан оқиб,
Дил топмади зарра тасалло.
Фироқингда қолдим тутоқиб,
Не балога этдинг мубтало!

Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам куйдирар болиш.
Юпатолмас китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар полиш.

Наҳот шунча маъсум, шундай пок
Севишмоқда алам бор шунча?
Бардош бермас ирода, идрок,
Тамоман лол ақл, тушунча.

Тоғдай бор деб билган юрагим
Қуш бошича қолмади чоғи?
Ғамини снгарман деган сарим
Яна ортар алами, доғи.

Эриб кетмагандим севгингдан,
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо,
Бирга қолиш учун сен билан
Куяману, бўлмайман адо.

1945.

КҮРГАНМИДИНГ КҮЗЛАРИМДА ЁШ?

Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.

Келдим. Узоқ қолдим мен сокин,
Сенинг азиз бошингда ёлғиз,
Осмон тиниқ эди ва локин,
Парча булут етиб келиб тез,

Кўкда менинг бошимда туриб
Гўё юрагимдай қалқди у.
Кўзимдаги ёшимни кўриб
У ҳам тўкди ёшини дув-дув.

Биз йиғладик тепангда шу кун,
Келдингми, деб кўтармадинг бош.
Айт-чи, сен-ла бахтиёр онлар,
Кўрганмидинг кўзимда бир ёш?

1945

ҲАЁТ ЖИЛОСИ

Яна йилдай узун бўлди тун,
Кўзларимга келмади уйқу.
Турли хаёл чулғаб ўйимни,
Ўтдай ёқди бошимни парқув.
Тўшагимда кучсиз ва ҳорғин
Тўниб ётдим хаёлга ботиб,
Девордаги гардиш палакка
Шуъла тушди қуюндай оқиб.
Сўйламади юпанчли сўзлар,
Одатдаги дўстлар сингари.
Аммо сингил тортиб нафасим,
Назаримда ғам кетди нари.
Уйга кирган ҳаётбахш жилло,
Тишга боқ, деб қилгандай хитоб.
Кўтарилиб дарчадан боқдим,
Оғушига олди офтоб.
Қарадим, кўзимни ортиқ
Ўзолмадим тирик ҳаётдан.
Созим, қалбим, қўшигим билан
Мафтун бўлдим мен қайта бошдан.
Ана, қушлар қанотида нур,
Нур-ла ўйнар баргдаги шабнам.
Шу гилҳдай, эй азиз офтоб,
Ўштираман сен томон мен ҳам,

1946

УРИК ГУЛЛАГАНДА

«Теразамниш олдиди бир туп,
Урик оппоқ бўлиб гуллади...»
Гулни кўриб ишқпараст қалбим,
Минг айтилган дарддан куйлади.

Сени қўмсаб оқшом чоғида
Ҳижрон қўшар экан ҳарорат.
Улгудайин муштоқ бўлибман —
Висолингга, йўқ чоғи тоқат.

Сени қўмсаб оқшом чоғида
Қириб келдим шу таниш уйга.
Биз бир чоқлар яшаган уйда
Тунаб қолдим хаёл-ла бирга.

Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам
Ешлик кечган торгина шу жой.
Бунда яшар ажиб онлардан,
Ишқ-ла ўтган тунлардан чирой.

Ҳар бурчаги элитар ҳушим,
Нақадарлик ошно, яқин.
Худди тунда камолга етган
Қўшиғингда чақнаган чақин.

Бунда ҳаёт — илҳом онлари
Қаламингдан тўкилган гавҳар.

Гул бўйини олганда шамол
Рашкка тўлиб тўнган у кўзла,

Сен тугатгач чанқоқлик билан
Ўқиб мафтун бўлганим ҳаёт.
«Қалай деган» бўлиб термилган
Кўзларингнинг оташи ҳаёт.

Ҳали ҳаёт, такрор ўқиркан
Завққа тўлиб яйраган кўксим,
Юзингдаги улуғвор, майин,
Бир жаҳонга арзир табассум.

Бари ҳаёт, муҳаббат каби,
Ҳамма ерда кўрнар изинг.
Паррандалар нағма куйида
Жаранглайди товушинг, сўзинг.

Мени ўраб олди ҳаяжон,
Яна ортди севгининг кучи.
Шарқ қизариб, чиқмоқда қуёш,
Олтинланди теракнинг учи.

Сен куйлаган ўрик шу кеча
Бурканди оқ — оппоқ чечакка.
Мен қадрдон хотира билан
Жўнаб кетдим уйимга якка.

1947

ХАЁЛЛАР

Эй хаёллар, елдай сездирмай
Келасизу чулғайсиз ўйим.
Ҳатто безган чоғда ҳам ғоят
Кўксингизга ташлайман ўзим.

Зотан, сизсиз бўм-бўшдай ҳаёт,
Дил қанотсиз қуш билан тенгдир.
Ҳатто икков зўрға жойлашган
Хонам сиз-ла осмондай кенгдир...

Тун ухлайди ширин уйқуда,
Ой-юлдузда оқади ҳаёт.
Сиз-чи, мени этасиз мафтун
Ўйим чулғаб елпийсиз қанот.

Бодом тоғларига чирмашиб
Излашасиз бирга оҳуни.
Оққуш каби енгил ва кўркам,
Мен-ла кечиб ўтасиз сувни.

Кўз ёшидай тиниқ ҳар булоқ
Табиатга тутар ойна,
Мағрур бошин қорға ўраб тоғ
Акс этади бир оппоқ сийна.

Сиз тиклайсиз севги ва илҳом
Уйи бўлмиш оппоқ ўтовни

Ва эсимга солиб қўясиз
Ўзи эздан чиқмас бировни.

Шунда сизга янги ном бериб
Ҳаяжонда атайман Севги.
Юксалтирар дилимни тоғдай
Шу янги ҳис, шу янги сезги.

Маст назар-ла атрофга боқиб
Табиатда кўраман чирой.
Кун шуъласин қамраб тўлқинга
Шўх кўнириб оқар дарё, сой.

Олтин рангга кириб кўрнишар
Дала йўлдан кўтарилган чанг.
Чўл чечагин менга тутқизар
Қирғоқдаги ҳар тош, ҳар харсанг —

Сеҳргарсиз, тирик хаёллар,
Сеҳрингизга этасиз мафтун.
Пўқса, чўлда қийғоч гулшанни,
Тикандан гул ундирмак нечун?

Оқшом ғунча атаб кетганим
Хандон кулиб боқса эрталаб,
Салқин кеча камол топтирган
Соҳил мандаи қилса шеър талаб —

Шунда сизни чечакка ўраб,
Номингизни атайман Илҳом.
Мук тушаман шеър машқига,
Севинчига, дардига дил ром.

Оппоқ қоғоз, кичик бир қалам,
Изланишда ўтиб кетар тун.

Гоҳ севги деб сарлавҳа қўйиб
Изтиробда ёнаман бутун.

Гўзал оқшом каби сездирмай,
Келасизу чулғайсиз бошим,
Гоҳ қийнайсиз, гоҳ яйратасиз
Туни бўйи бўлиб йўлдошим.

1947

ТОҶИҚИСТОН ХОТИРАЛАРИ

I. Яқинлик

Элим йўллар экан саломи билан,
Меҳринг қанотида пар каби учдим.
Сени бир кўришни қилардим орзу,
Мана, зумрад тонгда бағрингга тушдим...

Тонгдай ёш, дарёдай уйғоқ шаҳарсан,
Жувон кун иш билан олади нафас.
Ёшлигинг эсларкан, салобатингга
Дўстлик ғурури-ла қарадим бирпас.

Муҳташам бинолар гўзал, басавлат,
Кўчалар нур каби покиза, адил.
Йўлларга соябон дарахтларингда,
Ухларкан олтин куз — атлас бир фасл.

Тарихинг сўйлади жаннат боғингда
Токларни кўмаркан менга боғбон чол.
Яқин ўтмишингни бу кунинг билан
Таққослаб кўролмай ақлим бўлди лол!

Шу ерда бўлганмиш кўҳна Душанба,
Туяни кўмгудай ботқоқлик ва лой.
Тиккайган дарахту тангадай соя
Кўрмаган жазира, қашшоқ, вайрон жой.

Шаҳар барпо бўлмиш унинг кўзида,
Ўзи қўйишганмиш пойдеворга ғишт.

Бундаги энг кекса дарахт ҳам ҳатто
Унинг ўз қўлида топмиш парвариш...

Кўчангда сафарга чиққан карвондай
Тераклар кўзимни тортди йироққа.
Хаёлим чирмашди равоқ сингари
Мағрур кўтарилган мўйсафид тоққа.

На гўзал манзара очар бу тоғлар,
Тўшига баҳорнинг текканда лаби.
Кўшиқдай жўш урар кумуш ирмоқлар
Шафақдай ёнганда лола гилами.

Мен ҳасад қилардим тожик шоирга,
Агар бўлмасайди эркин қўшигим!
Баҳор илҳомига бўлурман шерик —
Қўшиқ сайёҳсифат билмайди қўним...

Тоғлиққа кираман — ўнгу сўлимда
Бир тоғнинг иккига бўлинган қадди —
Тош бағрин қоқ кесиб нурга очмиш йўл
Ижодкор халқингнинг истаги, ҳадди.

Варзоб соҳилида — тоғ орасида —
Янги барпо бўлган шаҳарда турдим.
ГЭС дан пойтахтга кокилдай симдан
Нур берур қора кўз қизингни кўрдим.

Бахтлар водийси деб аталган Вахшда,
Миллионер колхозчи — кечаги деҳқон,
Бепоен ерларнинг Фарғона каби
Миср пахтасига бўлибди макон.

Помирда ғаллакор колхоз байроғин
Елпирқан тоғлиқнинг сарин еллари,
Ҳеч ажаб эмаски у шарқ деҳқонин
Дилини ёритса машғал сингари...

Ҳар ерда учратдим дўстни, ўртоқни,
Мени қаршилади меҳрибон кўзлар.
Нақадар самимий, яқин ва илиқ
Биз фақат дил билан сезолган сўзлар.

Бу кўзлар кўп таниш бўлиши аён,
Чунки нурин олмиш бир офтобдан.
Ўз помин таниган туташ, ёнма-ён
Бирлик деб аталган буюк китобдан.

Тўғри, боғимизнинг меваси ҳар хил,
Чаманда гулларнинг ўзга япроғи
Лекин бир ҳаводаи олади нафас,
Кўки бир, суви бир, бирдир тупроғи.

Атлас боғларингда қизғин, оташин,
Ғазалхон дўстларнинг ўтди гурунги.
Кўп тилу бир дилдай тўқидик қўшиқ
Ҳаётий бу куйнинг бўлмади сўнги.

Ҳамоҳанг жаранглар бу бирлик куйи,
Узоқ-узоқларда яшаймиз гарчанд.
Орзу-армонимиз бирдир, дилимиз
Кремль нури-ла этилган пайванд.

Шунинг-чун ҳаётнинг қувватди бизни,
Севничлар жўш урди мисли пўртана.
Бугун бир қуёшдан баҳраманд боғнинг
Ўн беш томонига тарқаймиз яна.

II. Перронда

Кенг шаҳар устига қўнмоқда оқшом,
Туманда мудрайди тераклар учи...
Менинг юрагимда ширин ҳаяжон,
Шу қадар буюкми дўстликнинг кучи?

Мана бўсағангдан сўнг бор қарайман,
Бутун кўркамлигинг, ҳуснинг кўзимда.
Жўнаб кетаётиб, хайр демакка,
Бир куч тополмайин қолдим ўзимда...

Барча гўзалликни севганим сабаб.
Мармар тошларингнинг бўлдим мафтунни.
Эрка тупроғингга дўстларим билан
Қадам қўйгандаёқ сезгандим буни.

Сўнгги бор қарайман, кўк осмонингга,
Ой бўлиб кулади дўстларнинг меҳри.
Баримдан тутади оҳанрабодай
Элларда барқарор дўстликнинг сеҳри.

Сени ўраб олган тоғлар тўшига,
Тўлин ой ёймоқда кумуш кокилни.
Бу кеч оҳуларнинг кўрган тушига
Қулогим солмайин кетмагим қийин...

Лекин она-Ернинг зўр экаи дами —
Меҳрибон қўйнингдан букун кетаман.
Сени шоирларинг севгани каби
Тошкентни ҳам, сени бирдай ссваман.

Яқинмиз, чақирсак товушимиз стар,
Фироқ йўқ дили бир эл ҳаётида.
Қалбимни хотиранг эркалаган дам,
Куйимни йўллайман ел қанотида...

Паровоз қўзғалар...

Дам сайин йироқ
Кетаман... Қалбим хайр демади сира.
Демакки, яшайди мисли нур варақ
Сен менга баҳиц этган гўзал хотира...

1947

СОҒИНГАНДА

Қанча бўлди кўрмаганимга,
Эй қалбимнинг дилбари, шоир!
Қанча бўлди бирга ўлтириб,
Сўзлашмадик дилларга доир.

Дил-чи, дилим унутиб бўлмас
Ишқ қўшиғи ёзилган китоб.
Хаёл хиёл чертиб ўтдими —
Топиб бер деб қилади хитоб.

Иккимизга маълум бир қудрат
Йиллар ўта сенга тортади.
Унутайин дейману, фақат
Дилда унинг ўти ортади.

Ҳам табиат, ҳам дўст, ҳам рақиб,
Барчасини қолдириб доғда,
Кўришсак-у, яна тирилса
Уша ўлган бўса дудоғда.

Юрагимнинг шоҳи деб сени,
Майли, бу гал ўзим тиз чўксам.
Ҳузурингда бахтдан тебраниб,
Ишқ ва соғинч ёшини тўксам.

1950

МАРТ ТОНГИДА

Қорли тоғлар устидан тунни
Секин ҳайдаб зумрад тонг отар.
Нур изидан кирган ёш кунни
Бағри баҳор, пойтахтим кутар.

Йўлкаларнинг ойналарида
Олтин мисол ёнади қуёш.
Баҳор ва нур чеҳраларида
Дўстлар менга бўлади йўлдош.

Мана, ўтиб борар олима,
Қадамлари фикридай кескин.
Сочларида ёнади шуъла,
Нигоҳлари кезар тоғ кўксин.

Профессор деб атар халқи
Шу нозанин гўзал жувонни.
Тоғ оҳуси атаса ҳақли
Шоир шеърга ўраб бу номни.

Тупроқ қатин ўрганди узоқ,
Қоялардан, тоғлардан ошди.
Табиатнинг сирин этди фош,
Хазиналар қонини очди.

Энди шоир дарсхонасига,
Зафаридан бермоқ-чун хабар.

Сочин сочиб пешонасига,
Қуёш тўлиб шаббода эсар.

Оппоқ тоғлар қори ярқираб,
Тантанада кутади тонгни.
Тоғ пойида гигант комбинат
Қучоғига чорлар жувошни.

Олиманинг кўзларида нур,
Дили ижод ишқи-ла тўлиқ.
Тошкент узра эсиб ел ҳур-ҳур,
Қанотида келтирар қўшиқ.

Бунча гўзал, бу қадар дилбар,
Зафар билан янграган бу саз!
Бу қўшиқда, дўстим, сен ҳам бор,
Шундай олға қиласан парвоз!

1950

ЛОБАР ҚИЗЛАРГА

- Салом, менинг азиз дугоналарим,
Азизим, лобарим, чеварим қизлар!
Эй, тоза қалбимнинг ошнолари,
Куйларим илҳоми, ссварим қизлар!

Қаҳрамон йигитлар кечирсин мени,
Бу кун ҳам қўшиғим сизларга доир.
Сизни, ҳур ва озод, сизни куйламоқ
Менга саодатдир, мен бахтли шоир!

Мана, шод юракнинг севгисин қўшиб,
Чевар қўлингизга бермоқ учун гул,
Сизга ёзган юрак шеърим нзидан
Республикам бўйлаб мен ҳам олдим йўл.

Ҳорманг, пахтакорлар, муборак бўлсин,
Меҳнат ва тинчликнинг мўл ҳосил тўйи!
Ҳаттоки, қуёшга ета олгудай,
Дур бўлиб уйилмиш хирмонлар бўйи.

Кумушдай очилган бу пахталарда,
Сизнинг қўлингизнинг ҳиссаси улуғ,
Жон-дилдан ишлайсиз, чунки қалбингиз,
Эзгу умид билан севгига тўлиқ.

Сиз энди биласиз саодат нима,
Бахтингиз қаерда, кимсиз ўзингиз.

Бу куну эртани очиқ кўради,
Озодлик мунаввар қилган кўзингиз,

Водийлар қўйнига трактор солмоқ,
Фаровон ҳаётда яйраш дедингиз.
Граммлаб пахтани чаноқдан олмоқ,
Уруш фалокатин ҳайдаш дедингиз.

Баҳорги аҳдимиз устидан чиқсак,
Улуғ юртимизнинг боши осмон.
Москва олқишлаб, дўстлар қувонса,
Ҳаётимиз бўлса яна фаровон.

Тинчлик ва шодликни яратувчи халқ.
Сизнинг қўлингиздан кийинса гўзал.
Сизнинг юрагингиз фахр-ла тўлса,
Азизлар, бахт бундан бўлурми афзал?

Ажойиб бир халқнинг лобар қизисиз,
Сиздан мақтанчоқлик, мағрурлик йироқ.
Янги-янги тузган режаларингиз
Сизни олға томон ундайди бу чоқ.

Ўз ери, ўз эрки, ўз ҳур меҳнати,
Ўқиб ёд олгани азиз китобдай.
Не бахтдир, ҳар дамги меҳнат маҳсули
Қалбингиз ёритса худди офтобдай.

Оталар эркаси, оналар бахти,
Ватаннинг севгани, дугона қизлар.
Сиз билан шеъримнинг рубоби янграр,
Сиз билан гўзалдир замона, қизлар.

1951

ТИНГЛА, БУЛБУЛ

Булбул сайрар, ирмоқ куйлар, ўйнар ел,
Ҳамма ёққа нур тўлганга ўхшайди.
Ширин куйга тўлиб кетди маъсум дил,
Севги унга ёр бўлганга ўхшайди.

— Тўхта, булбул, мен куйлайин, жон булбул,
Сен тинглагин қалбимдаги торимни.
Баҳор десам, рашк қилмасин чаман гул,
Юрагимга кириб олган ёримни.

Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни,
Эрка дилнинг тўлқинига қулоқ сол.
Сен бийронсан, лекин менинг куйимни
Кўрки бўлган садоқатдан сабоқ ол...

1951

ФОНТАН ОЛДИДА

Гўзал оқшом,
Ой, юлдуз сузар,
Чироқлардан олиб нурини.
Салқин боғда,
Фонтан ёнида
Икки ёш қалб сўзлар севгини.

Фонтан шодлик каби қайнайди,
Сочилади гавҳар доналар.
Нақадар соз,
Бахтиёр замон,
Муҳаббатга ётдир нөлалар.

Ой ҳам ботди,
Янги тонг отди,
Ҳамма ёққа нур сочди қуёш.
Севги тўла,
Шод юрак билан
Дастгоҳига кетди икки ёш...

1951

ҲОРМАНГ, ҚИЗЛАР

Шакар қизлар, шод қизлар,
Ҳур элда озод қизлар.
Озодлик қуёшидан —
Диллари обод қизлар!

Сизга зулмат бегона,
Нурга тўлган кўзингиз.
Меҳнат қилиб мардона.
Ойдай кулган юзингиз!

Эрка қиз, дилбар қизлар,
Ҳунарда чевар қизлар.
Кўркем гўзал диёри —
Жонидан севар қизлар.

Сиз Ватаннинг дармони,
Пахтазор қаҳрамони.
Сиз эккан оқ олтиннинг,
Кўкка етар хирмони.

Юртда тинчлик қўрғонин —
Маҳкамлашдир аҳдингиз.
Советлар замонида —
Қамол топар бахтингиз.

Лобар қизлар, жон қизлар,
Пахтакор полвон қизлар.

Кўксига юлдуз таққан
Довруғи дoston қизлар!

Шакар қизлар, шод қизлар
Бир умр озод қизлар.
Омон бўлсин қардошлар,
Яшасин ҳаёт, қизлар!

1951

КУЛДА

Кўлда бўлганмисиз
ёз мавсумида,
Бир дам олганмисиз
сув билан нафас.
Сув салқини қучиб,
қуёш эркалаб,
Ешлик қўшиғидан
Бўлганмисиз маст?

Кўл осмондай тиниқ,
кўл осмондай соф.
Қайиқ сузиб тилади сувни.
Гўзал тўлқинлар
кўм-кўк қирғоқни,
Кунни акс этдирган
улкан кўзгуни.

Хатто ўз жамолин қилиб томоша,
Табнат бу ерда чиқарар ҳордиқ.
Чунки
гўзалликлар ярата олган
Ленинчи наслдан
бу — унга тортиқ.

Қайиқ кўлга тўлиб
сузиб юради,

Акси лопиллайди тўлқин қўйнида,
Қуёш ҳам ўйнайди
 икки биқнидан
Қирғоқ томон чоған сув ўйнида.

Тўлқин қирғоқ томон шошилар,
 оқар,
Ешликнинг шўх,
 майини қўшиғин олиб,
Тинглар қирғоқ
 суда
Кўм-кўк толларнинг
Сочдай новдаларин қулоғи солиб.

Ешлик жавлон урар,
 бахтини куйлаб,
Узи яратгани бу кўм-кўк кўлда.
Бу ҳаёт кўркига тўймайди кўзим.
Шеър етилади куйчи кўнгилда,

1952

ҚОР

Олча гули баргидай,
Уйнаб, учиб ёғар қор...
Ажаб, қорга қарайман,
Кўзимда яшнар баҳор.
Дарахтларнинг шохида
Қор яшнайди худди гул,
Қия тепаликларнинг
Яхида ярқирар ул.
Чана тортган болалар
Телпагида паға қор.
Қийқириб ўйнашида,
Шодлигида бор баҳор.
Баҳор етилар — қорда,
Дам олган ер тўшида.
Баҳор кезар — инида
Ухлаган қуш тушида.
Шоликор, пахтакорнинг
Режасида бор кўклам.
Кумуш либосда яшнаб
Ҳаёт қайнаган ўлкам —
Ёшу қариси бари
Дилида қордан виқор.
Олмосдай қор тагидан
Кулади кўркам баҳор.

1952

ЎЗБЕК ҚИЗИ ОВОЗИ

(Ҳ. Ҳакимзодага)

Мен ўзбек қизиман, ҳурман, озоدمан,
Эшитсин севимли шоир, овозим.
Бизни озод кўрмоқ, ҳур, онгли кўрмоқ
Буюк орзу эди шоирга доим!

Бутун кучи билан, қалб ўти билан
Занжирни узишга жангга чақирди.
Оташин кўзлари, жанговар сўзи
Чачвонларни йиртиб дилларга кирди.

Ленин ёққан машъал ёритган йўлда
Биз топдик асрлик дардларга малҳам,
Партия бошлади бахтиёр кунга,
Биз дадил, шод, эркин ташладик қадам.

Эркимиз йўлида тўкилган қонлар,
Бизнинг кўзимизни очди ёрқинроқ,
Курашдик, олишдик, олдик ҳаққимиз,
Биз меҳнат байроғин тутдик баландроқ.

Хотин-қиз бўғилмас энди бу элда,
Ватаннинг эркаси бўлиб яшайди,
Ҳар бири билимдон, унинг қўлида
Далалар гуллайди, чўллар яшнайд.

Пахта майдонида уста пахтакор
Олтин Юлдуз таққан қаҳрамон бўлиб,

Қани кўрсанг эди, севимли шоир,
Куйлардинг янгидан илҳомга тўлиб.

Шеърингни ўқийди гўзал оқшомлар,
Қўшигингни куйлаб қаршилар тонгни.
Сен севган, куйлаган Ватанни севиб.
Меҳнат-ла маҳкамлар қудратни, шонни.

Шеъринг яшар экан— демак сен ҳаёт,
Демак, сен яшайсан севган халқ билан.
Демак, бизнинг ёрқин коммунизмга
Биз билан кирасан тўла ҳақ билан!

1952

Лекин менинг ўлкам тинчлик ўлкаси,
Ортида тентирар душман кўлкаси.

* * *

Шу ёрқин, илҳомбахш тушнинг тинчини
Бузмоқ-чун қайрайди қонли тишини.

Мен дейман: дўқингиз тамом беҳуда,
Бу тинчлик қўрғони мустаҳкам жуда!

Сулҳ байрогин тутган миллион-миллионлар,
Сизни ўша атом бомбангиз билан

Итқитиб ташлайди жаҳондан мангу!
Сулҳпарвар халқларнинг одил фикри шу!

Мен осойиш тунда беғам, беозор,
Бахт берган тупроқни сақлайман бедор.

Кремль юлдузи қаршимда чақнар,
Нурига ювилар гуллар, япроқлар.

Айқириб оқади каналларда сув,
ГЭСлардан қуйилар қудрат ва ёғду.

Эсаркан Коммуна чўққисидан ел
Ёрқин илҳомларга тўлади шод дил.

* * *

Оппоқ тонг отади...

Куйимга йўлдош,
Кўкда ярқирайди каттакон қуёш.

Шуъласи тутаркан она тупроқни,
Секин сўндираман мен ҳам чироқни.

Қалбим офтобдан бўлиб мунаввар,
Дейман: салом сизга, сулҳпарвар эллар!

1952

ЧҶПОН

Улуғ халқи билан ҳамдам, ҳамнафас,
Сўнгги ахборотни тинглаб Москвадан,
Норғул, ўмовлардан кучи тирсиллаб
Чўпон чиқиб келди катта ўтовдан...

Қирларнинг ўзгача ажиб гашти бор,
Тонгдан оқшомгача нур эмар ери.
Ердан кетар-кетмас кумуш каби қор,
Баҳорнинг уфурар ипакдай ели.

Зилол сувга тўлар ўтлар ҳар нафас,
Ҳавога учади чўпон куйлари.
Майса бўйларига, таниш куйга маст
Тўлқиндай оқади семиз қўйлари.

Чўпон нигоҳ ташлар қадрдон қирга:
Ҳамма ерга бирдай нур ёзган қуёш,
Чўпон шод — колхозни нишониб унга,
Юлдуздай саноқсиз қўйга қилмиш бош.

Чўпон шод — келмоқда ям-яшил баҳор,
Чўпон шод — томирга қуйилади куч.
Наслдор қўйларнинг салмоқдор, юкдор
Юриши бағишлар бир дунё суюнч.

Тилладай, кумушдай товланиб эрта
Йўрғалаб, қолишар қўзилар ўтлаб,

Дунёда тенги йўқ севимли элга
Тенгсиз қоракўлни беради кўплаб,

Чўпон шод — йилдан-йил қўйи кўпаяр,
Йилдан-йил колхози қудратли, илғор.
Чўпон шод — бахтиёр ҳаётда яшар,
Ҳалол меҳнат билан топган эътибор.

Колхозда севимли комсомолкаси —
Севган қизи — худди ўзидек ишчан.
Яшнайди серунум пахта даласи!
Онадек буларни севар халқ, Ватан.

Баҳор келар —
 ҳаёт гўзал, шод чўпон.
Янгратар муҳаббат, баҳор куйларин.
Тоза, босилмаган янги ўт томон
Бошлайди бўрдоқи, семиз қўйларин.

1952

ТОНГ ҚУШИҒИ

Оппоқ, чиройли ўлкам наҳори,
Севгувчи дилдай ўйнайди еллар.
Меҳнатда яшнар колхоз баҳори,
Ишдан, севинчдан куйлайди диллар.

Юксакка болқи, эй порлоқ офтоб.
Бўлсин мунаввар озод днёрим.
Нуригга йўлдош мен куйлайин шод,
Ёрим эшитсин бахтли овозим.

Ўйнайди еллар серишва, серноз,
Қалбимда севги эркин чалар тор.
Водийлар узра янграр хушовоз,
Ишқдан, вафодан куйлаб келар ёр.

1953

ВИСОЛ БАЙРАМИ

Езибсанки: «Сен томон учдим,
Ялинаман, тонгда чиқ пешвоз!»
Кўз бўлди-ю бутун вужудим,
Кўкда этди юрагим парвоз.
Олиб кетмак бўлган қушинг ҳам
Диллар фармонига келди дуч.
Икки дилнинг меҳридан ўтиб,
Қўнмасликка тополмади куч.
Сени гўё қуёшдан узиб,
Ут парчаси сингари тутдим,
Чеҳранг беҳад бахтиёр кўриб
Ишон, ўзимни ҳам унутдим.
Сен сездингми, бизнинг нафасдан
Койнотда ортган эди нур.
Ҳатто сочлар қора чўғида
Бахту шодлик этгани зуҳур.
Шодлик сўзин айтиб улгурмай,
Ўтиб кетди бу висол дами.
Лекин дилда икки ёниқ най
Куйлар эди севги байрамин.
Ўзинг кетдинг, қолди хаёлда
Хумор кўзлар, нессиқ боқишинг.
Бир лаҳзали дил айёmidан,
Сира сўнмас ширин ёқишинг.

1953

БИЗНИНГ ОНАЛАР

Ким танимас бизнинг оналарни,
Сиз қайда сезмайсиз иссиқ нафасин?
Улчаб бўлармикан она меҳрини,
Тугатиб бўларми айтиб қиссасин?

Бизнинг она озод, қуллик занжирин
Узган Октябрнинг қизил нурлари.
Энди у чачвонсиз тонгни қаршилар
Ҳамма ерда ўзи қуёш сингари.

Она беҳад буюк, ҳаёт манбан
Отамиз Ленин ҳам онага фарзанд.
Она ўз сути-ла биз гўдакликдан
Ватан севгисини қилади пайванд.

Она ўз юртини жондай севади,
Ватан ҳам онани севар, ардоқлар.
Бизни эркалатган она қўлларидан
Гулистон бўлади далалар, боғлар.

Иссиқ, юмшоқ чевар қўлидан
Сўйлаб кетар ҳар қандай мотор,
Фабрикада, оғир саноатда
Унинг янги номи новатор.

Эски урфу одат қолган орқада,
Унга йўлдош ҳатто энг улуғ унвоц:

Депутат, лауреат, врач, олма,
Колхоз даласида машхур қахрамон.

Бири кеча колхоз раиси эди,
Бугун Москвада олади таълим,
Бири бизнинг ёруғ, кенг синфимизда
Хурматли, севиқли азиз муаллим.

«Сизлар коммунизм эгаларисиз,
Коммунизм демак илм ва ижод!»
Дея фан нури-ла онгни ёритиб
Бизга кўмаклашар ёзмоққа қанот.

Биттаси тўқувчи, бири учувчи,
Пойтахтга қатнайди осмон кўксиди.
Мана кўрдингизми бизнинг оналар
Ҳамма ерда шонли тинчлик постида!

Она фарзандини уруш-чун эмас,
Ардоқлайди шодлик, бахт учун,
Уруш бўлмаяжак, деркан оналар,
Бу овоз кўрсатар ҳаётий кучин.

Биз-чи, тинч Ватанда ўқиб, ўсамиз,
Бахту шодлигимиз биз билан ҳар вақт.
Пионер! Меҳрибон, меҳнаткаш, машхур
Оналарга фарзанд бўлмоқ ўзи бахт!

1953

Сен берган офтобдан
 баҳордай кўрка тўлиб,
Бизнинг толедай кулиб,
 яшнар колхоз еримиз;
Меҳнат саройи десам,
 арзир гигант Текстиль,
Кунда янги шодликни
 тўқир бунда қизимиз.
Ҳар нур қизи қўлида
 эликлаб станокдан,
Худди сут дарёсидай,
 оқиб чиқади газмол,
Станоклар бошида
 Трехгорка қизидай,
Турар тинчлик постида
 бизнинг бахтиёр аёл.

Ҳурматой ипагидай —
 асл, нафис батистга
Сапъаткор қиз қўли-ла
 ҳаёт ўзи босар гул.
Кийганда шимол қизи —
Баҳор бўлиб иситар,
Гоҳ Фарғона водийси,
 гоҳ гуллаган Мирзачўл.

Кечаги рекордини
 бугун бекор қилади,
Қаҳрамон қизларимиз
 замон-ла юриб илдам.
Мана, чевар Чиннихон,
 Саодат суръатига
Теримда етгани йўқ
 манман деган йнгит ҳам.
Терим машинасида
 қизларимиз руль олиб,

Ғалаба китобидә
оча олди янги боб.
Грамм-граммлаб териб,
йиғиб олган хирмони,
Далаларни ёритар
кузда худди офтоб.

Юз центнерчи қизларнинг
мақтови шеърга сиғмас,
Сийналарда порлаган
юлдузлар ҳар кун ошар,
Ватанини жондан севган
меҳнаткаш аёлимиз
Ижоду яратишнинг
ишқига тўлиб яшар.

Бири бугун давлатнинг
тепасида туради;
Янги тонг ёришади
ҳам олима сўзидан,
Гўзал қизинг саҳнада,
Сен берган қанот билан
Оққуш бўлиб учади
Уланова изидан.
Муҳтарам оналарнинг
иссиқ меҳру шафқати
Не-не етук кишининг
хонасини ёритди.
Гўдакни йўргаклашга
бахтнинг ўзи келаркан,
Азамат ўғилларни
бағри-ла баҳор этди.

Фарзандлик эрка ҳисси
жўш ураркан юракда,

Ютуқлардан сўзладий —
мақтанчоқлик эмас бу.
Эй, Партия байроғи,
Сендан таълим олганмиз,
Бахтимизни меҳнатда
кўрганмиз мисли кўзгу.
Ҳар қиз янги меҳнатнинг
ярқироқ чўққисидан
Масофа, замон ўта
келажакни кўради.
Сен яшнатган тупроқда,
сен яйратган халқ билан
Ҳур меҳнати постида
Сендай маҳкам туради.

1953

ҚИШЛОҚҚА, ДҮСТИМ!

Фарзанд меҳри билан она ҳаётдир,
Фарзандлар кўзи-ла боқади кўзи,
Юрак парчасидан топган-чун бунёд,
Тўғри қалбга келиб киради сўзи.

Худди шундай: доно она партия,
Бизнинг юракларни билувчи раҳбар.
Ҳаёт гўзаллигини яратган дея,
Ёрқин саодатга қилар сафарбар.

Партия чақириғи — миллион дилларга
Она сўзи каби яқин ва таниш.
Бу — фарзанд дилида етилаётган
Ва она сезолган орзу, интилиш.

Шунинг-чун, мардлари ғалаба қилган
Қуёш ўлкасини қучди бу овоз.
Инсонга яғринини керган ерларга
Меҳринг қанотида қиласан парвоз.

Сен техник, агроном, мутахассиссан,
Пайванд қил фан билан халқ тажрибасини.
Сенга суянгандир колхозчи деҳқон
Тузганда рекордли ҳосил режасини,

Мана, режалардан боқмоқда баҳор,
Дилларни далага чорловчи кўклам.

Фаровон ҳаётнинг элчиси бўлиб,
Чўлни таний олмай келмоқда у ҳам.

Кўкрагин тўлдирган илм гавҳари,
Туироққа ҳарорат беришга муҳтож.
Меҳри қуёшдан ҳам иссиқ кишилар,
Қишлоқда кутмоқда кенг ёзиб қулоч.

Янги машиналар келар бирин-кетин,
Дўстлик қура олган пўлат излардан,
Билимдон ишчилар ясаган барин,
Билиб ишлатишни кутар бизлардан.

Мана ер,
мана сув,
мана техника,
Бундай кучни замон кўрмаган ҳали!
Бугун чақиради она партия,
Маҳоратинг билан ишлат деб сани.

Бутун куч сафарбар фаровонликка,
Партия истаги, халқ истаги шу!
Сен билан далага сафарбар мен ҳам
Бу қалбим тилмочи — қалам иши бу!

1953

КОЛХОЗДА ЯНГИ ЙИЛ

Ольга Ивановна кутар Янги йил
Янги уйда,
янги дўстлари билан,
Дастурхонни ёзган
даласидай кенг,
Ольга Ивановна
бу кун колхозда,
Янги йилни кутар ўлка билан тенг!
Колхоз баҳорини кўрмаган ҳали,
Бахмал адирларнинг
гули уйқуда.
Ольга Ивановна,
шу дилкаш аёл,
Агрономин кутган
Ильич колхозига
Келган йиғим-терим қизиган кунда.
Қуёш ҳароратин шимириб ичган
Олдий колхозчилар қуршаган уни,
Агрономнинг оппоқ,
сутдай юзига
Баҳор уфуради шу январь туни.
Қўлда қадаҳ билан турар Салтанат.
Дўстликнинг сўзлари
янграйди равси!
Агроном тинглайди,
мовий кўзлари,
Юрак туйғуларин қилади баён.
Ҳайрат, ғурур билан боқар агроном,

Салтанатнинг ажиб
бахти қилар шод:
Ильич чирогининг
нурида яшнаб
Бутун совет шарқи туради озод!
Ленин турмаларда
зиёга муҳтож,
Нурли йўл излаган Салтанатхонга,
Энг ғамхўр оталик
қўлин узатиб,
Эга қилди бўйга,
ерга,
замонга!
Дўстликдан сўзлайди
гўзал Салтанат,
Азамат қўлларда
ёнади қадаҳ,
Осмондек бепоён,
қуёшдек иссиқ
Меҳр агрономни
яйратар беҳад.
Яноқлари ёниб май рангисимон
Дўстларга табассум қилар агроном.
Унинг назарида озод шарқ шу он
Гўзал Салтанатда эди мужассам,
Ольга Ивановна —
хурсанд,
бахтиёр,
Салтанатни қучар
бамисоли бахт.
Дўстлик,
саодатнинг ўлмас меъмори
Ленин йўли учун кўтарар қадаҳ!

1953

* * *

Бу ҳаётнинг ҳамма тоза, чиройли дами,
Азиз дўстим, мудом сени эсга солади.
Кўзлар амри, юрак эрки, жўшқин ҳис билан
Кеча-кундуз жанг қилмоқдан ақлим толади.

Фақат дилга ошно бўлган ажойиб дамлар,
Туйғуларнинг зид хоҳиши берганда алам,
Кўкракларни тўлдирганда ором ва озор
Бахтсизмидик? Наҳот унут бўлар ўша дам?

1954

ЮРАГИМГА ЯҚИН КИШИЛАР

Шаҳрим кўчасидан мен шод бораман,
Катта ҳаёт қайноқ,

сершовқин, гавжум,
Москва кўчасидай нурга кўмилган,
Машиналар занжири узилмас бир зум.
Одамлар дарёси оқар ёнимдан,
Қарайман:

ҳаммаси-ҳаммаси таниш,
Билмайман исмин ҳам, касбин ҳам, аммо,
Биламан бариди буюк интилиш:
Эртани бугунга келтирмоқ учун
Бугундан гўзалроқ дамга шошади.
Ҳаётда ҳали ҳеч тарих кўрмаган
Зафар китобидан варақ очади.

Танишларим қанча?

Сўрдим ўзимдан,
Менга жавоб қилди порлаган қуёш:
«Менинг нурим кирган ҳамма ер таниш,
Баҳра олган жоннинг ҳаммаси қардош!»

Ана... Коммунизм шуъласи юзда,
Туркман қиз қуёшдан туриб илгарин,
Кўтарма кранда юксак уйлари
Офтобга тутаркан қўшиқ сингарин,
Дилга сиғмай кетиб дўстлик ғурури

Тезроқ қуриш учун узатаман ғишт.

Қарайман:

пахтазор,

буғдойзорларда

Бутун ўлка бўйлаб қизғин борар иш.

Юртим харитаси — менинг юрагим,
Энг узоқ бурчи ҳам тапиш ва яқин,
Муқаддас гавҳардай сақлайман унда
Икки юз миллионли халқ муҳаббатин!
Узоқ Шарқ,

Сахалин,

Бокуда юриб

Кўраман энг яқин қадрдон дўстни.

Билмайман:

бу совет кишиларисиз

Қайдан олар эдим қалбимга ўтти!

Шу қалб куйи бўлиб

гоҳ оқшом,

гоҳ тонг

Дўстлар эшигидан кириб бораман,

Ҳар ерда муҳаббат ва ҳаёт берган

Яқин кишиларни тона оламан!

Заводда,

колхозда,

давлат бошида,

Менинг юрагимга яқин кишилар,

Бахтиёр бўлардим

шеърларим билан

Шу дўстлар қалбига киролсам агар...

1954

УЧРАШУВ

Колхоз клуби кеча
Тўлган эди одамга,
Бирдан нечун Хадича
Сигмай қолди оламга?

Бирдан колхоз қишлоғи
Севинчига келди тор...
Она ёниб ёноғи
Ўлтиради бахтиёр.

Халойиқнинг тилида,
Она ҳақда борар сўз,
Зал, дераза, эшикдан
Унга боқар юзлаб кўз.

Она ёниб ёноғи
Саҳнада ўлтирар жим.
Ишларининг салмоғи
Сўзланади бетиним.

Минбарга чиқади чол,
Сўзлайди она ҳақда:
— Бу аёлнинг севгиси
Товланади ипакда.

Колхозда қурт тутувчи
Нурхондай юз-юз аёл.

Лекни олган ҳосилин
Ким қилган эди хаёл?

Гул очилиб сўлгунча
Қурти ўради ипак.
Халқ омбори тўлгунча
Дур тўкди этак-этак.

Пилласидай юрт бўйлаб,
Кетди колхоз шуҳрати.
Нурхон бўлса арзийди
Халқимиз депутати...

Она қуёшдай буюк
Кўрнар қиз кўзига.
Меҳнаткаш қўлин ўпиб,
Суртмоқ бўлар юзига.

Онанинг меҳнатидан
Сўзлайди халқ, Ватани,
Дилда муҳаббатидан
Яйрар қизчанинг тани.

— Онажоним, жон ойн —
Елғиз пичирлар лаби.
Тўрда буюк, чиройли
Ватани турган каби.

Тинглар Хадича бу дам,
Лов-лов ёнар ёноғи.
Кўз олдида минбардан
Сўзлар бутун қишлоғи.

Кандидатни тинглар жим,
Сайловчилар зал тўлиб:
Ҳар биригиз жаҳондай
Зўр ишонч кўрсатдингиз...

Пурхон опа вужудин
Ўрар ажиб ҳаяжон.
Меҳнатидай салмоқли,
Фикрини қилади баён:

— Ҳамқишлоқлар, дилнимда
Яшайди шундай истак:
Гербимизни пахтадай
Безасин кумуш ипак.

Наказингиз жо қилдим
Барини дилга,— деди,—
Бутун кучим-қудратим,
Куч берган элга,— деди...

Қарсак янгради залда,
Қарсак чалди Хадича.
Онанинг сўзларидан
Ёриб кетганди кеча.

1954

Дадил,
оғишмайин бораркан олға,
Йўлимни кўраман яна ёрқинроқ!
Мен ёш коммунистман!
Асрлик зулмни қўпора олган,
Меҳнаткаш оммани етаклай олган
Миллион-миллионларнинг
бугун кенжаси.

Биламан,
эртага кирар қаторга
Партиянинг тўнғич фарзандларидай,
Сара фарзандларнинг яна қанчаси!

Биламан,
Бўлади шу янги минглар сафида,
Комсомол вояга етказган кадр —
Ленинчи аталган қизим,
ўғлим ҳам,

Ушанда уларнинг тенгқурларига,
Ёрқин коммунизм гражданига,
Қафолат бераман,
Зўр ишонч билан
Қафил бўлганидай менга рус оғам!

1954

СЪЕЗД ИШЛАМОҚДА

Съезд ишламоқда буюк пойтахтда,
Қўл, ақл ижоди топмоқда якун.
Янги рақам, ўйлар, жўшқин баҳсларда,
Ватан ҳусни яна тўлмоқда ёрқин.

Дилга билакларга бериб янги қўр,
Йигирманчи съезд сўзлар минбардан,
Лениннинг ҳеч сўнмас кўзидаги нур
Ўзлигин танитган бизнинг дилларда —

Орзу-ла қўшилиб кирмоқда кучга,
Келгусин яна соз кўрмоқда одам.
Халқ ўз партиясин режаларида
Олтмишинчи йилга ташлади қадам.

Совет тупроғининг эрка кўксига
Менинг халқимнинг ҳам иссиқ ўрни бор.
Юз баҳор кўрки-ла кулган бахтида
Асорат чангидан қолмаган ғубор.

Шонли беш йилликлар гигантларини,
Рус билан елкадош қуриб олдик биз
Ленин Декретининг мисраларидан
Жонажон тупроқда сероб сувимиз.

Бугун пахтасидай оқ толе билан
Республика баҳорга чиқмоқда пешвоз.

Съезд юрагига қулоғин солиб,
Фикри келажакка қилмоқда парвоз.

Ҳали қўл тегмаган ўлик чўлларнинг
Кўксига жон бўлиб кираркан инсон,
Янги миллион-миллион гектар ҳосили
Ҳаётни қиларкан яна фаровон —

Янги заводларнинг чироқларидан,
Яна ёришаркан Шарқ устида нур —
Дилига Лениндай сени жо қилган
Ўзбек халқи дейди, қалбдан ташаккур!

1954

ЎҒЛИМ, СИРА БУЛМАЙДИ УРУШ

Тўлишарми ўлкада баҳор,
Қуёш кезар осмон кўксида.
Қалдирғочлар қанотми қоқар,
Ундан соя лаби устида.

Мана, ўғлим лаби устида
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Успириним тоза кўксида
Қунда ошар янги ҳис тотти.

Бўйи ошиб кетди бўйимдан,
Боса олар кўксига бошим.
Севгим қуриб берган уйимда.
Ўсди менинг катта йўлдошим.

Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,
Унинг кўзларига боқаман.
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин
Орзу тўлқинида оқаман.

Орзулари қалбимга зийнат,
Ҳаётидир кўзим қораси.
Ўкинаман, баъзида фақат,
Ёнида йўқ унинг отаси.

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.

Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак бахтини,
Жуда мурғак гўдақларимдан.
Яхши ҳам бор шундай Ватани,
Далда бўлди юракларимга.

Ота бўлиб солдим мен йўлга,
Она бўлиб меҳримга олдим.
Мана, юртга ўғил ўстирган
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.

Қанча ишонч, умид бахш этар,
Ҳам Ватанга, ҳам менга бу дил,
Қоя каби ёнимдан чиқиб,
Суян,— дейди,— кифтимга дадил.

Мен онаман, менинг юрагим
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим
Ваҳималар ўраган замон.

Йўқ, урушнинг номи ҳам ўчсин.
Менинг ўғлим керак ҳаётга.
Истамайман, унинг дудлари
Қўнсин лаби узра қанотга.

Бас, бас, эзгу оналар қалби,
Яшай олсин бежавф, бахт билан.
Меҳнатимиз, ғазаб, севгимиз
Тинчлик, дейди бутун халқ билан.

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!

1954

ЯНГИ ЙИЛИНГ МУБОРАҚ БЎЛСИН!

Бугун қўнмаяпти кўзингга уйқу,
Юзда арчангдан юлдузлар нури.
Кичик қалбингдаги зўр шодлик, туйғу,
Менинг ҳаётимнинг азиз гурури.
Нақ шифтга етгудай ясатган арчанг,
Ранг-баранг чироқлар ёнар шохида,
Йўқ, бундай шодликни кўрмаган бобонг,
Гурбат етаклаган ёшлик чоғида.
Янги йил кирмоқда янги бахт олиб,
Янги фаровонлик, юксалиш, иқбол.
Дилга, қучоғингга сиғмайди бахтинг,
Кел, сен ҳам ўлкадай уйғоқ кутиб ол.
Ленин ёқиб берган чироқ нурида
Ёнсин рус ўрмонин яшил арчаси.
Қатта оилада яшаб ўргандик,
Чорла дўстларингни, келсин барчаси.
Уйимга сиғмаса, сиғар қалбимга,
Дўстларсиз очилмас сенинг ҳам чеҳранг.
Яша, қувна, юксал дўстлар сафида,
Менинг куйларимга бағишлаб жаранг.
Улкан соатимиз ураётир занг,
Пионер маршингиз куйланг, жўр бўлсин.
Ўпай тонгдай оппоқ бахтли пешонанг,
Авлодим, Янги йил муборақ бўлсин!

1955

БАТАН ТОНГИ

Нурга тўлиб тонг отди ҳур ўлкамда,
Минг-минг ғунча лаб очди зўр гулшанда,
майса узра шабнамлар,
шеърдай қайноқ шод дамлар,
яшнаб чорлар..
Водийларга ёйилди олтин қўллар,
Фабрикларда айланди миллион руллар,
сувга қонган саҳролар,
янги яшил ўрмонлар,
яшнаб боғлар...
Яйловларда ўтлайди қўзи, қўйлар,
Соф осмонда янграйди қувноқ куйлар,
бахтиёр замондан,
қаҳрамон халқ шонидан
қизлар куйлар..
Гулгун шафақ ранги бор ёноқларда,
Сўнмас қуёш нури бор байроқларда,
тинчлик олиб элларга,
кирсин тоза дилларга
мангу тонглар...

1956

САДОҚАТ

«Ўзинг ақллисан, содиқсан,— дединг,—
Тушунасан ҳамма нарсага.
Бўз ерларга мен кетар бўлдим.
Кузатасан, жоним, эртага».

Ишончинг-ла қилдим ифтихор,
Ўйнаб-кулиб сени узатдим.
Бўз ер сенга бўлсин деб баҳор,
Ҳатто қалбим қўшиб кузатдим.

Ўйламас эканман сен ҳақда аввал,
Мана сен кетдинг-у, бўлдим хаёлкаш.
Нега юр, демадинг бир оғиз ақал,
Сени шунга койийман яккаш.

Мана, тонг отади ҳар кун ўлкада,
Якунин топади қанча юмушлар.
Инсон нафасига муштоқ чўлларга
Ҳаёт бўлиб киришди ёшлар.

Шу йўлдан боради менинг ёшлик ҳам,
Ўша ердан тилайди шараф.
Нари кетган саринг дил ҳар дам
Интилмоқда кўпроқ сен тараф.

Мен биламан, у ер бўз, саҳро,
Гул тергани кетган эмассан.

Ватанимга ишқимни асло
Шунчаки бир ҳавас демассан.

Сен борган жой менга ҳам Ватан,
Аталар у ёшлик водийси.
Истайманки, туриб ёнма-ён
Ижод этсак кўркам эртасин.

Шонли комсомолнинг измига кириб,
Тарк этмоқда чўллар уйқуни.
Ерни тутган қуёш шимириб,
Пишган буғдойларнинг тўлқини.

Буғдойларнинг мавжин туш кўриб,
Ухлаб ётган ерлар чорлайди.
Мен бораман, истиқболимда
Янги бахту севги порлайди.

1956

УША ҚУЕШ ПАРЧАСИ ЭДИ

Васила Содиқовага

Қиз йиғинда паранжи отди,
Жизғин бўлди оловда чачвон.
Атроф тўла одамга боқди,
Нақ булутдан чиққан ойсимон.

Ойдай ёрқин йўл олди уйга,
Табассумда нурли кўзлари.
Дилни солиб янги бир куйга,
Ҳамон янграр нотик сўзлари.

Қалбидаги янги ҳарорат
Ҳаёт бўлиб элтар илгари.
Таниш тор кўчага ниҳоят
Шод отилди чақмоқ сингари.

Ўт парчани таниди ота,
Авзойини ўради булут.
Эшик шарт ёпилди,
унинг ортида
Ҳансиради ота ва сукут.

Қиз шодлигини муздай уфурган
Нафрат,
қарғиш нафаси ютди.
Лекин дилда,
қонда қулф урган
Янги олов борлигин тутди.

Тўлқин урган чақмоқ ҳам ҳар чор
Яна топиб кетади йўлин —
• На тўсолган суръатини тоғ,
На ютолган булутлар ўтин.

Қиз ҳам шундай

остонасида
Турди тўниб ёпиқ эшикка,
Қуёшдан узилган сайёра
Қаби танҳо жигари тилка:

Ўз отаси ўгирди юзин,
Этди ўйи,

меҳридан маҳрум.
Тушунчаси нур олгани-чун
Наҳот бўлса лаънатга маҳкум?

Нотиқ айтган оловли сўзлар,
Қиз қалбида кетди жаранглаб.
Тикка чиқди қиз йўлга, кўзлар
Бахмал юлдуз қаби чарақлаб.

Чопиб кетди қиз чўғдай бўлиб,
Қулоқ солмай лаънат, фарёдга
Нур узатган қўлга ишониб
Ўзин отди янги ҳаётга.

• • •

Хиёл ҳорғин,

ўтаб хизматин
Утдай ёниб келади аёл
Парт бўлишдан қўрққан шу ўтни
Кутиб олар эшигида чол.

Қари-қартанг ва ногиронлар
Мақтаганда министр қизин,

Ут таптидан қўрққани онлар
Эсга тушиб чол койир ўзин.

Октябрнинг қизи дер Қуёш,
Чол ҳам қалбдан билади энди:
Қизи дилин шер қилган оташ
Уша Қуёш парчаси эди.

1957

БУЮК ТУҒИЛИШ

Кўз илгамас дала, оппоқ пахтазор,
Ишлаб ҳоригандай сирғилар офтоб,
Пахта булутини шопириб бир чол
Қуритади уни, олтинни.

Шу тоб —

Узоқ мамлакатдан келган бир меҳмон,
Нақ чол ҳузурида тўхтади мамнун.
Ота алиқ олди саломга, шу он,
Кекса юзни тутди табассум бутун.
Фасллар юкини содиқ сақлаган
Баланд қоя каби мағрур турар чол.
Соқол — пахтасидай, кумуш: кўзлари
Милтирарди кузнинг офтоби мисол.
Меҳмон сўраб қолди отанинг ёшин,
Чол қадин ростлади гўё азим тоғ,
— Мана, Октябрга қирқ тўлди чоғи!
Мен ҳам шу ёшдаман, айт, қизим шундоғ!
Қиз ҳам шундоғ деди меҳмон тилида,
Чолнинг қўлин сиқиб сўзлади меҳмон:
— Буюк туғилиш бу! Шу ёш нафасдан
Яшариб келмоқда бизнинг ҳам замон.
Совет Оснёсин ҳар бурчида мен
Кўрдим худди сиздай қирқ ёшлиларни,
Ленин кўзларининг сўнмас ўтини
Сақлаб қолган дили қуёшлиларни!

1957

РАШК

Ўлтирибман дарё бўйида,
Юрагимда рашк билан ҳавас.
Дарё оқиб борар... қўйнида
Қуёш нури, баҳорги нафас.

Йўқ, рашкимни қўзғатган бумас!

Чунки, мен ҳам халқ денгизида
Баҳор нафасин ҳам сезаман.
Дарё оқиб ётар изида,
Мен истасам жаҳон кезаман.

Лим-лим сувдан узолмайман кўз,
Тўлқинларда тирик ҳаяжон.
Қуёш миллион ва миллион юлдуз
Бўлиб унга сочилган маржон...

Тепасида учар гала қуш,
Арғимчоғин дарёга солиб.
Тоғ еллари уриб ўтар тўш,
Салқинидан шаҳарга олиб.

Йўқ, рашкимни қўзғатган бумас!

Ишқ ва ҳижрон оловларидан
Омон чиққан қайноқ дилим бор.
Мен қуёшли эл фарзандиман,
Бахтлиманки, ёниқ нафас ёр.

Йўқ, рашкимни қўзғатган бумас!

Нигоҳ кетар тўлқинлар билан,
Соҳилларга суқ билан қараб.
Қўлда кетмон, бир чол дарёдан
Боғига сув очади яйраб.

Кумуш сочдай ёйилар сув ҳам,
Қуйилади тупроқ қўйнига.
Менинг қалбим рашк бўлиб шу дам
Осилади сувнинг бўйнига.

Ҳовуч-ҳовуч ичади қизча,
Сероб бўлиб кетар ташна лаб.
Шеърим ўқиб бир ҳовуч сувча
Баҳра олармикан бирон қалб?—

Шу рашк мени қийнар бу нафас!..

1958

НУР

Онам меҳр тўла дил амри билан,
Ухла, деб сўндириб кетди чироқни.
Ва лекин кўзларим олдида бирдан
Очди поёни йўқ яқин-йироқни.

Чироқсиз уйда ҳам ёруғ дил билан
Кезиб чиқиш мумкин жаҳонни бутун.
Тақдирингда зулмат қолмаган экан,
Тунда ҳам бир нурли шеър ёзиш мумкин.

Кекса кўнгли тинчиб ухласин, майли,
Чироқни ёқмадим қайта мен туриб.
Ўзи илк танитган инсон туфайли
Дилимда нур ёнар ҳеч сўнмас бўлиб.

Ўзи ўргатганди: «Замонда, элда
Ундай бизга ғамхўр инсон ўтмаган.
Ленинни кўрмаган халқлар минг тилда
Доҳийга аталган қўшиқ куйлаган.

Узоқда ва ҳатто сургун, қувғинда,
Турмаларда қилча зиёдан маҳрум,
Бизнинг кўзимизга бермоқ учун нур
Кураш, фикрлашдан тинмаган бир зум...»

Мана, масофалар, зўр йиллар ўтиб,
Ўша нур менинг ҳам кўзимда қолди.

Умримдан ҳам ортар ёрқинликни дил –
Биламан, фақат шу, шу нурдан олди.

Ҳаётим, ишларим, ижодимда ул,
Отадай илгари бошлаб юрибди.
Ҳозир сиз ўқиган шеърнинг ҳам ҳар йўл
Байтида ўша нур порлаб турибди.

1957

САЛОМ, МИСР

Бугун юрагимда жуда кўп қўшиқ,
Ҳаяжондан тилга келмайди калом.
Совет Осиёсин жўшқин қалбидан,
Қаҳрамон халқ, сенга келтирдим салом.

Гарчанд оралиқда денгизлар, тоғлар —
Тошкент Қоҳирага огадек яқин.
Эрк кўрган қул араб кишанни тор-мор
Этганда кўзида чақнаган ёлқин
Бизнинг дилга солган қувончли тўлқин.

Мен кўрдим Миср-ла елкама-елка
Суриялик қизлар қурганин ҳаёт.
Қўшиқдай Осиё, қайноқ Африка
Қўлга-қўл берганин маҳкам умрбод.

Порт-Саиднинг эркин, жасур қалбидан
Қуёшга юз тутган ол байроқ кўрдим.
Бу — жангда тўкилган қонлардан ўсган
Истиқбол лоласи жаҳон кўзига —

Миср, танитаркан сени қайтадан
Жон бериб, мангулик олган ўзига
Қурбонлар хокига бош эгиб турдим.

Қурбонлар хокига бош эгиб мен жим,
Зангор Нил нафасин тингладим шу вақт.

Машҳур қадим Миср гўзал юраги
Мен билан ҳур, озод бошлади суҳбат:

Бухоронинг ўлмас санъатларини
Араб устасига не қилди қардош?
Мисрнинг кўк ўпар эҳромларини
Қай куч қилди кекса Помирга йўлдош?

Не керак онага, гўдакка, элга,
Не чун бу кураш, жасурлик, мардлик?
Нил ва мен сўраймиз: гўзал Москва
Ҳамда Қоҳира дер: дўстлик ва бирлик.

1958 йил, январь, Қоҳира

УҚУВЧИМГА

Юрак ниҳол олов қўйнида
Ёнар, кулар, яшнарди шайдо.
Орзу, ҳиснинг соф ўйинида,
Илк шеърларим бўларди пайдо.

Шеъринг мурғак, лекин дилинг соз,
Нафасингда, дедингиз, ўт бор.
Ёниб куйлаш шоирликка хос,
Ўсгин, совиш билмагин зинҳор.

Бу оташни бағримдан олиб,
Водийларга, гулларга бердим.
Тўқувчини қўшиққа солиб,
Қўриқ ерлар бағрига кирдим.

Ишқ, ҳақиқат қудрати гўё
Менинг билан тебратди қалам.
Қўшиқларим билмай ғаш, риё,
Ошкор кулдим, ошкор чекдим ғам.

Дили шоир ҳассос бир элга,
Фарзандлигим нақл этар бурчим.
Халқ қалбидай бир гўзал шеърга
Етармикан ҳеч қачон кучим...

1959



1959

ГУЛЛАРИМ

«Нега дейсиз гулларим?»—
Деб бердингиз сиз сўроқ.
Қайга тушса кўзларим,
Сизлар ўйнаб юрган боғ.

Нурни яхши кўрасиз,
Сувда урасиз жавлон.
Парваришда ўсасиз,
Гул билан сиз икковлон.

Гуллар ўқий олмас ҳам,
Қўшиқ куйлолмас сиздай.
Босолмас олға қадам,
Чарақлашиб юлдуздай.

Сиз ҳаёти ўлкаминг,
Сиз келажак гуллари.
Яшнанг, очилинг, ўсинг,
Кўз, дилимиз нурлари.

1959

Сен ўқийсан, мен ишда,
Дилда умидлар қат-қат.
Дил олға интилишда
Ишончга тўлиб фақат.

Усасан ақлинг тиниқ,
Гўдаклигинг бахтиёр.
Бахтингни қўриқлаган
Онангу Ватанинг бор.

Ватан, онанг ва сенга
Буюк таянч Кремль.
Ундаги юлдузларни
Сен ҳам мендай сева бил!

1959

КАПАЛАК

Хулкар деган қизчаман,
Гул ичида ўсаман.
Кўкда учса капалак
Иўлларини тўсаман.

Унга дейман: «Ҳай гўзал,
Бормоқдасан қаёққа?»
Пастга туша қол бу гал,
Келиб қўн бизнинг боққа.

Ховлим гуллик бир боғдир,
Мен ўйнайман, яйрайман.
Ғунчаларга шеър айтиб,
Булбул бўлиб сайрайман.

Мана сенга пушти гул,
Хоҳласанг оқ гулга қўн.
Гулсапсар ҳам гўзалдир,
Анор кийган қизил тўн.

Жийда сочган ҳидини,
Ховли тўлган атирга.
Кел, капалак, боғимга,
Ўйнайлик бирга-бирга.

Капалак рози бўлди.
Келиб қўнди боғимга.

Мен ҳам унга тутдим гул
Сигмайин қучоғимга.

Қапалакни ўтқизиб
Мен унга шеър ўқидим.
Қизил гул бутоғида
Унга уя тўқидим.

Қапалак хурсанд бўлди,
Севиниб қанот қоқди.
Деди: «Энди кетмайман,
Боғинг менга кўп ёқди».

Ўйнадик оқшомгача,
Қуёш уйига кетди.
Сўнг дедим капалакка:
«Ухламоққа вақт етди.

Тоза ўйнаб чарчадик.
Энди ухлаб ором ол.
Мен ҳам ухлашга ётай,
Ўртоқжоним, яхши қол!»

1959

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Она турган хонага
Қизи кирди югуриб,
Гўё сиғмай оламга
Деди шошиб-кўпириб:

— Ойижоним, тез юринг,
Кўрсатаман қизиқ гул.
Ҳурриятнинг томини
Лола қоплабди буткул.

Ҳали ундай гулларни
Кўрмагансиз ҳеч қайда.
Ҳатто йўқ китобдаги
Қуён кезган тўқайда.

Тортиб она қўлида
Уйдан чиқди югуриб.
Томга боқди суқ билан
Айвон лабида туриб.

— Ойи, қандай чиройли
Ҳурриятнинг лоласи.
Чиқиб терсак майлими,
Уришмасми онаси?

— Билмайман, жоним қизим.
Онасидан сўранглар.

Рухсат берса чиқинг-у,
Кўзингизга қаранглар!

Қизча худди читтакдай,
Сакраб кетди шу замон.
Дам ўтмайин икки қиз
Томда уришди жавлон.

Қизлар юзидай қизил
Уша томнинг чечаги.
Ўтлар тебранди енгил
Тегиб ўтса этаги.

Лола каби очилди
Томда икки қизалоқ.
Тиз баравар ўтларда
Терди лолақизғалдоқ.

1959

ТИЛЛАҚУНҒИЗ

Жийдамга келиб қўнди
Бир гала олтинқўнғиз.
Ғув-ғувиллаб каттаси
Сайрай кетди узун сўз:

«Ғув-ғув қиламиз, ғув-ғув,
Қайда бундай мазза бор.
Гулда овқат, пастда сув,
Ҳовли экан чаманзор.

Аммо бу ерга ҳозир
Қўнмай бурун биз гулга,
Чопиб келар Баҳодир
Ипини олиб қўлга.

Ҳали қорни тўймасдан
Бизни тутиб олади.
Чўзиб оёғимизни,
Яхшилаб боғ солади.

Сўнг қўяди офтобга
Қисилиб кетар нафас.
Хўп уриниб атрофга
Эрмак бўламиз бирпас.

Сўнгра ташлаб кетади,
Ухлаб олади ором.

Биз бўлсак-чи, қуёшда
Қолиб ўламиз ҳаром.

Фақатгина Омонжон
Бизга меҳрибон ўртоқ.
Қарар бизга тўймасдан
Кўзлари қора мунчоқ.

Аясига сўз берган
Тегмайман деб қўнғизга.
Айтинг, яна дўстларим,
Нима етмайди сизга?

Баҳодир ҳам ипини,
Ҳам шўхлигин ташласа,
Омон келиб дўстини
Боғчасига бошласа.

Гувиллаб учиб бориб,
Уни хурсанд этардик.
Омон, Баҳодир — ҳамма
Иноқ бўлиб кетардик».

1959

МЕН ТУҒИЛГАН КҮН

Қизиқ, ҳар йил январда,
Мен туғилган бир кун бор.
Келишади меҳмонлар
Ёғиб турганда ҳам қор.

Энди ўрилган сочим,
Бўлганман ўқувчи қиз.
«Букун туғилган куни,
Мактабдан қолар?» дерсиз.

Уйламанг бундай деб ҳеч,
Кетдим иссиқ кийиниб.
Уят бўлар қолсам кеч,
Букун саккизга кириб.

Мактабда Гулнор, Дилбар
Мени кутиб олишди.
Туғилган кунни қизлар
Қайдан била қолишди?

Ҳа, кеча айтдим ўзим,
Чорлагандим барчани.
Катта уй ўртасига
Безатганмиз арчани.

Уйинчоқлар осилган,
Ёқилган ҳар хил чироқ,

Арча худди мевалар —
Пишиб ётган кўм-кўк боғ.

Аям келтирди бизга
Турли совғалар анча.
Деди: «Аъло ўқисанг,
Ҳар йил безайман арча».

Сўз бераман аямга,
Гувоҳ бўлсин қорбобо:
Усаман соат сайин,
Ўқийман доим аъло.

1959



1963

МЕН ЧИЗОЛМАГАН СУРАТ

Мен йўлдаман, тинмагур юрак,
Янги шодлик, қўшиққа чанқоқ.
Ҳамма ерни кўрмоғим керак,
Гўё менга ҳамма ер муштоқ.

Қишлоқларни кездим борлигим
Жарангли дам сеҳрига мафтун,
Ватандош, сен бахтиёрлигим,
Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун.

Қаҳрамонни чақирдим, ёндан
Товуш берди колхозчи аёл.
Еллар ювган юзида илҳом —
Мен ёзажак куйдан баркамол.

Офтоб олган дурра, чанг этик,
Дала, қуёш саховати бу!
Кўзи ўта боққан қалб етук
Замон ўзи! Ташвиш ҳам сулув!

Нурланади дағал бармоқлар,
Кўзларидан жон олар қўшиқ.
Қонидаги янги ирмоқлар
Замзамасни чизишга ранг йўқ!

Жасоратнинг баёни қай ранг,
Доноликнинг белгиси қай сўз,

Суҳбатида шеър ўқигандай
Юксаламан мен ҳам изма-из.

Ўз бахтидай вазмин бу зотда
Парпировчи қанот кўраман.
Ҳаёт ўзи, ўзи ҳаётда,
Мен ҳаётни чизмак бўламан.

Мен чизаман... нон, севги, меҳнат,
Дўстдай азиз аёл суратин.
Шу камтарин, шу улуғ санъат —
Менинг юртим, менинг шуҳратим.

1961

ОКЕАНДА

Океан, кема, қардош, дўст,
Хурмоларда маймунлар.
Кун денгизда минг-минг кўз,
Нурдай равшан кўнгиллар.

Табиат этган сеҳр,
Қутулмоққа йўқ дармон.
Даврада қўшиқ, меҳр,
Бир сўздан сачрар гумон.

Илҳом, куй бошда ялов,
Тўлқинларда табассум.
Сен, Ватан ўғли дарров,
Недан чўчиб қолдинг жим?

Кулгу қочди юзингдан,
Гумонга бўлдингми қул?
Гумон менинг изимдан
Қолмас бўлибманки тул.

Бил, у уйинг, болангдан
Олиб менга бермайди.
Бу муҳаббат йўлимас,
Дил у куйга кирмайди.

Сен, гумон денгиздай қуч,
Тўлқин бўлиб от мени.

Танамда қирғоқдек куч,
Енгиб чиқаман сени.

Борлигимча қоламан,
Марҳумим сақлаб омон,
Диллардан жой оламан.
Узин кемирсин гумон!

Бомбей, 1961

КИМНИ КУТАСАН

Кўзинг мунча йўлда интизор,
Эй, баҳордан баркамол ҳусн.
Изтиробинг дилимга озор —
Ишқ ҳижронин билганим учун.
Сен кутасан кимни, қаердан,
Қеламан деб, қилдим ваъда?
Сен кутасан, гулнинг баргидан
Нозик дилинг мустаҳкам аҳдда.
Ишқли қалбнинг қонидай лабинг,
Ловиллайди маъсум оташда.
Учқун сочар оҳу кўзларинг
Яширмоқчи бўлганинг ғашда.
Эй, қалбига риё бегона,
Табиатнинг бокира қизи.
Гўзал оташда ёна-ёна,
Айт, кутганинг нонкўр ким ўзи?
Сўрамайман, уэр эй малак,
Бесбурд номни олма сен тилга,
Баҳор кўкин безаб камалак,
Бирдан шундай соврилар ерга.
Дилга ором ёрқин юлдузинг
Қаердадир чақнаб турибди,
Севги, вафо ахтариб изинг
Чин бахт ўзи сен деб юрибди.

1961

ҚАТРА

Кўздан, сўздан, қўллардан узоқ
Букун сенга тўлар эллик ёш.
Гўё майса эллик ёшлик нақ —
Эллик ёшдай боқади қуёш.
Қалам, қоғоз ёзув ҳам гўё
Эллик ёшли етук ва яқин.
Ҳамма реал, хаёл ва рўё,
Ҳижрон, севги, ёғин ва чақин.
(О, араблар! Тасанно сизга,
Ҳикматингиз келди менга қўл.
Дебсиз. «Энг чўнг, узоқ масофа
Дил билан дил аро ётган йўл».
Шу чўнг, узоқ йўл бошидан ман,
Интиламан қалб билан қалбга.
Мен шеърдан кўприк ташлайман
Узр айтиб доно арабга).
Понамисол ёриб тақдиринг
Мен кирмайман уйингга зинҳор,
Зеро, ҳеч он бахтинг ва меҳринг,
Фикринг чулғаб бермадим озор.
Лекин букун дўсту рақиб жам,
Хо, дўст деб сев, хо рақиб деб қув,
Эртақларда бўлгандай мен ҳам
Келдим, бўлиб дилиннга ғулув.
Даркор эмас на пойгаҳ, на тўр,
Қатрага барг ҳам, коса ҳам жой...

Энди сени азоб ва ҳузур
Гирдобига олар ҳойнаҳой.
Бўш қадаҳни қўясан секин,
Шухрат-ҳурмат ва шаробдан маст.
Недур сенга етмайин лекин.
Бир нуқтага боқасан лоқайд,
Гўё ҳамма ғойиб бўлгандай
Бирдан ўзинг сезасан ёлғиз.
Қўл чўзасан сипқормак-чун май,
Май тутайди ўтсиз, оловсиз.
Тутамоғи эгар бетоқат
Ва кайфингдан қолмайди асар.
Чунки қадаҳ тубида томчи
Бир булбулнинг кўз ёши қадар —
Шаффоф, қуруқ, оташга тўлиқ
Алангасиз туради ёниб,
Унда шодлик, кайфу сафо йўқ.
Ичолмайсан бу майни қониб.
Ким билар, у не? Жигар қони,
Йиғланмаган кўзинг ёшими?
Ё бўсадан ёт лаб фиғонин
Ўт жисмига яширинган нами?
Ё қўрқоқ ишқ занф журъатнинг
Икки бошга солган қамчиси.
Ё аёлнинг қалби ҳовурининг
Музга тегиб синган томчиси.
Нима бўлсин, шу етим қатра,
Менман, менман, мен ўзим фақат,
Сен бу тутоқ оловдан сақлан,
Ичма, бу май на кайф, на-да бахт!

1962

ҚОЗОҒИСТОН УЛАНЛАРИ

Юрак ором истаб қолган ҳар дамни
Кўймоқ мумкин қайси чоҳнинг қаърига?
Ойлаб сукут қилган бу хит қаламни
Ёндирайин қайси ғазаб қаҳрига.

Нечун шамол каби тезмас қадамим,
Кўзу қулоқ бўлиб кезмайман тинмай?
Нечун саҳро сўзин, тошлар нафасин,
Дўстлар ўтовларин яшайман билмай?

Умрда ғафлатга қолган нафас йўқ,
Роҳат истагини йўлларга сочгум.
Ана, Олатовдан тўкилар қўшиқ,
Мен, қўшиқ гадоси, қалбимни очгум...

1962

КУКЧАТОВ

Кўкчатов тавсифин қозоқдан сўранг,
Менинг қалбим кўчиб, қамашди кўзим.
Нур макри, сув акси, ишқдай мовий ранг —
Табиат қулига айландим шу зум.

Бу ҳам кам, юракка чанг солиб ошкор,
Бу ер гўзаллигин чиқди шоири.
«Кўзгу керак бўлса Ойнакўлни ол.
Бунда сен кўрмаган ҳуснинг бор»,— деди.

Шу Ойнакўлингнинг тоши бўлай мен,
«Раққоса Қайин»лар ичра йўқолай.
Этакдан, киприкдан, сочдан торт, кейин
Мен ўтли сеҳрингни қўшиққа солай!

Бу ернинг тоғидан замонга боққан
Менинг икки кўзим нақ бир жуфт жайрон,—
Меҳрим қайноқ елдай ёйилиб кетган —
Уфқни сиғдирсам, сиз бўлманг ҳайрон.

Ҳар сўқмоқ чорлайди қўшиқ йўлидай,
Энди қалб кўлдай тинч, қилмас замзама,
Арчаларнинг нурга чўзиқ қўлидай,
Ташна дил ҳар баргдан қилиб куй тамаъ—

Сахро қуёшидай ёнади лов-лов,
Сўзлар алангада қолар пишгали,

Мен боқиб тураман тийрак, беаёв
Утдан омон чиқиб дилга тушгали.

Бунда ҳар дил боқар бургут сиёқли,
Тоғдай арслонтўшу булоқдай тиниқ.
Сукути вулқондай олов қаҳқаҳли.
Куйи тубсиз ором, илк ишқдай ёниқ.

Ҳўплам қимизингнинг жаннатдай кайфи
Минг битта баҳорни ёдимга солди.
Қай қиёқ, лолангнинг силади кафти,
Манглайдан умримнинг изи йўқолди.

Оппоқ Қиз ўтовинг дилгинамга хуш,
Дўмбиранг онамдай ширин аллалар.
Танти дўст, машинанг бир кун кетсин бўш,
Ё у кўлга ташла — юрсин парилар.

Олиб кетма, яшил жаннат қўйнидан,
Олий дастурхонга минг қатла узур.
Сахийлик шоҳисан, бу бокира ер,
Мунис нафасидан олайлик ҳузур.

Мезбон оқинимиз тоғдай турар тик,
Қийиқ кўзларида майин қатъият,
— Мушоира кутар овулда!— кетдик,
Шеърятга шеърхон ҳокимдир фақат.

Дил ташлаб, дил олиб мен тушдим йўлга,
Бургут сиёқлида тиниқ ашк қолди.
Қалбим нигоҳлари етмаган куйга,
Юрагимни тирнаб ажиб рашк қолди...

1962

БУЛУТ УЙИНИ

Мен булутни севмаганман,
Қолмаганман тўрида.
Ҳеч ажабмас озсам диндан
Қозоқ Эшик кўлида.

Паға булут изларини
Ушлаб кўрмагандим ҳеч.
Бунда қолсам юзларимни
Ювар эмиш тонг ва кеч.

Ҳарир рўмол бўлиб майин,
Уралармиш бўйнимга.
Тутқазармиш само найин,
Ел қанотин куйимга.

Қуёш нурин ҳовучида,
Ичирармиш чанқасам.
Кийгизармиш камалакдан
Қамзул тикиб беқасам...

Мен боқаман ёрқин, кибор,
Булут кезар сарсарак.
У гоҳ туғён қилган хаёл,
Гоҳ ел чуватган ипак.

Кўз олдимда, атрофимда
Кезар тўсиб ер ҳуснин,

Лабларимда, пешонамда
Сезаман муз нафасин.

Кўлда сузар қайиқсимон,
Қурғоқ узра пиёда.
Ер сиғдирмас, қувар осмон,
Қарор топмас қиёда.

Кўк етими, паға булут,
Уйинингда санъат йўқ.
Сеҳринг агар бўлса унут,
Кўк беғубор, тупроқ тўқ.

Қуёш, юлдуз рухсорини
Тўсмайсан кўзимиздан.
Сен тарк этсанг сеҳринг борин,
Деҳқонсан ўзимизда.

Мен қолмайман қучоғингда,
Сен изимдан тушасан.
Менинг Она тупроғимда
Дон, сув бўлиб жўшасан.

Бу тупроқда йўқ ятима,
Сарсарин йўқ!

Ёғиб туш!

Мен қайтаман ерга — элга,
Келгунингча хайр, хуш!..

1962

УКПАР ЖИҒАЛИ

Тўкиларми тошлардан томчи,
Ё чашмада ўйнар балиқлар.
Сайрарми боз Кулаш эгачи,
Ё шоирда шеър етилар?

Куйдан оқиб пардама-парда,
Қизлар келар экан биз томон.
Фурур ва ноз оҳу назарда,
Келбатида ёш Қозоғистон.

Сочлардаги чўлпи шилдирар,
Сулув бошлар укпар жиғали
Чўлпи сири сеҳрга солган
Устоз куйчи Авезов қани?

Қўш этаклар сирғилар аста,
Тошу тупроқ гул очар гўё.
Ним табассум, бодомқовоқдан
Дилга оқар ёқимтой зиё.

Оқ бўйинили етти оққушдай
Ёндан ўтишади солланиб.
Бир ёш дўстим оташ ташвишда,—
Қолса қайиқчига ёлланиб.

— Кимлар бу соф дала гуллари,
Сўз дағалдай, кўз берар савол.

— Қолхозчилар, қўноққа чоғи,
Е хилватда интизор висол!..

Еш дўст беҳол... Етти мўъжиза,
Етти ёққа кетар жилғадай.
Менда қолар шу хол, шу сурат,
Майин, кўркам уқпар жиғадай.

Кўзда сурат, дилимда ёрқин,
Ажиб ўйлар аллалар мени.
Қандай кўркам қизлар авлодин
Ҳассос диди ва шоир дили!

Бу либосни зинҳор тарк этманг,
Шу кийимда тушсангиз пойтахт
Олмаота сулувларининг
Маликаси бўласиз албат!

Эс-эсимда, гўдак чоғимда
Дўппи кияр эдим жиғали.
Дўст удумин бошда тутмакни
Мерос берган Онамга балли!

1962

БАЛХАШ ОҚШОМИ

Меҳмон кутиб ҳорган куни тиниб ишчи Балхашнинг,
Қўнмоқчи ерга оқшом.
Юрагимга навбатини бериб ёниш-балқишнинг,
Уфққа ётди офтоб.

Қуёш, биздан гўзалликни, ўйладингки, яширдинг,
Кечир, бу ўй беҳуда.
Куни бўйи бу ерлилар берган қўшиқ меҳрининг
Кучи дилда биюда.

Гўдак рақиб, тоғ ухласин, ким ухлар шоир элда,
Юрса бунда илҳоми.
Сахий кундуз тортигиман, балиқчингдай соҳилда,
Тувғон Балхаш оқшоми!

Сувинг эрик сариғмойдай ё Темиртов пўлати,
Ўркач-ўркач тўлқинлар.
Ҳар балиқчи ёққан гулхан оқин ўтовни каби
Мену балиқни чорлар.

Шеър туғилиш они мисол ҳуркмасин дея қармоқ,
Ардоғли чўкаман тиз.
«Балиқ ҳали кўлда сузар, буни ичатур қўноқ!»
Балиқчи тутар қимиз.

«Бу гал тўрга тушган сенга, бахтингдан кўр, бойбека!»
Мен шодман мисли гўдак.

Ойли тўлқин гўё балиқ, ортидан дил энтикар,
Бахт қандай бизга керак!

Балиқчи, мен — икки жуфт кўз кўлдан узмаймиз
нигоҳ,

Ой сувда нузли сўқмоқ.
«Бахтинг адим экан»,— дейди қармоқни тортиб
қозоқ —
«Улжанг улкан, ол қўноқ!»

Ийя, қардош, бахтим гўзал, ўзбек элатим сиёқ,
Улкам ҳар нарсага бой.
Бойвуччангни бошлаб бориб, бизларга ҳам бўл қўноқ,
Ҳадя қилай сенга той...
Икки қўллаб берар балиқ — нақ уч ойли қўзидай,
Мунгли боқар жонталаб.
Тўлғанади, тангаларда ой сочилган юлдуздай,
Шўр ел эсар тик қараб.

Ижозат бер! Яшаб юрсин ҳаёт кўлига ташлай,
Қўшиқ севар озодлик.
Ишқли қизнинг табассуми йигит қалбга синггандай,
Тўлқинга шўнғир балиқ.

Балиқ қолсин, тангасидай ярқираган толени
Кетаман юртга олиб,
Нур сўқмоқда кўрсанг бехос юлдуз танли балиқни
Тутма сен қармоқ солиб.

«Жақси, ташла, бизнинг юртдан ҳар тун сенга айтсин
куй.

Ой-мактубдан ўқиб юр!»
Меҳнат, ҳаёт, дўстлик мадҳин ўқимоқ-чун оқшом, тун,
Бедор ўтай бир умр...

1962

ҚАРМОҚ

Қозогистон, қармогинг
Сеҳр экан тушиб қолдим.
Балиқмасман, қурғоғинг,
Қуёшингдан тоб олдим.

Мен меҳр қармоғига
Ўзим келиб тушаман.
Чунки, ҳис тугёнидан
Жон топаман, жўшаман.

Қармоғингни чуватиб,
Тўқидим ундан ўлан.
Зора бир ўтовингда
Қололсам ўлан билан.

1962

ЯҮЛДА

Иўл, қишлоқ, шаҳарлар, денгизлар орти,
Гоҳ ерда, гоҳ кўкда, гоҳ сувда йўлим.
Қуроқдай турли ер, инсон ҳаёти,
Турлича ўй, кураш, турлича қўним.

Ҳамроҳим: интилиш, қўшиқ ва меҳр,
Қуёш ё ерсимон йўлдаман ҳар дам.
Ҳатто, тун уйқуга этганда асир
Эртага элтади тўшак-кемам ҳам.

Вақтни кишанлашга ҳамон мен ожиз,
Тупроғим ва умрим ўвра элтар йўл.
Не ёзсам туб-тубдан ҳаётга доир,
Инсоний қалбимнинг тебраниши ул.

1963

ДАРАХТ

Бир дарахт турарди йўл чеккасида,
Шамол урар эди уни муттасил.
Аввал кўк, сўнг заъфар-хазон тусида,
Кўркини йўқотди... ҳамон урар ел.

Қурғади, букчайди курашда танҳо,
Зилол қонларидан қолмади зарра.
Шамол, шамол саваб қўймади аммо,
Илдиз-ла йиқилди охир бир зарбдан.

Энди ел бўшликда кезар дарбадар,
Танҳо қурбонининг қақшашин излаб...
Биламан, дарахтдай қуласам агар
Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб.

1963

ОНА КҮКСИ

Арман Севан кўлин Она кўкси дер,
Суқ ва қўмсаш билан интилдик чанқоқ.
Меҳру иззатини шу ерга йиғиб,
Қуёшга кўтармиш Онани тупроқ.

Ер бекаси гўё улкан ҳовучда,
Зангор тўлқинлардан куй тинглар шамол.
Ҳар заррасин елдан юлиб курашда,
Тупроқ томирига бераркан ҳалол.

Дейдилар: Севаннинг туби бир дунё.
ГЭСлар олар эмиш шундан кўзга нур.
Шундан пушти рангли ўлкада зиё,
Шундан шоирдаги жарагдор ғурур.

Биз, кўлга боқамиз,
Кўл Она мисол.
Оромбахш табассум силар чехрасин.
Чарчоғин яширган онадай хушҳол,
Лекин юз теграсин ўраган ажин.

Ҳаёт бағишлашнинг бахти билан маст,
Она ўз умрининг ғамин ермиди?
«Болам, мени ўйла, қуриб бораман,
Меҳринг наҳри билан яшат»,— дермиди?

1963

* * *

Умр ўтмакда... Укинчдан йўқ из,
Қалб меҳнатга, қаламга чанқоқ.
Гоҳ бахтсизлик ютар бахтимиз,
Лекин ҳаёт дилбардир ҳар чоқ.

Яйратганда яйрадим хушбахт,
Синганим йўқ чалса-да бўрон.
Гарчанд мен бир кам ҳосил дарахт
Неъматимда тирикдир ҳис жон.

Етса дея куйим дўст элга,
Ёнар излаш ўтида қалам.
Заҳматкашни олганда тилга,
Эсласангиз зора мени ҳам!

1963



1965

УЙЛАР...

Йилларми бу — шошиб, шоширган.
Улкан улуш орқада қолмиш.
Ё бой берган бахтим яширган,
Йўллар мени шу кўйга солмиш?

Ё мен қучиб етмаган ҳаёт
Она каби эслатар бурчим.
Сероб қилмай битган бир булоқ
Қаби битди ё қалбда кучим?

Игна билан мен қазиб қудуқ,
Уша чашма кўзин очаман,
Қор қилмаса қалбимдаги ўт,
Сочим ёқиб учқун сочаман.

Отам боши мисол оқ тоғдан,
Отқин сувдан юламан қудрат.
Бу кун каналга зор тупроқдан,
Ташналикни оламан пудрат.

Зангор кўкни бирдан сипқариб,
Ерни кунга тутаман кафтда.
Ойга фазо илмин сиғдириб,
Неварамдек оламан кифтга.

Халқ тақдирин бир жилгасидай
Ҳар нисондан тилайман баҳра.

Сув унутган қум заррасидай,
Умрим сочиб, ўкинмай қатра —

Ҳаво кесиб, чарчаган қушдай,
Қўниб, кўчиб, кезгум Ватаним
Ва меҳнатдан нақ ипак қуртдай,
Тўхтамасман, тинмаса қалбим...

1965

ГУЗАР

Ез қўйнида чоққина қишлоқ,
Ором кафтида гузар.
Хиёл ҳорган мен ўлтирмаёқ,
Бир чол яхна чой тутар.

Ота, яхна босмади ташнам,
Сеҳрли эмасму сув?
Ланж, мудроқдан суғуриб танам,
Жонга солди минг ғулу?

Суқ-ла тишглаб, боқаман ҳар ён.
Ҳамма таниш, нотаниш.
Гулдурайди универсал, аён:
Қолхоз яқин, қизгин иш.

Чулдирайди қуш, сой, шаббода
Ширин гўдак сўзидай.
Тераклардан тўкилган соя
Нотинч чашма юзидай.

Миллион-миллион олтин шарчалар
Сингари шигил ўрик.
Барглар аро осмон парчалар
Қилар кўклигин кўрик.

Сойда ўрдак сузади мағрур,
Велосипедда ғоздай

Тоғ йўлида аёл сирғалур,
Чеҳраси бўртган ёздай.

Шу қишлоқлик агроном экан,
Тутолмадим яхна чой..
Магазиндан чиқишди башанг,
Уч қиз — мисли тўлин ой.

Ота шипшир қизларга: қаранг,
Зерикиб қолмасин меҳмон!
«Келинг!»— дейди уч қиз, уч гулранг,
Гўзал Фарғона мезбон.

1965

ОҚШОМ

Дала. Битди ишли оддий кун,
Овоз тўла сукут муаллақ.
Булут тараб тўқ қуёш юзин,
Атлас арқоғидай ол шафақ.

Худди куннинг бурч юмушидай,
Тарқалишар рўзгор бошлари.
Қанотланган баҳор қушидай,
Қайга шошсин севги ёшлари?

Пўлат издай ариқ лабида,
Худди иноқ ўсган жуфт ниҳол —
Йигит ва қиз. Қони, қалбида
Туғён сирдан мен очмайман фол.

Дамлар, оқшом каби шоширманг,
Севишганлар қолсин бир палла.
Еллар, сиз дил сирин сочирманг,
Бир дам ухла, вафодор дала!..

Сўниб битмай ҳусни тўлган кун,
Ҳилол чиқди шарқда уфққа.

Шундай:

тинмай дилда ўт, тўлқин,
Бахт тилаймиз янги қўшиққа!..

1965

КЎЗИНГДА ЁШ ДЕЙСАН

Кўзингда ёш, йиғладинг нега?
Сўрамоқдан тинмадинг.
Шодлигимнинг боиси нима,
Ё бахтим ҳис қилмадинг?

Мен бир жонки, борлигим туйғу,
Ҳамма билан бор ишим.
Афсус, озор мудом беуйқу,
Бахтга чангал солар жим.

Мана, донгдор пахтакор жувон,
Рухсори гулми, қуёш?
Кемираркан висолсиз ҳижрон,
Сирқирадим, тақдирдош.

Сирқирайман... ҳижрон илонин
Янчишга заиф одам.
Шунинг-чун, ишқ, бахт, ҳижрон доғи
Жуфт яшар борки олам...

Сой уйқумдай оқади шаффоф,
Остида ранг-баранг тош —
Худди палак, бахтли келинбоп,
Ҳайратдан кўзимда ёш.

Шундай, барча тақдир йўлдошим,
Кўзларим қалбга кўзгу,

Ер бахтидан айланар бошим,
Тинчлик бермас минг орзу.

Кел, дўст бўлсанг, кўз ёшга боқма,
Эриб кет шодлигимда!
Рақиб бўлсанг ёнимда оқма
Ботасан гирдобимда.

Нурдай севинч ёшларим ювар
Сендан қолган сўнг гардни.
Мени шодлик, бахт бошлаб юрар,
Мен — қалб аталган дардни.

1965

РАИС ШУНДАЙ БУЛСА

Ҳаво бир текисда титроқ, жазира,
Сочдай жўякларга тўрт томон уфқ.
Ғўза қуёш ичар... офтоб тигидан,
Соямиёга келди ранс ҳам.

Қуюқ —

Салқинда бир нафас олди ним совуш,
Қайноқ кўк чой берди, муздек бир ҳузур,
Ҳамма каби:

қуёш,

шамол,

чанг,

ташвиш,

План,

шодликларга фарзанддир норғул.

Шод: «Пилла берилди ортиғи билан,

Тугар эрта-индин биринчи чопиқ.

Тушки овқат қандай?»— сўради элдан,

Кетди:

«Эл, қуш тинар, у билмас ҳордиқ.

Яхши ранс!»— дея мақташди менга,

Меҳр ишонч билан изидан боқиб...

Кетди, бошда минг ўй юки елкада,

Кенг яғрин, кифтини қайноқ нур ёқиб.

Кетди: у ариққа тўниб ўтади,
Ҳосилга йўяди ҳар ҳовуч сувни.

Наздимда, ҳар нурдан ипак кутади,
Қарвонга пахтадай ортар булутни.

Кетди: хаёлидай қадами йирик,
Чақмоқдай бурилди сўқмоқда бирдан
Сухбатдошим боқиб изидан илиқ,
Деди:

Раис огоҳ ҳар дард, ҳар кимдан.

Сут соғувчи қиз бор, ҳалол шуҳрати,
Сути оқимидай ёйилган юртга.
Йилқи, институт, ўқиш ўй-дарди,
Шу бир нурли орзу бахтини ютган.

Нечун?

— Биласиз-ку, чипқон ўлиги —
Чиқмагунча танда битмас жароҳат.
Шундай. Баъзи кекса дилнинг шуурин
Ўргимчакдай ўраб яшар жаҳолат.

Қиз врач бўлмоқчи. Она севгиси,
Эътиқод,

дин,

имон кўрмасмиш раво.

Қизни тортар шифо сеҳрин кўзгуси,
Она жаҳолатга саждада адо:

«Шаҳарга қўймайман. Ўқиганинг бас!»
Ҳижжалайди яккаш

Қизга жаҳон тор.

Бу жанг бўронидан ловиллар ҳавас,
Онага на бу ўт, на кўз ёши кор.

Раис ўша томон йўл олди, чоғи!..
Элчи йўллагандай атрофида жим

Михланди изига ҳар ким нигоҳи.

Кенг дала,

ўсиш,

иш,

нурга лиммо-лим

Зулмат мудроқ дилга ёқарми чироқ?

Эмиш, яхши раис гўё сеҳргар:

У илтижо қилса сув тўкармиш тоғ,

Онани қиз билан тортармиш шаҳар,

Бу ҳақ гап! На хаёл, на гўзал эртақ.

«Қиз кетса, жўнатиңг бирга мени ҳам!»

Дебди битта она қиз-ла жангдан танг.

Жўнатибди шу он қанотдай ҳамдам.

Раис ёлворибди — берибдилар иш:

Ётоқда қоровул, яшабди она.

Йил ўтмай соврилиб шубҳа ва ташвиш,

Қайтибди колхозга соғинч баҳона...

Кўриб тургандайман

яхши раисни,

Сут соғувчи қизнинг уйи тўрида.

Туғилиш дардидай мушкул онг баҳсин

Фарзандин идрокнинг вазмин нурида.

Қоронғу шу дилни эритар зиё,

Биламан, қиз бўлар тилакка восил...

Яхши раис халқнинг хизмат, меҳрида,

Дарёдай тошади далада ҳосил...

1965

ЭМИШ..

Эмиш: шуҳрат ўраб кемтик қисматим,
Кўзлардан узоқда сирқираб оқар.
Қалбда қўрғошиндай ётиб ҳасратим,
Кўзларим жаҳонга бахтиёр боқар.

Эмиш: ҳаёт менга аёл бахтидан
Тўлиқ косасини кўрмапти лойиқ.
Лекин қалбим тўккан шеър шуҳратидан
Бахтли аёл дермиш мени халойиқ...

Танда қўрғошин-ла юрганлар озми?

У жангчи танида, аёл дилида
Қарийб чорак аср зангламай ётар.
Бахтнинг минг жилосин берган элида,
Ҳар бир жон жаҳонга толе ёр боқар.

Лиммо-лим қисматга бўлмаганлар ёр,
Кемтиклик ҳасратин биларми дардин!
Қалбни безаб кетган ишқда зўр бахт бор,
Юрак унутарми олтин дамларин?

Аёл бахти!

Мендай аёл бахтига
Тақдир маликани кўрганми лойиқ?
Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,
Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...

1965

БАХШИШ

(Иўл дафтаридан)

Иўқсил келинчакнинг тўкис уйидай,
Омонат ҳашамдан ҳоргандай шаҳар.
Уйга сиғмай чиққан тўқлик бўйидан,
Тўқ дуд ҳидга тўлиб киради саҳар...

Ва сен бахшиш дейсан, йигит! Ҳол мушкул.
Вужудим жунжикар нақ носоз бир тор.
Кўзларинг кўзгуси, мунгинг ўзи тил,
Англайман: бахшишда не умид, не зор.

Қарвон орқасидан чопган бўтанинг
Бўйин қўнғироғи эмасми бахшиш?
Сирқиратиб, мағрур филдай ватанинг
Муқаддас ҳиссига бермасми қоҳиш?

Хурмо танидай қўнғир мускул ва ўтдан
Яралган кучсан гоҳ, матонатсан гоҳ.
Иўқликдай қўполлик, бир тубанликда,
Чашмадай мусаффо сендаги нигоҳ.

Океан зангорлиги кўзим ўйгандай,
Бўм-бўш кўз косамда мисдай қиёфанг.
Томчиб кучин берган каучук дарахтдай,
Умид йўқотишдан қуриган силланг.

Назаримда сен-чун — океан кафтида
Юртинг — кўрмоғи бор — емоқ йўқ жаннат.

Оёқ, қўл зор нигоҳ ҳароратидан
Устиргансан унда минг бир хил неъмат.

Гулин кўриб ҳатто беҳониш қушдан,
Ҳар сояга жойлаб ишрат ва ором,
Боғларни безатиб энг ажиб тушдан,
Ўзинг чиқиндидай юрасан беном...

Нечун, бу жафокаш қадим тупроқда
Сендан бошқа ҳамма жонли — муқаддас?
Нечун ғамдай сокин бахшиш нидонгдан,
Изингдан фарёд деб қилич, тиф ўсмас?

Чойингдай тим қора йирик кўзларинг
Боқиши тиланчмас, мутеликмас, ўқ!
Наҳот, сен топинган минг бир тангрининг
Содиқ бандалардан ҳеч хабари йўқ?

Бахшиш... қалбинг, кўзинг-қўлингдай чўзиқ,
Тақдирми, севгими, нонми илтижо?
Таҳқирлаб чақа, нон қилмайман тортиқ,
Қалбимни тутаман меҳрим қилиб жо...

Кечир, қандай қилиб мен дардинг олай
Ҳаётда бахт бу, деб тутқазмоқ маҳол.
Ер, қуёш, орзунгда толе бир талай,
Элингда жавобин топар бу савол!..

1965

КЎЗГУ

Қишлоқми, шаҳарми, элними кездим.
Ҳеч не келтирмадим дўстликдан ортиқ.
Мана битта кўзгу — янги қўшиғим,
Бир япон қизидан дахлсиз тортиқ.

Бизни босмахона дарвозасида
Совет қўшиғи-ла олишди кутиб,
Ёмғир фасли эди. Илиқ жалада
Ҳамма қўзиқориндай соябон тутиб.

Одми коржомалар, бармоқлар одми,
Қисиқ кўзлар тўла орзиқиш, меҳр.
Нигоҳлар касбидай сергак, саботли,
Шулар сўзга берар қанот ва сеҳр.

Суҳбат тугамасдан, битди танаффус,
Қамраб кетди барин станок, суръат.
Ким билар яшиги қўйнида маҳбус
Қаби ётар балки энг эзгу журъат?

Ва оқшом портларда учар чайкадай,
Уша варақалар, жанговар сўзлар...
Ана у, нигоҳга ўхшар қатрадай
Кеча мен митингда учратган кўзлар.

Суҳбатга фурсат йўқ, кутар иш, иш, иш,
Бехалал ўтамиз мезбон кетидан.

Ҳарф терувчи бир қиз лабда ним кулиш,
Одатий таъзим-ла тортди енгимдан.

Қўлида қошиқдай иккита кўзгу,
Жилмайиб бирини юзимга тутди.
Бошқасига ўзи боқиб ним кулгу,
Менга тутқизди-ю, ишига тушди.

Иккимизда бир хил қошиқдай кўзгу!
Кўзгу, кўзгудаги аксга ёт риё.
Дўстлик ойна каби нозик, соф туйғу,
Синдирилса ҳисга озормиш гўё.

Иримчи эмасман!

Кўзгуни жондай,
Синдирмай авлодга қиламан тортиқ.
Мокомото дури машҳур бу элда
Гавҳар ахтармадим дўстликдан ортиқ.

1965

ТУН

Ўзга юртда бунча қоронғу,
Узун бунча тун?
Юлдуз қатор чироғлар ёғду
Тўкмасми мен-чун?
«Хайрли кеч» тилаб мезбонлар
Кетар йўлига,
Топширишиб мени серардоғ
Хонам қўлига.
Шу хонада тунаш ҳам бурчим,
Ёт юртда танҳо,
Лекин, мудом буюк таянчим,
Юртим нақ зиё.
Ўрар мени ёрқин оғушдай,
Қоронғу тунда.
Уясида сайраган қушдай,
Езаман шунда.
Ёзганимни минг сирга тўлиқ,
Ёт тун ўқирми?
Ўз тилида шўх ёки сўниқ
Қўшиқ тўқирми?
Ўқий берсин, ҳаммаси аниқ,
Сатрларимда,
Чунки шундай муҳаббат ёниқ
Томирларимда.

1965

Танлаб-танлаб қирқди серзавқ
сераёв.

Узоқ-яқин тутиб қилди томоша.
Гул ёқут, нуқра, дур — ёнар нақ олов...

Боғбон супа узра қийиғин ёзиб,
Бир оғуш чаманни таратди аста.
Кўрди.

Танламадан ноёбин олиб,
Келинга тутғудай қилди гулдаста.

Чоғи, кекса ҳассос меҳнатида шод.
Боғдан чиқди.
Юриш — рақс тушган мисол.
Меҳнат меҳри, санъат ва гулзорининг
Туҳфаси тутганга келмағай малол.

* * *

Шундай, шоир:

Бутун ўзи ва қайноқ
Ҳаётдан қалбида экар ўз боғин.
Ёт ўт, хасни янчар,

Терар гул.

Қачон

Топдим,— дер гавҳардай ёнган ноёбин?...

1965

БАЛКИ

Кўзингда чақмоққа ўхшаш ўтли нам,
Рангинг синиқиши, лаб титраши сир.
Балки, ҳисни бўғиб, ироданга жим
Ёлворасан, куч бер, бўлмай деб асир?

Кўмиб юбормоқчи сен тул ёшлигинг,
У — фақат яшнашга қодир табиат.
Балки, бахт бекаси атаган кишинг,
Руҳи ҳам истамас хазонинг бевақт?

Биласан, дарахтни синдирар бўрон,
Ниҳол бўлса, яна ўсар гуркираб,
Балки, йўқ таъналар, андиша гумон,
Бахтга ҳаққинг ютар, дилинг сирқираб?

Ярим тақдир, гўё синиқ кўзгумиш,
Ҳаёт тақозоси бахт бекамликдир.
Балки, тўққиз гулинг билмасдан сўлиш,
Пок ҳиснинг амрига кирмак керакдир?

1965

СОҲИЛДА

Жануб бу!

Бир денгиз илиқ оғушда
Жавлон урганларга келар ҳавасим.
Ташланаман,
учиш билмаган қушдай
Талпиннаман,
тўлқин ютар нафасим.

Суюқ қуёш каби жилваланар сув,
Денгиз орзу каби бетинч, беқирғоқ.
Чайнаб рашк, ҳасадга ўхшаш бир туйғу
Тўлқинга солмоқчи бўламан тузоқ.

Соҳилда нотавон юраман узоқ...
Пуфак доираси белда жажжи қиз,
Тўлқин этагига кирар серҳадик...
Ҳадемай:
журъатга бош эгиб денгиз,
Говвосдай тароқлар қиз тўлқинни тик.

Худди шундай ҳаёт денгизида ҳам.
Орзумиз шу ардоғ доирасидай,
Фарзанд қулочига бўлади эшкак
Денгизда сузади
ва онасидай,
Янги умид дилин ёндирар бешак...

1965

ҚУЗЛАРИ СУЗУК

Тўлқин аро яйрарди аёл,
Тушиб кетди денгизга узук.
Довул каби босиб минг хаёл,
Таҳликада кўзлари сузук.

Балиқ каби музлаб танаси,
Тубни тинтган кўзлар жиққа ёш,
Эмиш: эрин тўнғич ҳадяси,
Севги рамзи, эмиш, унда тош.

Мана кўз-кўз қилгани ҳаёт,
Эрка бахти сирғилди қўлдан.
Қараб туриб олдиран, наҳот,
Севги шундай ботар тўлқинда?

Тубда,
узук узра минг тўлқин
Тош, қумлар-ла ўйнар бепарво.
Аёл севги рамзига тутқун
Ялт этган тош,
чиғаноқ гўё —

Узук бўлиб тортади тубга,
Чағалайдай шўнғийди жувон...
Узугини оқим қутбга
Олиб кетса, қувгудай шу он.

Оппоқ бармоқ қолиб яланғоч,
Солар дилга фожеъ ваҳима.

Гумбурлайди тўлқин бахтга оч,
Зарбасидан гўё тан қийма —

Кечиб тизма тоғ-тўлқинларин,
Қидиради аёл узукни...
Уйда эри санаб кунларни,
Соғинади кўзи сузукни...

1966

МУҲАББАТ — БУ...

Узин олов кучидан қуёш
Хабар бериб чиқар осмонга,
Ва нуридан қуёш-ла тенгдош
Борлиқ тўлар янги камолга.

Муҳаббат ҳам... қадимги оташ.
Дилга тушиб янги ўт ёқар.
Ҳаловатинг, тинчинг кўриб ғаш,
Бирдан борин шу ўтга отар.

Сен қидириб топмадинг уни,
Йўлларига қўймадинг тузоқ.
Банд этмайди ҳеч кимнинг ҳусни,
Узи чирой бўлади бироқ.

Ахтарганга топилмас гавҳар,
Жар солишни ёқтирмас ҳассос.
Чўл гулидай чидамлиларга,
Садоқатли, софликка мерос.

Ҳеч ким билмас унга қай сўқмоқ,
Муюлишда дуч келар одам.
Баҳорнинг қай гулидан кутмоқ —
Балки қиш-ла келиб у ҳамдам

Муз жисмидан ҳарорат олиб,
Сени ёқиб қилар томоша?

Довул ичра гирдобда қолиб,
Учсанг мумкин фазолар оша.

Шу дамгача ўраган атроф
Қудрат, кўрки солар ҳайратга.
Қалб заифлик, қўрқоқликка ёт,
Айланасан эзгу гайратга.

Ва истайсан сен ҳам ярқираб,
Шу ҳаётга бўлсанг ярашиқ.
Жаҳон ичра бир сени танлаб
Изинг, йўлинг бўлиб қолди ишқ.

Ишчи бўлсанг бутун заводни
Кўтаришга қодир сезасан.
Деҳқон бўлсанг дала, уватни
Куйга солиб, толмай кезасан,

Севги помли ажиб бойликдай,
Сенга азиз гул, тикан, кун, тун.
Руҳингдаги эркатойликдан
Енгил кўчар ҳар қандай мушкул.

Сен тоқ эмас — икки торли соз,
Бировга жон сенинг ҳаётинг.
Қўш қанот-ла қиласан парвоз,
Бошқа танда битта қанотинг.

Икки қанот орасида гоҳ
Денгиз ётиб, тоғлар чўкади.
Масофа ҳеч! Сен жуфт, ёнма-ён,
Ҳисни на тоғ, на сув тўсади.

Қош-кўздан ҳам яқинроқ сўқмоқ
Кўрсанг денгиз узра муаллақ,

Сузмаслигинг сен унутибоқ,
Ташланасан ва бўлмайсан ғарқ.

Бўронларнинг устидан юриб,
Гулдуракка соласан чақин.
Камалакдан нур кўприк қуриб,
Висолини қиласан яқин.

Мушкул бахтни яйраб, ардоқлаб,
Муқаддасдай тутасан қўлда.
Юз йил севиб, бўлсанг ҳам сероб,
Сен ташнасан сузсанг ҳам кўлда.

Афсус, тақдир сахиймас ҳар вақт,
Ҳаммагами мангу бахт жиғи?
Хиёнат ё ҳижрондан карахт
Тўлғанасан мисли ўт жилғи.

Қалбга худди болғи тушгандай
Тонгга, тунга кирасан тикка:
Ўтда титраб, ёнасан музда,
Уринасан дунёга сигмай,
Ўхшаб қафасдаги какликка.

Ёниб ўзи, ўт тушган уйдан
Фарзандини қутқарган мисол,
Ташланасан ҳимоясига.
Ё бахтлисан, ё бахтинг завол.

Ё сен севган киши қалби муз,
Сукутида ўтинг ютилув.
Сен ёнмакдан топасан ҳузур,
Сабринг бурда-бурда сўкилув.

Оташзада юракнинг кўзи,
Йўқликлардан олади топиб,

Севгига ёт сўзларнинг бари,
Учар ишқинг ўтида қолиб.

Ҳосил узра ёққан дўл каби
Ёғар баъзан бошга маломат.
Ишқ-чи, баҳор гиёҳи каби
Авж олади, топар камолот.

Мушкул севги кўтарган тоғдан
Сен боқасан мағрур бургутдай,
Озор, риё қолар оёқда,
Тунга ташлаб кетилган тушдай.

Сенинг ишққа ошно юрагинг
Алангага ўрар туйғусин.
Севги, шодлик, изтироб дарди
Улгунигча давлат ва ҳусн.

Шундай севги —
Мушкул саодат,
Табиатнинг нодир туҳфаси.
У бетакрор,
бетенг,
беодат,
Бир умрга кифоя фасл...

1965

БИР БОЛА БОР ОТИ АЛИШЕР

1. Муҳим савол

Гўзал Фарғонада, сўлим қишлоқда,
Шинам бир ҳовлида яшар Алишер.
Ўқийди. Гоҳ колхоз, гоҳ ҳовли, боғда
Жондан кўмаклашиб ишлар худди шер.

Бир саволга жавоб топмайди лекин:
«Журналист ё рассом коммунизмнинг
Актив қурувчиси аталармикин?»
Шу ҳал қилар эмиш тақдирин унинг.

Дейди: спорт ва музыка ҳаммага зарур,
Аъло ўқиши шарт ҳар бир пионер.
Чиройли кўзлари тўла истак, нур,
Демак жавоб кутар бизнинг Алишер.

2. Шундай яшар Алишер

Алишернинг қишлоғи,
Иқлимда йўқ гўзал жой.
Сахий она тупроғи
Манзара, неъматга бой.

Ўрикзор этагидан,
Бошланади даласи.
Гўзалар этагидан
Ўсар тоғлар галаси.

Тутнинг кўк баргини еб,
Қуртлар ўрайди пилла.
Кузда олинар йиғиб
Ердан беҳад оқ тола.

Алишер севар барин,
Дилда истак, ҳаяжон.
Шундай пахта даласин
Бўёқ-ла чизиш армон.

Олма узган қизларга
Ялинади шошманг, деб.
Мен сурат чизганимдан,
Ҳеч кимга сўз очманг, деб.

Ёзмак бўлади барин
Ўрганиб юради у.
Оқшомги тоғлар рангин
Кўчирмак бўлади у.

Шафақни чизиб бўлмай,
Тугаб қолади кундуз.
Алишер кўзларидай,
Ёнади кўкда юлдуз.

Ухлашга тушар тун ҳам,
Уйдагилар ухлайди.
Алишер қўлда қалам,
Ёзиб, чизиб ўйлайди.

Қим билар ўзи севган,
Мактаб ҳақда ёзарми?
Ёки бахт, орзу берган
Юртин куйга соларми?..

Журналми, газетада
Ажаб эмас ўқисак.
Қим етмайди мақсадга
Бўлса чидам ва истак!

3. Рубоб Артекка борди

Аълочи Алишерни
Кузатдилар Артекка.
Кутмаганди бу бахтни,
Шодлик сиғмас юракка.

Самолётда учди илк,
Дўстлар топди беҳисоб.
Аmmo ёнда доим тик
Борди қадрдон рубоб.

Артек, осмондай денгиз,
Ажиб сарой қирғоқда.
Келиб юз-юз ўғил-қиз,
Бу меҳрибон қучоқда.

Дам олади. Тўлқинлар
Қирғоққа урар тинмай.
Лекин уйдаи харсанглар
Қилча жойидан жилмай

Довулларни қайтариб
Созга солади қулоқ.
Денгизга куй ўргатиб
Алишер чалар рубоб.

Андижон полкасига
Ўйнади испан бола.
Вьетнамлик елкасига
Қўлини солиб Ангола.

Фарзанди ҳам бўлди жўр,
Чалди рус қизлар чапак.
Қуёш тўкиб сахий нур
Қучди ҳаммани бирдак.

Қора денгиз бўйида,
Рақсга тушди Ер юзи.
Кулгуси, ўйинида
Барқ урди тишчилик сўзи.

Сўнг Артек қўшигини
Куйлашди бутун қиргоқ.
Жўр бўлди ўзбек ўгли
Кўзда бахт, қўлда рубоб.

4. Дўст қўлин чўзса

Ҳар касб чорлар ўз майдонига,
Алишернинг кўлдир ҳаваси.
Сурат чизар экаи. Ёнимга
Келди олиб — мана биттаси.

Бўм-бўш класс, осиқ харита,
Кўрсаткич-ла бир қиз турибди.
Икки бола битта партада
Кўз, идрокин унга тикипти.

Деразадан тўкилган шуъла,
Учовининг ёритган юзин.
Расм номи: «Дўст қўлин чўзса,
Кезиб чиқмоқ мумкин ер юзин».

5. Сен агар...

Колхозчи меҳнати солар ҳайратга,
Қурувчи санъатин мақтайсан ўзинг.
Ишчидаги битмас суръат, ғайратга
Қойилсан. Фазони синчиклар кўзинг.

Меҳрибон муаллим энг севган кишинг.
Энг катта душманинг ёлғончи, ялқов.
Инсонга асқатса меҳнати, ишинг
Ҳақгўй дўст, ҳам жасур, ҳамда беаёв.

Журналист ё рассом бўлсанг Алишер,
Олға интилишдан толмасанг бир дам,
Актив коммунизм қурувчиси дер
Севган қишлоғинг ҳам, халқ ҳам, Ватан ҳам.

27. VII. 65. *Водил*

МИРОБ

Саҳар. Дала нигоҳдай чексиз,
Тонг сурма ранг ҳусн қўйнида,
Оқ соқолли мироб чўккан тиз,
Қайнаб оққан ариқ бўйида.

Беркитар сув ўпирган жойни,
Тўлқин тезлаб чопар жўякда.
Шошмай ювар қўлидан лойни,
Нигоҳлари бўртган кўсақда.

Ёнда, йўлда ўзга бир ҳаёт,
Машиналар изғир бетўхтов.
Тепасидан учар самолёт
Гулдуросга мироб бепарво.

Нигоҳ билан сувни тарақлар,
Уфқ — денгиз соҳилларидай.
Қўнғир рангда жўяк ярақлар,
Невараси кокилларидай.

Гулдурашлар бузмас хотирин,
Қалбига ҳам солмас ҳаяжон:
Фарзандлари ясаган барин
Дахлсиздир тупроғсимон.

Мироб дили — бутун бир колхоз
Эртасининг гулдуросида:

Сув етарми, қандай келар куз,
Қолмасми сел, ё дўл остида!

Бу — шон, бу — нон, бир элга обрў,
Ўзгасини ўйламайди ҳам.
Неварадай борлиғи орзу,
Оромидай ташвиши ўктам.

Ердан янги кутади ҳосил,
Невараси бахтидай оппоқ.
Қоинотда бормикан сеҳр.
Истиқболдан қудратга бойроқ...

1968



1972

ҲАРОРАТ

Ҳарорат не ўзи?
Ҳарорат, ҳарорат,
Бир жаҳон оғушда сезасан ўзингни.
Тупроғнинг кўксини тутадми ажиб куй, малоҳат,
Минг баҳор жамоли тиңдирар кўзингни!
Ҳарорат не ўзи?

Ҳарорат, ҳарорат!

Ё меҳр маст этган кўзларнинг боқиши?
Кўксингни тоғ этган самимий мулоқот,
Минг дилда бир тонгнинг нурларин оқиши?
Ҳарорат! Минг йиллар тах-тахни тўлдириб,
Безавол ётган ҳис эмасми ҳарорат?
Асрлар бўрони илдиз-ла суғуриб
Ололмай танг қолган кучмасми ҳарорат?

Ҳарорат, ҳарорат!

Сен қуёш умрига тенгмисан,
Жисмингда минг авлод қалбининг чўғи бор.
Бир осмон юлдузни қамраган океандай

кенгмисан,

Ҳар эзгу инсонга порлаган зарранг бор?

Ҳарорат, ҳарорат!

Мен сени сезаман қонимда
Кўрганда фарзанд, дўст, қардошнинг юзини,
Сезаман ўқиган ва уққан онимда
Нур йўлдай дилпараст шеърлардан шоирнинг кўзини.
Уйдаи, куйдаи, ўрмонми ё саҳро,

Қўнолғам кун кафти, ё музнинг чангали.
Учраган ҳар одам,

янграган ҳар садо

Чорлайди ҳаётнинг баҳрига қонгали,
Ҳарорат, бу сенми?

Танҳолик туйғусин,

Заифлик, худбинлик иллатин сеҳр этган?
Элни ёв босса ҳам, гўдаклар уйқусин
Ардоқлаб, тонггача ўқ ясаб, шеър битган —
Зарбдор куч сенмасми, ҳарорат, ҳарорат?
Кўраман:

тупроғим кўксида қон томир сингари

Сахрога жон бериб оқади каналлар.
Нимадир қалбимни уйғотиб, баҳордан илгари
Кўзғатар вулқондай севинчбахш илҳомлар.
Хаёлдай ним шаффоф, фусункор ним оқшом,
Атрофда ўрмонми ё анжир, олма боғ,
Раққоса — руҳларни, завқларни этган ром,
Сеторми, қўбизми, цембалми ё рубоб —
Сўзлайди дилларга халқ дилин узатиб,
Маст этар оҳанглар сеҳри-ю камоли.
Тилни ҳам билмайсан,
Қўшиғи қонингни тезлатиб,
Борлиғинг иситар онанинг алласи мисоли.
Сен ўзинг сезасан қудратга, кучга ёр.
Дўст уйи — ўз уйинг,

қўшиғи — ўз куйинг.

Қайғусин қиймалаб чекасан дард, озор.
Шодлиги нурларга тўлдирад дил уйинг.
Ҳарорат, бу сенми, муқаддас, ноёб ўт, ҳарорат?
Овозлар, оҳанглар, меҳмонлар, мезбонлар...
Ким солган бу эзгу одатлар чўғини дилларга?
Йўғириб бир ўтдан, ким қайси замонлар,
Сўнг, ширин яшанг, деб йўллаган элларга.
Ҳарорат!

Бугун ҳам висолдан яшнаймиз, яйраймиз,

Юраклар,
 Кўзларда,
 Қонларда сен олов,
Оловки, қуёшнинг умрига баробар!
Шу сабаб, эй дўстлар!
 Кўзу қош сингари сизу биз,
Абадий елкадош,
 Тақдирдош, биродар,
Бош узра дўстлик деб аталган ҳарорат нур ялов.

1969

ҚАЛБИМ ҚОЛГАН ЭДИ БУ ЕРДА

Қалбим қолган эди, бир чоғ бу ерда,
Сизнинг дилингиз-ла жўнаб кетгандим.
Аждодим, авлодим қибласи — элда
Қалбимни соғиниб шеърлар битгандим,
Қани бунда ташлаб кетган у қалбим?

Кезиб, сою қоя кўрмаган жондек,
Тоққа тармашгандим толиб тизларим,
Сочилганди шодлик ёқут маржондек,
Лекин тун сел ювгач кунлик изларим
Сирқираб чиққанди толган тизларим.

Аммо яна тонгда тушгандим йўлга
Соя кўтарилмас чўққига дадил.
Қонларга тушганда олгандим қўлга
Юракни кончининг фонуси шакл
Шуъладай қолганди у ерда ҳам дил.

Эсимда, чорлашди юлдузларсимон
Чақмоқ ва бижилдоқ бир давра гўдак,
Мен бўлсам айланиб гўдакка шу он
Ҳар бири кўзидан гўё бойчечак,
Гилосдай боққанди мен берган юрак,

Не яқин-йироққа йўлдош бўлмадим,
Бу қутлуғ умримнинг измида эркин.

Ҳеч ерда ҳеч кимнинг бахтин юлмадим,
Туйғумни изларга отмадим, лекин
Писанд ҳам қилмадим рашклилар кекин.

Ҳар ерда денгизга тушган томчидай,
Қалбим зарраларга кетди бўлиниб.
Аммо дилга кирган ҳар дўст севинчдай,
Илҳом, куч, ҳаётдай жонимга иниб,
Яшадим, дарёдай тўлиб, тўлиниб.

Қолган дил изидан яна келдиму,
Мингларча нигоҳлар сеҳрида қолдим.
Ҳар салом, ҳар иссиқ табассум, кулгу,
Мавжида у қолган дилим кўролдим.

Удумдай, меросдай қон-ла ўтдими,
Бу беҳад кўзларда мавж урган меҳр?
Зарра-зарра қолган қалбим ўтими,
Бизни яқин қилган муаззам сеҳр?

Мен олган диллар ҳам ҳамон қалбимда
Ҳаётим безаги, шеърим жаранги.
Ичган сувларимнинг нами лабимда,
Сочларимда ҳатто йўлларнинг чанги.

Ўша ўт ёшликка мен содиқ қолиб,
Бутун халққа дилим бериб кетаман.
Сўнг бу гул диёрни қўмсаб, соғиниб,
Қуёшдай дўстликни куйлаб ўтаман.

1968

ҲАЙКАЛ

(Тошкент область, Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номи
колхозда шоирга ҳайкал қўйилди)

Бу ерда шоирга қўйилди ҳайкал,
Инсон заковати, ақли, меҳри бу!
Кекса табиатга берилган сайқал,
Шеърят қудрати, санъат сеҳри бу.

Боқ, деб, қуёш, юлдуз, тоғ, далаларга,
Улим йиқитганин кўтарди халқи.
Энди мен ҳам фарзанд, невараларга,
Кўрсата оламан тоғдек тик қаддин.

Ана, юзда илҳом, қўлида қоғоз,
Ҳозир водий кезиб қўшиқ битгудай,
Сўзларига қайта берганга парвоз,
Ҳаёт-чун таъзимин дoston этгудай.

Ассалом! Айт, кимга бошимни эгай,
Кимларнинг қўлини суртай кўзимга,
Чорак аср ўта келиб тирикдай,
Боқиб турганинг-чун сўлгун юзимга.

Қанча бизга сени қўймасдан яқин,
Уртамизда ётган ҳижрон тошини,
Олиб ташлаб: сени гўё бир чақин,
Гўё нон, гўё сув, шеърдай, ёрқин
Дурдай кўтардилар азиз бошингни.

Бир улкан қалбдайсан, мард, алп сиёқли
Йиллар қаритмапти, ҳамон кўркам, ёш,
Қанча кўрмаганинг тирик ҳаётин
Ёзиб ҳар юракка солгудай қўш.

Бу — кафтда кўтарган яшнаган тупроқ,
Сенинг номингдаги колхоз аталур.
Бунда шеърдай меҳнат талаб ҳар чапоқ,
Ҳар кун янги шодлик, бахт яратилур.

Сен бунда меҳмонмас, азиз фарзандсан,
Сафарбар суръатга тирик эмакдош,
Қанча жилд ва қанча минглаб варақдан
Чиқиб, тер тўкасан — деҳқонга йўлдош.

Сени бир кўрмаган, эшитмаган ҳам
Бунда сенсиз шонинг этмайди баён,
Шуҳратни ўйламай, тебранган қалам,
Авлодга хизматдан қолмас ҳеч қачон.

Мағрур кўтарилдинг бошоқдай ўсиб,
Сен билан сафимиз яна зич, азим.
Мангулик-чун тақдир, шеъримни тутиб
Халқингга ва Сенга қиламан таъзим.

1968

ХУСУМАТ

Уйқу ўмраб олиб тупроқни,
Танҳо ҳоким бўлиб юрибди.
Лекни кўзимдаги чироқни
Учиролмай заиф турибди.

Ишга солиб бутун ҳунарини,
Ҳамма ёққа сочди сукунат.
Барча товуш, барча нурларини,
Барча кеки, барча хусумат —

Зулматини устимга уйиб,
Бардошимга боқадн ҳайрон.
Кўрпаларин бигиздай ўйиб,
Мен этаман қурганин вайрон.

У бир ўзи қилар томоша,
Кундузлардан яширганимни,
Гоҳ аламинм киприклар оша
Қўргошиндай тоширганимни...

1968

СУҢ

Утган кунларимга келар суғ, ҳавасим,
У — менинг қуёшдай ёшлигим.
Утган тунларимга келар суғ, ҳавасим.
У — ойдин шодлик, бебошлигим.

Думбуллик, жамол ҳам, бокира хаёл ҳам,
Уктамлик, эркалик, жасорат.
Севгидан мастлик ҳам ҳижрондан беҳол дам,
Фафлатдан вайронлик, қаноат.

Долғали туйғулар оловли тўлқини,
Хилватлаб етаклаб юганда,
Қонингининг, қалбингининг бахтиёр шовқини
Ақлингини кишанлаб турганда;

Офтобни хиралаб, қуёшдай кулган он,
Уйлаган эдикми, жаҳонни?
Энди-чи, ўй, ишинг, шодлигинг бор жаҳон,
Баҳордай не ёқар бу қонни?

1968

НЕЧУН ТАЪНА

Эй сен, баҳорига куз бўлгур йироқ,
Нечун таъна ажин ҳақида?
Ахир, чўлмас ҳосил ўрилган тупроқ,
Ажин — жўяк ҳосил тагида.

Ажин мунг, зор эмас, эмас нур, қўшиқ,
Ялпи тўйда ўтмайди умр.
Зотан, фасл билан ҳеч ишимиз йўқ,
Зарурини кашф этади дил.

Сен ўзинг фарзандинг ҳуснин асири,
Бетоқатсан кўрмасанг кунда.
Шудир ажинини сезмаслик сири,
Таранг жамол қизда, ўғилда.

Ажининг мунча тез уруғлайди деб,
Эркатойим, қилма сен таъна.
Бу — дадил қадамли авлодидан зеб,
Бу — аждоддан дурдай анъана.

1968

* * *

Учиб кетди полопон қуши,
Уя бўм-бўш қолди қорайиб.
Пар остида сирқирар тўши,
Кўз олдида дунё торайиб.

Мунгли сўроқ ташлар ҳар тараф,
Мағрур боши ботди бўйнига.
Чағалари жуфт қанот боғлаб,
Шўнғиди кенг ҳаёт қўйнига.

Ютмоқ бўлиб уя ҳувиллар,
Чағалари ўрнин силар тўшлари,
Еллар чағ-чугидай туйилар,
Қувонч бериб сийлар тушлари.

1968

* * *

Осмонда бир тилим ҳандалак
Мисоли муаллақ сариқ ой.
Отадан ажралган фарзанддак,
Тақдирнинг зарбидан қадди ёй.

Ҳайдар у, неча тун кундузни,
Ярқираб чарх урар тўлни ой!...
Фарзанд ҳам тиклайди ўзини
Ва кўксин минг бахтга бўлар жой...

1968

КУЗГУ ОЛДИДА

Нега сени яратдилар экан,
Бундай шаффоф тоза жисмдан?
Нега сенга ўрнатдилар экан,
Маккорликни жоду тилсимдан.

Сен ёшликни этганигда акс,
Ивирсиймиз кетмай ёшнингдан.
Нари жилсак берухсат, бебаҳс,
Изсиз сидирасан ёдингдан.

Қонда югурганини сезгандим,
Баҳор каби ёрқин ҳисларни.
Сен бўлмасанг, унутар эдим,
Манглайимда ётган изларни.

Безбет, сотқин, рақибдай боқиб,
Соласан бор нуқсим юзимга...
Қани, руҳим китобини ўқиб,
Сўзлаб бер-чи, қайта ўзимга!

1968

ЯНА БАҲОР ҲОКИМ

Баҳор келди қишни, ланжликни ҳайдаб,
Ҳамма ёққа сочди сирли латофат.
Булутни майдалаб, нур ичра яйраб,
Еллардан юлқилаб олди қаноат.

Дарахтлар ялтираб, бўртди ҳар куртак,
Сайроқи қушларни келтирди менга.
Дафъатан тўкилган ёмғир ҳам дурдек,
Кузсифат ҳеч кимни қувламас инга.

Шошқалоқ чечаклар боқиб қуёшга,
Бахтиёр диллардай ичди ҳарорат.
Қуёш нури ўхшаб мунис йўлдошга,
Ҳатто ётоқларда бахш этди роҳат.

Бокира ҳис каби шафтоли гулда,
Ним пушти боқишн — нақ қиз чехраси.
Қибор гилосларнинг новдаси дурда,
Серҳавас онадай толмай силласи —

Безатди борлиқни она табиат,
Менинг қалбимни ҳам чиқармай эсан.
Нурга кирди узоқ ёшликдаги бахт:
Уйғонди дил, қалам ўтбардор ҳисдан.

Инсон, қуш, ғунчалар қатида қўшиқ,
Қўшиқ осмон бўйлаб ёйилган, авжда.

Баҳор жавлон уриб сочади уруғ,
Қуёшдан чўзилган нурли ҳовучда.

Сув оларди ерда, кўкда янги бахт,
Шодлик оғушида нур кафтда дунё.
Эй воҳ, ёв келгандай қулади бу тахт,
Ют, ўлим ютгандай нақ қора рўё.

Бир нафасда ёпди қор оқ кафанин,
Ҳамма новдаларда сўлгин гул қолди.
Қўлга олмай ақал тўнғич фарзандин,
Шундай, барча дарахт бирдан тул қолди.

Сабрли ва мушфиқ она табнат
Мунгли сукунатда боқар тунд, абгор.
Тангриси — қуёшдан тилар ҳамият,
Барча фарзандига излайди мадор.

Шамол бўлиб силкди дарахтдан қорни,
Ҳар эгик гиёҳни кўтарди ердан.
Битталаб шимирди ҳар томчи зорни,
Илиқ оғушлади борлиқни бирдан.

Шаҳиди устида чекмади фарёд,
Ҳар илинган жонни олди ардоққа.
Зилол, пушти, қизил... минг рангда ҳаёт
Қўшиқ, ғайрат бўлиб кирди тупроққа.

Яна баҳор ҳоким! Эй тангрим — ҳаёт,
Кўзим, қоним, куним, умиддаги куч,
Қалам деҳқониман, ором, ланжлик ёт,
Либосим, номусим, шоним бўлиб қуч!

1968

УҒИРЛАМАНГ ҚАЛАМИМ БИР КҮН

«Уғирлайман қаламинг бир кун!»
Ҳазиллингиз кўчирди жоним.
Пақ яроқсиз қолардай бугун,
Сирқиради толе, имоним.

Уғирламаңг қаламим бир кун,
Мени этмаңг соқов ва чўлоқ.
Тақинчоғим, анжомим тўкин,
Бари қўлга, кўзга яқинроқ
Ётар, олмаңг қаламим бир кун!

Мен Ҳофиздай улашмайман юрт!
Истеъдодим, қалбим сизларга.
Яхши номим, бахт-севинчим бут
Барчасини берай қизларга.

Юрагимдан узайин парча
Ва келтириб шам деб тутайин.
Хоҳиш, қоҳиш, измингиз барча,
Барчасини кўзга суртайин —
Уғирламаңг қаламим бир кун!

Гар пахтадан тўлмаса режа
Сочларимни берайин қўшиб,
Сизга ором бермаса кеча,
Одинг мендан! Мен бедор жўшиб

Бахтингизни олай қаламга,
Очиб берай сизга қалбингиз.
Шухратини баяй оламга
Меҳнатингиз, севги, кашфийгиз.
Ўғирламанг қаламим бир кун!

Қалам-ла мен тўқийман қўшиқ,
Ў — инсонга, элга хизматим.
Бурчин бекам адо этган йўқ,
Қарзим узар икки фарзандим.

Фарзанд меҳри ва қаламимни
Худо ҳаққи, қўйинг ўзимга.
Усиз қолсам, ўлди деб мани
Секин парда тортинг юзимга..

Ўғирламанг қаламим бир кун!..

1968

ОРЗУГА АИБ ИҶҚ..

Шу кунларда қалб қўшиққа тор,
Кунда битта ёзаман шеър.
Маъюси ҳам, ёрқини ҳам бор
Тупроқ, ҳаёт, юрак бу ахир!

Ёзганда-ку, унутман, кўр-кар,
Фақат дилга соламан қулоқ.
Бузиб, ясаб, мисоли заргар,
Борин тўкиб... нуқта қўйибоқ

Бир тингловчи қоламан излаб
Ва орқага тортар юрагим.
Уйғотибми, чорлабми, бўзлаб,
Тоғиб, фикринг келар сўрагим...

1968

МЕНИНГ МЕҲРИБОН ОНАГИНАМ

Онам, менинг мушфиқ, меҳрибон онам,
Қалбимда овозинг, ўзинг қаерда!
Қуёш огушига солганми олам,
Шуъладай одимнинг қайси асрда?

Қайси минтақада нафасинг ҳаёт,
Қайда, ким йўлига кўзинг мунтазир!
Қайси сайёрада эй, сен Одамзод,
Фарзанднинг бўшлиқни этмоқда асир.

Қай қабила, қай чўл, қай чўққи, қай ғор,
Сенинг илк шодлигинг шоҳиди макон?
Олам туғилиши эди сен илк бор,
Фарзанд-ла сукутни уйғотган замон.

Қачон эди ўша, эзгу дақиқа?
Юзимда сезаман ўша ҳовурни.
Онам, сен кашф этган буюк ақида
Йиллардай кексартиб аср, даврни,

Ўша қаҳрамонлик, ўша ҳуснда
Қоинотда, менда яшайди ҳаёт,
Ажал-ла юзма-юз турган йўсинда
Она лавозимини этаман бунёд.

Ва қонда югурар садоқат ҳисси,
Қўксинг иссиқлиги элитар ҳушим.

Оловга ташлайди басир бу жисмим
Ҳануз ўталмаган фарзандлик бурчим.

Онам, менинг мушфиқ, меҳрибон онам,
Кўзимда илоҳий эзгу суратинг.
Яна ҳаёт тўлиқ, булутдай кўркам
Қайда жон бағишлар метин қудратинг?

Хабар бер, таваллуд дардини олай,
Нурда чўмилтирай сени, болангни.
Тарозу — юлдузга беланчак осай,
Сол, ҳаёт бермоқдан толмас танангни.

Туганмас аллангдан айтай ўзингга,
Меҳр бешингида сен ҳам ол ором.
Оҳ, нега келмади уйқу кўзингга
Эй менинг бир умр бедор зўр Дунём!

Бир чоқ ухладингми, мириқиб, қониб,
Бир нафас бўлганми бурчларинг унут?
Биламан, мизғисанг ҳаёт бўш қолиб,
Коннотга қайта чўкади сукут.

Ҳеч бўлмаса, ўлтир, узатиб оёғ,
Мангулик йўл босган товон олсин дам.
Тизларингда ётган қўлларинг чарчоғ,
Ҳордиқ олармикан қалб-ла силасам.

Оппоқ сочларингга қора кўзимнинг
Миннатдор нурини қилолсам тароқ.
Чуқур ажинингга боқиб, умримнинг
Бебош тантилигин кўрдим ёрқинроқ.

Онам, эркалашинг, ўғит танбеҳинг,
Бари сутинг каби жонимга озиқ.
Оҳ, буни мен англаб етгунимча минг —
Минг бир аламларни қилмадим тортиқ.

Барисяга узр, пойнингга чўкиб,
Қўлинг қадоғига эгаман бошим.
Қалбинг илжитмайман кўз ёшим тўкиб,
Эй менинг саховат, шодлик қуёшим.

Оҳ, дарҳол кечирдинг, нигоҳинг таскин,
Утинг рутубатим, ҳасратим олди.
Сенга етгунимча бўлган бор дардим.
Пилларим сингари учиб йўқолди.

Узимни гўдакдай сезиб тизингда,
Булутдай, қулундай яйрайди таним.
Умринг ифтихорим, ҳатто изингдан
Кўтарилган чанг ҳам, сендай Ватаним!

Сен тупроқ,

осмоним,

қоям,

ўт,

наҳрим,

Сен сўнги нидомсан жон берар палла.
Эй, мусаффо кўкси дахлсиз маҳрим,
Мен — она қизингга айт, жонбахш алла.

Ҳар сўзинг бир китоб, сеҳрига кириб,
Сен — Момо Ҳавонинг йўлига тушай.
Бир нуқтасин тўксам, киприк-ла териб,
Ичга солганингни дилимдан қўшай.

Негаки, хоксор, улкан юрагинг,
Узоқ йўл дардини тубга солар жим.
Бир умрлик йўлда кечиб, кўрганинг,
Зарраси мадҳига етарми кучим!

Сўз тилаб койнтмам.

Меҳроб тўрида

Ултир, қалбинг уриб турса кифоя.
Дилим каби содиқ қалам қўлимда,
Сен ўз юрагингдан бошла ҳикоя.

ШАЛОЛА

Меҳнат берган олтин шодликдай,
Отилиб тошади шалола.
Шовқини илҳомдан ёрликдай,
Юракда кўтарар тарона.
Қайнайди ўзлигин йўқотиб,
Тўзитар осмонга кумуш чанг.
Қирғоққа тўлқиндан тош отиб,
Гўё у эрк учун қилар жанг.
Борлиқни тутади гулдурос,
Ҳаммани чулғайди эзулик.
Қишдан муз олгандай ўч, қасос
Ҳаётбахш куч бўлиб кезгудек.
Бу кучга танг қолиб офтоб,
Ташлайди камалак ёйини.
Қулайди шалола сершитоб,
Ахтариб каналу сойини.
Югурар яшиндай, чақмоқдай,
Ахтарар жилға, сой наҳрни.
Бахтиёр ёйилар қаймоқдай,
Топганда ташналаб бағрини.
Нақ шундай:
Умрни этиб боғ,
Оқасан куй-наҳрим, кўкракдан,
Фарзандим, шеъргинам, бор тезроқ,
Макон қур, энг тоза юракда...

1968

ШАББОДА

Шаббода, мен сени кўрмайман,
Қўлимга тутмайман,
Жамолинг не тахлит, сўрмайман,
Жавобинг кутмайман.

Танимни сийпаган қўлингни
Қўлга бир олмадим.
Бемисол мулойим кулгингни
Қўшиққа солмадим.

Миннатсиз ороминг мисли жон,
Тасалли сезаман.
Тавсифинг тасвирлай деб ҳар он
Ранг излаб кезаман:

Сен наҳот раққоса парвози,
Ё қушнинг ҳаваси?
Сен наҳот куртакнинг овози,
Ё майса нафаси?

Сувларнинг қуёшга чўзилган
Минг ҳарир қўлими?
Юлдузнинг тупроққа умтилган
У нурли йўлими?

Ё севги нурлатган юракнинг
Жилваси бўлган куй?
Кўкракка тамшанган гўдакнинг
Оғзидан анқир бўй?

Ё паға булутнинг бебардош
Узилган этаги,
Ё кекса баҳорнинг мудом ёш
Сеҳрли эртаги?

Япроқни ўйнатиб ўтган куч
Сенмасми, шаббода?
Ғунча лаб очмасми сен-ла дуч
Энг эзгу аснода?

Чирмаб ол, кел, бутун жуссамни,
Энг сахий, кенг қучоқ!
Суратнинг чизмаган эсам-да
Қалбимда очдинг боғ!

1968

ҚАНИ САЛОМИНГ

Ер узра тонг отар оқ нурга тўлиб,
Қучоғида кундуз, иш, кураш, шодлик.
Азизим, тонг сенинг саломинг бўлиб
Бошланарди, қалбга солиб рўшнолик.
Нега унут бўлди, бугун саломинг?
Ассалом алайкум, деган каломинг,
Офтобни кутган ерсимон кутама.
Жисмимда, атрофда, қаламда номинг,
Ҳар не билан бандман, қулоқ тутаман
Қани, эй ноёбим, сенинг саломинг?
Қуёш қанча қадим, лекин жилосин
Миллион йиллар тўкиб бўлмас у адо.
Меҳр, дуо учун саналиб осий,
Соғинч, интизорлик ҳамроҳ бир гадо
Сингари кутама несик саломинг.
«Ассалом алайкум», иззат, табассум,
Қанча юраклардан ўқийман ҳар кун.
Нақ кундуз осмонни титган мунажжим
Қаби мен излайман ўзим берган ун,
Хасисим, сен зое кўрган саломинг...
Булутми, бўронми, қишми, баҳор, куз,
Қуёш тарк этганми кўҳпа одатни?
«Ассалом» қуёшдай сеҳргар бир сўз,
Ундан зўр калид йўқ дилнинг бисотини!
Наҳот меҳр истамас сенинг жамолинг?
Қани, зурietàим, бугун саломинг?

1968

ЎЗИМГА

Нега жимиб қолдинг, хаста мунгайиб,
Ўзингни урасан яккаш тўшакка.
Нега, келиб-келиб энди, нақ гариб,
Курашда енгмоқчи бўласан якка?

Қани зукко хислат — ирода, ғурур,
Дўл, бўрон, ҳижронлар ўта кулган куч.
Қани ўт булоғи, кўзингдаги нур,
Зиқлик, хафақонлик қайдан келди дуч?

Ииллар ўтган бўлса, ундан нарига,
Кимда муқим қолмиш ўн саккиз ёши,
Қатта тақдирингда ўтган кунларга
Бетакрор зеб берди ҳаёт наққоши.

Узоқ йўлда ким ҳам қолмайди толиб,
Бир дам дўст қатида ҳордиқ чиқаргани.
Меҳринга чўзилган дил бўлса олиб,
Энг ёрқин йўлларга солиб юборгин!

Кел, куйсиз юракка қўшиқ бағишлаб,
Кулгисиз лабларга ўргат табассум.
Бахтинг соч, дард бўлса тишинга тишлаб,
Енга олсанг енгу бўлма ҳеч таслим!

Фақат сени тошдай тортган кунжакдан,
Қаламинга муҳтож дунёга отил.

Э ҳаким!

Даво топ тошдан, чечакдан,
Худоми, табиат барин эт хижил.

Бор вужуди ҳаёт, илтижо бу жон
Сендан ишларига тилайди умр.
Атомми, жонворми ё бўм-бўш осмон
Чапғалидан унга бир шифо ундир...

- Сен ўзинг жим ётма, бу кенг дунёда
Ҳали кўрар шодлик, қилар ишинг кўп.
Қитъадан қитъага кездинг пиёда,
Хотиранг қудуғин қазиш керак хўп.

Демак яшаш керак, ланжликни унут,
Дарё каби уйғоқ ҳаётга отил!
Энг нодир қўшиғинг зар баридан тут,
У менда!— деб чорлар олдда қанча йил.

1968

ОЙДИНДА

Чарх тўлганда ой кўкда
Боғчада бўлганмисиз?
Ним мовий шўъла кафтда
Дунёни кўрганмисиз?

Жилиб-жилмас тўлин ой,
Булут хаёлдай енгил,
Ой анҳорда қулун той,
Гилосда шигил-шигил.

Яхлит ойнадай бўлиб,
Ҳовузга ёйилган у.
Эгилсам — тубдан тўлиб
Узим чиқдим рўбарў:

Атрофим тўла саф-саф,
Минг-минг юлдуз ора ман.
Барин сидирға чайқаб,
Ерга судраб бораман.

Ерда: новда, гул, барглар,
Акси кашта сингари.
Сел унутган кўлмаклар
Мисли ойнинг сингани —

Ёнади парча-парча.
Шабнам нақ ел сочган чўр.

Ҳар нурда шодлик қанча
Ҳар соя сирга тўлиғ.

Сайҳонлар нақ нур майдон,
Уйқуда барча товуш.
Инида ухлар нодон,
Латофатни сезмас қуш.

Ўзимга ташлайман кўз:
Кўксим, қўлимда шўъла.
Осмонга тутаман юз,
Ел силар ёғду қўл-ла.

Эҳ, умр ярмин ютиб,
Ўтган туцлардами айб?
Энди бу кўркин тутиб,
Кундузга бермасам ҳайф?

1968

ОЛМА

Шуълага қорилган сув оқар балқиб
Келажакка йўлдай тиниқ, сержилва.
Ҳай қиз, тўлқинида келади оқиб
Бир олма, ариқнинг лабидан жилма!

Тўлқин симоб кафтда ўйнайди уни,
Бир юзи ним пушти, бир юзи тарам.
Тарасанг тара-ю тегирмон сувни,
Тутиб ол, сўнг пушмон бўлмагин сен ҳам.

Ҳалқа-ҳалқа тўлқин оқизиб кетар,
Ортидан афсус-ла боқиш беҳуда.
Бахт ҳам худди шундай:
 курашган етар,
Лекин, пишиб, оқиб келмайди сувда...

1968



«Тўрға ташриф!»... дейсиз, жой не гап,
Юрак, фикр, меҳр олдида.
Биласиз-ку диллар дил талаб,
Юртлар ошар дийдор дардида.

Дўст нигоҳда кўрсам ўзимни,
Маликадай тўрда сезаман.
Бир офтоб силаб кўзимни,
Бахтлар водийсида кезаман.

Илтифотли диллар тафтидан
Илҳом қайнар мисоли булоқ.
Шеърининг ёрқин тахтида
Қўринишдан бахт борми зўрроқ?

1968

СОҒИНИБ

Шу кунларда баҳорга зорман,
Навжувонлик ўти танда йўқ.
Қуз сингари заъфар рухсорман,
Мевалар ҳам шохлардан узук.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Тан-хасталик эзоди руҳим.
Танҳо эмас, қаторда борман,
Яна нени излайди суқим?

Шу кунларда баҳорга зорман,
Шаффоф, ёрқин куй тилар кўнгул.
Яхшиямки, қаламга ёрман,
Сўзлаб турар бор дилимни ул.

Шу кунларда баҳорга зорман,
Ўз баҳорим каби бемисол,
Баҳор қайтмас, ёнувчи қорман
Е пўноқ қўл бутаган ниҳол.

Шу кунларда баҳорга зорман...

1968

СЕНСИЗ

• Мана бир умрни яшадим сенсиз,
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб.
Тобутнинг бошида чўкканимда тиз,
Фарзандлар кўтарди қўлимдан тутиб.

Шундан бери тикман. Ҳар нега қалқон,
Бахтга, баҳорга ҳам, қишга, қайғуга.
Биров азасида йиғлайман қон-қон,
Тўйида яйрайман ўхшаб оҳуга.

Лекин қолганимда қалбим-ла тапқо,
Туйғулар зорига солганда қулоқ.
Ўзини занф, чанқоқ сезганда гоҳо,
Аламдан бераман жавобсиз сўроқ:
Тирик экан нега ташлаб кетмадинг?

Мендан нафисроқнинг ҳуснига ошиқ,
Мендан ёниқроғи тортмади сани,
Эди нигоҳингга бор жаннат очиқ.
Сени мажнун этиб бир ер гўзали
Нега, мени ташлаб кетавермадинг?

Тирик айрилишнинг доғи оғирмиш,
Хўрлик кемирармиш умрни чайнаб!
Бу — мудҳиш эговга берардим турпи,
Кетсанг ҳам менга жон туйғундан айнаб.

Билардим, қайдадир оласан нафас,
Мураккаб бу дунё сен-чун ҳам тирик.
Сенга ёт — ношудлик, тунд руҳлик, қафас,
Бугунги қадамнинг кечадан йирик,

Нега, нега мени ташлаб кетмадинг?

Биламан, рашк мени этарди ҳалок,
Афзал кўрганингни қарғаб ўтардим,
Изингдан юрмасдим соядай ғамнок,
Лекин ишқ ҳаққи-ла мағрур кутардим.

Ҳаётда мен учун қолардинг тирик,
Қаламинг муждасин кутардим муштоқ...

Маъюс тақдирингга яшаб мен шерик,
Мушкул бўлаётир шодлик яратмоқ.

Нега тирик экан ташлаб кетмадинг,
Ташлаб кетмадинг-са, бошлаб кетмадинг?!

1970

ТАҲСИНУ ТАЪЗИМ!

Эй, азиз халқимнинг деҳқон шуҳрати,
Беминнат қудрати, сизларга салом!
Азамат ўғлони, асил зумради,
Жасур аёли-ю қизларга салом!

Мана, ҳар йилгидай чеҳралар гулгун,
Ҳар йилгидай олтин пахтамиздан тоғ,
Ҳар йилгидай пону мевамиз тўкин,
Бор неъматин тўкди инсон ва тупроғ.

Киприк билан териб олинди оқ зар,
Ярқираб турибди аҳдимиз оқ бахт.
Гўё йил кафтида келтирди зафар,
Гўё бўлмагандай кураш ва меҳнат.

Уктам бир вазминлик келбатингизда,
Қуёш силаб олган бор ҳорғинликни
Доно кўз, камсухан суҳбатингизда,
Кўраман парпироқ бир ойдилликни.

Дилнимда бир тошқин таҳсин гуркираб,
Деҳқон қўлингизга қиламан таъзим.
Номингизни офтоб нурига ўраб
Шуҳрат, шаънингизга ёзаман шеърим.

Мен сиз ҳақингизда тебратсам қалам,
Республикам ўзи қалб бўлиб куйлар,

Нақ чақмоқдай кескин, сойдай беором,
Ҳавадай, борлигим чулғайди ўйлар.

Фикрлаб кўраман зафар бонсин:
Ишчи-ю деҳқону олим бир огуш.
Наздимда далада завод нафаси,
Деҳқон махсулисиз фабрик, завод бўш.

Эй насл-насаб-ла пахтакор деҳқон,
Фикрлаб кўрайлик қамти ўлтириб:
Сиз уруғ тиккану полиз эккан он,
Элга сўз берганда оғиз тўлдириб,
Ҳосиллар бодраб қўлни тутганда
Илму фан эмасми сизларга йўлдош?
Елини тирсиллаб говмиш сигирлар
Жавдираб соғувчи қизни кутганда
Машина эмасми содиқ кўмакдош?

Шаҳар-чи? даласиз бефайз, беҳусн!
Қизларнинг нафасисмон ҳаётбахш
Тоғ суви, қир нони бўлмаса не кун?
Олим ҳам ишчи ҳам бир баҳорний нақш
Билан ёнган либос бўлмаса юпун!

Дала! Дала ели урар кўксимга,
Дарҳол соғинаман водий, чўлларни,
Деҳқон! Сиз беминнат илҳомсиз дилга!
Ипакдай ҳимралган меҳр йўллари
Сизни яқин қилиб берганда менга.

Сахий қалбингизга соламан қулоқ,
Шодлик, гурурингиз уқиб оламан,
Меҳнаткаш қўлингиз бўлса-да қадоқ,
Қадоқсиз дилингиз куйга соламан.

Ҳорманг бобо деҳқон, шуҳратли йилда,
Ленинча зафарлар муборак бўлсин!
Дўсту оғайинидан юз тил, бир дилдан
Уқилган таҳсинлар муборак бўлсин!

Хирмон! Хирмон олпоқ пахтадан хирмон,
Тилла дона каби бугдойдан хирмон!
Хирмон, дурдай узум, тил ёрар қовун,
Тенгсиз қоракўлу ишакдан хирмон.

Далада кезаман! Оқ тонг нуридай,
Зафар тантанаси офтоб ранг юзда.
Бугдой ўрмининг суронларидай,
Суръат парпирайди ҳали ҳам кўзда.

Мўътабар кексалар — халқига қойил,
Олпоқ соч соқолдан ёғилади пур.
Хиёл ҳорғини, хиёл оромга мойил.
Лекни кўзда зафар бахш этган ҳузур.

Сизмасми, биринчи капаллар очиб,
Чўлларга ёшликни, боғни бошлаган?
Узоқ, мушкул алвон уфққа боқиб,
Ғайратни стаклаб қадам ташлаган?

Капал қазмоқ, чўллар сукутин бузмоқ,
Иқбол тузмоқ билан шуҳрат таратган,
Сиз аждод касбидан илк олиб сабоқ
Совет пахтачилик илмини яратган?

Ҳаёт шу, забардаст чинор қатида,
Ниҳол бўй чўзганини билмай қоламиз.
Юк хиёл оғирлик қилган пайтида
Елкасин тутгандан қувват оламиз!

Ёшликнинг келбати нақадар ўктам,
Нақадар муқтадир, нақадар учқур,

Ахир, аждодлари эмасми шахдам,
Ушалардан мерос жасорат ва қўр.

Йигитлар, сизларга ҳавасим келар,
Бургутдай қуёшга керасиз кўкрак.
Оталар қўлида эртамыз кулар,
Сизнинг кафтингизда бутун келажак.

Юракдай лим ҳаёт орзу, амал ҳам,
Кўзингизда нотинч, тинч бутун жаҳон.
Бугунги яшнаган бепоёнлик кам,
Кўтармак бўласиз ойда ҳам хирмон.

Ҳаёт шу, Ишқ отли баҳор шавқини,
Қиш демай, ёз демай киради қонга.
Ҳеч ажаб эмаски, қизларнинг туни,
Сиз ҳақдаги туш-ла уланса тонгга.

Фақат она қалби, ернинг сиримас,
Сизга машиналар тили ҳам аён,
Идрок, иродага кела олмай бас,
Тоғдан кўчки кўчар, осмондан туман.

Аммо ажиб қизга дуч келган чоғда,
Қийғоч кўзларингиз боқар мулойим,
Измингизсиз бир ранг чақнаб ёноғда
Лол қилиб қўяди битта Гулоёмим.

Эл ишқи ёнида ёр ишқи, ёниб
Ҳеч чигал қолмайди сиз қилмаган ҳал;
Эрта баҳор бийдай саҳрога бориб,
Бир шаҳар қурасиз куз келган маҳал!

На бахтки, замонда йигит ва қизлар,
Усадн шовулдай етилиб дуркун,
Майли, эл гурури, оналар бағри
Ватан келажаги яшасин эркин.

Эй сиз, давримизнинг азиз аёли,
Ҳар чоқ сиздан эди қўшигим боши,
Оташ ранг юзингиз тиниқ ҳилоли,
Тилим боғлаб қўйди жамол қуёши.

Мунис бир латофат, назокат ўти,
Унга на ёз, на қиш беради завол,
Қошларнинг тўлқини, киприklar ўқи,
Юмшоқроқ дилларни кесар бемалол.

· Сиз фақат ҳусннинг маликасими?
Сиз ҳусн, сиз меҳнат, шафқат ва чидам.
Сизсиз мусиқа йўқ, йўқ адиб назми,
Сизсиз оила йўқ, сизсиз шуҳрат кам.

Қиз уч юз тоннали тоғ уйса ўзи
Ақлмас, ҳайратга тушади юрак.
Аёл иши қирқу, биттадир сўзи:
Ердан олтин бахтин топмоғи керак!

Сиз дала кезасиз онадай худди,
Ҳар экин тилини англаб бемалол,
Дағал юмушларни қиласиз удда
Инсон зотидан энг нозиктаъб аёл!

Аммо сир эмасдир, ҳаммага аён,
Ором оз, тиним кам иш қизиган чоғ.
Уйга тунда ҳорғин келасиз кўп он
Кўнгил очишлардан нарироқ сиз гоҳ.

Пилла шоширади, полиз ташналаб,
Уйда гўдагингиз қўмсайди кўкрак.
Жаҳонда не гап бор — билгингиз келар,
Рўзғор тузаб, китоб ўқиш ҳам керак.

Хуллас, сиз биласиз меҳнат, бахт нима,
Зафар яратишнинг аччиқ ҳам болин.

Салмоғи ўлчанар сиздайлар билан,
Шонли республикам жасур Аёли!

Шундай шодлигимиз, тантанамизда
Нозанин ва эпчил қўлингиз ёрдир.
Неки яратмайлик ҳур асримизда
Барида қўшиқдай қалбингиз бордир.

Беш йиллик одими қадим далада,
Мана илк йилининг хирмони тоғ-тоғ.
Сўнг чаноқни териб айни паллада
Янги ҳосил учун кураш қизгин чоғ —

Дехқондай юракка сиғмай қувонч, бахт
Ҳамма голиб қўлни сиқмоқ истайман!
Ёш раис аёл-ла қиламан суҳбат:
Довон жуда баланд, бари кенг, дейман.

Дейди: «Дуруст чоғи якунланди йил,
Ер таниш, куч аниқ, аҳд ўз аҳдимиз,
Биз ўтган бекатлар бўлмаган енгил,
Мушкул бўлгани-чун, қиммат бахтимиз».

Коммунист йигит-ла қиламан суҳбат,
Дейман: «Довон улкан, кўлами тенгсиз».
Дейди: «Шер фарзанди шер бўлар албат,
Коммунист ўз бурчин унутмас ҳеч вақт».

Қачон сиз беуфқ орзу қилгансиз,
Чорлар янги ишу янги қўшиқлар,
Юлдузли, юлдузсиз қаҳрамонларсиз,
Шунинг-чун ярқироқ яқин уфқлар.

Ҳа, беш йиллик доvon ҳар манзилига
Бир ёрқин, безавол бахт қурмоқ фарздир.
Эрта туғилажак ўктам фарзандга
Шундан парвоз бошла, демак ҳам қарздир.

Зафарли юракдан қутлаш эди аҳд,
Сиз бурчу орзуга олдингиз қамраб,
Сиз жони, сиз қони мен чекучи хат,
Қучувчи бир осмон юлдуздай жамлаб.

Худди юртимизнинг олтинисимон,
Хирмон оқ зарингиз муборак бўлсин.
Дўсту қардошликка садоқат, имон,
Янги зафарингиз муборак бўлсин!

Тавсифингиз олтин китоб қилса кам,
Қамтариш, бахтиёр меҳнаткаш халқим.
Сизга бир хирмонча шеър ёзмасам ҳам,
Бахт ҳаққи, қалбимдан қиламан таъзим!

ХОТИРА САТРАРИ

Бари унутилар,
унутилар тўйлар,
Кўкда булутлардан гўё беланчак ясаб
Сени аллалаган севинчлар баъзан.

Мақсад йўлидаги заҳмат унутилар,
Ишонган кишингдан келган сотқинлик,
Ҳатто ўтган ёшлик,
Утган умр чиқар хотирдан.

Лекин севги унутилмас,
Унутилмас ўлим,
Унутилмас уйнинг вайрон бўлгани —
Қолар дилда доғдай мангу сирқираб!
Унутилмас сени вайроналикдан,
Тақдирнинг зарбидан, ҳайроналикдан
Меҳрибон бир қўлнинг суяб олгани,
Нақ висол дамидай қолар ярқираб.

Унутилмас дардни эслаш ҳам оғир:
Тошкент кўчасида судралдим у кун,
Мудҳиш манзарадан оғир нигоҳим.
Қулаган уйлардай парчаланди дил,
Қонимни тезлатди яширган оҳим.

Ҳар ёқда фарёддан оғир бир сукут
Оёнингдан чиққан сотқин бир муштан —

Кечаги осойиш ҳаёт тўкилмиш.
Севинч, орзуларга,
Ишқ, ташвишларга,
Нуқсонга ва шонга —

Хуллас, инсонга
Паноҳ чок-чокидан шу тонг сўкилмиш.

Машъум гулдурашни эшитаман гўё,
Гўё ер остидан улкан мусибат
Чиқиб тортгудай бор жонли оёғин.
Тинглайман: кийикдай сергак оналарнинг,
Ранги-қути ўчиб ота бағрига
Биқинган гўдакларнинг унсиз сўроғин.

Сергак сукунатдан мен гаранг ва лол,
Қон уришим исён,

Нафасим фарёд,
Назарим кезувчи аланга бўлиб
Йиғлаб, сузиб юрар вайроналикда.
Меним кўҳна,

беҳад қадрдон шаҳрим,
Аждод, авлодимга дахлсиз маҳрим
Фарзандлари қолди ҳайроналикда.

Унутилмас ҳеч вақт вайроналикдан,
Сени гирдоблаган ҳайроналикдан
Меҳрибон бир қўлнинг суяб олгани.
Сенинг музлайёзган мажруҳ жонингга,
Қайта ҳаёт бериб офтоб солгани.

Шаҳрим кўчасида кезаман букун,
Тоғлардан тўкилган шалоладай тик,
Нурга тўлган уйлар сеҳрлар нигоҳ,
Севинчу аламга,
Меҳнат ва шонга,

Туғилиш, ўлимга,
Ишқу имонга
Ватан, бахт аталмиш нурли бир паноҳ.
У тонг, ер бағридан чиққан фалокат
Узра кўкдан тунда тушмади бу бахт.
Бошингга қор эмас, мусибат ёғса
Сувчинг бўлмаса мушкул ростлаш қад.

Бутун ўлка келди бизни суяшга,
Шаҳримизнинг очиқ эшикларидан.

Қуёшдай беминнат,
Чақиндай тезкор,
Кўҳна шаҳримизда: ҳеч қуламасга,
На йиллар, на селдан ҳеч нурамасга
Меҳрдай, садоқат йўғирмасидан
Уйлар қурди Дўстлик номли Бинокор.
Давримиз кўзидай кўкка интилган
Юксак биоларнинг сон-саногини
Билмам, кўзга шуъла урар унга қарасам.
Тақдирига кириб тошкентликларнинг
Аҳил оиланинг фарзандларидай
Саф-саф туришади елкадош, қардош
Садоқатда ичиб бир-бирига қасам.

Уйлар, қўшиқ каби ёрқин
Хаёлдай баланд,
Сон минг теразадан сачраган нурни
Юлдуздай иламан ҳовучим куйиб,
Ҳали бунча дуру ёқут ва қаҳрабони,
На қизим, келиним, на набирамга
Ипга тизмагандим бир шодлик туйиб.
Волга, Днепрдай,

Вахшдай,

Амудай

Янги кўчаларга ётган юлдузлараро

Худди эртактаги маликалардай
Мен кечиб ўтаман оқшом, тунлари.
Биламан, бу нурлар,

 Бу тўкилган юлдуз,
Шу уйларда боқий ором,
 Бахт кўзи.

Тошкентликлар энди қуёш ва дилдан
Ҳайкалга қуяжак ташаккур сўзин.

Тошкент кўчасида кезаман,
Қалбим

Кўксим яйратади ажиб бир қудрат,
Метинлаб қўйилган элларнинг меҳри.
Бизга ва келажак тошкентликларга
Юлдузларни сочган буюк мунажжим,
Дўстлик Меъморийнинг қилади зикрин.

1970

МЕНИНГ ТОНГИМ

Она тупроқ оромда ётар,
Олиб тунги рисқи-қудратни.
Менинг тонгим қалбимда отар,
Ўйдан, кўздан ҳайдаб зулматни.

Тундан тонгни узиб оламан,
Катта бўлсин деб ишли куним.
Қоғоз узра саҳар ёяман,
Бағишлайман умрига қўним:

Ой қолдирган момиқ изларни,
Кўчираман шеър сатрига.
Иситмовчи шўх юлдузларни
Пайвандлайман ернинг таптига.

Олов чеҳра қизлар қатида
Бахт тўқишга бераман фармон.
Токи яшаб инсон вақтида,
Қуёшга тик боқсин бизсимон.

Менинг тонгим бошланар тундан.
Кузатаман ғунча кулишин.
Тоғ ортида бошланар кундан
Япроқларда шабнам сўнишин.

Сийнадай оқ тонг уйғониши
Ҳуснига йўқ кундузда қиёс.

Саҳар бедор қушнинг хониши
Ажиб шодлик, ёниқ эҳтирос.

Қай уйдадир йиғлади гўдак,
— Бер онаси, хушбўй кўкракни!
Унга темир қанотлар керак,
Тарк этмак-чун бу тор йўргакни!

Узоқ-яқин деразаларда
Бирин-кетин ёнади чироқ.
Шошқин қадам, куй, пардаларда
Янги тонгга киради тупроқ.

Тундан юлган тонгим:
Гоҳ бир шеър,
Гоҳ ўқилган бир китоб бўлур,
Гоҳ умрнинг ўтган беҳосил
Саҳфасига бўм-бўш боб бўлур...

1970

1975

КАМАЛАК

Баҳор қўнидаман,
Йўл бўидаман,
Чексиз кенгликларнинг кўксида лола —
Нақ анор доналар сочиқ яшнайти.
Лола сайримизни бузиш ўида
Қўйиб берди жала,
Тошди шалола,
Табиат шу дам нақ ўктам, шум бола,
Уфқдан-уфққа кўприк ташлайди.

Мен-чи?
Менга кўприк ҳар недан керак:
Лолаларни кўзга,
Дўстлар танбеҳин
Баҳор нафаси-ла нондай оламан.
Не бахт!
Янги йўлга чорлар камалак:
Йўл — қўшиқ!
Инсонлар қалбига тагин
Янги қаҳрамонлик,
Мўъжиза тафтин
Забт этмак азмида жўнаб қоламан.

Камалак!
Нақ бизнинг буюк эртадай
Энг суйкум,

Энг лузум,
Азиз эркадай
Жозиб!
Мен йўл бўйлаб ташлайман қадам:
Оҳиста олинган кинолентадай,
Нақ эртақдан чиққан ёрқин бекадай,
Яйраб, севги каби силжийман хуш дам,
Шошмайман;
Тўрт атроф гўзаллигини
Илк чирой тарк этган жуссамга олиб,
Унинг етти иқлим кўрмаган рангин:
Рухсорим,
Лабларим,
Кўзимга солиб,
Диллар аро ғовни бузиб,
Вайронлаб,
Энг эзгу сезгидай ярақлаб, сузиб
Қирган дилларимни ҳайрат, ҳайронлаб,
Қаҳ-қаҳлаб,
Ярақлаб,
Чақнаб бахт дардин
Қонларимга қуйиб оламан ёшлик!
Юраман!
Ўтган йилларимни ўтмишга ташлаб:
Гарчанд на сотқинлик,
На бағритошлик,
На риё доғидан зарра бир нишон!
Бир қадар ҳорғинлик,
Таъбада оғирлик,
Ҳордиққа мойиллик туйғуси ғашлаб,
Умрим кемирса ҳам
Ҳаёт неъматидан тўкисман, шодон.
Юраман!
Йўлларим ёзги қуёшдек!
Йўлим — элим йўли,
Элим — қуёш йўлини йўл деб билган халқ.

Ҳар йил бир донами,
Юз дона, майли,
Улмаслик қасрига ғишт қўйган ҳар вақт.
Унинг камолоти,
Яратишининг,
Меҳнату ижод, шон таратишининг
Қайновлари ичра пишмакдан сербахт —
Ҳамоҳанг,
Ҳамсалмоқ қўшиқлар битсам!
Балки узоқ бундай мен ҳавасманд тахт,
Лекин мен интилган юраклар қат-қат —
Бирига бўлмаса — бирига кирсам!

Шукр, қалам ҳордиқ қилмайди талаб,
Демак, менга ҳордиқ кексаликдай ёт.
Ана,
Минг бир жилва билан чорлар камалак
Ваъда қилиб қалбга тинчи йўқ ҳаёт!
Ана етти рангда
Етмиш хил жило,
Бирин чорлар, аранг бир сирин очсам.
Сирлар билан жангда
Бир орзум сочсам,
Мингги билан бойиб довлар ошсам,
Дилдаги бўшлиқнинг барчаси ғойиб!

Қўшиққа айлангич гўзаллик кезар,
Уни ёлқин, жўшқин туйғулар безар.
Эҳтирос,
Истакни тутамлаб дилга
Отсам
Ундан янграб сачраб чиқар шеър!
Юрак-ла,
Қўшиқ-ла интилсам элга,
Менга энг мунис дўст бахш этар ҳар ер.

Қимнингдир бир оғиз танти иқрори,
Қимнидир титратиб оғушлаган нур,
Қимнингдир бир умр ўчмас дийдори —
Эмасми биз жон деб авайлаган қўр!

Бизнинг кўзимизда,
Томирда,
Қонда
Шу жоду кезмаса недан ҳарорат?
Билай:
Қайдан чўлда олтин ундирган,
Дарёлар жиловин,
Фазо яйловин,
Забт этиб, мулк этган инсон яйровин —
Янги оламдаги улкан матонат?
Олдда ярқирайди менинг бош йўлим:
Етти иқлим томон, етти йўл бўлиб.
Еттига парчалаб биргина дилим
Чақнаб чақмоқсимон,
Жозиб ва сўлим,
Чорлаб чақиради ажиб камалак!
Етмиш жилвасида шошқиниб юриб,
Етти жилғасида тошқиниб, тўлиб
Бир талай қўшиқлар термоғим керак!

1973

УЗОҚЛАРДА БИР ҚУШ САЙРАЙДИ

Ерларда қор, атрофда ҳаво
Чирсиллаб қотган.
Деразалар ойнаси наво
Торларин тортган.

Тун этагин судраб улгурмай,
Сайрай бошлар қуш.
Думбулгинам, қишга бўйсунмай,
Қўшиқ кўрдинг туш?

Илк илҳомнинг қанд оташларин
Сезиб томирда,
Отдинг севги, соғинч тошларин
Тоқат, сабрга?

Қор қаҳрига .кўтариб исён,
Чиқдинг тонг маҳал.
Бунда ҳам бор қишдан зериккан жон,
Баҳорга маътал.

Баҳор суви тарк этган танда
Югурди қўшиқ,
Чеҳрасига эриш оҳангда
Куйлай кетди шўх.

Оловли ҳис бўлиб ширин дард,
Тутди борлигин.
Наврӯзда куй, янги бахт қат-қат,
Ризқи борлигин.

Яна эсга солдинг, сайроқ қуш,
Сайраб тонг маҳал.
Ахир унга толеи ёзмиш
Қуйлашни азал.

1972

ЯНА БУГУН БАҲОРГА ЗОРМАН

Яна бугун баҳорга зорман,
Уз баҳорим каби шошқалоқ.
Яна бугун баҳорга зорман,
Кутавериб дил бўлди қадоқ.

Кел, тупроқни муз қобиғига
Олган қишни бир гўрга ҳайда!
Кутмоқ етди интиҳосига,
Куй ниш урар қалб номли найда.

Куйми, ғамми, оромми, азоб,
Не бўлса ҳам тўлғоғи оғир.
Қалбдан,
Тандан юлиб боб-боб,
Ким бўлса ҳам туғади охир.

Баҳор — қўшиқ, таваллуд фасли,
Бунда сенга чунон ҳам зор бор.
Энг беозор туйғулар насли —
Шеърларимга бир доя даркор.

Кел, дилдироқ қалбимни тўшаб,
Бўгин, бўғинимга олайн.
Фақат ўтинч:
Нур,
Шодлик қўшиб,
Йўргаклаб ол, мунг бўлса найим.

29. II. 72

ШАФАҚ

Шафақ нури гўзал, дейдилар,
Мен шафаққа келдим юзма-юз.
Жилвалари зарҳал, дейдилар...
Тонг мисоли тиндирмайди кўз.

Шафақ нури олис, дейдилар,
Қўл узатсам тутар қўлимдан...
Ҳароратдан холис, дейдилар,
Оташ ўсар менинг йўлимдан.

Шафақ умри қисқа, дейдилар,
Чўккан жондай ботар уфққа,
Қолдиргани ғусса, дейдилар...
Менинг жоним тўла қўшиққа.

Юрак заиф, идрок ҳукмдор
Ўтган йўлга боқаман лоқайд:
Қанча тошлоқ, жар, тепа, гулзор
Ўтилганин билмабман кўп пайт.

Фақат битта ўкинч: қаламга
Ўтган кунлар ўтказар ҳукм.
Чап бергандай кўп лаззат менга,
Ўтган қолиб, иқболга юргум...

1972

БИР ДАСТА ГУЛ КЕЛТИРДИ ҚИЗЛАР

Ойдин Собирова хотирасига

Бир даста гул келтирди қизлар,
Кексаларнинг тушидай латиф.
Бир даста гул келтирди қизлар,
Тонгдай оппоқ, қондайин ҳақиқ.

Бир даста гул келтирди қизлар,
Орасига бир шеър яшириб.
Гулни қўйдим гулдонга.

Ҳислар

Минг томиримда қуюн тошириб,
Тўлқинига қуёш тўшади...

Уйноқ дил-ла ўқийман шеър:
Дил тубида бўрон кўчади.
Мен зилзила кафтидаги ер
Мисол...

Бутун борлигим вайрон,
Уталмаган бурчдан хижилман.

Шодлигингиз недан бир жаҳон,
Недан Сизга шунча азизман?
Недан шунча муҳаббат, ардоқ,—
Фикр этмабман тантиқ эркангиз!

Бари экан:

Сиз интилган тоғ,
Бугундан оқ, дилбар эртангиз...

1972

МЕН ТУҒИЛГАН КҮН

Бугун менинг туғилган куним,
Мени туққан онам, Сиз қайда?
Бедор ўтиб бормоқда туним,
Бир оғриқ бор қон, жонда, пайда.

Туғилганман қайси соатда,
Қанча муддат сиз егансиз дард?
Қиз туғилиш дарди одатда
Бўлган экан Сизда бешафқат.

Бугун менинг туғилган куним,
Тўлғоқдаги ҳолингиз кўзда:
Курси қучиб курашасиз жим,
Қотма жусса гоҳ ўт, гоҳ музда.

Қора терда танҳо бошингиз,
Лабингиз — дашт жўягидай қоқ.
Оғзингизга тиқиб сочингиз,
Танангизга соларлар тўлғоқ.

Беш болангиз дарча ортида
Жонингизни кўриб ўтирган,
Менинг отам қўшни отида
Қим қайлардан доя қидирган?

Бор суякни чок-чокдан сўкиб
Ичингизга сиғмай кетган мен,
Танингизнинг тубига чўкиб,
Чеҳрангизга энтиккан-да мен;

Гоҳ дард тутиб, гоҳи у қочиб
Кўзингиздан сачратган олов.
Фақат азоб эшигин очиб,
Чекинишга қўйган бўлсам ғов;

Томирингиз бўйлаб эзганим,
Тўққиз ою тўққиз кун уйғоқ.
Беш ўғилнинг изиданлигим,
Сизлар интиқ қизча туғилмоқ;

Юзингизни кўришга шошган,
Кўзингизга кирмоқ бўлганим!
Кўксингизга ташна лаб чопган,
Сўзингизга муштоқ бўлганим;

Балки тандан қону ёшликни
Сўрмоқликдан хижолатлигим?
Юрагингиз бир қуёшликни
Сезиб, жоним роҳатдалигим;

Гўзал қалбнинг тагида ётиб,
Эзгу ҳиссингизда жўшганим.
Ноёб идрок сеҳрига ботиб,
Ухлоқ шеърга шогирд тушганим!

Ҳа, қонингиз, жонингиздаги
Бир жаҳонни уқиб олганим,
Барчасидан узилиш дарди
Яқинликдан қўрқиб қолганим —

Бари учун,— жаҳаннамий дард
Тўлғоғига отдим не муддат?—
Мен билмайман!

Самовий бир мард,
Жон туғувчи илоҳий қудрат —

Бўлганингиз онларга таъзим!
Азоб учун умримдай узр...

Барин такрор этдим мен ўзим,
Она бўлмоқ — азобли ҳузур...

1972

ҲАЁТ БУ

Ҳаёт бу!

Инсонга кутишдир одат,
Эртанинг бугундан жозибаси зўр.
Туйнукда кутгандай чақноқ саодат,
Кўлажак ҳар кимга кўринар ҳузур.

Ошиқма, ошиқма оромга!

Зотан

Бахту буюклигинг — бетинчлигингда.
Ғафлатда карахт бир ўтган умрдан
Нафратда ўртанган азоб ширин-да...

1972

ҚУЕШ УЗИБ БЕР

— Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,
Юрагимдан узган сингари.
Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,
Елғон бўлсин ўтнинг тингани.

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,
Борлигинга югурсин олов.
Кўзларингда маҳв этгувчи у ёлқин чақнаб,
Юзинг ёнсин гул каби лов-лов.

Кул, товушсиз қаҳ-қаҳангдан дурдай тишларинг
Оқ чақнаши қамаштирсин кўз.
Энг ярашиқ либосларда юрт кезишларинг —
Эди қандай ўктам ва дилсўз!

Ёнар тоғдай ҳис, тоқатни ниҳол бир танда
Олиб юрган мушкул онга қайт!
Ёниқ эди севинч, ишқ ҳам дард-ҳижрон санда,
Тоқ мисрали бўлганми ҳеч байт?!

Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,
Севинч, ёниш тори толмасин,
Сен тотмаган шодлик, лаззат дунёда қанча,
Сени билмай доғда қолмасин!..

— Йўқ!!!

Бир парча қуёшинга тўлмайди кўнгил,

Саҳий эсанг, борини тутқиз!
Бир бор номим ярим бўлган, кемтиклик мушкул,
Доғи қолган, дилда чандиқ из.

Менга қуёш қанот учун, парвоз-чун зарур,
Ахир кураш, бахтга лиқ жаҳон!
Қўлдан тутиб қитъаларга етказсин ҳар нур,
Тўкис, ёрқин куйга тўлсин жон!

Шеърларимда инсон бахти, океанлар кучи,
Тоғлар матонати урсин барқ.
Бўлса менинг куйимга ҳам чанқоқ ўқувчи
Бўлсин қуёш шодлигига ғарқ.

1972

ТУҒИШГАНЛАР

Қайда туғилганим билмаганимда

Энг бахтсиз,

энг басир одам бўлардим.

Инсон қадрин эъзоз қилмаганимда

Қашшоқ,

танҳоликда зиқна ўлардим.

Қайдан билар эдим:

роҳатдан кечиб

Қанча тақдирларга ҳамроҳ бўлмоқ — бахт,

Куйдириб,

иситмас қуёшни ичиб,

Маҳкум ва нотавон

музлаб ва қақшаб,

Умр кечирмайди инсон ҳеч бу вақт!

Бир чоғ тошни чақиб оташ олгандай,

Ўзи ғазабидан яратар чақмоқ,

Мақсад, истагидан олар тоғдай куч,

Ҳаёти йўлида кўради маёқ.

Етаклайди уни ишонч,

кураш, ўч!

Вақт!

Бедард созанда созлаган тордай

Зид, тифиз,

зуд, мутгасил таранг,

Тупроқ, нотинч дунё юкига нордай,

Бир зайил силжийди беисён,

бежанг.

Силжир... Чопар ҳаёт номли зўр карвон!

Шодлик,
Мунг,
жанг бўлиб чорлар қўнғироқ,
Бу тарз жангдан нилуфарлар юзлари алвон,
Қонларга ғарқ бўлган чуқур излардан
Гул эмас,
найзамас,
етим қабрмас,
Ҳар халқ тилагидан яшнап бир байроқ.

Қайдан билар эдим,
Қалбинг бўлса кенг
Беш қитъа ва осмон ҳатто сенга тор?
Уйлар исканжалаб, тутқун қушга тенг
Типирчилашингда қанча толе бор?

Йўл!
Нурдай, сочларим толасидан мўл,
Йўлдошим,
рақибим,
дард, қўшиғим йўл.
Ҳар бири чорлайди бошдан тушмоққа.
Ўзим-ку — бир зарра,
улуғ қуёшнинг
Толебахш нурига қорилган кукун,
Ейила оламан жамул тупроққа.

Севинчга — севинч-ла,
Хавфга, жунбишга
Кураш,
исён билан кираман эрдай,
Енаётган сувга,
гўдакка, қушга
Кафтимни тутаман халоскор ердай!
Дарёда ёнаман тоғдай сербардош,

Зарра зафарига фарзанд сингари,
Қувониб ўйнайман там-там бонгига.
Бахтиёр боқаман

кўзда севинч ёш,
Қабила, халқларнинг кекса тақдири
Узра отаётган янги тонгига...

Кўп болали уйда туғилдим, ўсдим,
Кўп тилли бир халқни оға, ини деб,
Ҳар ерда иззатга,

рашкка кўмилдим
Туғишганлик тўкис ҳисси бўлиб зеб.
Танимни иситган ёшлик, муҳаббат —
Қаламимдай даркор шу туғишганлар,
Ҳамма қашшоқликка,

ҳамма ётликка,
Ҳамма заифликка,
ҳар басирликка
Қалқон тизма тоғдай қўл тутишганлар.

1972

ЙИЛЛАР, ЙИЛЛАР

Муз куйдирар қалбимни,
Бор вужудим бўлар парт.
Ўт қучганда танимни
Тортганмидим бундай дард?
Чип-чип тишлар борлиғим,
Тишлаганин узади.
Бир совушга зорлигим
Чоғи энди тугади.
Муз куйдирар қалбимни
Дўлда қолган палакдай.
Илма-тешик бўлганман
Нигоҳу овоз яхдай
Нафасидан ўлганман.
Йиллар оташдан олиб
Муз қўлига топширди.
Дилни ўтига солиб,
Кўзларимдан тоширди.
Оқа бер, қайноқ кўз ёш,
Сўник чеҳрамда из кўп.
Юрак эмас-ку бир тош
Шўрли бардош берди хўп.
Муз куйдирар қалбимни,
Чип-чип узар тутганин.
На чора муздай келди
Аланга деб кутганим...

БУЛҒОРИЯ

Яшайсан,
 қуёшга,
 шаббодага шодсан,
Кўксинг,
 кўзинг шошар янги умидга,
Учқурсан,
 булутдан баланд қўш қанотсан,
Гаввосдай шўнғийсан баҳри муҳитга.

Тўлқинга ёйилган сочдай гоҳ ўй тарқоқ,
Гоҳ марҳум,
 гоҳ тирик тортар чувитиб.
Ҳамма ҳаёт сири —
 бахт сендагина ўтроқ
Уктамсан,
 истасанг ич қуёшни эритиб!
Нақ бирдан,
 нақ ёнда янграйди музика,
Ҳаводай киради сеҳр иплари,
Тонглар тортганидай
 тортар ўзига
Жонингда кезади ажиб ҳислари...

Мен сенинг ерингда, гўзал Булғория,
Гўё музиканинг сеҳрига тушдим.

Қуёш,
 кўл,
 ҳар қарич ер бир симфония,
Жаранг, шивир
 ўти, меҳрида жўшдим.
Ҳар зарра,
Ҳамма хотира-ю,
 ҳамма хаёлдан тортиб
Ўзи йўл бошлади,
 эргашди имлаб.
Витошанг илк тутган шаффоф сув қолиб
Сени шимирардим қисим-қисимлаб.
Эшитган, билганим барин қилиб хижил,
Кўрганим, сезганим,
 кутганим яшнар,
Юриб учрашганим,
 қонган сари бу дил
Чашма лабидаги жайрондай ташна!

Музика ҳаводай,
 тупроқ нафасидай,
Миллион хужайрамда минг тур жаранги,
Денгиз-осмон зангорлиги суюлмасидай.
Тупроқда тарих;
жанг,
 зафар,
 бахт ранги.
Мен сени билганим,
 ёлғиз бир байт экан,
Ўнта, йигирмата ўқилган китоб..
Қадам етгач,
 ҳар бир қалб кўзи етган
Ҳар зарра,
 ҳар юрак очар янги боб.
Музиканинг ёрқин — янги торларида
Бугунги бахтиёр ўлка кезаман.

Қон тўкиш, умрга кўз ёш тингани,
Бахт яратиш учун меҳнат синггани,
Юртда яшар, уни яна севгани —
«Тангри жаннатидан туҳфа» бу жойда.

Эрк, меҳнат,
 келажак фарзанди атроф —
Тонгги қуёшсимон яшнар чиройда.

1972

НОКЕРАК ҲАЯЖОН

Нокерак ҳаяжон солма танимга,
Солсанг бўйсунгиму ичимга ютгум.
Қанча бўлди тандан мен узганимга
Ҳамон йўлинг тўсмай, йўлингни кутгум.

Мен эккан бир боғсан, кирдинг ҳосилга,
Энди ўз боғингни ўстирмоғинг фарз.
Қанча иш, шодлик, дард, меҳр жо дилга,
Уктамсап, умримча ҳар нега мен қарз.

Фақат ўтинаман, сенга ҳам бенаф,
Нокерак ҳаяжон солма танимга,
Қодир эсанг таним дардларин эт даф,
Ярай зўр ризқ бериб яйратганимга!..

1972

БЕДОРЛИК

Уйқу қай чўлга кетди,
Менга мерос этиб тун.
Тун кайфимни тунд этди,
Дардимга тамом ёт кун.
О, тун, сен менга ёвсан,
Оз сахний бўлдинг менга.
Леккин бесўз, асовсан,
Ҳар куни дучман сенга.
Сен қўйнингда келтирган
Турфа шодликка чек йўқ,
Тунлардан сеҳр терган
Қўлимга тез теккан ўқ.
Сени қарғаб, қарғишлаб,
Мен саҳарга чопаман,
Тоқатни тишга тишлаб
Излаб тонгни топаман.
Тонг бахтлилар жамоли —
Симон кулиб кетаман.
Зумда етиб заволи
Яна сенга етаман.
Қасоскорман!
Тунлардан
Қун топмоқни этдим кашф.
Қалбимдаги нурлардан
Тун зулмати бўлар даф.

1972

АЗИЗ ТУЙҒУЛАР

(Туркум)

БАҲОР БУЛМАСАЙДИ

Инсон кўзларида жон олар баҳор,
Барча томирида унинг тўлқини.
Утмишнинг беҳуда они каби қор.
Без, бедард эриб кетар учқуни.

Инсон кўзларида жон олар баҳор,
Уйинқароқ гўдак сингари булут.
Кўк қовоғи уюқ,
ёрқин бир виқор
Кишилар қалбидан боқар бўлиб ўт.

Баҳорнинг сеҳргар боқий чиройи
Ешу кекса кўнглини овлайди бирдак.
Кўзгуни синдириб ташлар,
Қиройи
Ҳар кишининг ёши бу фасл дилдак.

Ҳар нурга,
ҳар қушга,
ҳар куртакка шод
Бениҳоя яқин бўлади йироқ.
Гўё сенсиз ҳосил бўлади барбод,
Ҳар тикилган чигит кўксинг этар тоғ.

Баҳор бўлмасайди, одамзод албат,
Узи кашф этарди, кашф этгандай бахт...

НЕВАРА

Улуғбекка

Неварам қуюндай отилиб кириб
Қаламим тагидан қоғозни юлар.
Дамда варрак ясаб кўкка учириб,
Изидан қоп-қора кўзлари юар.

Варрак тортар шекил, мурғакни куч-ла,
Оёқ тираб силтар дакани кибор.
Айрилиб қоғоздан, шеърдан ва ҳушдан
Боқаман варракбоз жонга бахтиёр.

Нақ бобоси сиёқ зиҳиндай тийрак,
Кўкиш алангада ёнар сочу қош.
Борлиғи эзгу бир ўт бўлса керак,
Томирларда қонмас, кезади қуёш.

Дака варрак тиниқ зангори фазо
Тубига интилар, шўнғир нақ хаёл.
Талпинган кўксингда, болакай, не бор,
Сен иқболга, сенга не тутар иқбол?

Невара бўлмаса, одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

МАЖНУНТОЛ

Яланғоч дарахтлар ора мажнунтол.
Шоир хаёлидай латиф, серҳашам.
Бутун новдалару танлари зилол,
Шу ерда таваллуд топмиш илк кўклам.

Зилол бу ёмғирнинг тагида бир чол
Умр ва қиш юкларидан гўё олар дам.
Юз-кўзида яйрар баҳорий хушҳол,
Кифтга зилол толдан тўн ёпмиш кўклам.

Мажнунтол йиғлоқи, боши хам дерлар,
Қўлларин чўзган-чун тупроқ тафтига.
Ҳаёт-чун, ҳусн-чун, ризқ-чун таъзим-ла
Лабларин қўймоқчи сахий кафтига.

Дарахт ҳам инсондай, ердан олар жон,
Инсон қачон ердан кетган узилиб?
Мажнунтолда зилол шодлик бир жаҳон:
Яшайди тупроққа садоқат бўлиб.

Садоқат бўлмаса, одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

НАЗДИМДА

Наздимда асаблар бўлмиш увада,
Худа-беҳудага бўламан фиғон.
Фитна, дағалликми фикрим чувалаб
Шодлик оқимига ташлайди тўғон.

Шўнгийман покерак икир-чикирга,
Шунча яшар кўзда қалқиб қолар ёш.
Лекин онг, қалбдами дард билан бирга,
Балқир отам изми, онамдаги дош.

Отам пўлат букиб, омоч қуйгандай,
Қогоз узра мен ҳам юритаман омоч.
Қўриқ қатламида бўстон туйгандай
Дил ундар: «Заррама-зарра ҳамки, оч!..»

Борлигимни йигит қудрати қучар,
Руҳимга ойдаги бокиралар ёр.
Ишлайман, қатламлар кўчкидай кўчар,
Мен туйган бўстонлар чорлар сервиқор.

Меҳнат бўлмасайди одамзод албат,
Узи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

БОҒЛАР ҚИЙҒОС ГУЛДА

Боғлар қийғос гулда — яхлит бир чаман,
Ҳар дарахт анвоһи бир тароватда.
Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,
Ўзга кўрк,
Ўзга ранг ҳар бир дарахтда.

Ҳар навда бир гулда,
 ҳар гулда бир рўй,
Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя.
Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,
Бири-бири учун қудрат, ҳимоя.

Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,
Билмам, қайда толе серзавқ, сержило?
Ялпи тўлишади бедахл юртимиз,
Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё.

Бир қардош тинчисиз — ўзга беором
Бирининг пописиз — ўзга эмас тўқ...
Бу — қадим дунёда янги бир олам,
Бунда орқа тоғсиз бир тирк жон йўқ.

Таянч бўлмасайди одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

ОРЗУ

Орзу, иш кучимдан кўринур зиёд
Чала қолишидан ёнаман рашкда.
Сеҳргардай тортар багрига ҳаёт,
Бошим, қалбим, қалам қолар талашда.

Ҳаводай эркалаб,

вақтдай шошириб

Гўзаллик,

Мушкуллик,

Дард,

Лаззат қучар.

Денгизни қимиздай обдан шопириб,

Тўймай, дил фазога кемадай учар.

Гоҳ Чорвоқ ГЭСдаман,

гоҳ Таллимаржон

Офтобида куйиб ташийман тупроқ.

Мен қулочлаб сочган чигит бир майдон

Пахта бўлиб тошар, кўз оқимдан оқ.

Бу орзу,

Бу умид,

Бу эзгу уфқ,

Менинг қад, қиёфам, қалбим кенглиги,

Хотима йўлига ташланган тўсиқ,

Яшаш ишқин мангуликка тенглиги.

Орзу бўлмасайди одамзод албат,

Узи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

БАҒРИНГДАН ҚУИМА

Майли, заифлигим,
 кўз ёшим суйма,
Ялқовлигим, нуқсим экан бедаво,
Мен тортган дардларнинг заҳрини туйма,
Туйганда инжитиб бердингми сазо?

Бахтдан, бахтсизликдан қолсам довдираб,
Сенга қўшиқ айтиб, сенга дейман дод.
Ёнсам сув сепасан, сўнсам ёндириб,
Бошингга кўтардинг онадан зиёд.

Йиллар қанча олиб кетса — шунча яқинман,
Борган сари ортар тотли насибам.
Қайга бормай қайтгум, сенга интиқман,
Менинг оҳанрабо, менинг нашидам.

Қонимдаги ёниш, бебош ҳисларим,
Қоникмас таъбимни зиқликка йўйма!
Қайноқ суйгум,
Куйим,
Совуқ жасадим,
Она-Ватан, ўтинч, бағрингдан қўйма.

Ватан бўлмасайди одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.

1972

МЕН ЕРДА ТУҒИЛГАНМАН

Мен ерда туғилганман,
Қушдай кесаман кўкни.
Қуёшдан тўкилганман,
Ушлай оламан ўтни.

Тақдирим тонгга эгизак,
Гарчанд кўзим туннисол.
Қўлда қаламим эшкак,
Океандай чексиз хаёл.

Булутдан юксакликда
Бита оламан шеър.
Қирар учқур какликдай.
Илҳом бўлиб она-Ер.

Гулхандай яшнайдн тонг,
Тонгдай ҳар нарға нурли.
Нурдай серқувонч,
сербонг,
Шу ерда инсон умри.

Юлдуздай чақнайди тун,
Юракдай ҳаёт уйғоқ.
Ҳар тундан туғилар кун,
Севгидан фарзанд сиёқ.

Гулхандай тонг,
Ерқин тун,

Қайноқ кундүз,
Гүзал шом!
Сенда инсон бұлган-чун,
Сен ҳаётга тўлиқ жом!

Шу тонг арафаснда,
Сенда очибманми кўз,
Умр аравасига
Истамайман тушсин куз.

Бўлса ҳам умр чинор,
Майсага қилгум сажда:
Тўлқинида ёшлик бор,
Ёшликда қўшнқ авжда.

1972

МАҚТАБ ОЧИЛДИ

Янги мактаб битди қишлоғингизда,
Бугун очилади катта эшиги.
Шод юрак ва гуллар қучоғимизда,
Олдинда илмнинг нурли бешиги.

Янги мактаб — янги шодлик сингари
Қучоғига чорлар сизни, ўғил-қиз.
Бунга қуёш кирган сиздан илгари,
Нурин ташлаб кетган сизларга юлдуз.

Мактабингиз гўё колхоз кафтида,
Атрофда кенг дала — жаннатмисол боғ.
Шамолу қуёшнинг қайноқ тафтида
Меҳнаткаш қўлида яшнаган тупроқ.

Мактаб давримиздай ажиб дунёга
Сизни олиб кирар муаллим, меҳр,
^ Ёр бўлгач кўзингиз илму зиёга,
Қай фан ўз домига этмайди сеҳр?

Қим билади, бу кенг дарсхоналарда
Не-не ниятингиз топади камол.
Сизнинг онгингизда афсоналардан —
Гўзалроқ истиқбол очади жамол.

Боғбон ардоғида ўсгандай ниҳол,
Ўсасиз меҳрибон, нурсимон қўлда.

Ұмр томирига берувчи завод,
Ўтмиш зулмати йўқ сиз кирган йўлда.

Бўлур дилга қанот, мақсадга машъал,
Ленин алифбосин нурли сабоғи.
Янги боғбонларга ҳаминша маътал,
Санъату меъмору маърифат боғи.

Биз улгурмаган ишлар — сизларга муштоқ,
Янги соҳибларин кутар келажак.
Сизнинг қўлингизда бу она тупроқ,
Бизлар ололмаган ҳосил беражак.

Бу қаср қурилган сизларга атаб,
Яйраб, яшнаб ўқинг, олингиз таълим.
Кутар она каби меҳрибон мактаб,
Отадай талабчан, азиз муаллим!

1972

ОРАДА САҲИФА ҚОЛИБДИ БЎМ-БЎШ

Ёзардим.

Асабу фикрим савалаб,
Варақлабман нафис дафтарим дағал.
Бўш саҳифа қолмиш,
Қалб тубин кавлаб,
Тимдалайди энди ахтариб ғазал.

Уртада саҳифа қолибди бўм-бўш,
Нақ ёшлик — кексалик уфқлари ора.
Оро йўл — гўёки жароҳатли тўш,
Гоҳ битиб, очилиб тургучи яра.

Оро йўл... Мен ўтган ҳаётнинг мўли,
Учли меҳнатларнинг ёрқин довруғи,
Энг жонли куйларнинг тўқилган йўли,
Етим муҳаббатнинг ўчмаган чўғи.

Оро йўл...

Бир жоннинг минг бир тоифа
Тўқислик,
Ўксуклик,
Кибрига шоҳид.
Кўз ёш чақнаса ҳам, шеър тожида
Толе шотисиди чопмоққа хоҳиш.

Оро йўл...

Қалбимдан юлинган бир бахт,

Вайрон бўшлиғида ўчмаган олов.
Қайта бир ҳокимга буюраман тахт,
Арзон ҳаваслару,
 ҳирсу ирсга ёв,

Ўзгалар бахтидан севинчи тошган,
Инсонлар қалбида кўтарган кўкка,
Шаъни сарҳадлардан ошкора ошган
Бутун борлиғи-ла бахшида юртга...

Табиатда бўшлиқ бўлмаганидай,
Умримда бир бенаф йўқдир оро йўл,
Қудуқ ҳеч жаҳонда тўлмаганидай,
Асло тугамасин менга оро йўл...

1973

БУРОН ҚУЧОҒИДА...

Бўрон қучоғида қолдим бир оқшом,
Табиат ва қалбим ичра тўполон.
Нақ илк бор май тўла сипқаргандай жом,
Бир қанотим ором,
Биттаси туғён.

Тўлқинга ташланган кемадай қалқиб,
Қудратли, меҳрли қирғоқ излайман.
Бўронни қўзғотган боисни олқиб,
Борлиғим юлқиган қўлни сизлайман:

Олинг, оёқларим ерга тегизмай,
Қаёққа учсангиз, шу ёққа учай.
Қалбим, хаёлимдан қулочлар ясаб,
Ҳеч ким қучолмаган чақмоқни қучай.

Унинг парчаловчи мудҳиш ўтидан
Хаёлдан ҳам эзгу яратай қўшиқ.
Яшин дарахтининг олов ҳуснидан
Ернинг лабларига сочилсин учиқ...

Қани, авжга кўтар бор жазавангни,
Юз томондан силта изғириқ қамчинг.
Танам бўйлаб ҳайда ўт аравангни,
Дўл бўлиб ёғилсин ҳаётбахш томчинг.

Юлқи ва тортқила!
Бос бошларимдан,
Билай, яна етар неларга кучим.
Бахт ёнлаб ўтган у гул ёшларимдан
Қолдимикан ҳеч не, азиз ўқувчим?

Ўлтирибман бўрон ичра сервиқор,
Мен суянган токнинг сирқирар занги.
Иккимизда бир хил пўлат чидам бор:
Изтироб меваси,
Шодликнинг ранги!

Бўронсиз юрак-ла ўлардим карахт,
Бўронсиз табиат кўки яшинсиз.
Насиб бўлмаганда шеъриятдай бахт,
Қашшоқ ўтар эдим йироқ, яқинсиз.

1973

МЕН ҮТГАН УМРГА

Ҳаёт китобимни беҳос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

Қийганим шакми,
 читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоҳ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайини умримга ўхшаш;
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иzzат нима билдим,
Шу-да, бир яшаш!..

1973

ЗАКОВАТГА ҚАСИДА

Селекционер олим Содиқ Мираҳмедовга

- Шуҳратнинг қаноти пўлатми, пардан,
Сойдек ёйиларми
ё елдек учқур?
Бахтиёр сезганда яратишлардан
Инсон ўйлайдими у ҳақда бир қур?
Нимадир учқундай сачраб, куйдириб,
Тунлар уйқу бермас, кунлари тиним.
Ўлиб севганингдан ўзин суйдириб,
Фикринг пармалайди бир ўзингда жим.
Гоҳ бу пармалашдан кўришиб манзил,
Ненидир баридан тутган бўласан,
Етдим деганингда — сирғалиб енгил,
Тушда қолган бахтдан ранжиб куласан.
Билмайман. Неча йил мия қатламин,
Қазиб неча марта чигит экилди йилда.
Умид неча яшнаб, неча сўнганин,
Неча бор ишончлар соврулган елда —
Билмайман.

Ва лекин дала кезганда,
Пахтакорда кўриб метнидай ишонч,
Билдим:

Мўъжиза бор инсонда, фалда.

Билдим:

Қандай чексиз зўрлигин қувонч.
Ғўзалар бўйим-ла ўлчапмайди бўй,
Лекин кўсақларнинг саноғи узун.

Ҳосил мўллигидан менда ёрқин ўй,
Ифтихорим тутса бўлар ер юзин.
«Тошкент—бир», «икки-ю», «Тошкент—уч»лардан
Республикам кўксин тутди оппоқ дур.
Табиат ташлаган дарду ўчлардан,
Инсон устунлигин исботи шудир?
Пахта — трактордай келмаган кеча,
Деҳқоннинг еридан омочни суриб.
Танобдан йўл олиб неча ва неча
Миллион гектарларга асрлаб юриб.
Деҳқон ажодлардан келган зар мерос,
Вазин миллионларга ўтган қадоқдан.
Лекин қанча заҳмат, офатдан халос
Қилди инсон ақли кашф этган бу фан?
Ҳосил ваъда қилган водий лиқ ғўза,
Бўлмадими гоҳ вильт, гоҳ қордан нобуд?
Мана барчасини енгиб мўъжиза,
Пахталар элимиз этади хушнуд.
Юксак минбарларда пахтанинг мадҳи,
Чароғон ўйларда мўллик, тўкинлик.
Бир деҳқоннинг эмас, бутун халқ бахти,
Қудрату қардошлик, бағри бутунлик.
Шухратнинг қаноти пўлатми, пардан,
Билмайман.

Меҳнат у, фидокорлик у,
Борлигинг кашфиёт қамраган дәрда
Шухрат истаги ҳеч соларми ғулу?
Лекин «Тошкент—бир» икки», «Тошкент—уч»,
Зар қадрин билган халқ тилида дoston.
Билдим заковоту фан, меҳнат не куч!
Эл кунига қандай ярайди инсон!..

1973

ДАЛАЛАРДА КЕЗМАҚДА ГАШТ БОР

Гоҳ-гоҳ далаларни кезмақда гашт бор
Карахт борлигини қучиб ҳаяжон.
Биласан, сенинг ҳам қалбингда дашт бор,
Сенинг хаёлингдан тезкорроқ замон.

Ҳаёт энг ҳассос бир қаламкашсимон
Ўзи ёзиб, гоҳо ўчирад ўзи.
Фикринг алғов-далғов қилиб нақ бўрон,
Кўчкилар кўчириб очади кўзинг.

Қалбингдаги даштга силжир қайноқ ўт,
Каналлар-ла кирган сувдай ҳаётбахш,
Сен кийикдай енгил, ёшинг ҳам унут,
Уйғона бошлайди шу дилдаги дашт.

Далалар... Куз фасли либоси серранг,
Осмон гоҳ ўт очар, гоҳ солар қовоқ.
Дейдилар:

Далада бормоқда зўр жанг,
Дала-чи, тонг каби боқади оппоқ.

Жанг борар инсону табиат ора,
Гўзал, ажиб жангдан дилларда сурур.
Жанг қизиган сари инсон тобора
Руҳида сезади виқорли ҳузур.

Далани денгизга таққос этган чоқ,
Балки билмаганмиз денгиз кенглигин?
Мана, дала уфқи уфқдан йироқ,
Билдик шу таъбирга энди тенглигин!

Чамалай билмайман унинг сатҳини,
Бир карвон зангори кемалар ишда.
Ҳар бири бир дунё олтин пахтани
Хирмонга тўкар бир шўиғиб чиқишда.

Хирмон! Хирмон деган сўз ҳам ўтмишдай,
Тоглар-ла бўйлашган хирмонлар қайда?
Бункерлаб келтириб тўккан кумушдай,
Насиба қолмайди бир дам бу жойда.

Бункерга машина қўйинини тутиб,
Елкага олади бу азиз юкни.

«Қурит!»,

«Қопла!»ларнинг устидан ўтиб
Тўппа-тўғри олар заводга йўлини...

Далаларни бу дам кезмакда гашт бор,
Қалбинг, тушунчангин босмасин-чун занг,
Тупроғу инсонда қанча қудрат бор,
Не маъно кашф этминч бир чоғ мудҳиш «жанг».

Ғуж-ғуж чаноқлардан тошмоққа шошиб,
Лўнда-лўнда дурдай пахта боқади,
Қушлик нормаларни, ҳафтаин ошинб,
Руҳда иштиёқдан гулхан ёқади.

Ва сен ҳам сезасан меҳнатнинг қадрин,
Қалбинг бир ерида сизғир хижолат;
Ёзнинг иссиғию ва қишнинг қаҳрин
Кўтаришга сенда етганми тоқат?!

Уша қаҳратондан, шу саратондан,
Деҳқон меҳнатидан водийлар тоғ ранг.
Олтиндан ҳам қиммат шу бойлик бу дам
Бугуннинг нафасин қилар сержаранг.

Ол, Зухражон, мени зангор кемагга,
Шогирдми, кўмакчи, ким билсанг ҳам, ол!
Қўнғир соч, туташ қош узра соф чангга
Боқиб дейман: чанг ҳам очаркан жамол.

Ол мени, оқшом пайт, офтоб чўкиб,
Сен ёққан чироқда чақнаган пахта.
Бир бункер бўлса ҳам келтириб тўкиб
Узин бир ҳис қилай сендаги бахтда!..

Далаларни бир дам кезмакда гашт бар,
Ваъдалар вазнини сезмоқ учун ҳам,
Нақадар бурчимиз шонли, улугвор,
Нақадар пахтадай қиммат ҳар бир дам.

1973

ИСЕН

Нега мени шунча заиф
Яратдингу ишқ бердинг яна,
Қалб дардига топмайин табиб,
Мажруҳ тан-ла яшайман, мана!
Нега бердинг шунча неъматни,
Кўз-кўз қилдинг атаб бахтиёр.
Битта-битта тортқилаб бахтни
Олмоқ экан сенда ихтиёр?
Улимдан ҳам қабиҳ йўқ!

Аён,

Қолавердим мен ҳам солиб дод,
Додлаб, ёдлаб ўтди кўп замон,
Дод ўтидан исинмиш қай зот?
Кўрмаганинг — этмас чирой касб,
Сезмаганинг — на ғам,

на қувонч.

Иккисининг бағрига ташлаб
Саботимга топмайсан ишонч!
Ҳайратингдан кучлироқ қудрат
Мени олиб юрипти кафтда.
Мен шодликни олмайман пудрат,
Юғураман қалб билан вақтдан,
Сен бермаган тоқату камол
Бири ўзда,

чорлайди бири.

Минг бир шодлик кўрсатиб жамол,
Азиз, лазиз этар умрни.

1973

БЕКОР УТГАН ДАМЛАР...

·Ҳаёт қайнар кўкда, сув, қуруқликда,
Бетиним оқади тез шалоладек.
Бахтиёрсан сен ҳам шу уйғунликда,
Инсон ўз азми-ла ҳар дамин безар.
Кундузга оқшомлар қўйганида чек,
Бекор ўтган ҳар дам тош бўлиб эзар.

Майли, эсин,
Дардсиз тириклик ҳам йўқ,
Фақат бўшлиққина бедард, беозор.
Ташвиш ва шодликсиз ўлар-ку қўшиқ,
Шоир қалби куйсиз — бастакорсиз тор.

1973

ЎАВҲА

Чақнаган қиш.
Момиксимон қор —
Атроф ва борлиқни қучмиш серардоғ.
Нақ оппоқ тўш,
Излар беғубор,
Бокиралик ҳоким, ҳамма ер бедоғ.

Ниҳол дарахтларга енгил қўнган қор
Қўринди гуллаган олуца бўлиб...
Менинг қалбимда ҳам уйғонди баҳор
Ўзгалар шодлигини ўз бахтим туюб...

1974

ИЙМАНИБ АЙТМАГАН...

Ийманиб айтмаган гаплар кўп экан,
Дарёга қўшилган ирмоқдай ёрқин.
Айтилмай қолгани ажаб ўт экан,
Дил қудуғи сатҳин уриб нақ чақин —
Ланжлик, сукунати қилмоқда кул-кул,
Дейди:— Наҳот ўз-ла олиб кетасан?
Инсонлар ичида қолмоғи шарт ул,
Айтмасанг янгига қайдан етасан?
Туйғулар!
Тўфондан бир дам олинг тин,
Кўксим садосига солингиз қулоқ;
Ахир, кезиб, дунё кўрганинг сайин,
Журъатни қамчилаш экан мушкулроқ.
Туйғулар!
Тутаган вақтингиз ўтган,
Ҳайқириб куйлашга қодир бу қалам!
Лекин сўз порласин мисоли гулхан,
Чақнатсин учқуни тушган дилни ҳам.
Ҳамма нарса насиб сенга беўлчов,
Фақат, фақат, фақат умрдан ўзга.
Ҳаёт-чи?
Олдда бўзраяди «шош» деган ундов,
Кўкламдай киради кўзга...

1974

ДОЛГАЛИ БИР ҲАЁТ...

Долғали бир ҳаёт ёр қисматли у:
Ишқига табиат ўзи ҳавасдан
Ҳасад қиличи-ла ташлади чопиб.
У ишқдан девона,
Ҳижрондан ёна,
Ёна бағри куйиб,
Оташи тошиб,
Кўзларин ҳаётга каттароқ очиб,
Нақ жароҳатли жайрон қайтадан турди.
Афсонавий жондай чопса — чопилмасдан,
Ажал ахтарса ҳам ҳеч топилмасдан,
Туғилмоқ маъносин яшашда кўрди.
Қуёш муз қатламин эритганидай,
Ёшин артаверди яшаш истаги.
Ер баҳорда қишни унутганидай,
Қулф урди қалб, онгда орзу куртаги.
Бирдан думбулликдан қолмади асар,
Эрка шодликларин ютса ҳам кадар,
Қайғу селларига тоқат тоғидан
Энг қирра тошларни отиб яшади.
Одамлар!
Не бахтки бўлса жонида,
Онадай эъзозли тупроғимизда
Ёшлик ўти кезиб юрса қонида,
Уни фақат Сиздан олиб яшнади.

1974

ТОМЧИЛАР...

Тун.

Яна уйқу йўқ,

Ғувиллайди бош.

Қандай ёрилмайди қон қамчисидан?

Чоғи, томирларнинг арқоғи бардош!

Недир чарсиллайди не томчисидан,

Билмоқчи бўламан.

Борлиғим — асаб,

Борлиғим — сергаклик — соламан қулоқ:

Юрак бир дам эди тиш сатҳли булоқ,

Томчи томаверди гардишлар ясаб,

Минг зайил зарбидан бўламан гаранг.

Томчи лоқайд эмас,

Томчи сержаранг —

Тўкилади томчи — борлиғи сабот.

Томчилар сийқамас,

Томчилар серранг,

Ғафлат эшигини қоқар шеър шадлол!

Бу чинни томчилар —

Олтин минутлар,

Ҳар бири замонанинг завқига тева,

Бурчим бўлиб гоҳ-гоҳ

Лутфан бир йўқлар —

Мендан ҳам кафтгина ярашиқ мева...

1974

КУЗЛАРДА ЮЛДУЗ

«Чеҳранг субҳидамнинг нуридай тиниқ,
Наҳотки шуълада ювилган юзинг?
Ўтдай куйдириши силайди илиқ.
Яйрар дил қанчалик бўлса ҳам синиқ,
Айт-чи, кўзларингда борми юлдузинг?»

Осиё гўдагин илк офтоб қучар,
Чўмилтирар доя нурда қоқ кундуз.
Ёшликдан қуёшни шимириб ўсар,
Икки дунё тунин қамраб икки кўз.

Аёл юзин кўплар ўхшатар ойга,
Балки юлдузларга ёндашмоқ тилак?
Дуч келгач буғдойранг содда чиройга
Ўралиб қолади мисли ишқпечак.

Бу кўзлар тунлару кун юғурмаси,
Қуёш куйдириши, тун роҳати бор,
Киприкка тортилган ҳинду сурмаси
Жодулик бахш этган, дегани бекор.

Жоду — туғма бир ўт! Самодан кўчиб,
Жуфт сайёра балки бўлган унга жо?
Риё, хиёнатнинг борин куйдириб,
Унга мерос қилган рашк, чидам, вафо.

Шу болс энг тишиқ бир кўзгумисол
Шодликми, орзуми, аламми, оҳи —
Бокира ва тераи қалбда неки бор,
Ошкора акс этди ёлғиз нигоҳи:

Чиммату зулматда ютилган олов,
Олиномаган қасос, заиф мутелик —
Бари кўзга чўккан ёнолмай лов-лов,
Шундан тунги кўлдай сирларга тўлиқ.

Бу сирдан асрлар тўқишиб ғазал.
Не шуҳрат аршига чиқди не шоир.
Ғазал қолаверди лутфига маътал,
Бу кўзларга кирмоқ бахтига қодир —

Толе ёр кам бўлган,
Лекин мадҳия
Неча тил, лаҳжада ёзилди лак-лак.
Фусункор кўзлар-чи, на тик, на қия
Боқмаса ҳам куйни яшатди жондек...

Осиё қизларин илк қуёш ўпар,
Гўрғаклаб олади шуълага доя.
Лекин энди ўзи қуёшни қучар,
Ўзи — янги бахтдан янги ҳикоя.

Сержоду чақнайди кўзлардаги ўт,
У дил тўлиқ эрку бахту меҳрга.
Мардумида макон топган она юрт,
«Тунги кўл» лиммо-лим нурли сеҳрга.

Ҳатто нуқс бўлмас гоҳ қалқиб қолган ёш,
Ёмғирсиз бўлурми йил бўйи кундуз?
Тақдирин, ҳаёти, жонида қуёш,
Ҳа, кўзда сизларни куйдирган юлдуз!

1974

ОФТОБ, СЕН БОРЛИҒИМ!

Бир шифохонада дардли тан билан
Тиямовчи юрак-ла ётаман танҳо...

Қувон, яна ёрқин тонгга стишдинг,
Тундан омон чиққан жонинг сийлар нур.
Қувон, деразангдан салом эштдинг,
Жуфт кабутар сайрар илк баҳорга жўр.

Яна кўзларингда сен билмаган кун,
Ҳамма кунларингдан гўзалдай гўё.
Раңсиз қўл, юзингда ўйнар офтоб,
Кўрганмидинг шундай ҳаётбахш рўё.

Сенга етгунимча жунжикди таним,
Томиримда қонлар қолди ғилдираб.
Офтоб — менинг ёрқин, содиқ ватаним,
Кўзларимдан севинч ёши милдираб —

Боқаман. Упкамни яйратар ҳаво,
Қуёшим, мен сендан оламан шодлик.
Кўзни қамаштиргич нуринг дардимга даво,
Ҳаёт яна гўзал мисли озодлик.

Мана, оппоқ хонам шуълага макон,
Бинафша бўйндай яйратди таним.
Офтоб! Сен борлиғим тирик тутган жон,
Сен ёлғиз мангуга ташлаб кетарим...

1974

МЕҲМОНЛАР КЕЛДИ

Очинг деразани!
Очинг, меҳмонлар келди.
Тасвиридан ожиз,
Мен ном топмаган,
Латиф,
Куйдор,
Нурдор
Шамоллар елди.

Баҳор ҳали кўкда,
Бениш куртакда,
Ғунчада, бинафша баргида бўртар.
Очинг деразани, унинг ортида,
Кўпчиган кўкрак-ла,
Нурга қорилиб
Лутфан гу-гулайди бир жуфт кабутар.

Очинг деразани! Қирсин хонамга,
Мен унинг қувончин кўрмоғим даркор!
Қим билсин, қушдаги гўзал оламга
Суқулмоқда катта, қўпол гуноҳ бор?
Ана, сайрашади нурга қорилиб,
Мендан олдин баҳор сезган кабутар.
Балки қуш қалбидан куй бўлиб ёниб,
Баҳор менинг танним, дилимга ўтар?

Ошиқ дил ҳам ҳуркак,
Ҳам беҳад жасур,
Иккисидан ўсар битта муҳаббат.
Очинг деразани, гу-гулашсин ҳур,
Қуш шодлигин англаш ўзи ҳам бир бахт...

1974

ҲАЁТ КЕМАСИ

Ҳаётим кемаси сузади ҳамон,
Эшакакни отсам ҳам силжир илгари.
Ортада қолган йиллар — олтиндай хирмон,
Бутун мулким берсам етмас олгани.
Неки қўлим тутиб,
 кўзим кўрганни,
Борин ютди ҳаёт тўлқини — тарих.
Шундан баҳоримга кузнинг киргани,
Шундан лола рухсор бўлгани сариғ.
Лекин томирларда сизиб юрган қон
Ҳаётга ишқ бўлиб ундайди олға.
Аллаким шодлиги,
Кимнингдир пинҳон
Ташвиши
Кемамни сурар нақ дарға.
Шу кимса тақдири бўлиб менга куч,
Олиб юрар тўлқин оппоқ ёлида.
Бахтли бахти-ла банд,
Дардли келса дуч
Силжимамай қоламан унинг ёнидан.
Гарчанд кимга ташвиш, қувончдан суюқ?
Дейман:
Ташвишингни ташла елкамга!
Дарға, майли вазмин бўлса ҳамки юк,
Икки эшқақ бўлдик!
 Дадилроқ ҳайда!

1974

МЕН ХАСТАХОНАГА..

Мен хастахонага олиб кирдим шеър,
Таним сирқиратган дард билан эгиз!
Томир тутган қўллар,
нигоҳлар меҳр,

Даволашар мени.

Фикримни бигиз —

Симон тешар ўйлар ҳайдаб дардимни
Оқликдан чақнаган хонам тўлдирад.
Тўлдириб бир нурга хаста дилимни
Дорисиз, игнасиз дардни суғурад.

Ҳаво танқислиги,

Епиқ эшиклар —

Ғойиб,

Гўё кўкка улкан дарча бор,

Мен сочим учидан оёғимгача

Ширин дардни сезиб ётаман бемор.

Кимга кумуш игна бахш этган ором,

Кимни уйқу дору қўйган элитиб.

Барин посбонсимон бедор, беором,

Сезгир ҳамширалар, гўё беасаб —

Бир меҳр кафтида сақлайди бедор.

Ўйлар:

Мен ҳам уйқу қучоғида маст,

Кундан-кунга тандан кетмакда ғубор...
Ҳа, бир кун бир дам бўш қолар бу қафас...
Кимдир келар:
Мен шод тарк этган замон...

О, сахий ҳамширам, тунинг бўлсин тинч,
Назаринг тушмасин гўшамга томон.
Уйқу сенга!
Мени шеър номли севинч
Йўқлаб оқ хонамни қорди ифорга.

Биласизми, танга сиз берган сиҳат
Бир хазина, мендай қаламга зорга.
Тушингизга кирсин биз айтар раҳмат...

1974

ДОКТОР

Хайрият ўпкани олипти шамол,
Дил соғ,

Балки уни сақлади тилак?
Биламан, дилда шеър очмоқ-чун жамол,
Ўпка ҳам ҳаводай, юракдай керак.

Хайрият!
Тиббиёт олами гавжум,
Ҳар кун бир юлдузи келар қошимга.
Томирим, қалбимни салобат-ла жим
Тинглар! Етмасмикан бу дард бошимга?
Недан ўпкаларда ножўя товуш?
Недан қонларимда камайган кураш?
Балки кузимга ҳам суқилмоқда қиш?

Доктор,
демак, сўнар сеҳр ва оташ?..

Доктор!
Қонда жавлон урганда тўфон,
Ўпкаларга ҳаво уради ўзин.
Кумуш игналардан сиз берган дармон
Меҳру,
Илтифоту,
Керак бўлса қон,
Афсус, даволайди тананинг ўзин!
Табиат қонуни шаддод, беомон..,

1974

УТИНЧ...

Очинг деразани, ерга бир боқай,
Нигоҳимда ёлғиз тоғнинг чўққиси.
Ерда кўпчиётган ҳаёт-ла оқай,
Менга бугун ёқмас қору муз туси.

Ювиниб, таранган қизлардай дарахт
Танаси ялтирар нурсимон силлиқ.
Баҳор қучоғида минг хил либос тахт,
Ҳадемай, ҳар бири бир жаҳон янглиғ —

Минг бир тароватда очади жамол,
Баҳор кийгизади уларга либос.
Дераза очурга қўлда йўқ мажол,
Борлиғим истагу чанқоқлик, холос.

Баҳор янглиғ рассом ўтмасин ёнлаб,
Ранглари кирмаса, кирар нафаси.
Қушлар учар пати офтобда порлаб,
Гар ўзи кирмаса, кирар-ку саси.

Очинг деразани, ҳарир пардалар
Икки ёнда турсин икки келиндай.
Мени қучсин ташқи тирик зарралар,
Еллар ачоғласин суюк кийимдай.

Бодом новдасида бўртдими куртак,
Бинафша қўлларим қолдими кутиб?
Ёшликдаги каби нам қилиб этак,
Ётиб ўпмоғим шарт ҳар бирин тўйиб...

Очинг деразани, қалбим мусиқа истар,
Бу кун сизди жоним не туҳфа ҳаво.
Танимни нокирак бир дард иситар,
Офтоб,
Зангор осмон.

Еллардан даво —
Тилаб, оқ тўшакда ётаман ёниб,
Ерда уйғонмоқда бутун мавжудот.
Ўтинч:
Бир меҳрибон қўлларга олиб,
Отинг, яна қучсин шу соғлом ҳаёт...

1974

ЮРАККА АМР ЙЎҚ...

- Юракка амр йўқ, севгидан ўзга,
Табиат ўзи ҳам бу бобда ожиз.
Кўрганда дилу тил кирмаса сўзга,
Баттолми, мумтозми — севгили деймиз.

У баттолни олиб бўлмайди пулга,
Олтин занжир билан бўлмайди боғлаб,
Туҳфа-ю, мадҳия сололмас йўлга,
Дилга дил-ла кирмоқ бўлмакни чоғлаб —

Ўтли бир нигоҳ-ла қилурлар чил-чил,
Парчинида сўнгра қолурлар яшаб.
Иккита қирғоқни қанот қилиб дил,
Инжитиб, сийлашдан кетади яшнаб.

1974

ҚАЙДА ҰЗ СЕВИНЧИМ...

Ұқилмаган мактуб,
Тақилмаган зийнат
Нодаркорлар ичра ётар кесакдай.
Узоқроқ,
Хилватроқ кунжакка иргит,
Нақ жарроқ пичоғи — кайфинг кесардай!
Шундай ҳам нобутун кўксинг қўйсин тинч!
Тухфалардан баланд,
Синчковликка ёт,
Севинч!
Қайда ўша қайтмовчи севинч —
Қўлга тутолмагум бебаҳо бисот?!

1974

УТТИЗ КУН

Мана, ўтиб кетди қиммат ўттиз кун,
Уттиз кун ётаман авай-ардоғда.
Гоҳ ойдан тўкилган нақ аччиқ тутун —
Қор ёғар,
Гоҳ шуъла ўйнар ётоқда.

Қордай шошмай яйраб келади учгум,
Ҳамма дард,
Ташвишдан,
Хаёлдан холи,
Сеҳрли шуълани борлиқ-ла қучгум,
Шуълага етмак ҳам энди бир толе!

Уттиз кун!
Умрдан қоқ бир ой демоқ.
Неча оyi қолди ҳаёт йўлида?
Начора!
Ким бир кун,
Бир дамнинг бир чоқ
Сониясин тутиб қололмиш қўлда?..

1974

КЕЛИН ТУШДИ

Қўшнимиз уйига тушмақда келин,
Ҳовлию кўчани забт этган карнай.
Пайвандлаб бир куйга икки ёш дилин,
Қадим-қадимлардан келиб куйлар най.

Сурнай гоҳ наво-ю, гоҳ ҳинд наъмасин,
Неки бор — янгратар қай куй бўлса урф...
Бизнинг ҳовлида ҳам тўйнинг нафаси,
Менинг дилимда ҳам баҳор урди қулф.

Келин-куёв қалбин тўлдирган шодлик
Тўлқини тинмасин сурнай мисоли:
Қафтда тутмас тўйдан тантанаворлик,
Ҳаёт боғи гоҳ тинч,
Гоҳи бўронлик.

Оғирлик елкада,
Иқбол ўртада
Боқий қолсин жуфт-ла севги висоли.

1974

ПУШКИНГА

Мен — шарқлик.
Шарқликлар удуми шундай:
Азиз кишимизни Сиз деб атаймиз.
Россия тунидан туғилган кундай
Дилимиз ёритиб яшар даҳонгиз...
Шарқ — шоир макони,
Шеър — юрак қони,
Биласиз, шеър демак — дилдираган жон,
Қул қўли кишанда,
Тул ғамга банда,
Зулмдан ҳориса шеър битган хон.
Хонлар ўтди қуллик аравасида,
Қўл эмас дилдан ҳам кишанлар тушган.
Сизнинг Россия-ла
Бизнинг эллар ҳам
Бир бутун юракдай бедахл гулшан.
Яхлит гулшан элда йиллар заргари,
Халқ ўлмас зарларни терди саралаб.
Шеърят боғида,
Минг хил либосда
Рус қалбин бетакрор сўнмас бир созда
Сиз куйлаб юрасиз диллар оралаб.
Ёнингизда Шарқнинг мўйсафидлари —
Навий, Фузулий, Ҳофиз асрлар
Ўта келиб сиз-ла қуради суҳбат.
Бир орзу, бир дард-да чақнар сатрлар,

Еритар чеҳрангиз ҳудудсиз шуҳрат,
Шеър тожи ўлмаслик аталмиш қисмат!
Александр Сергеевич! Қисмат не жумбоқ,
Гоҳ у тоғ чўққиси, гоҳ у тубсиз чоҳ!
Ишқдан, эзгуликдан,
Дард, ҳақиқатдан
Йўғрилган мисрлар дилларга ҳамроҳ.
Йиллар Сизга келиб ўтади бойиб,
Диллар ўз меҳри-ла шаънингиз ёйиб,
Замон ўтган сари чақноқроқ ҳар сўз.
Уқ тешган танингиз она-Ер қучиб,
Дилингиз ҳар сўздан боқар нақ юлдуз.

Мана, мен ҳам ўз-ла қолган чоғимда,
Дил ё хит, дил ё шод истаб суҳбатдош,
Навоний ё Сизни қўлга оламан.
Менинг аёл қалбга Лайли, гоҳида
Татьяна бўларкан энг мунис йўлдош,
Аёл буюкликни куйлаб қоламан.
Ва нақ Сиз бошимда зукко муаллим
Турасиз, мен сўзга бераман пардоз.
Буюкликка шогирд, заиф қаламим
Ўлмас музангиздан олади парвоз.
Навоний демишки:

«Шеър — дил ҳамроҳи».

Бугун юлдуздан кўп Сиз ҳамроҳ диллар.
Қани эшитсангиз, қай жаранг, оҳанг
Ўқир ўз тилида Сизни не эллар!
Янги тонг отмоқда, кекса асрда
Гўдакка кўкрагин тутади она.
Қим билсин, қай уйда ва қайси тилда
Янграр сиз тинглаган ё битган алла...
Она қалби Сизнинг шеърдай сертўлқин
Келажак қўлига бермакда бугун.

1974

ҚУТЛОВ

Бизнинг азиз макон — ёшлик юртимиз
Бугун эллик ёшга тўлдими?
Бу йилларда неча минг-минг қиз,
Думбул келиб, отин бўлдими?
Бизнинг чанқоқ диллар,
Бизнинг чанқоқ йиллар,
Кечамиди, ўтган йилмиди!
Қайноқ бағрин очиб,
Дилга нур сочиб,
Ярим аср чопиб елдими?
Қани ўша чопиб ўтган,
Ўша шошиб ўтган,
Домлалар умри-ю, бизларнинг ёшлик!
Домладаги санъат ва матонатга,
Тишни тишга қўйиб боққан тоқатга
Мушкул бўйинсинган бизнинг

бебошлик!

Қани ўша бизнинг жон қулоқ бўлиб,
Домлалар ҳар сўзни ҳаводек ичиб,
Ҳали ҳаёт ўзи, ҳукмрон бўлиб
Мурғак диллардаги саволни ечиб,—
Битиб улгурмаган онгларимизга,
Домлажонлар фанга дарча очган он?
Сўнг унинг сеҳридан тонгларимизга
Неча тун уланиб, уйқулар қочган
Замонлар ҳаммаси биз билан бирга!

Эзгу шуур каби номингизда жо!
Бир дарахт ўтказган бўлсак бир ерга,
Демак, ўгитингиз этибмиз бажо!
Ҳаммаси, ҳаммаси ёшлигимиздай,
Бериё ва бедоғ сўнмовчи оташ,
Барча илк таълим — дил қуёшимиздай
Порлаб турган нурни Сиз этгансиз бахш!
Ҳамма илк тасаввур, ҳамма илк туйғу
Онамиз сутидай қолар бир умр.
Ленин номидаги Билим уйи бу,
Шундан дилимизда тоғдайин ғурур!
Ҳар билимга чанқоқ,
Домлага мафтун,
Ҳар кун битта фанга ошиқлик қани?
Қандайдир ғалати ширин бир тўлқин
Ақлу ҳушинг олиб шайдо қилгани?
Ҳаммасин, ҳаммасин мулки шу даргоҳ,
Биринчи севгидай яшар бир умр,
Ҳатто танбеҳлар ҳам эсга тушган чоғ,
Ота меҳри каби бағишлар ҳузур!
Эллик йил, биламиз, эмас эллик кун,
Беминнат хизмату яширин азият —
Домлалар сочига кумушдан кукун
Сочганин энди биз англаймиз албат!
Сизнинг жаҳондай кенг илиқ кафтлардан
Учган ҳар қушингиз лойиқ парвозда.
Ўқийсиз: меҳримиз сўнгсиз хатлардан,
Тинглайсиз сиз берган биздаги создан.

Эллик йил орқада! Шухратли-шонли,
Олдинда ажойиб йиллар, асрлар.
Қутлуғ бўлсин эъзоз, тантана, шодлик
Муҳтарам домлалар, бахтли насллар!

1974

ЛОЛА

• Лола,
Лола,
Бутун коинот лола,
Кўзим қамашади,
Ақлим завқдан лол.
Унгирга тўкилган қизил шалола,
Пойимда бепоён ол гилам мисол —
Боқаркан кўз каби тўлиқ зиё-ла
Босиб,
Йўлим давом этмагим маҳол.

Ёшлик экан:
Босиб,
Янчиб ўтганман,
Лолалар ёнигин домига тушиб —
Енига борибоқ, ёнлаб ўтганман,
Ўзгасин жилваси дилимда жўшиб.
Ўзганман,
Юлганман илдиз-ла қўшиб,
Қучоғим тўлдириб кўзга суртганман.
Салқин кўрпасига узала тушиб,
Қуёшдан лоладай қўшиқ кутганман.

Тушда юлдуз чўлин кечганман тоғда,
Булут силсиласин ўтганман яёв.
Мен маслак йўлида умтилган чоғда

Бўлмаган мен кесиб ўтолмаган ғов.
Энди-чи? Лолани топтаса биров,
Ё яшноқ бир гулни бўлса узмоқдай,
Ўйлайман:
Лола чўл улкан ёноқдай,
Қуёшдан,
Баҳордан ял ёниб лов-лов —
Шу фусун,
Гўзаллик она тупроқда
Беҳадлик яшнасин,
Мен бўлай аёв!
Завқимни чодирдай ёзай ардоғда,
Узмоққа ҳеч кимда дил бермасин дов!

1975

ИЗЛАЙМАН...

Фикрлашдан бошу
Дил толганида,
Ишли онлар ўтиб, эл олганда дам.
Ўзим учун юлиб вақт олганимда;
Худди юрагимдай мунис бир ҳамдам
Ёнимда йўқ бўлса,

Уни излайман.

Баҳорга шошқинсам жаннат қилган дуч,
Сўйлашга талпинсам ўргатган куйга.
Жўшқин давраларга журъат берган куч
Буюк,
Боқийлиги фарқ этиб ўйга,
Қонимга суқ солса,

Уни излайман.

Бағримдан узганим — бағри-ла хурсанд,
Қонимни берганим — бахти-ла гулгун.
Хусни мендан кўҳлик,
Парвози баланд,
Меҳри бир жонимга солиб минг тўлқин —
Сигмайин жўш урса,

Уни излайман.

Қунлар қанча шодлик,
Қанча ношодлик,
Қанча иш,
Қоҳишга этар рўбарў.
Жаҳонга сиғмаган севинчга нордек

Келиб бир баҳамни қилганда орзу,
Тақдир тўсиқ бўлса,

Уни излайман.

Излайман!

Биламан, топмайман уни.

Зотан, ўзим уни қачон йўқотдим?

Фарзанд,

Набиралар туғилган кун,

Мен уни ҳар сафар Абадга топдим...

1975

ТУН ТУЛА ҚУШИҚҚА

Наздимда тун тўла қўшиққа,
Лекин уни тинглаб, тингламаган бор!
Кундузлар бахш этган шодликка
Маст бўлиб тунларни кутар зор.
Тун менга содиқ дўст сингари
Еп-ёрқин багрини очади.
Зугмимдан бир нафас тингани,
Қовжироқ кўзимдан уйқулар қочади.
Қочавер,
Кетавер,
Кутганлар сени кўп!
Оз эмас тун кўксин тешганлар мен сиёқ.
Кундузнинг қуралаш ишлари элаб хўп
Ўткизгач, дилларни тинглайман яхшироқ.
Заводлар юраги тинмайин яқину йироқда
Эл учун,
Мен учун ишлайди.
Шаҳримга сочилган саноқсиз чироқлар
Ҳамшаҳарим рўзғори,
Бахтидай яшнайти.
Кимлардир елади биз томон;
Тунлардан юқори,
Юлдуздан пастларда.
Минг сомон йўллар-ла кесилган бир осмон,
Мезбонлар мазгилин картаси дўстларда,
Келишар,
Кетишар
Ва лекин юракда

Уловга тобемас муқаддас йўл ҳам бор.
Меҳрдан поёндоз тўшашга,
Элчилар юбориб энг учқур санъатдан
Жаҳонни чорлашга бир ўктам ҳаққим бор.
Кундузлар етмаслик ишим кўп,
Ҳар юртга ақалли бир мактуб,
Ҳар дўстнинг қўлига парчалаб бир қалбни
Тутқизгим келади бу замон.
Муқаддас юртимда кезувчи нур жаҳон
Ҳақида бир ўтдай шеър ёздим мен қачон?!
Ҳар бири — бир дунё, инсонни кўтариб қўлда даст
Меҳнати қилади намойиш.
Мен шундай қудратли,
Бир танги,
Бир сахий одамлар сафига суюк, эш:
Чотқолнинг кўксига туғилган булоқдай
Қайновчи дилимда тугилар энг тиниқ минг фикр.
Кўзимга солинган энг сурбет қуроғдай
Уйқуга чап бериб,
Барини шеър билан этаман мен зикр:
Уззукун ишлаган деҳқондан мен бурчли,
Тунда ҳам тинмаган ишчидан мен хижил.
Шу сабаб тунларим кундуздан ҳам ишли,
Энг ёрқин,
Энг тиниқ қўшиқлар тинглар дил.
Тинглар дил
Ҳар аёл достонин,
Тонг саҳар паллада айтилган алласин.
Сув ости ўлкасин
Ва ойнинг кўлкасин,
Ғунчалар лаб очган фусункор палласин —
Қўшиққа солмоқ-чун
Наҳот мен кўрганман?
Уйқуга тўймасам, тўймайин,
Айтнинг-чи, қай замон мен нега тўйганман?!

1975

КЕЛАЖАК..

Келажак!

Бир умр кўзимда турасан,
Меъ сенинг барингни тутганда,
Тонг каби яшариб, орзуни қучганда,
Эртага чорлайсан чароғон
Кўрсатиб хаёлнинг оқ чақноқ силсила тоғлигин!

Эрталар!

Эрталар саногин сўнги йўқ,
Эрталар.
Эрталар ҳар бири шоҳ қўшиқ,
Энтикиб довлар ошмоққа юраман,
Чиқаман,
Тушаман,
Бораман бир ечмай истакнинг чоригин.

Келажак!

Сен эса замину қуёшдай йўлдасан бетўхтов!
Келаринг — борлиги сир, орзу,
Табиат ўзи ҳам,
Дониш ҳам,
Жоҳил ҳам қўёлмас унга ғов.

Билмаймиз:

Қўйнинг қўнжингда
Не сиёқ туҳфалар бўлажак,
Ким умрин энг синчков мезони — тарозу
Палласин қай бири не сиёқ тўлажак.

Сен жамол очасан:
Ҳар кун бир сабоқдай.
Юртимнинг,
Халқимнинг энг мумтоз иқболи сингаря.

Кечмишим ёлғиз бир алифбо — сабоқдай,
Сен эсанг мен тинмай уқиб ҳам ўқигум,
Куч етса атласдай қўшиқлар тўқигум,
Кўп гулшан,
Кўп улкан,
Кўп жозиб бир дунё,—
Бундайин акс этган на Фарҳод кўзгуси!
У — бизнинг бугунги кунимиз,
Эрта-чи?
Эртамиз на хаёл, на рўё,
Бугундан кўркам у,
Қон-қардош элларнинг дўстлиги қургуси!

Келажак!
Сен оҳу сингаря имлашдан,
Инсонлар орзусин онадай тинглашдан
Тинмаган сийнадай оқ майдон.
Биз — бугун кишиси!

Келажак — эртамиз,
Кўкка илк йўл солган авлодли ердамиз.
Замон-чи?
Яратиш дарди-ю шавқи ҳам,
Дил каби парвозли, ардогли шан замон.

Келажак,
Сен томон юрганим,
Қаламни сурганим,
Кўрганим сари сен кетасан югуриб
Ва сўнгсиз йўлингдан мен териб олажак
Меванинг сараси қолади тўкилиб:

Енгларинг қатида,
Рўмолинг учида,
Қанотинг патида,
Жаҳондай беқиёс дастурхон ичида
Кетади ҳеч битмас тилаклар тугилиб.

Чақмоқдай чўрт кесиб йўлингни тўсганлар,
Шиддату меҳнатдан муждалар югуриб,
Яшиндай ярқираб олдинга ўтганлар,
Қўлингдан тушиб.
Довонлар ўтишиб
Фазога учганлар авлоди бўлсам ҳам,
Укинчим битмайди,
Энг учқур илҳомлар қаноти — хаёлда учсам ҳам.
Қучоққа олишга.
Қўшиққа солишга дамларим етмайди!

Келажак!
Қўлларим етмаса-етмасин,
Куйларим битмаса, ҳеч қачон битмасин!
Келарлар қўли-ла битилур!

Мен чиққан чўққидан парвозга чиққанлар
Сендан ҳам суръатли,
Биздан ҳам журъатли
Силсиланг ошганлар етажак,
Ҳеч аср битмаган энг ёрқин,
Энг яқин қўшиқлар битажак!

Мен эсам шу куйни нақ ўзим битгандай,
Келажак минг йиллар ўркачин ўткандай
Қувонарман!
Қайтадан дилимда,
Чеҳрамда ёшликнинг,
Замонга эшликнинг, шодлиги барқ уриб кетажак!

1974

МУНДАРИЖА

<i>Салоҳиддин Мамажонов. Давр билан елкадош, халқ билан тақдирдош шеърят</i>	3
--	---

«Ҳаёт варақлари» китобидан

Озод қиз	25
Пахта	26
Мактаб йўлида	27

«Қизлар қўшиғи» китобидан

Буюр, Ватан	29
Баҳор кечаси	31
Баҳор	33
Нишондор қиз	35
Муҳаббат тонги кулганда	39
Қурдош қизга	41
Октябрь	42
Ҳожар	44
Сенинг мақтовинг	48
Қизлар қўшиғи	50
Кутиш	53
Чевар қиз қўшиғи	55

«Ҳижрон кунларида» китобидан

Ҳижрон	57
Гуллар очилганда	58
Сенинг мафтунинг	60
Олтин куз	61
Сой кечаси	63
Ҳижрон кунларида	64

«Ҳулкар» китобидан

Менинг Ватаним	67
Фарзанд	69
Палак	71
Қўлимда қуролу, устимда шинель	73

Видолашув	75
Бизни кут	77
Йигитларга	79
Эримоқда қор	81
Сулув тонг	83
Кўзларингда борми юлдузинг	85
Икки мактуб	87
Тун	90
Баҳор келди сени сўроқлаб	92
Она элда тўлишар наҳор	95
Ғолиблар қайтганда	98
Келинчак	100
Чоржўй — Қўнғирот	102
Сирень	104
Сенинг тонгинг	105
Қайинзорда	108

«Мен тонгни куйлайман» китобидан

Биз тонгни севган-чун	111
Далада бир кун	113
Дўстимга	115
Жануб оқшоми	119
Она	121
Юртимни куйлайман	123
Саодатнинг чет эллик бир хонимга жавоби	126

«Дугоналар билан суҳбат» китобидан

Ҳамма сафарбар!	131
Паранжисини ташламаган аёлга	134
Зоотехник қиз	136

«Юрагимга яқин кишилар» китобидан

Юлдуз	139
Бахтиёр севгини	140
Дейдиларки	141
Кечир, қолдим гафлатда	142
Сен қайдасан, юрагим	143
Не балога этдинг мубтало	144
Кўрганмидинг кўзларимда ёш?	145
Ҳаёт жилоси	146
Урик гуллаганда	147
Хаёллар : : :	149
Тожикистон хотиралари	152

Соғинганда	156
Март тонгида	157
Лобар қизларга	159
Тингла, булбул	161
Фонтан олдида	162
Ҳорманг, қизлар	163
Кўлда	165
Қор	167
Ўзбек қизи овози	168
Салом сизга, сулҳпарвар эллар	170
Чўпон	173
Тонг қўшиғи	175
Висол байрами	176
Бизнинг оналар	177
Партия сенга салом!	179
Қишлоққа, дўстим!	183
Колхозда янги йил	185
Бу ҳаётнинг	187
Юрагимга яқин кишилар	188
Учрашув	190
Мен коммунистман	193
Сеъзд ишламоқда	195
Ўғлим, сира бўлмайдн уруш	197
Янги йилинг муборак бўлсин!	199
Ватан тонги	200
Садоқат	201
Уша қуёш парчаси эди	203
Буюк туғилиш	206
Рашк	207
Нур	209
Салом, Миср!	211
Ўқувчимга	213

«Гулларим» китобидан

Гулларим	215
Қизчам	216
Қапалак	218
Лолақизғалдоқ	220
Тиллақўнғиз	222
Мен туғилган кун	224

«Шеърлар» китобидан

Мен чизолмаган сурат	227
Океанда	229

Кимни кутасан	231
Қатра	232
Қозоғистон ўланлари	234
Кўкчатов	235
Булут ўйини	237
Укпар жиғали	239
Балхаш оқшоми	241
Қармоқ	243
Йўлда	244
Дарахт	245
Она кўкси	246
Умр ўтмакда	247

«Ўйлар» китобидан

Ўйлар	249
Гузар	251
Оқшом	253
Кўзингда ёш дейсан	254
Раис шундай бўлса	256
Эмиш	259
Бахшиш	260
Кўзгу	262
Тун	264
Боғбон	265
Балки	267
Соҳилда	268
Кўзлари сузук	269
Муҳаббат — бу	271
Бир бола бор оти Алишер	275
Мироб	280

«Висол» китобидан

Ҳарорат	283
Қалбим қолган эди бу ерда	286
Ҳайкал	288
Хусумат	290
Суқ	291
Нечун таъна	292
Учиб кетди	293
Осмонда бир	294
Кўзгу олдида	295
Яна баҳор ҳоким	296

Уғирламанг қаламим бир кун	298
Орзуга айб йўқ	300
Менинг меҳрибон онагинам	301
Шалола	304
Шаббода	305
Қани саломинг	307
Ўзимга	308
Ойдинда	310
Олма	312
«Тўрга ташриф»	313
Соғиниб	314
Сенсиз	315
Таҳсину таъзим!	317
Хотира сатрлари	324
Менинг тонгим	328

«Йиллар, йиллар» китобидан

Қамалак	330
Узоқларда бир қуш сайрайди	334
Яна бугун баҳорга зорман	336
Шафақ	337
Бир даста гул келтирди қизлар	338
Мен туғилган кун	339
Ҳаёт бу	342
Қуёш узиб бер	343
Туғишганлар	345
Йиллар, йиллар	348
Булғорня	349
Нокерак ҳаяжон	353
Бедорлик	354
Азиз туйғулар (<i>Туркум</i>)	355
Баҳор бўлмасайди	355
Невара	356
Мажнунтол	357
Наздимда	358
Боғлар қийғос гулда	359
Орзу	360
Бағрингдан қўйма	361
Мең ерда туғилганман	362
Мактаб очилди	364
Орада саҳифа қолибди бўм-бўш	366
Бўрон қучоғида	368
Мен ўтган умрга	370
Заковатга қасида	371

Далаларда кезмакда гашт бор	373
Исён	376
Бекор ўтган дамлар	377
Лавҳа	378
Ийманиб айтмаган	379
Долғали бир ҳаёт	380
Томчилар	381
Кўзларда юлдуз	382
Офтоб, сен борлигим!	384
Меҳмонлар келди	385
Ҳаёт кемаси	387
Мен хастахонага	388
Доктор	390
Утинч	391
Юракка амр йўқ	393
Қайда ўз севинчим	394
Ўттиз кун	395
Келин тушди	396
Пушкинга	397
Қутлов	399
Лола	401
Излайман	403
Тун тўла қўшиққа	405
Келажак	407

На узбекском языке

ЗУЛЬФИЯ

Собрание сочинений в трех томах,

том I



ВОДОПАД

Стихотворения

Редактор *Ш. Иногорова*
Рассом *Ю. Габзалилов*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *А. Азимов*

ИБ № 2961

Босмахонага берилди 11. 02. 85. Босишга рухсат этилди 29. 05. 85.
Формати 70×90¹/₃₂. Босмахома қозоғи № 1. Адабий гарнитура.
Юқори босма Шартли босма л. 15,20+0,36 вкл.+0,21 фор-
зац. Шартли кр.-оттиск 28,69. Нашр. л. 13,51+0,33 вкл. Ти-
ражи 10 000. Заказ № 1775. Баҳоси 2 с. 10 т.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
ЎзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқар-
иш бирлашмасининг Бош корхонаси, Тошкент — 700129. На-
воий кўчаси, 30.